

Тошкент
„ШИ ГВАРДИЯ“
1990й.

0 — 14
ОБИДЖОН, АНВАР.
Дардингни стадионда айт: Ҳажвиявий ҳикоя-
лар.— Т.: Ёш гвардия, 1990.— 2086.

Шарқнинг бир доно хукмдори «мен ҳалқнинг қаҳридан кўра
мазахлашларидан хупроқ қўрқаман», деган экан. Ёсаёй мас-
хараловчи кулаги жамиятимиздаги турли нуқсонларни йўқотишида
бизга кўмаклануъчи кудратли кучдир. Бундан ташқари, дардни
кўпинча кулаги билак сингилга ўргангани сабри метив ўзбек дилини
яшнатувчи хангомаларга ҳам эзалдан ўта ташна

Анвар Обиджон ушбу китобга жамлаган асарларида ҳалқининг
апа шу икки хислатини чукур ҳис қилгани яққол сеалиб туради.

Абиджан, Анвар. Земляне: Юмористические
рассказы.

Ўз2

A 470257020—45
356(04)—90
ISBN 5—633—00398—5

© Анвар Обиджон. Ёрликлар, 1990

ଶ୍ରୀକୃତ୍ତବ୍ୟାମି
ଶାନ୍ତିକାଳ
ବିଜ୍ଞାପନ



МАДАНИЙ ЗЎРАВОНЛИК

Хушёрхонага тушмаслигим ҳам мумкин эди, тил кургур панд берди. Йўл четида гаплашиб турган иккита милисанни кўриб, мен учун гўё вақтнинг аҳамияти бордек, соат неча бўлганини сўрадим. Ўн икки, деб бепарво жавоб қилди биттаси. «Тунги ўн иккими, кундузгими?» деганимдан кейин улар менга алоҳида эътибор билан тикилишди. Бир пайт қарабсиазки, икки қўлтиқда икки тирковуч билан оёғим ерга тегмай кетиб боряпман. Энди буёғи — «Фаргона тонг отгунча...»

Бахтимга хушёрхонадаги сув қувурлари таъмирланётган экан, мени чўмилтириб ўтирасдан, тўғри ётоққа олиб киришди. Навбатчи: «Анови олтинчи караватга ағдарил», деб четдаги бўш жойни кўрсатди.

— Мўмай иштараф олишни биласанлар, — деб навбатчига зарда қилдим мен. — Алоҳида хона беринглар.

Навбатчи индамасдан ташқарига чиқиб, эшикни шараклатиб ёпди. Тўртинчи каравотдаги мешқориннинг хуррагидан қулоқ батанг бўлганича гандираклаб бориб, ўзимни каравотга ташладим. Шу пайт биқинимдаги бешинчи каравотдан момақалдироқдек овоз янгради:

— Ҳов, умрингда кўрна кўрганмисан? Оёқни ёстиққа узатдинг-ку, палид.

Чап кўзимни қия очиб қарасам, районимизнинг энг обрўли лиёнистаси Юнус-градус рўпарамда ёнбошлаб ётибди, кайфим ёзилиб кетди. Гавдамни аранг кўтариб, илжайганимча унга қўл чўздим. У кафтимни қаттиқ турамлаб, кутилмаганда мени ўзига тортди.

— Кечадан бери бошогриққа даво тополмай ётибман, — деди у ёқамдан гижимлаб. — Қани оғизни оч, хидлаб бир хуморности қилайлик.

Юнус-градус булғор қаламирига ўхшап бурнини оғзимга тикқудек бўлиб, устма-уст чуқур нафас олди. Ҳар нафас олганда чехраси бир шамдан ёришиб борди. Нихоят ёқамни қўйиб юбориб, ҳузур қилганича пича сархушнамо тебраниб турди.

— Оҳ, оҳ, оҳ! Свежий экансан!

— Охирги юз элликтани отганимга ҳали ярим соат бўлганий йўқ, — дея фахрланиб жавоб қилдим мен.

Яна нимадир демоқчи эдим, тўртинчи каравотдаги хурракбоз уйқусираб, эрсак-терсак алжирашга тушди:

— Алдама! Биламан, ўйнашинг бор! Ё бир сўм бер, ё уч талоқсан!

Юнус-градуснинг қўллари асабий титраб, тишлари гижирлади. Огир гавдасини бесёунақай юмалятиб, нариги ёққа ўғирилди-да, хурракбознинг курагини мўлжаллаб мушт туширди.

— Мана сенга «уч талоқ!»

Хурракбоз қашқирнамо чўзиқ гингшиб қўйди-ю, уйгонмади. Мен фурсатдан фойдаланиб, секингина кўрина орасига кирдим, «балодан ҳазар», дея бошимни буркаб олдим. Юнус-градус бир зум ўзича тудраниб ётди, кейин қироат билан шеър ўқишга тутинди:

Жаннатда ҳам хуру ҳам май бўлармиш,
Ҳаммаси мўл-кўлу мўмай бўлармиш.
Биз маю маъшукни севсак арзийди,
Чунки оқибат ҳам шундай бўлармиш..

Сўнг у каравотимни қаттиқ тениб, дагадага билан сўради:

— Ҳов, палид! Буни ким ёзганини биласанми?

Индамай ётганимдан жаҳлланиб, каравотимни энди ағдаргудек қилиб тепди:

— Билмайсанми? Шундай машҳур шоирни-я?!

«Машҳур шоир» деганини эшитиб, тезда ўзимни ўнглаб олдим.

— Нега билмас эканман, — дея кўрнамдан дадил бош чиқардим мен. — Эркин Воҳидов ёзган.

Шундай дея, «...кўкси осмо-о-н ўзбеги-и-и-м», деб хониш қила бошлаган эдим, у узалиб туриб гарданимга мушт туширди.

— Мана сенга ўзбегистинг!

Кейин: «Умар Ҳайёмдек зотни билмасанг, ичib нима қиласан, палид», деб бўралай кетди.

Бекордан-бекор калтак ейиш менга жуда алам қилди. Ҳеч бўлмаганда эллик граммни талашиб ёқалашсанг бошка гап. Ўргилдим сендақа олимдан! Ҳайёмонлар билан нима ишим бор? Мендан райондаги буфетчиларни сўра...

— Сен-чи? — энди тўртинчи каравотдаги хуррак-

боими туртиб уйготди Юнус-градус. — Умар Ҳайёмни биласанми?

Хурракбоз «ҳм-м, ғм-м», дея пича алаҳсираб тургач, қатъий бош тебратди:

— Йўқ! Бу ерга кўп тушганман, аммо лекин Умар деган билан ётмаганман.

— Мана сенга Умар!

Юнус-градус хурракбозни бир зарбдаёқ каравотга михлади.

— Чаласаводлар! Маданиятсиз палидлар! — Юнус-градуснинг фигони фалакка чиқиб, ўринидан туриб кетди, хонада ўёқдан-буёққа юра бошлади. — Умар Ҳайёмни билмаган кўр бўлади! Кўрсан иккаланг! Кўрсан! Е ёлғонми?!

— Кўрман, — дея шумшайиб боқди хурракбоз.

— Тўгри, кўрман, — дедим мен ҳам чақчайиб туриб.

— Мана ҳоаир кўзингни очаман! — деб қаршимга келиб ёнбошлади Юнус-градус. — Қани, Умар Ҳайёмнинг кимлигини топмай кўр-чи? Сени бери бир маданиятли қилмасдан қўймайман!

— Яна зўравонликми? Намунча хўрлайсизлар? — дея туйқус йиглаб юбордим мен. — На гашқарида кун беришади, на ичкарида. Қани ҳақиқат?

Юнус-градус полдаги маймоқ ботинкасини олиб, аямасдан бетимга урди:

— Мана сенга ҳақиқат!

Қўзим олдида ўт чақнаб, увиллаб юбордим. Пешонамнинг пошнадаги нагал теккан жойидан шириллаб қон оқа бошлади. Қичқириқни эшитиб хонага кириб келган наяватчи нима бўлганини суриштирди.

— Пешонам-ку ўзи шўр әди, — дедим мен. — Ҳақиқатни талаб қилсам, баттардан пачоқлашибди.

— Ким урди ўзи? Нима билан урди?

— Мажбурий маданиятнинг дастидан дод! — деб бақирдим мен. — Маймоқ ҳақиқатдан дод!

— Бас қилинг, гражданин! — дея шўписани бошлади наяватчи. — Нималар деб валдираяпсиз? Қанақа ҳақиқат?

Тўртингчи каравотдаги хурракбоз тиржайиб туриб менинг ўрнимга жавоб қилди:

— Ве-ҳа-ҳа... Маймоқ ҳақиқат! Нагалиям бор!

МИНГ СҮМЛИК ПЎСТАК

Хотинининг яна жаги очилди-ю, юрагига санчиқ кирган Шавлаев ҳар сафаргидек кўчага қочиб қутулди, яйловга қўйворилган қирчангидек бош кўтартмай, сангдиранглаб бораверди. Бир пайт, туйкус бошланган ғала-ғовурдан сесканиб кетиб бундоқ қарасаки, кинотеатр бицинидаги хиёбонда турибди. Кинохонанинг тўғонни эслатувчи ланг очиқ эшигидан тошиб чиқаётган томошабинлар майдонга дарёдай ёйилиб боришаётпти.

Шавлаев гарқ бўлишдан чўчигандек беихтиёр киоска сари четланаётганида, нарироқдаги каттакон афишага кўзи тушиб, бирдан афти бужмайди, таъби баттардан тирриқлапиди. Шахсий ҳужжатида мулзамлик тамғаси каби бўртиб турувчи...» қаттиқ ҳайфсан берилсин», деган қора сиёкли ёзув кўз ўнгидан чагир илондек сиргалиб ўтди.

— Товламачилар! Фирибгарлар!

Собиқ амалдорлардан эканлиги пўрим ва силлиқсочлиги-ю, бекорчи ўспириналарга қўшилиб кундузги сеансда ўралашиб юрганидан сезилиб турган гўдаша киши тудранганича келиб, киоскадан сиёсий газеталар харид қилди. Сўнг тақирибон шеригига юзланди.

— Назорат бўшапиб кетди, — негадир қўлидаги газетанинг биринчи бетига бармогини бигиз қилиб туриб, гапирди у. — Давлат маблагини аямай совуришади. Шуям киноми? Бир пулга арзимайди! Бир пулга!

«Нима? Бир пулга арзимайди?» Шавлаевнинг тўсатдан зардаси қайнади, чидаб туролмади.

— Хей, оғайни чалиш, оғизга қараб гапиринг! Бу кинода ишлатилган битта пўстакнинг ўзи минг сўм туради.

— Минг сўм?! Битта цўстаг-а?!

...Киностудия бухгалтери ҳам пўстакнинг нархини эшитиб, худди шу алфозга тушувди, яъни кўзлари косасидан отилиб чиққудек бўлиб, айнан юқоридаги жумлани чинқириқ аралаш айтган эди. Сабабини суриштирмай туриб, намунча ваҳима қиласкераркин бу одамлар?

Бухгалтер қатъий тарзда талаб қилгач, ўша куни зудлик билан касаба союа ташкилотининг йиғилиши чақирилди. Тўпланганлар қисқа ахборотни эшитибок, тенгдан наъра тортиб юборишиди.

— Минг сўм?! Битта цўстаг-а?!

Кейин, мажлис ёқалашувга айланиб кетишига оз қолди.

- Нима, бизни қалака қилгани түпландингларми?
- Буёқда план ишкәл бўй туритди, шу тобда ҳазил-мазаҳга бало борми?
- Ўртоқлар, ўртоқлар! Ё Шавлаев ақлдан оаган, ё бўлмаса, буголтиришимиз гирт маст.

Профком раиси мажлис аҳлини тартибга солгунича анча куйиб-нишди. Бунга қадар шўрлик Шавлиевни аллақачон бир овоздан жиннинг чиқариб улгуришганди. Энди эса, осойишта бир кайфиятда воқеанинг сабабини суриштиришга ўтишиди. Тавба! Ишни шундан бошлашса бўлмасмиди?

— Кейинги ана шу фильмга завхоз... кечирасизлар, културний айтганда алминистратор бўлдиму бошим ғалвадан чиқмай қолди, оғайни чалишлар, — дея сузилиб гап бошлади Шавлаев. — Бозорма бозор ҳакиллаб юриб, Фарғона босмачиларига уч юзта париша тўйн топиб келсан, режиссер шартта брак қилди. Қошида айтмадимки, босмачиларимизга олача беқасам кийдира-миз деб. Ундан кейин артилда ўтирволиб, қизилларга беш юзтадан ортиқ будённипка тиктирдим. Туркман полкига миллий қалпоқ ахтариб Ашхободга бордим... «қалпоқ бозори қайдадур», деб. Охири, «максим» деган пулемётниям ўзим ясад бердим, ўзим. Печкани карнайидан ясадим...

— Студиядаги пулемётлар-чи? — унинг сўзини бўлди ёш актёр.

— Киноларимизнинг ярмидан кўпида босмачилар минан уришаверганингдан кейин, сенларга қурол етказиб бўларканми?

— Шавлаев, — профком раиси қаламни столга тиқиллатиб, босиқ оҳангда сўз қистирди, — жуда ўтлаб кетяпмиз.

— Гашниям чандир қилвордилар-ку, — дея луқма ташлади кекса монтажчи.

Шавлаев бурининг учидаги терларни сидириб ташлагач, кафтини рўмолчага артди.

Югурасан, еласан, яна пайти келса раҳмат дейиш ўрнига сени талон-тарож қилишади, — деди у баттардан жиг-бийрони чиқиб. — Масалан, Қизиқумда бир ной ботинкамни қаламуш поқкос еб кетди. Уч юз сўмга тушдим, оғайни чалишлар!

Пўстак минг сўм, ботинка уч юз, — қўлни шоп

қилганича сапчиб ўрнидан турди оператор йигит. — Бу қанақаси, ўртоқлар? Майнавоэчилик эви билан да.

Шавлаев аччигланиб оёғи билни қаттиқ дўпиллатди:

— Охиригача эшитсанглар-чи, ахир! — оператор елка қисиб, индамай жойига ўтиргач, у бир тамшаниб олиб, давом этди. — Ўзим нима гамда ю, чет эллик савдогар ролида ўйнаётган артист «менда ортиқча ботинка бор, бепп юз сўлкавой берасиз», деб тиржайди. Аввалига боплаб бўраладим. Кейин қарасам, аҳвол чатоқ, айни саратон пайти, атроф сахро, ер чўг бўлиб ётибди. Ярим кун савдолашиб, уни зўрга уч юз сўмга кўндиридим.

Ҳар жой-ҳар жойдан қиқир-қиқир кулги эшитила бошлади.

— Шавлаев, Шавлаев, — қаламни яна столга тиқиллатди профком раиси. — Тағин ўтлаяпмиз.

— Пўстакка қайтайлик, пўстакка, — безовта қиёфада қатъий қилиб гапирди бухгалтер.

— Пўстакми?..

Шавлаев ечинишга ечиниб қўйиб, сувга тушипига юраги бетламаётган одамдек елкалари титраганича ишча жимиб қолди. Ниҳоят, шалвираб туриб деди:

— Хуллас, режиссёр «пўстак топиб келасан», деб дўқ урди. Ўттизинчи йиллар эмаски, истаган хонадонингга кириб, қарзга пўстак сўрасанг. Режиссёрга шуни айтсам, «биронта новвоснинг териси бўлса бас, ўзимиз уни қуритиб пўстак қиласиз», деди. Хўжайнининг гапи бизга қонун, минг сўмга новвос олиб, пўстини шилдик. Гўштни списат қилвориб, терини пўстакка айлантиридик, ҳаммасига ҳужжат бор, оғайни чалишлар.

...Асабий жавраниб тарқалаётган томошабинлардан бири Шавлаевнинг ҳакар конушни эслатувчи туфлисини бамайлихотир эзиб ўтаетган пайтда унинг хаёли бўлинди-ю, тўсатдан эски тутқаноғи хуруж қилиб қолди:

— Ҳў, бола, кўтар шиншагингни! Оёгимдаги нарса уч юз сўмга келган-а!

Силлиқсоҳ киши бу сафар негадир ҳайратланмади, тақирбош шеригини елкасидан туртиб, у билан зимдан кўз уринитирди.

— Кетдик. Бунда озгина камроққа ўхшайди.

Тақирбош бир-икки қадам юриб-юрмаёқ, бидирлашни бошлаб юборди.

— Э-э, одамзотни билиб бўлмас экан. Қаранг, кўри-

нишидан соппа-соғ дейсиз. Мен галварс, пўстакни минг сўм деса, оғзим очилганича ишониб ўтирибман-а... хих-хих-хи...

- Сиз-ку энди... Мени айтмайсизми!
- Хих-хих-хи, хих-хих-хи...

1986

ХХ АСР ТАЛОНЧИЛИГИ

Шаҳри азимнинг милицияси оёқка турди. Жиноят қидирув бўлими отпускадаги ҳодимларини шошилинч . чақириб олди. Милиция мактаби талабалари ҳисобига кучайтирилган автоинспекторлар жамики йўл ва йўлсимон жойлар устидан назорат ўрнатди. Дружиначиларга пахтавон ўқли қуроллар берилиб, вокзаллар, аэропортлар, бозор-гузарларга тарқатилди. Дала-дашт, кўл-дарё зоналарини кузатиш овчилар ва балиқчилар жамияти аъзоларининг зиммасига юкланди. Чет эл саёҳатида юрган тажрибали изқувар Мастонов Австралиядан, ҳалқаро мусобақада қатнашаётган таърифи исковуч Боръка эса Жакартадан қайтариб келинди.

Мастонов одатдагидек ишни бир чеккадан, омбор қоровулини тергов қилишдан бошлади.

— Ҳовлиқилмасин, отахон, — дея қоровулнинг ҳаяжонини босишга тиришди у. — Чуқур ўйлаб кўрилиб, аниқ-аниқ жавоб қилинсин. Талончининг қиёфаси?

— Турқими? Турқи совуқ! — зардали товушда сўя қотди қоровул.

— Қайтараман, ўпка босиб олинсин! — деб огоҳлантирди Мастонов. — Воқеа бир бошдан гапирилсин. Ёлғон қўшилмасин. Ухлаб қолинган бўлса, яширилмасин.

Охирги гапни эшитиб, қоровул терговчини жеркиб ташлади:

— Ие, вей, тик турганда қоровулхонамга зўрга сиғаман-у, ухлаб бўларканми? Буни устига тўрт-беп кундан бери қулогим огрийди. Кечаям бемаҳалда ёмон лўқиллатди. Билдимки, доридан томизмасам тинчитмайди... Муни қаранг, начайлик, қулоқ оғриқقا энг зўр даво ёш боланинг пешоби экан. Биринчida ўқийдиган неварам бор, кенжасидан каттаси, шу тирмизак десан-

гиз ҳар куни бизга дори етиштириб беради. Қулига битта шаколатни ушлатаману, энди жўмракни очинг, деб пивоҳўрлардан қолган шишани тутаман, тезда чилдиратади...

— Гап айлантирилмасин!

— Хулласи қалом, ўша дорини қўлга олганимни биламан, эшикнинг зулғи узилиб, хиром этикка ўхшаган бир гурсимос устимга бостириб кирди. Мардақдек қотиб қолдим. У индамасдан чаңгалимдаги шинаки юлқиб, чайпаб кўрди, «Олтинчиникими?» деб сўради. Баттолни қаранг-а, олтита набирам борлигиниям биларкан. Мен тўғрисини айтдим, «бешинчиники», дедим. Шунда у дорини кўпиртириб шиёлага ағдарди, икки ҳўплаб, бир гўлқиллатди. Пиёламни қатронбоп қилгани етмагандек, ачитиб қўйибсан деб сўкинди. Неварам доим ёнимдамидики, дарров ачимаганидан қўйдирсам...

— Бўладигани гапирилсин! — дея тоқатсиolandи Мастонов.

Қоровул бир зум сукут сақлагач, хўрлиги келгандай лунжини бужмайтириди.

— Қўрқитди мени... Отаси тенги одамни сенсиради. «Эртага тирик юрай десанг, ҳоайрча ўлиб тур», деди. Қўрначамга чалқанча узалиб, кўзга қулф солдим, оёқ-қўлимни мурдадек шалвиратдим... Улганимдан кейинги ишларимни билмайман, начайлик.

Мастонов ғаладондан болишдек альбом олиб, қоровулнинг ёнига ўтиб ўтириди. Суратдигилар орасида ўша қароқчининг бор-йўқлигини аниқлаш ниятида саҳифаларни шопимасдан варақлашга киришди.

— Ие, вей, манавиниси общепитимизнинг бошлиғи-ку! — дея альбомни ўзининг олдига сурди қоровул. — Ётиб чиққанми?

Мастонов индамади. Қоровул бошмалдоғига тупуриб, альбомни пайнаслай кетди. Ўртароқдаги саҳифалардан бирида яна тўхталиб: «Ие, вей, шу жувон ҳам ўгрими?» деб сўради. Мастонов «йўқ» дегандек боштебратди.

— Олиб сотарми?

— Олмай сотар, — сирли жилмайди Мастонов.

Қоровул гапнинг тагига етиб, суратга суқланди.

— Оти нима? Қаерда туради ўзи?

Мастонов юзини ўгириб, чуқур хўрсинди. Қоровул альбомни титкилашда давом этди. Ниҳоят суратлардан бирига титроқ бармогини босиб: «Мана! Мана шу!»

деди. Энди Мастоновнинг ўзи туйкус ҳаяжонланиб кетди.

— Яхшилаб қаралсин... Адашилмасин, отахон, адашилмасин.

— Алдасам каломулло урсин, начайлик.

Қоровул кетиши биланоқ Мастонов темир жавондаги қоғозларни ағдар-тўнтар қилиб, зарур папкани тоғди, айrim саҳифаларни дикқат бериб кўздан кечиргач, телефон паррагини гилдиратди.

— Саломат бўлинсин, ўртоқ полковник. Мастоновман... Шахсан шубха қилганимдек, омбор масаласи «Қорабуқа» лақабли номдор талончига бориб тақалияпти. Лаббай? Делоси қўлимда турибди. Жуда пихини ёрганлардан. Уч ёшида энаси сочига осиб юрадиган кумуш таңгани ўмарид, «шара-бара» чидан сурнай олган. Иккинчи синфда «Аълочилар ҳурмат таҳтаси»ни, учинчи синфда Авлонийнинг портретини, бешинчи синфда Макаренконинг бюстини ўғирлаган. Ўйда ўтин йўқ деган баҳона билан бир неча партани гумдон қилишда айбланиб, еттинчи синфда мактабдан ҳайдалган. 1951 йилда Н-қисмга қарашли «Т — 34» танкини олиб қочиб, бозорда харидор ахтариб турганда қўлга тушган. 1960 йилда омонат кассани, 1973 йилда тилла магазинни талаган. Бундан ўн бир ой бурун охирги жазо муддатини ўтаб чиқиб, ҳеч қандай касб-кори бўлмагани учун савдо растасида кооператив туалет очган. Навбатдаги жиноятга қўл ургунга қадар мазкур туалет директорлиги лавоаимида уалуксия ишлаб келган...

Кўп ўтмай, «Омбор операцияси»да иштирок этаётганларга маҳсус пакетчалар жўнатилди: «Барча постлар дикқатига! Икс кварталдаги игрек омборни «Қорабуқа» лақабли ашаддий қаллоб талагани маълум бўлди. Унинг ташки қиёфаси: барзангি. Япалоқ юзида иккита кўз, биттадан бурун ва оғиза жойлашган. Афти қорача, бироқ бетига упа суртиб олиш эҳтимоли бор. Алоҳида белгиси: қизил рангни кўрганда асабий гудранади. Беҳад уддабурон — автомашинани иккита ғилдиракда ҳайдай олади, сувда оқимга қарши минутига уч ярим мил тезликда сузади, оддий зонтишка ишониб самолётдан сакраши мумкин, оғзидағи носни беш қадам наридаги рақибнинг кўзига бехато тушуради. Қўлга олишда катта эҳтиёткорлик зарур. Жиноятчи нинг фотосурати «Тавсиянома»га илова қилинмоқда».

Изқуварларнинг «ғиз-ғиз»и кучайган сайин, олон мон ўртасидаги «миш-миш» ҳам авжга минаётганди.

— Қоровул чордоқда әкан. Пулемёт отиб, ўғрига теккизолмабди.

— Ҳе, аттаңг, гранатаси бўлганда-ку... Бунака ноёб мол сақланадиган омбор қоровулига граната бериш керак, ўтоқлар.

— Ирик бандитлар ҳозир ҳам бор экан-да, а?

— Ўв, яхшилар, ўзи нима гап?

— Во, ҳалиям гафлатдамилар? Эшитмадингизми, «Шира-ширгоқ» универмагининг омборига томтешар тушибди. Илгорларга рўйхат билан бериладиган шакардан бир қопини пақкос уриб кетганмиш-а!..

ЕЗУВЧИДАН ҚЎШИМЧА: магазинларда шакар тиқилиб ётадиган кун балки яқиндир. Аммо бу, ўшанда сатиранинг ҳам куни битади, дегани эмас.

1988

ДАРДИНГНИ СТАДИОНДА АЙТ

Судьянинг асабини эговлаш учун эндигина ҳуштак чалмоқчи бўп турувдим, стадион диктори бошини тандирга тиқиб олгандек пўнгиллаб гап бошлиди. Қулоқни динг қилдим. У рақиблар командасини танишириб келиб, «бешинчи номерда — Камол Каппонов» деса бўладими. Шу заҳоти феълим айниди.

Гап шундаки, ипхонамиздаям Камол Каппонов деган ўлакса бор. Бўлим мудиримиз бўлади. Қарангки, йигирма йилдан бери иккаламиз ит-мушукмиз-да.

Хуллас, фамилияси зълон қилинган пайтдан бошлаб бешинчи номерли ўйинчини ўлгудек ёмон кўриб қолдим.

— Хап сеними, Камол Каппонов! — дея мушт дўлайиб бақирдим мен. — Ўргилдим ўша турхатингдан!

Бақирдим-у, худди бўлим мудиримизни кўпчиликнинг ичидаги ҳақорат қилгандек кўнглим яшиаб кетди.

— Ҳў, Каппонов! — яна баҳри-дилим очилиб қичқирдим мен. — Кеккайишни сенга ким кўйибди? Ҳе, сўтак!

Шунда ёнимдаги суратдор кўйлакли ўспирин менга ўгирилиб: «Намунча Каппононга ёпишиб олдингиз, ана, у бечорага ҳали тўп теккани йўқ-ку», деб қолди.

— Камол Каппоновнинг кимлигини биласанми ўзинг? — бошқалар ҳам эшитсин деб жўрттага баланд товушда ганирдим мен. — Жудаям абраҳ одам у. Писмайиб туриб, шартта оёқдан чалади.

Бу гапни эпитетиб, атрофда ўтирганлар бешинчи номерли ўйинчига ола-кула қараб қўйишиди.

Шу пайт қанот хужумчимиз Шокиров тўп билан олдинга интилди. Стадионда яна «ҳая-ҳая» бошланди. «Ҳайда, хўроз», «Теп гумбиллатиб», деган қийқириқлар эшитилди. Шокиров жарима майдонига яқинлашиб қолган вақтда Каппонов бало-қазодек етиб келиб, унинг оёги остига ташланди-ю, йиқилаётib тўпни майдондан ташқарига тениб юборди. Бу мен учун айни муддао бўлди. Теваракдагиларни бешинчи номерли ўйинчига қарши қайрашни авж олдирдим:

— Кўрдиларингми абраҳликни? Ана сизларга Каппонов! Агар Шокиров эпчиллик қилмаганда, аллақачон оёгига тепки еган бўларди.

Енимда ўтирган суратдор кўйлакли ўспирин қўлини оғзиға карнай қилиб, гижинганича чийиллади:

— Қўзингга қараб ўйна, Каппонов!

Үер-буердан: «Упкангни босиб ол, Каппонов», «Орқангдаги номеринг тушиб қолмасин, хумпар», деган товушлар эшитилди. Мен бўлим мудириимиzinинг ўдағайловчи башарасини кўз олдимга келтириб: «Сендан қўрқадиган аҳмоқ йўқ, Камол Каппонов» деб бақирдим.

Шокиров — командамизининг Пелеси. Унинг тўп урмасдан ўйиндан чиқиб кетганини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Бомбардирни қўриқлатиб Каппоновга топширилган бўлса керак, эркатори хужумчимизга сира кун бермай қўйди. Бир сафар ундан тўп олаётib, ҳатто елкасидан сал туртиб юборди. Бўлим мудиримиза ҳам мени мана шунақа пинҳона туртқилагани туртқилаган.

— Дод Каппоновдан! — деб шовқин солдим мен. — Бу зўравонни тергаб қўядиган одам топиладими ўай?

Стадионда ҳуштакбозлик бошланди. Шокиров шундагина ўзига нисбатан қўполллик қилинганини сезиб, судъяга хўмрайганича ерга бир туфлаб қўйди.

— Мунча куюкасан, ука, — хўрлигим келиб, Шокировга нидо қилдим мен. — Дунёда ҳақиқат бор деб ўйловдингми ҳали? Ҳақиқат бўлса, Камол Каппоновга ўхшаганлар бизни оёқости қилиб юраган бўларди.

Атрофдан: «Каппоновни ҳайдаш керак», «Абраҳ

экансан, Каппонов», деган товушлар эшитилди. Менинг наазаримда юзлаб азамат йигит бўлим мудиризининг пўстагини қоқишга тайёр тургандек кўринди.

Тарафдорларим минут сайни кўпайиб бориб, биринчи тайм охирлаб қолган пайтда бутун стадион Каппоновнинг ашаддий душманига айланди. Ҳар томондан уни таҳқирловчи сўзлар эшитила бошлади. Бу ҳол судьяга ҳам таъсир қилиб, арзимаган нарса учун футболнчи Каппоновга сариқ карточка кўрсатди.

Енимдаги суратдор кўйлакли ўсирин бундан ўзида йўқ курсанд бўл кетиб, қўлларини бир-бирига ишқалаб қўйди. «Қалайсан энди, Каппонов?» деб чи-йиллади у. Судьянинг шанига қаратилган гулдурос қарсаклар янгради. Нариги трибуналан: «Каппоновнинг думи туғилсин», деган хитоб эшитилган чоғда, ниҳоят қатъий талаб билан чиқиш пайти келганлигини англадим.

— Фаламисларга орамизда ўрин йўқ! — деб ҳайқирдим мен. — Йўқолсин Камол Каппонов!!!

Шу пайт «бари бир ниятингга етолмайсан, иблис», деган ҳирқирок товуш чалинди қулогимга. Мундоқ қарасам, орқадаги қаторда гезартанича бўлим мудириmia Камол Каппонов ўтирибди.

1977

НИШОН БУҚОҚ ВА РИТМИК ГИМНАСТИКА

Телевизор янги чиққан даврларда Ҳабил кўкнорининг ҳужрасига йигилиб, пул тўлаб томоша кўрадик. Камхаржлар бир ҳовуч майиз ёки уч-тўрт калла новвот олиб киришарди. Ойнаи жаҳоннинг қулоги буралса, дўст-душманни ажратмай жилмаядиган бир жувон «ассалому алайкум»лаб чиқиб, ортиқча жалангламасдан гап бошларди. Кейин қарабисизки, Маъмуржон оға ли-кобчани ушлаб: «Бу куйган юракларни яна ёндирансанми», деб турибди-да.

Лезгинча этигимга бешик-олти ямоқ тушиб улгурмай, замона икки юмаланиб, энди биз тугул Мирзақанд — пиённинг томигаям антийна қўнди. Аммо, пашмак кўпайса маза камаяр, деганларидек, томошаларнинг добора будим кетди борашти. Кинодагиларнинг тайёр

лўпли юз турганда оғиздан ўпид аҳмоқгарчилик қилишям, депутатларнинг кимошдига мақтанишиям, дунё ахборотчиларининг серваҳималигиям бир нав. Энг ёмони — гади-ѓуди куй чалиб, саҳардан пешингача иескултура (кулманг, сизнинг шевангида балки фескултурадир, ё бескултурадир) кўрсатадиган бўлишиди. Қанийди, телевизёр тугурт баҳосида бўлса-ю, шунакада ҳар куни биттасини пачоқлаб, хумордан чиқсанг. Рақсга тушгинг келгаш экан, «шалтай-палтай»га иргишлагунча, опоқ отангдан қолган «у ёнингга ташлаб ўйна, бу ёнингга ташлаб ўйна»га йўргаламайсанми, лодон. Эсизгина Мукаррамахоним!

Эл олдига чалаялонгоч чиқибдики, бу иескултурачи қизларнинг шайтонга муридлиги бор, десам, гапимни мазах қилишарди. Охири фолчига айланиб турибманку: тунов кунги кўрсатув маҳали «бир» деганда хонада турган ўша қизлар «икки» деганда майсазорда, «уч» деганда — дарёнинг бўйида, «тўрт» деганда мармар саройининг томида пайдо бўлишиди. Шунакада юракдан чиқариб «беш» деворсанг, биронтаси тиззангга келиб қўнишдан ҳам тоймайди.

Тахминдан таёқ ясад айтганда, теливизёрчиларнинг орасида ҳуқуматнинг ганимлари борми дейманда. Айни тирсиллаб турган қизларга шундай доруломонда битта лозим топиб беролмаслик хориж олдила юртимизни беобру ќилмайдими? Райкомнииг кўзи қаёқда ўзи?

Баъзан бошқа нарсани ўйлаб қоламан — шуларни яйида тергайдигани бормикан, деб. Ота-ку қизга яримбегона. Ҳамма айб онада, бунақа «речим-репим» қизни шартта ўйга қамаб, балдоқчасининг тагига икки шапати тортиб, намозга ўргатсан — кунига беш маҳал иескултурами!

Яна буларнинг орасида ўсиринлар ўралашганига ўлайми. Баски чиқибсан, оёқчаларнинг орасидан мўралаб юрмай, дакан-дакан бўлиб олдинга ўт, турмаксочларни соянигга кўмвор. Туришип шу бўлса, қайси личноқ тақсан ота эртага сенга қизини бериб қўяркан?

Энг галатиси — ўйин тугани биланоқ ҳаммаси билагини чанглаб, девордаги соатга тикилишади. «Бир, икки», деб турадиган ўша кўринимас одам «ёшлиарники кўпроқ, қариларники камроқ уради», деганга ўхшаш гапларни айтиб, аллабалоларни ҳисоб-китоб қилишига тушади.

Э, суф-е! Яхшиямки Ҳабил кўкиори вақтида ўлиб

кетди. Тирик бўлганда, телевизордаги бугунги тўп-лонларни кўриб, кунига ўн марта шайтонлаб ийқиларди.

Ишқилиб булар, куюнтириб-куюнтириб, охири мениям бошимга етишмаса гўрга эди... Э, суф-е!

1989

ОШҚОВОҚСИЗ САТИРА

Бутун бопли шаҳарда мижозимга ўтирадиган ягона ошхона шу. Биринчидан, очиқ ҳавода овқатланаман, иккинчидан, ошқовоқсомса фақат шу ерда ёшилади. Ошқовоқ менинг жон-дилим. Айтишларича, болалигимдаёқ эндиғина хамаклаётган кадини маммага ўхшатиб, сўрганим-сўрган экан...

Иссиқ ошқовоқсомсаларни одатдагидек четдаги уч оёқли столга ёйиб, «эмис»ни бошламоқчи бўлувдимки, тепадан «Ҳаф-ғ!» этган тонуш эшитилди. Мундоқ қарасам, конверт чангллаган бир қарга бошимда шақилдоқдек айланиб турибди. «Кишт!» дедим. Қарга эса қочиш ўрнига бехос настта шўнгиди, хатни столга ташлади-ю, сомсалардан бирини чангллаганича яна осмонга кўтарилди. «Илойим, кекирдагингдан тешиб чиқсин!» деб қичқирдим «почтачи»нинг ортидан.

Конвертни олиб қарасам, устига: «Ошқовоқхона, четдаги уч оёқли стол, Маматвали Шампановга», деб ёзилибди.

Э, чаласавод! «Шанбанов»ни «Шампанов» дебди. «Шанбан»нинг «Шанба»дан келиб чиққанинг билмайди.

Сомсадан бир тишлаб қўйиб, хатни очдим. Сочиқдек қогозда тўрттагина сўз: «Маматвали ошқовоқ — сати-ратира-тирикчилик».

На имзо бор, на хайр-маъзур. Аммо муаллифи шундоқкина тирногимнинг устида турибди, шубҳасиз бу ўша писмиқ сатиракининг иши, ўша провокатор ёзган буни. Асарини янчиганимда айрим касбошларим: «Бекорга овора бўлсан, сендақаларнинг танқидига пинагиниям бузмайди», дейишганди. Алам қипти-ку!

Шу десангиз, отам аскиячи зотини солиқчидан ҳам ёмон кўтарди, «хиринглашиб ўтиргунча, сигирга бир қучоқ ўт юлиб берсанг, рўзгорга яrim коса, бозорга

икки коса қатиқ қўшилади», дерди. Мениям сатирикларни кўргани кўзим йўқ. Буёқда вагон-вагон масалалар ҳал бўлмай ётибди. Ҳажвчилар бўлса, ҳануз «хихи-хи», «хо-хо-хо», «ва-ха-ха...»

Мана, биттасининг ёзгани: «Бу одам ёстиққа оғини эмас, бошини қўйиб ухлаши, шўрвадаги карамни аввал қўлида олиб, сўнг қошиққа солиши билан эмас, қошиқни тўғридан-тўғри косага ботириши билан бошқалардан кескин фарқ қиласа-да, ҳануз жиннихона-да даволаняпти. Чунки у мудом ўша савонни такрорла-гани-такрорлаган: «Кимё заводининг мўрисини қачон судга берамиз?!»

Бунинг нимаси кулгили? Ёзуви биага нима демокчи? Мўрини «қора курси»га судрашга уринаётган одамнинг соппа-соглигига ҳалқни ишонтироқчими? Ишонтирганда ҳам, шу куладиган гапми? Жудаям одамларни кулдиргинг келган бўлса, ана, лоақол Бароқ Исрофилга ўхшаб қўрқмасдан чайқовчиларни мазахла, давлатга бир тийин фойда келтирмайдиган семичкафуршларни фош қил. Мўрига бало борми?! Э, ўргилдим ҳакалтаёқли сатирангдан!

Ўзимга қолса, бунақа субутсиз жанрга бош тиқиб, илмимни хор қилиб юрмасдим. На илож, устознинг раъйига қараб...

Бир куни устозникида ўтириб қолдик. Орада десангиз нозиккина идоранинг нозиккина вакили ҳам бор — кўринишидан мушукдек мулойим, аммо гаплари йўлтўсарнинг мушти сингари лўнда-лўнда.

Устоз мени азалдан яхши кўради, боиси — бирон марта кўзига тик боқсан эмасман. Бу сафар ҳам меҳри товланиб, меҳмонга боримни борича мақташга тушди: танқидчилигимизнинг зартонги юлдузи, калласи нақ билимнинг уяси, энг муҳими — ниҳоятда жасур, таъбиға ёқмаган ёки сиз билан биага ўхашаш китобхоннинг ихлосини қозонмаган асарларни тап тортмай саналаб ташлайди, деди. Шу йўсун гап қозонида адабиётни қовуравердик. Бир пайт «жаз» этиб, капгирга сатира илинди. Устоз кўзимга маънодор боқсан эди, «биласизку, бунақа жанрга азалдан тоқатим йўқ», дедим.

— Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида биз универсал бўлишимиз керак, — деди устоз. — Акс ҳолда сиз... айтайлик, мен ҳам четга сурилиб қолишмиз мумкин.

Юрагим бир жизиллаб қўйди.

Шундан кейин устоа мұқоваси рангпарроқ китобни олиб, әрмакка варақлаган бўлди.

— Қарангки, мана шуям сатирамиш, — деди у китобни менга узатиб. — Ўқиб чиқдим... Ҳеч нима тушунмадим... Гирт топипмоқ! Бир қишлоқи бола пойтахтга келибди, на иш, на бошпана, на ўзбекчиликни тошолмай, яна қайтиб кетибди.

— Ў! — дея сипо жилмайди меҳмон. — Шу замонда-я? Бизнинг жамиятдами?

Устоз уни маъқуллаб, бош қимирлатди:

— Ҳамма гап шунда-да. Шу типик ҳодисами?

— Кам бўлманглар-е! — дея мийигида кулди меҳмон. — Адабиёт шу даражага тушган бўлса, адабиётшунослик олдинроқ тугаб битган экан-да.

— Биламан, анчадан бери матбуотда кўринолмай юрибсиз, — деди устоз менга боқиб. — Шунга бир фикр билдиоринг... кўпчиликка аралаштириб бўлсаям... Босилишига ёрдам берамиз. Қолаверса, сизгаям тириклик дегандек...

Меҳмон ўша мулойим оҳангла яна гап қистирди.

— Бу авторнинг ижодидан анча узоқман. Лекин, айтишларича, тили сал уаунроқмиш. Бир жойда хатто танқидчиларниям...а? Бу қўйиб берса дейман... Униям курагини эзib қўядиганлар бордир?

Хуллас, курагини ўзим эзив қўяқолдим. Мана, энди типирчиласпти.

Буям ҳолва, устоэгинам омон бўлса, ҳали бошқа шогирдларини ҳам ишга солади. Оралатиб туриб, биттадан чўқиганимиздаем...

Умуман, номи сатирачи бўлса, ҳаммасининг бурни гиштга ишқаш керак. Ҳажга борганинг савоби тегади. Шуларнинг дастидан туппа-тузук хотиним айниди-қолди — ҳажвий китобни очволиб, қиқирлагани-қиқирлаган. Бугун уйда қиқирлайди, кейин ишхонада... кейин кўчада... Буёқда бир совет оиласига соvuқчилик туширгани етмагандек, яна қарғадан имзосиз хат жўнатишади, пешонангга лақаб ёпиштирмоқчи бўлишади — «плюс ошқовоқ» деб...

— Ҳа, айтгандай... ҳў, акахон, ошқовоқсомсадан, қолдими? Яна битта уаинг. Сатирачиларнинг учма айғоқчиси ризқимни қийиб кетса бўладими...

1988

РЕСТОРАНДА ТАНИШГАНЛАР

- Қаерликсан, оғайни?
 - Эшонгузарда тураман.
 - Ие, балки поччамни танирсан?
 - Опанг Эшонгузарга тушганми?
 - Йўқ, синглим. Исми Холиниса.
 - Холиниса дедингми? Тўхта, тўхта, ҳалиги ҳиндужамол жувон сени синглинг бўлмасин тагин? Қошлиари туташ. Ўртасида оғатижон хол. Топдимми?
 - Ҳм...
 - Юзлари лўппигина... Бодомқовоқ...
 - Ҳа, энди...
 - Калтабақай. Сочлари тақимини ўпид туради.
- Кўзлари шаҳло. Топдимми?
- Шу гапларни менга гапиришингни қара-я...
 - Артелда ишлайдими ахир?
 - Худди ўша. Биларкансан-ку.
 - Нега билмайин? У ҳар куни ишга кетаётиб ҳам, ишдан қайтаётиб ҳам дўконимнинг ёнидан оққушдай суэиб ўтади. Мана бундай қилиб...
 - Э, ўтире! Ҳаммага томоша бўляпсан... Хуллас, поччами учратиб қолсанг, унга мендан салом айтиб қўй. Хўпми?
 - Қизиқ одам экансан-ку. Поччангни умримда кўрмаган бўлсам, қандай қилиб салом айтаман?

1978

ШУМҚАДАМ

Олиймақом идоранинг нуфузли раҳбариятига етиб маълум бўлсинким, ушбу огоҳлантирувчи саломномани халқнинг ишончли фарзанди, кекса большевикнинг яқин қариндошидан деб фаҳмлагайсиз.

Биламан, ҳозирга келиб имзосиз ҳатларни текшириш афсуски русумдан чиқди. Шунга қарамай, мазкур муҳим хужжат билан чуқур танишиб, ундаги бебаҳо ашёларни ҳеч бўлмаса ичга тугиб қўйишишнинг истаб қоламан.

«Оғиз-қулоқ агентлиги» тарқатган гапларга қаранди, Даэмолов министрлик лавозимига тасдиқланиш арафасида турибди эмиш. Дарҳол бу фалокатнинг олдини олган маъқул. Шундай дейишга етарли асосларим бор.

Дазмоловни жуда яхши танийман, битта маҳалладанмиз. У, қишлоғимиздаги кекса чинор белидан чұрт үзилиб, обком вакили ўтирган аптамабилни таппа эзіб түшгандын өсіяйтсиз күнде туғилған. Үшандада бу воқеаларнинг бир-бирига шундоққина мос тушиб қолғанига әзтибор бериб ўтируған әдим. Аммо касофатманд бола бириңчи марта мактабга борганида юртимизда бараварига иккита Социалистик Мекнат Қаҳрамони вафот этгач, бирдан сергак тортдым. Балки сиз буният тасодиф дерсиз? Үнда, Дазмолов пионерга қабул қилингандын күни Американинг «Боинг» типидаги самолёти Тинч океан устида гойиб бўлгани-чи?

Еки армияга жүннатилишини олайлик — у ҳарбий эшелоннага чиқиб улгурмай, Грециядаги «қора полковник»лар қонуний хукуматни ағдариб ташлаши.

Полк, дивизия миқёсида қандай күлфатлар келтирғанидан бехабарман, лекин хизматдан қайтгач, станциядындағы заводда слесарь бўлиб расмийлашди-ю, орадан тўрт соат ўтмай, район ўт ўчирувчиларининг япяниги биноси ёниб кетди. У сиртдан ўқишига ўтганини «ювиб», шайкаси билан наҳоргача бемазагарчиликлар қилған күни эса Исройл Мисрга бостириб кирди.

Хатто шулардан кейин ҳам бу ҳол ҳеч бир маҳкамани ташвишга солмади. Турғунлик даврининг асосий иллатларидан ҳисобланған ўта боқибекамлик, атрофлича ўрганмасдан туриб кадр танлайвериш оқибатида Дазмолов аввалига мастер ёрдамчиси, кейинчалик мастер, кўп ўтмай инженерлик курсиларига ўтириди. Ана шундай кўр-кўрона силжитишларнинг ҳар бири бизга иккяйтда қимматга тушиб, биринчисида — Газлида зилаиля содир бўлди, иккяинчисида — қардош Гренадани Қўлдан бой бердик, учинчисида — Мексикада дунпадуруст ўйин кўрсатиб турған футбольчиларимиз шапалоқдек Бельгия мамлакати командасига ютқизиб қўйишиди.

Африкадаги қайсиdir президентнинг итини сўл террорчилар отиб кетишгани, шатижада республика бўйича бир ҳафталик мотам зълон қилингани эсингиздадир? Бу воқеа Дазмоловнинг айни директор этиб тайинланишига тўғри келғанига нима дейсиз?

У нобакор облисполком раисининг муовини бўлиб тасдиқланғанида юрагим безиллаб, эрталабгача ухламай чиқдим. Бу сафар ҳам янглишмаган эканман: совет радиоси каллаи саҳардаёқ зълон қијидики, Японияда

қаттиқ довул туриб, пассажир поездини кўприкдан учириб юборибди. Анча қурбон берилганининг асл сабабини Франс прессга сал шишшитгудек бўлсан, япон йигитлари ёпирилиб келиб Даэмоловниям, уни ишга тайинлаганларниям карата қилворишимасмиди?

Юқоридагилардан хulosса чиқариб айтсак, ҳалқаро вазият зўрга юмшатилаётган бир пайтда бу ашаддий шумқадамни жойидан қўзғатиб, яна бир балони бошлиши шартмикан? Сизларни босиқликка, сиёсий ҳушёрликка чақираман, ўртоқлар. Пухта ўйлаб иш кўринг, яъни олдингизда турган икки йўлдан бирини танланг — ё қайта қуриш, ё Даэмолов!

1988

ҚАЙДАСАН, МИЛИЦИЯ?

— Ҳалқ посбонларига салом! Қайси бирингиз бошлиқсиз?

— Мен...

— Қаминалари шоир. Яқинда китобим чиқади. Иш жойимда ҳурматим яхши.

— Ҳизмат?

— Бу қандай гап, ўртоқлар? Мен сурункали сукунатга ташна одамман. У бўлса, гоҳ телевизорни шангиллатади, гоҳ пластинка қўяди. Бас энди, десанг, балога қоласан. Урай десам...

— Гражданин, иложи бўлса қизишимасдан гапирсангиз.

— Қизишимай бўладими, оғайнилар. Тиржайиб гапириш учун одам деганда тонгдек сокин асаб бўлиши керак. Менинг каллам болалар ўйнайдиган шилдироққа ўхшаб қолган. Гапнинг қисқаси, барогим айниб турибди. Асабим чатоқ!

— Гражданин...

— Бугун ишдан келиб билдимки, у энди магнитофон олибди. Хуллас, ногорага карнай қўшилди. Ҳозир бирга боришимиз ҳам мумкин. Ҳалиям бўкиртириб ўтиргандир хумпар... Ҳой, менга қаранглар, осойишталик посбонлари, агарда...

— Гражданин шоир...

— Сизларни огоҳлантириб қўяй, агар уни тартибга чақириш қўлларингдан келмаса, ўзим кескин чоралар

кўллашга мажбур бўламан. Тарсаки билан мана бунақасига...

— Хурматли гражданин! Ўртоқ шоир! Ўзингизни босинг. Биласизку, кўпқаватли уйларда доим ахвол шу. Қани, қани, креслога ўтириング-чи. Ҳа, иш деган мана бундай бўпти. Ана энди бир бошдан гапиринг. Безорининг фамилияси?

- Санталатхоним Ибаева.
- Ие, у... аёлми?
- Тўрт болали кап-катта хотин.
- Ҳм... уйи, квартираси?
- Бешинчи уй, тўртинчи квартира.
- Жуда соя. Энди ўзингизнинг фамилиянгиз билан адресингизни айтинг.
- Ўзимнициям шу. Ўша дарди бедаво... хотиним бўлади.

1978

ТУТУНФУРУШ

Мани биласиз, ака, дўппим тушиб кетса биронтасига беш сўм бериб ердан олдирадиган йигитларданман. Гастранўм мудирининг жияни деган номим бор. Мана, касби ҳалолимни кўриб турибсиза — тратуварнинг четига ўрнашволиб, кунига бир яшик «Родопи» сотаман. Молин агенти пачакилашмай турса, кам деганда йигирма сўм «ебкетди» қолади. Мендан бўладиган харажат — тогамнинг рўзғорига гўшт ташишу, бир-икки сўмни участковойга қистирвориши, холос.

Анави пирсийн маҳаллада бир студентка туроди. Нима, мани еб қўярмидинг, дегандек ҳар куни ёнимдан безрайиб ўтиб кетади денг. Тантилигимиз қўэзиб, ўшанга кўнглимиз кетибди ю, у калтасоч ноз-фироқ қилаётганмиш. Мамашкамиз совчиликка бориб, сувга тушган мушукдек мунғайиб қайтдилар.

Ўша куйдирги ким бўи кетибди ўзи, дерсиз. Дадаси бор-йўғи автопаркнинг бошлиғи. Жа борса, ойига уч юз сўм чўтал туширади. Ундан кўра, автобус минган яхши-да, худонинг берган куни уйга икки чўнтақ танга билан қайтасан.

Хуллас, ўша калтасоч билан йигитчасига гаплашиб қўйгим кеп қолди. Кеча институтдан қайтишини пой-

лаб, кўча бопида «ҳах» деб қутиб турдим. Пединститутда ўқийди у ойимча. Битирса, ўрисчадан дарс берармиш. Биздан ортиқ тил билармикин ўзи?

Студенткага сал културной кўриниш учун бўйинга галстук илаптириб, бошга шлавпа бостирганман денг. Кутавериб, ярим пачка «Родони»ни булатга аъзо қилвордин. Бир пайт гижинглаб кеп қолди-ку. Мундоқ қарасам, устида биронта импортий нарса йўқ. Тўрттепки атласни шунчаки тизазаёттига тикириб, магазинда ит емай ётган ўн тўрт сўм олтмиш тийинлик жимпердан кийволиби. Оёғидаги чалахиромни камиссиённийдан олмаган бўлса, бўличка уриб кетсии мани.

Ҳали сан рўдано манга ноз қилдингми, дедиму, ўйлига кўндаланг чиқиб, ўқиёттан пакультетига мослаб гап отдим. «Давай, красутка, пазнакўумим», дедим. Шунда у касофати афтиимга қараб туриб: «Пашўл!» деса бўладими. Сиркам сув кўтармайди мани, нервим қўзиб кетди. Шақалдириска қилиб тортворай десам, бефаросат одамлар келиб-келиб кучинг шунга етдими, дейишданам тойишмайди. Бунинг устига, муюлишдан кўзи жовдираган бир мухбир чиқиб қолди денг. Бўйнида аппарат. Нактида шишипак бўлдим.

Хуллас, мандек йигитга ноз қилибсан — пушаймонда ўлиб кет, деб қўлни силтаб юрибмиз. Яна келиб ялинади, деб ўйлаётган бўлса, аммасини сўраб қўяди. Ўлмасак кўрамиз, биздан илги тўлароқ кимни топаркин. Жа омади юришса, биронта мактабнинг директорига келин бўлади-да. Вих-хих-хи, ман бу шедагўлар зотини яхши биламан. Ҳатто маориф мудири сартарошпулидан қочиб, соқолини ўзи олади.

Уни қўйинг-буни қўйинг, бошимиз омон бўлсин, ака. Ундақанги рўдаполардан кўпини илнтирамиз ҳали. Ишқилиб, «Родони»сиз қолмайлик.

Лаббай? Сигаретдан дейсизми? Жоним билан. Ҳаммага олтимиш тийиндан бўлса, мана, ўзларига эллик беиш тийинга берамиш-да. Ҳўп бўлмаса, акахон. Қентуринг...

Ҳе, фасонингдан ўргилдим сани. Элқатори олтимиш тийин бераверсанг, шалваринг ҷалвираб қолармиди. Шу дўхтир халқи ҳам ўлгудек насткаш бўлади-да, ўзи.

1976

УНИНГ ҚУВОНЧИ— МЕНИНГ СЕВИНЧИМ

— Ёугун мириқиб севинадиган бўлдингиз, — ишдан қайтишим биланоқ, мени қувонч билан қаршилади хотиним. — Ўзиям, кеча олиб келган маошингизни аямай сарфладим. Фақат мени тўғри тушунинг, бу ишларни үзимни қувонтириш учун эмас, сизни севинтириш учун қилдим, дадаси.

— Ҳах-ҳах-ҳа, — қулдим мен.

— Ҳозир кўрасиз. Қани, ўтиринг-чи.

У стол устидаги когоз қутилардан кичикроғини очиб, ундан гулдор рўмолни олди.

— Қалай, ярашдими? — сўради у рўмолни бошига ўраб.

— Хех-хех-хе, — мамнун бош иргадим мен.

— Энди мана бу туфлига қаранг. Ҳудди оёғимга ўлчаб тикиандек. Тўғрими?

— Хих-хих-хи.

— Ҳўш, қўйлак-чи? Чиройли, а?

— Хух-хух-ху.

— Плашни эса, чайқовдан олдим. Назаримда, Зухраникidan бу чиройлироқ. Сиз нима дейсиз?

— Хи-хи...

— Мана бу шарф плашимнинг рангига шунақаям мос тушди-ки...

Ортиқ үзимни тутиб туролмадим. Жудаям тўлиқиб кетган яканман, ёш боладек бехос йиглаб юбордим.

Эҳ, чакки бўлди-да. Бари бир чидашим, дардимни ичга ютиб, кулиб ўтиришим керак эди. Нима бўлганда-ям, эркак кишиман, сўзимда туришим шарт. Ахир, унга уйланапётганимда «сизнинг қувончингиз — менинг севинчим» деб валдираб қўйганман-да.

1978

ОЛА-БУЛА ШАРФ

Ой тугаб бораётгани учун, бешта колхозда кетма-кет концерт бердик, бу — олтинчиси... Охиргиси!

Ҳа, охиргиси бўлмай қуриб кетсин. Бундақанги рас-во клубни умримда биринчи марта кўришими: залдаги деразалар ойнаси галвир бўлиб ётибди, ҳатто кийинши хонасигаям печка-мечка ёқиб қўйишмабди, артистла-римиzinинг тиши ёппасига «такира-такир»га ўйнашини кўрсангиз эди.

Ҳолимга қўйиб беришса, бундақанги қаҳратонда оёғимни тагига буқа сўйишсаям, қишлоқ гастролига чиқмаган бўлардим, кимсан — машхур хонанда Рама-зон Шабядаевман, ҳозирча бозорим чаққон, ўнтақиликдан паст қистириладиган тўйларга анчадан бери бор-май қўйганман. Начора? Бир томондан, филармония-мизда план масаласи ишкал. Иккинчи тарафдан, дехқонларга маданий хизмат, деган гаплар бор...

Ўчакишгандай, шарфимният уйда унуби қолди-рибман, бу ахволда томоқ бутунлай тўнглаб кетмасайди-да.

Ташқарига чиқиб, клуб мудирини тоидим.

— Ҳў, ака, биронта шарф тоилимайдими? — деб сўрадим ундан. — Агар томоқни шамоллатиб қўйсан...

— Э-э, нафасингизни илиқ қилинг, — дея сўзимни бўлди мудир, — ҳамма сизни деб келган-а...

У аста бориб, деразанинг синиқ ойнасидан залдаги-ларни синчиклаб куаатаркан, ўзича ғудраниб қўйди:

— Булар пайти келса яхобда чўмилишади... бўйни-ни ўрашни билармиди бу жўмарлар...

Ҳафсалам пир бўлиб, эндиғина изимга қайтмоқчи бўлиб турган эдимки, мудирнинг «э, хайрият», деган хитобини эшишиб, яна тўхталиб қолдим.

— Ве, Халилвой, — деразага яқин ўтирган шопмўйлов кишига қараб шангиллади мудир, — Тўлан тумовни чақирворинг буёқقا.

Бир оздан сўнг бўйнига ола-була шарф ўраб олган бадқовок йигит ичкаридан гўдайганича чиқиб келиб, тажанг ғиёфада бизга юзанди.

— Гап шундаки, Тўланвой, — қироат билан маъру-зани бошлиди мудир, — бўйнингдаги анави савил бизга керак бўпқолди.

Тўлан тумов ўқрайганича шарфини бўйнига маҳкамроқ чандиди.

- Шарип... ўх-хув... ўзимизгаям керак.
- Қўрқма, бирпасга оламиз холос, — тушунтириди мудир. — Мана, Рамазонжон оғайнимиз ҳозир саҳнага чиқиб, бизга ялла қилиб беради. Агар томоги шамоллаб қолса борми...
- Меники-чи? — хириллади Тўлан тумов. — Ўх-хўв... мени томогим-чи?
- Э-э, сен ашула айтармидинг, ука? Айтганингдаги, уни эшитадиган бекорчи йўқ. Еч энди бўйнингдагини.

Тўлан тумов қўлидаги соатга диққат билан боқиб, «иххим-м» дей лабини жийирди.

— Майли, бераман, — шарфни бўйнидан олиб, мудирга узатди у, — аммо-лекин... ўх-хув, ўх-хув... йигирма минутга, холос. Консерт қачон тугаши миран ишим йўқ, йигирма минутдан кейин уйга бориб, телевизорда хоккейни кўраман... ўх-хув...

Мудир сўзга оғиз жуфтлашга улгурмай, у шартта орқага бурилиб, йўтала-йўтала яна клубга кириб кетди.

— Гапираверади-да, — шарфни қўлимга тутқазаётуб мени тинчлантириди мудир. — Хижолат тортманг, Рамазонжон, бу ўзи сал овсарроқ бола.

Ўн минутдан кейин менга навбат беришди. Биринчи чиқишдаёқ томошабинларни ўзимга авраб олиш учун қитиқни келтирадиган номерни танлаб, раққосага сузилганимча куйлай кетдим:

— Сой тагида чағир тош, воҳай-бола,
Сойдан ўтолмай қолдим, воҳай-бола.
Ўйиничта сукканиб, воҳай-бола-ей,
Ўйга кетолмай қолдим, воҳай-бола...

Томошабинларнинг оҳ-войи ичидан таниш йўтални ажратиб олиб, учинчи қатордан менга хўмрайиб турган Тўлан тумонга зимдан бир қараб қўйдим. Иккинчи қўшиқни тугатган пайтимда у менга соатини кўрсатиб, шарфни ечишимга ишора қилгандек бўлди. Мен гўё ҳеч нарса сезмаган каби, безрайиб учинчи қўшиқни боiplадим:

— Олми оқиб келоди,
Ібхи қалқиб келоди.
Мани ёрим шаҳардан
Писте чақиб келоди...

Залда яна қий-чув бошланди.

— Вой дод!..

— Ҳа-ҳей!..

Бу ҳайқириқлар қанчалик кучли бўлмасин, уларнинг орасидан «еч энди шарипимни», деган хириллоқ товушни алоҳида илғаб олдим.

Тўртингчи қўшиқни ҳам эсон-омон тугаллаб бўлгач, қарсакларни мириқиброк эшитиб олиш учун пича тўхталган чогимда Тўлан тумовнинг «менга қара, вей, Шабадаев...» деган дағдагаси янгради-ю, шошилинч равишда бешинчисини бошлаб юбордим:

— Фарғонани богида, Омонгул,
Ўсма билан хина бор, Омонгул.
Кетма мани йиглатиб, Омонгул,
Исафарада нима бор, Омонгул...

Пастдаги тўс-тўполон қайтадан авжга минди.

— Э, кам бўлмагин-е!..

— Яш-ша, хўроз!..

— Шарипни чўз, вей!..

— Бўш келмайсан, Шабадаев!..

— Ўҳ-хув... хоккейни мажақ қилдинг-ку...

Қарасам, ахвол чатоқ, Тўлан тумов ҳали-вери бўш келадиганга ўхпамайди. Рўй бериши мумкин бўлган шармандаликининг олдини олиш мақсадида кейинги қўшиқларни бир-бирига эълонсиз улаб кетавердим. Қўшиқлар оҳанги жўшқинлашгани сайин, чапани то-мошабинлар ҳам тобора жунбушга келишәттанди.

— Ҳе, ўлмагур!..

— Ўҳ-хув... вей, Шабадаев... ўҳ-хув...

— Ҳа-ҳа-хеей!.. Яш-шавор!..

— Бергин-да энди... шарипимни...

— Ҳа, отағил!..

— Шарипни узат дейман!..

Ўнинчи қўшиқдан сўнг нафасимни ростлаб олиш учун салгина тўхталган чогимда, олдинги қатордаги-лардан бири саҳнага яқин келиб, қўлимга қоғоз тутқазди. «Ҳойнаҳой, ўша машҳур «ҳилиллаёр»ни та-лаб қилишгани бўлса керак», деб ўйладим ўзимча. Қоғозни очдим-у, миям бирдан зинғиллаб кетди — унда шундай сўзлар ёзилган эди: «Шабадаев! Қишлоқиларга талтайишни йигинтириб, иззатингни борида шарипимни қайтариб бер!..»

ШУНИСИНИ ТАНЛАСАММИКАН?

- Сенга кўрсатмоқчи бўлганим — шу. Қалай, чи-
ройлими?
- Умуман, тузук.
- Унча ёқмади шекилли, мулла бўйдоқ? — бирдан
тумтайиб қолди дўстим.
- Нега энди? Тузук деяпман-ку. Лекин, бели сал
хипчароқ бўлгандайди...
- Гапни чайналмай, дангал айт: оласанми, йўқми?
- Олиш-ку қочмайди-я. Аввал аям билан бир мас-
лаҳатлашишим керакмикан. Кечакиши Маргилонда
сенбопини кўриб келдим, деётган эдилар. Балки, ўша-
ниси бундан дурустроқдир.
- Жудаям ланжсан, оғайни. Унисига ишониб, бу-
нисидан ҳам қуруқ қолмагин тагин.
- Мундоқ диққат билан қарагин-а. Ранги сал...
пастроққа ўхшаб кўришяпти-да.
- Э-э, эзма. Ранги бинойидек-ку. Агар ўзимга
бўлганда, жон деб олган бўлардим.
- Ҳм... Лекин, дадам танлаб-танлаб топганинг шу-
ми, демасмиканлар?
- Ҳў, лаплашсанг, сенга айтиб қўяй, ҳозир бу-
нақаларнинг бозори чаққон. Бугун ноз қилсанг, эртага
пушаймонда қоласан...
- Яқин дўстнинг гапига ишониш керак. Гарчи бели
хипчароқ қилиб тикилмаган бўлса-да, у мақтаган паль-
тони сотиб олдим.

1978

ҚИЙФИРАҚНИНГ ШАМОЛИ

Синоптикларнинг павбатдаги йигилиши давом этар,
келгуси ой учун гидрометеорологик бюллетен тайёр-
лаш масаласи мудокама қилинмоқда эди.

— Ҳой, сен гўрлик қилмагин, Тошкўмиров, — кол-
лективга бундан атиги бир ой олдин қўшилган ёш
ходим Тоштемировга дакки берарди бошлиқ. — Водий
ҳақида тайёрлаган маълумотинг юзимизни шувит қил-
ди. Бюллетенда, худди географиядан имтиҳон тошири-
гандек, областлар қолиб ҳатто районларнинг номини
кўрсатиб ўтибсан. Намунча мижгов бўлмасанг, ука?

«Водий» дейилгандан кейин гап тамом-да. Бу чеккасига ёмғир ёғмаса, у чеккасига ёғар. Бир тарафига туман тушмаса, иккинчи тарафига тушар...

Ниҳоят асосий масалага ўтилди:

— Янги бюллетенни шундай тайёрлаш керакки, ўртоқлар, — қуониб столни муштлади бошлиқ, — унда тулкининг ини сингари қиркта туйнук бўлсин. Хулласи қалом, бирон-бир жойда офтоб чиқса ҳам, чиқмаса ҳам, тош ёғса ҳам, ёғмаса ҳам бианинг маълумотимиэга тўғри келиши шарт! Қани, кимда қандай гап бор?

Биринчи қаторда мазкур муассасанинг тенгдошлари бўлган уч нафар туллак ходим — Чамаев, Таваккалов ва Ўзабиларовлар ўтиришарди.

Чамаев тепакал бошини авайлаб силаб, саркардаларга хос мудроқ қиёфада гап бошлади:

— Уч кундан бери флюгернинг тумшуғи ғарбга қараб турибди. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, шамол унинг думи томон эсмоқда...

— Флюгерни ҳозирча тинч қўяйлик, — Чамаевнинг гапини бўлди бошлиқ. — Ўртоқ Таваккалов, балки сиз одам ишонадиган бирор гап айтарсиз?

Таваккалов бошлиқнинг кўнглидаги мақсадни даррор тушуниб етди ва гапни чўяиб ўтирмади:

— Маҳаллий Мирзатеракларнинг барги бу йил тела қисмидан тўқилиб бормоқда. Бу — қишининг қаттиқ келишидан далолат беради. Қўшним Жуман бувонинг ҳам фикри шу. Айтмоқчиманки, янги бюллетенда ҳавонинг исиши ҳақида камроқ каромат килганимиз маъқул.

Касбдошининг гапи бошлиқقا маъқул бўлишига Чамаев тоқат қилиб туролмасди. Шу боис у ҳозиржавоблик билан қарши ҳужумга ўтди:

— Кечаки автобусда келаётсан, бозордан қайтаётган қишлоқи чоллардан биттаси далада бир жуфт лайлакни кўрганини айтиб қолди, — ээмаланди у. — Лайлакки, шу пайтгача учеб кетмаган экан, гаров ўйнашга тайёрман, совуқ кеч тушади.

— Беъмани гап, — дарҳол эътиroz билдириди рақиби унга. — Иккита пандавоқи лайлакнинг ҳозиргача далада юриши станциямиэга қимматга тушиши мумкин. Ҳаммамиэга маълумки, олақарғанинг шамоли сершитоб ўтди. Демак, намгарчилик кўп бўлади. Шундай экан, нима учун ҳавонинг совиш эҳтимоли борлигига ишонмаслигимиз керак?

Иккала ходим ўртасида тортишув бошланиб кетди.

— Бас қылсаларинг-чи, оғайнилар, — баҳсчиларга насиҳатомуз мурожаат қилди Ўзибиларов. — Балки, иккалангиза ҳам ўзингиача ҳақдирсиз. Лекин, аниқ гап айтишга ҳали эрта эмасмикан?

Сўнг атрофидагиларга юзланиб деди:

— Сабр қылсак, эрта-индин қийгирак ўтади. Агар қийгираклар қибладан эсган шамол билан учиб келиши-са, совуқ эрта тушади. Агар...

Бироз кеч бўлса ҳам, ишни пишиқ-пухта қилган яхши-да. Бюллетенъ қийгиракнинг шамолидан кейин тайёрланадиган бўлди. Ҳа, синоптикларнинг иши шу-нақа мураккаб.

1972

СОВИГАН КЎНГИЛ

Шу тобда қўзимга у янада совуқ кўриниб кетди. Афтимни тириштириб, юзимни четга ўгирдим.

Кайфиятим тушганини пайқаётгандек, «илгарилиари мендан жонингизният аямас эдингиз, энди меъдангиага тегдим шекилли», деяётгандек туюлди. Ўнғайсизланиб, қўзимни ерга қададим.

У эса гўё таънани давом эттириди: «Балки, мендан кутулмоқчиидирсиз?»

«Ҳа!» деб бақиргим ва бир йўла орани очиқ қилиб қўйгим келди-ю, тўсатдан иккиланиб қолдим: «Балки, усиз менга жуда қийин бўлар...»

Шунда у бирдан тutoқиб кетгандек, «Сиз номард-сиз!» дея заҳрини тўқжандек бўлди.

— Майли, мен номард бўлақолай! — ниҳоят дадил туриб ўшқирдим унга ўчакишиб. — Энди сендек зақ-кум билан сираям яқин бўломмайман!

...Ўша-ўша чекишини бутунлай ташлаб юбордим.

1978

ТҮННИ ТЕСКАРИ КИЙИШ

Янги тўқимачилик комбинати қурилиши ҳақида газетада бир саҳифалик тантанавор мақола берилгач, телестудиядагилар ҳам бирдан енг шимариб қолишиди. Боди мұхаррир мени ҳузурига чақириб, бу жойдан пошилинч кўрсатув тайёрлашимни топшириди.

Ишни бизни илиқ кутиб олган қурувчилар, зарур нарсаларни қурилишга узлуксиз етказиб беришга эришаётган турнақатор машиналарни суратга олиш ва кўпиртириб изохлашдан бошладим:

— Кўриб турганингиздек, энг замонавий кранлар ўрнатилгани карvon-карvon юқ машиналарини ўз вақтида бўшатиш имконини бермоқда. Айниқса, оиласий пудрат асосида ишлашга ўтган Қовунчиев ва Кабановлар сулоласи сифату иқтисодда барчага намуна бўлаётгани бизни қувонтирди. Беш йиллик зарбдорлари ҳисобланган Маракаев, Жалоладзе, Пак ва Папандапуло ўртоқлар махсус қурилган чекиш капасида ҳам бекор ўтиришгани йўқ — прораб Лайлоев билан навбатдаги режалар тўғрисида куйиб-пишиб сухбат қуришялти.

Мана бу эса, қурувчилар овқатланадиган ошхона. Бир неча юз кишилик улкан колективга бу каталак торлиқ қилмасмикан? Қолаверса, ошхонада бор-йўги беш хил овқат тайёрланар экан. Тенса тебранмас бош ошпаз Камолохуновдан бунинг сабабини суриштирганимизда, қовоқ-тумшуғи осилганича лом-мим дейлмай қолди. Район умумий овқатланими идорасидаги калладор зотлар бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўрсалар, чакки бўлмасди.

Қурилиш раҳбари Дўмбоқовни яқинда мукофотга берилган шахсий «Жигули»сига ўтираётган чогда учратдик. Бу камтарин инсон телескринда кўкрак керипдан иймангандек, «ҳақиқий қаҳрамонларимиз — оддий ишчилар, ўшаларни суратга олинглар», дея боликармадаги йигилишга жўнаб кетди.

Азамат бинокорлар бу мұхим обьектни шу йилнинг биринчи апрелида, яъни муддатидан икки ой илгари фойдаланишга топшириш учун қурашмоқдалар. Буни эшишиб, шижоаткорлар масканидан дилемиз завқ-шавққа тўлиб, мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган қайта қуриш жараёнининг муқаррар галабасига ишончимиз янада мустаҳкамланиб қайтдик...

Эртаси баравақт ишга келиб, монтажни эндиғина тугаллаган әдимки, яна бош редактор йўқлатиб қолди. Борсам, турқи бежо.

«Ишлар чатоқ, — деди у. — Кечакурун министриликда бўлган йигилишда тўқимачилик комбинати қурилиши чўзиб юборилаётгани қаттиқ танқид қилинибди, газетада асоссиз мақталгани кўрсатиб ўтилиби. Энди бориб, бошқача кўрсатув тайёрлайсиз. Аймай дўппосланг хумпарларни. Топшириқ шунаقا».

Хонага шалвираганимча қайтиб, юракни чангала-гудек аҳволда креслога чўқдим: бу қанақаси — кеча ундоқ деб борсам, бугун бундоқ деб борсам... Бурд деган нарса қаёқда қолади?!

Администратор қиз қуийб узатган тўқсон бешинчи чойни бир-икки симиришим билан каллам ярқ этиб ишлаб кетди. «Нега энди бопқатдан суратга тушириш керак экан, — деб ўйладим мен, — тап-тайёр тасвирлар турибди-ку!»

Шартта қогоз-қалам олиб, янги жумлалар туза бошладим:

— Қурувчилар bemavrid келганимиздан ўнгайсизланиб, бизни сохта илжайиш билан кутиб олишиб. Ахир юки соатлаб бўшатилмай, мачит остонасидағи калишлардек тиазилиб ётган манави машиналар фонида суратга тушишга кимнинг тоби бор? Тўгри, кранлар энг замонавий, аммо иш услуби ҳануз эскичалиги қаттиқ панд бермоқда. Интизом сустлиги, ўзаро талабчанлик йўқлигининг боиси шуки, бу ерда қариндошуругчилик кучайиб, ҳаммаёқни Қовунчиев ва Кабановлар босиб кетган. Бу ҳам етмаганидек, Маракаев, Жалоладзе, Шак ва Папандапулога ўшаган такасалтнгларга махсус қашандалар жойи қуриб қўйилган. Қарангки, прораб Лайлоевнинг ўзи бекор вақиллашда уларга ўрнак бўлиб турганининг устидан чиқдик.

Мана бу эса, қурувчиларнинг овқатланиш жойи. Ишининг бош-учи йўқ боқибегамларга шундай шинам ошхона қуриш шартмиди? Тағин ҳар бир текинхўр учун беш хилдан овқат тайёрланаётгани-чи? Менимча, қўли гул пазанда Камолохуновнинг нега қовоги уйилиб турганини тушуниш қийин эмас — қолоқ участканинг хўрандалари ҳаддан зиёд талтайтириб юборилмаяптимикан? Район умумий овқатланиш идорасидаги ўртоқлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришса, чакки бўлмасди.

Қурилиш раҳбари Дўмбоқов биәнинг дарагимизни эшитиб, қандайdir йўллар билан мукофотга олган зйнатдор «Жигули»сида қочиб қолди. Балки ҳамма айни оддий ишчиларга ағдариб, бу сафар ҳам бошқармадаги ҳомийларнинг панохига ошиқаётгандир?

Бу муҳим объектни шу йилнинг биринчи апрелида фойдаланишга топшириш планлаштирилган. Ахвол шундай давом этса, келгуси йилда битиши ҳам амри маҳол. Шулар ҳақда ўйлаб, ушбу харобадан қайтар эканмиз, мамлакатимиз бўйдаб кенг қулоч ёйиши лозим бўлган қайта қуриш жараёнининг тақдирни бизни қаттиқ ташвишга солди...

Мана, бугунги гаплар кечаги суратларга бинойидек ёлишди-қолди. Журналистик маҳорат дегани бундан ортиқ бўладими? Калламга қойил-е! Тўқсон бешинчи чойга оғарин-е!

1989

КАСОФАТИ ТЕМИРТАК

Бу дунёда нима кўп? Билиб-бilmай ўзлигини со тувчилар. Яна-чи? Яна... қисқартма номлар: БМТ, МРБ, ТошМИ, ЗАГС... ва миллион ҳоказолар.

«РАФ» — шулардан биттаси. Йўқ, бу янги ташкилот эмас, амалдорларнинг ранги ўчмай қўяқолсин, Раҳбарчаларни Ағдариш Фирмаси ҳали тузилмаган. Аспан авторнинг сандигидан сал каттароқ бўлган шунақа маркали микроавтобус бор, ҳайдовчилар уни эркалабми, эрмаклабми, «Рафик» ҳам дейишади.

Идорамизга қарашли помидорранг «Рафик» жоними ни ҳақилдоғимга келтирди. Мустақил риэқ теришни шу ташкилотдан боилаганман, аммо, бунақа расво машинага биринчи дуч келишим, «э» десам, «бе» дейди, «юрамиз» десам, «турамиз» дейди. Биринчи ҳафтадаёқ пайқадимки, уни биронта пиёниста ясаган, заводданоқ брак чиқсан. Брак бўлмаса, қўл тормозини тортиб қўйганимга қарамай, ухлаб ётганимдан фойдаланиб, бироннинг урғочи эшаги ортидан бошвоқсиз ўрмалашга тушармиди? «Жаранг!» этган овоздан уйгониб кетдим. Қарасам, моча эшак шатталаганича қочиб боряпти, «Рафик» ўнг «кўзи»дан тепки ебди. То ўзимни ўнглугнимча газета дўкончаси томонига бурилиб, энди со-

тувачи ёдга ташланди. Тормозни босганимда газета ва музаймоқ дўконлари аллақачон бир-бирига аралашиб бўлганди.

«Рафик» ни аёлбоаликда айблашиб, пастроқ ташкилотга бериб юборишди, назоратни сусайтирганим учун менга паттамни тутқазиши.

Автобус паркига ўтиб, икки йилча ишладим. Тушумнинг яхшилигидан дастлаб суюниб юрдим, кейин сурункасига бир хил манзилга қатнайвериш меъдамта тега бошлади: охори тўкилган автобус, биқинида — 165 рақами, пепонасига «Коммунистик — Ялангоч» деб елимда ёзиб қўйишган. Истайсанми, истамайсанми, бундан қутулолмайсан — чизикдан четга чиқиб кўр-чи!

Даромадиям ордона қолсин деб эркинликни қўмсаб юрганимда, олдинги мувонимиз раҳбарликка кўтарилиб, мени ишга чақириб қолди. Автобус паркидан тез жавоб олиб, эски идорамга етиб бордим. Бордим-у, кўз олдим бирдан жимирилашиб кетди, ўша таниш «Рафик» капитал ремонтдан сўнг қайта идорамизга жўнатилиб, мени кутиб турган экан.

«Рафик» аввалига жуда катта гапириб юрди (шу касбда ишлайвериб, темир зотининг тилига тушунадиган бўпкетганимиз):

— Бу идора идора бўлиб, ҳали мендақа мукаммал техникани кўрмаган!

— Аввал янги моторни авайлаб обкаткадан чиқарайлик, йўлнинг паст-баландини ўрганиб, шароитга мослашиб олайлик, кейин «Волга»ларни чангда қолдирамиз. Ҳатто, чет элники билан гаплашиб қўйиш ҳам қўлимииздан келади, тажрибамиз етарли.

— Тошиқма, ўртоқ, беҳуда шошилаверма. Ҳозирча ҳаммаси яхши, ҳамма иш меъёрида кетяпти...

Қаранг, шу темиртакнинг сўзларига чиппа-чин ишонибман. Яп-янгилигига бирон мўъжиза кўрсатган-мидики, энди ишни қойиллатса, деган ўй калламга келмабди.

Мен чидам ва умид билан кутавердим, у писмайиб туриб хилма-хил майнавозликлар қиласаверди. Гоҳ идорадагиларни ҳашарга олиб кетаётганимда жазирама даштда ўчиб қолади, гоҳ юқоридаги раҳбарлар билан қалтис масалани ҳал этишга бораётганимизда «пис-с» этиб дами чиқади. Баъзан қаҳратонда суви қайнаб кетса, баъзан саратонда мойи музлайди. Энг алам

қиласиган жойи — одатдаги майда юмушлар вақтида миқ этмай ишлайди-ю, нозик вазиятда албатта панд беради. Агар идорамиәдагиларни айрим масалаларда шаштитини пасайтириб туриш учун четдан қўпорувчи юборилган бўлса, имоним комилки, бу — «Рафик».

Бир куни шаҳар четидаги истироҳат боғида «Ўзбек тили» байрами» ўтказилди. Шунчаки қизиққанила-ру, кўнглида саволи саргайиб турганлар ишдан кейин бир машина бўлиб йўлга тушдик. Икки чақирим юрмасимиздан лаънати «Рафик» қаеридандир «вий-й» этган товуш чиқарди-ю, айиқнинг ўлигига айланди-қолди. Итариб кўрдик — бўлмади, судратиб кўрдик — бўлмади, охири совутига паррагидан тортиб тутунпуркагичнинг учигача текшириб чиқдим, касалини аниқлолмадим.

Аччиқланиб, бироя эшигини даранглатиб ёпди, бирор гилдирагига тепди... Мен ҳам жим ўтирмадим — ўзбекча бўраласам эшитмаганга, тохикча -сўксам тушунмаганга олади. Охири ўрисчалаб «подлец!» деган эдим, бирданига ўзига келса бўладими — қалитни хиёл бурашим билан почтачининг соатидек текис ишлаб турибди-ку!

Аммо энди кеч бўлганди, шу маҳалда байрам қоптими? «Махфий зараркунанда» бу сафар ҳам ниятига етди. Шунда хис қилдимки, бошга нима кулфат келса, ўзгаларга худодан, менга фақат шу «Рафик»дан келади.

Аслида ҳамма айб бошлигимизда, унинг дастидан куним қандайдир «Рафик»ка қолиб ўтирибди. Биринчи раҳбарим зўр эди — қаерга борса гапи — гап, идоранинг обрўйи осмонда, машинанинг ҳам манаман деганини танлаб, истаган вақтида янгилаб турарди. Кейинги раҳбарлар бири биридан лапашанг чиқди. Ҳозиргисику гирт Америкабоп...

Америкада ишсизларга нафақа беришар экан. Маълумки, абжир одам ҳеч қаерда ишсиз қолмайди, танбаллар билан ногиронларгина текин нафақага шукр қилиб яшашни мумкин. Америкадагига нисбатан бизнинг мамлакатда одамгарчилик баланд — уқувсиз ланжаларга шунчаки нафақа тўлашдан ор қиласиз, стипендия ва ётоқ билан таъминлаб дорилфунунда ўқитамиз, дипломлар тутқазамиз, катта мояна, ҳашаматли кабинет, кетворган котиба, хизматкор машина берамиз. Ўрнига кўз олайтирмайдиган галварсларни атрофига тўплаб олса, уларгаям маопи тайинлаймиз. Кўрибсизки,

бизда на ишсизлар бор, на пафака. Америкадагидан қириқ марта қимматга тушса, нима қинти?

Ха, бедаво, бебурд раҳбар туфайли, идорамиа обрўсизланиб, куним «Рафик» ка қолди. Балки: «Ие, нега кунинг унга қоларкан, машина сенга тобе-ку?» дерсан. Ўзим ҳам шундай фикрлаб, катта кетган эканман, чуқурроқ ўйлаб кўрсам, мен машинага эмас, машина менга хўжайин экан: сиилги деса — ёнилги бераман, узатгичларимни мойла деса — мойлайман, фалон жойимга эҳтиёт қисм топ деса — топаман, гилдирагимни алмаштириб деса — алмаштираман. Мен томидан чакка ўтадиган настқам уйда кўмир ёқиб яшайман, у табиий газ билан иситиладиган баланд бинода туради. У туфайли кийимим гоҳ мойга, гоҳ лойга беланади, аммо ўша темиртакни доим ярқиратиб юришга мажбурман.

Кечач ҳаддан зиёд жонимдан ўтиб кетди. Бошлигимдан бир кунга жавоб сўраб, қишлоқдаги қайнотамникига йўл олдим. Кенжа ўғлига қиз топиб, совчиликка боришимоқчи бўлишувди. Хотиним, қайнотам, қайнатам, яна уч камлиру икки чолни юклаб, «ҳайё-ҳуйт» деб қўшини қиплоққа жўнадим. Дарадаги сой устида машина баъзўр сингадиган осмакўприк бор экан, ўртасига етганда темиртагимниш яна овози ўчди. Эшикни очсанг, ташқарида қадам қўядиган жой йўқ, сойнинг тўлқини нақ бетингга сапчийди. Шу кўйи ўтиравердик.

Кечира бошлаганда қайнатам секин қулогимга шивирлаб: «Жуда пишиқиб кетдим-ку, куёв, бир илож топмасак, шармандам чиқади», деди.

— Менга қайната холоссиз, — дедим унга. — Отам бўлсангиз ҳам ёрдам беролмайман.

Қайнатам афти буришганича жойига бориб ўтириди. Ора-сира ипқиллаб-инқиллаб қўяди денг. Нир маҳал: «Э худо, энди хароб бўлдим!» деди-ю, шартта эшикни очиб, ўзини сойга ташлади.

— Вой дод, чолимдан ажраб қолдим! — деб айюҳаннос солди қайнотам. Сўнг иккала чолга дағдаға қилди. — Нега қараб турибсанлар, хезимлар!

Орият кучлилик қилиб, аввал тетикроғи ўзини сувга отди, кейин букрироғи ҳассасига тирмашганича эшикка яқин келиб, «оллоҳу акбар», дея парашютчиларнинг сакрашидан қилди.

Учала чолни тутиб қирғоққа олиб чиққунимча она сутим оғзимга келди. Биринчи марта кийилган костюмим юз жойидан йиртилиб, хиром ботинкамнинг

бир пойи балиқларга қўшилиб кетди. Яхшиямки японча соатимни оғзимга солиб, дўппимни тишлаб олган эканман.

Хужумни қайтариш вақтида титилиб кетган полк байроғидек бўлиб, кўзларимда жиққа ёш билан машинага яқинлашдим.

— Илойим, номингга ўт тушсин, «Рафик!» — деб қичқирдим қўш муштимни ҳавода ўйнатиб. — Ҳеч бўлмаса, шўрлик қишлоқиларни аямадинг-а! Уларни нима қипқўйдинг, лаънати? Энди хотинимнинг юзига қандай қарайман?! Ҳей, қаргишдан қақшагур, «Рафик»!

Бу сурбетга гап таъсир қиласмиди...

Бас, энди! Асабим емирилиб бўлди, ортиқ чидолмайман. Уни авраб-мақтаб, умрида кўрмаган энг баланд тепаликка олиб чиқаману, секин пастга қўйиб юбораман. Қани, бо ىқаларнинг дастёргисиз ўзини-ўзи бир бошқариб кўрсан-чи. Олдиндан сезиб турибман, асли брак яратилган бу чиранчоқнинг фаолияти ўша ерда батамом якунланади. Нишон ҳам қолмайди.

1989

ШУБҲА

— Кейинги пайтларда менга шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолдингиз. Кўнглингиздагини очик айтанинг, Аҳмадхон ака.

— Нимани ҳам гапирай. Умуман... сен... расвосан!
— Ё тавба!
— Ҳа! Сенда менга нисбатан ҳеч қандай самимийлик йўқ.

— Ё тавба! Ё тавба!..
— Биламан, тилинг бошқа, дилинг бошқа. Кўпдан бери мени алдаб юрибсан.

— Ё тавба-а-а...
— Шунча пайт бирга бўлиб... Сендан буни кутмагандим. Кутмагандим!
— Аҳмадхон ака!
— Гап шу — мениям, ўзингниям, қийнама. Ҳали ёшсан. Вақт борида бахтингни бошқа жойдан ахтариб кўр.

Маратвой бошлигига шалвираб боқди: «Мана, ўринбосарлик ҳам тугади...»

1978

ИМПОРТНИЙ ЙИГИТ

Кечки овқатдан кейин дадам озиқ тишини кавлаб туриб: «Сизга билдиrmай битта иш қипқўйдик, ўғлим», деб қолди. Бирдан юрагим алғов-далғов тенди.

— Уйим куйибди-ку, дада, — дедим ҳиқиллаб. — Дакан хўроамини охири сўйворибсиз-да?

Кутилмаганда дадамнинг эски тутқаноги тутиб, «хе, ўша жиприқ хўрозингни...» дея эндиғина оғзига зўр беради, аям унинг гапини бўлиб, «қачон эсинг киради. ер ютқур, сенга хотин топиб қўйдик», деб пешонамга мушт ниқтади. Шундан кейин сал ўзимта келиб, худди уялаётгандек бош эгдим.

Очигини айтсан, хотинсиз ишаш жуда қийинлигини биринчи синфдалигимдаёқ пайқаганман. Уйга берилган вазифаларни бажаролмай қийналган вақтимда «шу зиқналар мени биронта аълочи қизга уйлантириб қўйишса ўлишармикан», деб ота-онамдан ёмон ўпкаладим. Мана, бугун ниятимга етиб турибман.

Тақдирнинг тантлигини қарангки, аям қуий маҳаллалик бир қиз билан тўйда ёйма-ён ўтириб икки оғиз гаплашибди-ю, борлик ихлосини берибди-қўйибди.

— Вой, унинг донолиги, вой, унинг бийронлиги! — деб очилиб-сочилиб мақташга тушди аям. — Бодрингдан гап очганимни биламан уруғ экшидан тортиб палак юлишгача шунақаям булбулланиб гапирдики, нақ ўқишни Масковда битирган дейсиз. Акамнинг келини-ям юрибди-да, беш йил ўқиб келиб ошқовоқ ўстириши билмасдан.

— Кўп ховлиқаверма! — деди дадам гердайиб. — Чуқурроқ синадингми ўзи? Масалан, қорауруғ бодрингдан гапириб кўрдингми?

— Қорауруғ азалдан камхамак бўларкан, — дадамга жаҳл билан тикилди аям. — Айтувдим-а, бу йил олақашқадан экайлик, деб. Дунёда битта қайсар қолган бўлса, уям сизсиз.

Дадам ҳаво айниётганини пайқаб, тўсатдан жиддий

қиёфага кирди. Жиддийлашиб қовоқ уйдими, билинг-ки, сибсийроқ бир гап қиласди.

— Хўроя чўқиширишинг йигитшириниг энди, ўғлим, — деди у менга юзланиб. — Ҳозирга келиб давлатимизнинг ҳамма умиди деҳқондан бўпқолди. Деҳқонда фаросат катталигини фаҳмлаб етишиди. Ўзинг билган ерга ўзингга маъқул уругни эк, қанча қўш нарса топширасанг, бизниям ёлчитасан, ўзингниям, деб туришибди. Ҳукумат энди йўлини тоғди, илгари институтни чала битирган раҳбару олимчалар настда ер чопаётгапларга йигирманчи қаватда ўтириб ақл ўргатишарди. Оқибати нима бўлганини кўриб турибсан — отабуваларимиз bog-далага яқин жойга ҳатто ҳаммом солдиришмаган, булар колхознинг биқинига завўт куришиди, бурунгилар яримлаб қолган биронта ҳовузни кўришса, маҳалладагиларни ношудга чиқаришган, уялтиришган, булар бўлса каттакон бир денгизни қуритвонишиди. Ҳуллас, ҳамма жавобгарлик яна ўзимизга қолянти. Давлатнинг ишончини оқлашимиз керак. Мен билан сени қўлингдан келадигани — бозорларга бодрингни тўлдирворни.

Дадамнинг бу ганидан кейин мамлакатимизни фаронлашириш учун ўша қизга уйланишим шартлигини янада чуқурроқ ҳис қилдим. Бошқача айтганда, ал-юрт фидойиларининг сони шу лаҳзада яна биттага кўнайди.

— Хўш, келинболани кўришга тоблари қалай? — деб писандада қилди дадам.

Аввалига «ҳа, энди хотин бўлса бўпти-да», демоқчи эдим, кейип йигитлик ғуурим қўзиб, «майли, бир кўз уришириб қўяйлик», дедим.

Умуман олгандаем, кўрмай-гаплашмай туриб хотин олиш бизга ўхшаган импортний йигитларга тўғри келмайди. Ҳозирги қизаларни ҳар томонлама синааб кўриш керак. Бодринг етиширишни билса, нима, олим бўпкетибдими? Шу аям билан дадам доим узоқни ўйламасдан иш қилишади-да. Бунақа жиддий масалага бирёклама қараб бўладими?

Қисқаси, ўзим хушёрроқ туриб, келинболани жиддий имтиҳондан ўтказмасам бўлмайди. Қани, бир галвирда гилдиратиб қўрайлик-чи, ўша мақтаган қизлари турп ўтиришдан нималарни биларкин?

ЗИЁДБОТИРДАН БОШҚАСИ ТОПИЛАДИ

- Хўп, сизга нима керак?
- Мана рўйхат... хў-ў-ш... ўнта танк, йигирмата бронетранспортёр, ўн бешта қирувчи самолёт, ўттиата Зиёдботир, қирқта светофор, шунча милиционер, бешта гўшт ташийдиган машина.
- Зиёдботирлар аллақачон тугаб кетган. Ўрнига танк олақолинг. Еки светофор.
- Шунча светофорни нима қиласман? Кейин, ҳар қайсисининг ёнига биттадан милиционер ҳам керак бўлади. Майли, гўшт ташийдиган машина кўпроқ бўлақолсин... Э, ийќ, яхшиси анави сарик юбкали...
- Наташами?
- Ҳа, шунга ўхшаган чиройли-чиройлисидан беш олтитасини беринг.
- Бу бошқа гап, — деди ўйинчоқ магазини сотувчиси, — боқчангиздаги қизалоқлар ҳам бир яйраб қолишсин-да, завхоз тоға.

1978

МЕНГА ТИЛ ЎРГАТМОҚЧИ БЎЛИШГАНИ

Холисанлилло айтганда, рус тили дарсининг ўзиям мана мундоқ етиб турувди, яна чет тили қўшилди — французыча. Она тилимииздан фарқи шуки, шаҳардан тўртта ўзбекча сўзни ёдлаб келган бўянчоқ ўқитувчимиз: «Мактаб тамом, ҳамма -- далага!» деса, биз: «Бонжур, мадам, бонжур!» деймиз.

«Фаранг аямиз» бешинчи синфгача амаллаб чида-ди — бир ёқдан қишлоқда яшаш азоби, иккинчи ёқдан у юз хил савол беради-ю, жавоб ўша-ўша: «Бонжур, мадам, бонжур». Охири келган жойига қараб қочворди.

Олтинчи синфда инглизча ўргатадиганни топиб келишиб, тағин бизга тиқишириши. «Бунисининг жони ҳарқалай қирқта эмасдир-ов, кўрамиз-да», деган эдик, худди айтганимиз бўлди. Аммо шундаям тинчимадик — еттинчида португалчани, саккизинчида хитойчани

«шудгорлаш»га уриниб кўрдик. Бунинг устига математика бор денгт. Менга қолса, ҳатто геометрияю тригонометрияни ҳам чет тили ҳисобига қўшворардим. Масалан, қовоқчумич грекчада нима дейилишини биласизми? Билмайсиз! «Котангенс»ни-чи, туркийга ағдариб айтиш қўлингиздан келадими? Келмайди! Демак, иккаласиям бир гўр.

Тўққизинчи синфда чет тили ўқитувчиси топилмай, анча енгил тортиб юрдик. Лекин бир куни...

Бир куни Хомит-жарчи синфга учиб кириб, «немис келди, немис келди», деб шовқин солди. Томошага чиқиб «объект»ни ўраб олдик, у ҳайрон. Сочини сипсилиқ тараб, ялмани ўртадан очганини ҳисобга олмаганди, турқида немиснинг «н» ҳарфи йўқ, жуда нари борса, ўзимизнинг озарбайжондир.

Абдулла-елим унинг атрофида сурланганича айланниб чиққач, кинодагиларга ўхшатиб: «Ауфштейн!» деб қичқирган эди, немис уни ўзбекчалаб сўқди. Сўнг менга ўқрайиб, яна тилимизда дўқ урди:

- Нега менга бақрасан?
- Немисмисиз ахир? — деб сўрадим.
- Ўзбекман, аҳмоқлар, — деди у, — сизларга немисчадан дарс бераман.

Шу кўйи немисчани таталаپта тушдик. Икки ой ўтиб-ўтмай марказдан комиссия келиб, чет тилини қандай ўзлаштираётганимизни текширди. Барваста бир аёл «пиш-пиш»лаб туриб, беҳос савол ташлади:

— Қани, болалар, ким жавоб қиласди, «мен дарсни яхши биламан», дегани немисчада қандай айтилади?

Номаълум аскар қабри устида тургандек жимиб кетдик. «Бир минут сукут сақлаш» ниҳоясига етгач, комиссия она олдинги қаторда ўтирган Раҳим-пўмнага бармоқ никтади:

- Сен айт.
 - Хенде хоҳ! — деб дўриллади Раҳим-пўмпа.
- Комиссия опанинг қоши қанот ёйиб, киприклари пилпиллай бошлади:
- Хенде хоҳ, бу — «қўлингни кўтар», дегани спекилли?
 - Менам шуни айтияпман да, — деди Раҳим-пўмпа. — Дарсни яхши билганлар доим қўлини кўтаради.

«Немис акамиз» ҳам ўқув йили тугагунча эўрга тишни тишга босиб юрди. Ўнинчи синфда бутунлай чет

тилисиз қолдик. Мактабнинг бош гўлахи бўлган Йори тога аҳволимизга ўзича ачишиб, гоҳ директор, гоҳ ўринбосарнинг йўлини тўсар, «келинг, шу камбагалларга ўзим арабийни ўргатай, одам бўлишсин», деб тиқилинч қиларди.

Йори тога бекорга безовта бўлмаганини универсиитетга келиб билдим — аттестатимда чет тилидан баҳо йўқлиги учун ҳужжатларимни қабул қилишмади, бу фан бўйича мустақил тайёрланганман, деб ректорномига ариза ёзганимдан кейингина кириш имтиҳонларини топширишимга рухсат беришиди.

Иншою тарихдан бир нав ўтиб олдим, гал чет тилига келди. Хорижий тиллардан имтиҳон қабул қилинаётган қаватга чиқсан, ўн тўртта хонада ўн тўрт хил лисондан синов кетаётган экан. Ҳар қайси эшик олдида гуруҳ-гурӯх «умидвор»лар тизилиб турибди. Ҳар бир гуруҳнинг ортидан эринмай наебат олиб чиқдим. Биттаси менга анграйганича боқиб, «қилиғингизга тушунолмай турибмиэ», деган эди, «менга бари бир», деб қўяқолдим.

— Ўн тўртта тилни ёпса биладиларми? — деб сўради у баттардан ҳайратланиб.

— Аксинча, — дедим мен, — биттасиниям билмайман.

Ниҳоят эшиклардан бирига олдинроқ наебатим етди. Бу хонада испанчадан имтиҳон олинаётган экан, таваккалига кириб бордим. Ичимда бисмиллони айтиб, билет суғурдим. Бу орада ўқитувчи нимадир деган эди, яна таваккал қилиб, «рахмат, домла, ишларим ёмонмас», дедим. Домла айнан ўша гўлдирашини такрорлади. Бу сафар гапнинг оқимини ўзгартиб, «Фаргонаданман», деб кўрдим.

— Фамилиянгни сўраяпман, — деди у.

— Фамилиям Гулматов.

— Испанча айт!

— Испанчадаям, форсчадаям, япончадаям Гулматов, — дедим.

Домла хоҳолаб кулди.

— Кайфиятим очилганидан фойдаланиб қол, дехқонвачча, — дея мурувват ваъда қилди у. — Биттагина испанча сўз топиб айтолсанг, шартта «уч» қўйвараман.

Бирдан қаддимни ростладим. Ўнг қўлимни паншаханинг четки илгагига ўхшатиб юқорига кўтардим-да, каттиқ мушт туғиб: «Рот фронт!» деб бақирдим...

Э, афсус, минг афсус, меҳрибонларим мени одам қаторига қўшиш учун кўпдан-кўп пулларни совуришибди, хар хил тилларни ўргатмоқчи бўлишди, уларнинг таъбири билан айтганда, ношудлик қилдим, бундан бари бир иш чиқмади. Қайтага, калламда бориям чалкашиб кетди. Энди ҳаммасини йигиштириб қўйиб, одмигина бўлса ҳам, ўзимга қулайрогини яхшилаб ўрганмоқчиман — яъни ўзбекчани.

1988

ҚИШЛОҚИ

- Кимнинг шайтонараваси бу?
- Кечирасиз, aka, бу — «Мопедъ».
- «Мопедъ» дегин? Савлатингни қара — от ҳуркади. Шу темиртакни миниб юришга уялмайсанми?
- Нега темиртак бўларкан? Бу — «Мопедъ»!
- Вой-вуй. Бунча кўкрак кериб гапирмасанг? Яхшиямки, паровозинг йўқ. Бирорга салом бермай қўярмидинг...
- Менда гапингиз борми, aka?
- Демоқчиманки, ҳозир сендақа йигитлар «Жигули»да кира қилиб юришибди. Сен бўлсанг... Қанчага олгансан буни?
- Қўлдан олганман. Икки юз сўмга.
- Ўзиниям эшакдай ишлатибсан. Шилишмаган жойи қолмабди. Суқсурдай йигит уялмасдан шунга илашиб юрганингни қара.
- Ҳа энди...
- Шу ҳам мотор бўлди-ю. Худди итхамакка ўхшайди... Ҳа майли, бианинг ўғилга кетаверади. У ҳали ёш. Ма, олтмиш сўм.
- Бу... бу нима қилганингиз? Шошмай туринг. Ҳой aka... Дурустроқ савдолайлик, ахир... Ҳужжат-чи, ҳужжати?
- Ҳужжати керакмас. Қишилоқда яшаймиз. Сен пулни маҳкам қил, ука. Ёнига пича қўшиб «Жигули» овлоларсан...

1978

ЕРЛИКЛАР

Бичиқчилик цехининг бошлиғи Қодир-қайчи ўпкаси оғзига тиқилгудек бўлиб ичкарига отилиб кирди.

— Ишни тўхтатинглар, қизлар, — ҳирқиради у, цехдаги яккаю ягона эркакининг кўзига қарамасликка харакат қилиб. — Бир соат ичиди иш жойимишни музейга, ҳовлини истироҳат боғига айлантириб улгуришимиз керак. Космосдан келган одам... ҳм-м-м, шахслар бизнинг ишимиш билан танишармиш.

— Вой ўла-а-ай! — ҳайратдан ёқа ушлади Ойшабу.

— Марсдан келишдимикан, а? — бармоқ тишлаб сўради Тўпаҳон. — Балки, Юпитердандир?

— Буни осмонга дурбиндан қарайдиган фрафесмирлардан сўра, — тўнгиллади Қодир-қайчи. — Директоримиз менга қўнғироқ қилиб, гап шунақа-шунақа, сенга бир соат муҳлат бераман, деди — вассалом.

Цехдаги яккаю ягона эркак ўз одатига кўра хотинларга суйканиб туриб, майин овозда гап қўши:

— Тилимизга тушунишармикан у ер юткурлар?

— Ким билади дейсан, aka Ёкуб, — елка қисди Қодир-қайчи. — Ишқилиб, ўаинг тилингга эҳтиёт бўлгин. Мабодо маошингни сўраб қолишса, мукофот пулини қўтиб айтиш эсингдан чиқмасин.

Кейин касаба союз ташкилотининг раисига ўгирилиб буюрди:

— Бухалчага мўмайроқ қилиб ёрдам пули ёа.

— Вой, у биздан ёрдам сўрабдими?

— Унақа бракчиларга ёрдам берадиган аҳмоқ йўқ! — ўшқирди Қодир-қайчи. — Сен ўша пулга бозордан харажат қип келасан. Осмондан тушганларнинг томогини ёғлаш керак. Ерликларнинг улфатбозлигини кўрсатиб қўямиз уларга.

Бир соатдан кейин меҳмонлар цех ҳовлисига кириб келинди. Қодир-қайчи теп-текис йўлакда қоқина-қоқина уларнинг истиқболига ошиқди. Космосликларга қайси тилда мурожаат қилишини билмай пича иккиланиб тургач, таваккалдан «Гуд... гуд-бай!» деяғингшиди.

Директорга ҳамроҳ бўлиб келган уч кишидан иккитаси аёл бўлиб, улар кўриниш ва кийиниш жиҳатдан маҳаллий жувонларга жудаям ўхшаб кетишарди. Лекин малласоч эркакининг кўкиш кўзида самовий союзлик яққол акс этиб турар, бужур юзи эса метеорлар

ёмғиридан галвир бўлиб кетган олис бир сайёрани эслатарди.

Космослик эркакнинг қўлида «Феникс» сигаретини кўрган зукко ака Ёқуб «Болгартабак» фирмаси ў маҳсулотини фақат ер юзи мамлакатларига экспорт қилиш билан чекланиб қолмаётганини дарҳол тушуниб етди. Меҳмон йирқироқ замигалкани шақиллатиб сигаретга ўт берган пайтда ҳозиргина нос кафтлаган коровул чоннинг кўзлари ўйнаб кетди.

— Я илавҳа иллавла, — гўлдираб калима келтирди у. — Еттинчи осмоннинг жинчирогини қаранг-га...

Директор меҳмонларни чиннидай тоза йўлакдан цех биноси сари бошлади. Қунишганларича бир-бирларининг пинжига кириб олган қизлар ҳайрат ва ҳаяжондан қотиб туришарди.

— Ҳорманглар, қизлар! — жилмайтанича сўз қотди уларга космослик аёллардан бири.

Меҳмоннинг маърузаси инобатсиз қолди. Қизлар ўртасида ўзаро висир-висир бошланди.

— Ие, гирт ўзбекча гапирди-ку!

— Бари бир гализорок...

— Шунисигаям шукр қиласанг-чи.

Бири биридан сўзамол қизларнинг ҳозирга келиб ёввойилашиб қолганидан таажжуланган директор меҳмонлар олдида ўнғайсиаланиб, устма-уст томоқ кирди.

— Сизларга нима бўлди, қизлар? — «қизлар» десавда, негадир ака Ёқубга таънадор боқиб сўради у. — Меҳмонлар ўзларингизнинг ҳамкасларингиз — кўшини райондаги мусобақадош «Космос» модалар ательесининг вакиллари. Қани, яхшилаб танишиб олинглар-чи.

Ҳамма тенгдан қалқиб кетди. Коровул чол жаҳл билан нос туфлаб, аста нари жилди.

1977

ДАВОЛАНИШ

Атроф зимистон. Юрагим хижил...

Тш-ш! Қулоқ солинг-а, орқамдан писиб келаётган ажиналар каминани бўғизламоқчи бўлиб шивир-шивир қилишиялти. Эшитяпсизми?

Еки булар бақатеракнинг баргларимикан? Ахир, шабада эсиб турибди...

Атроф зимистон. Юрагим бежо!..

Ё алҳазар! Буниси қанақа маҳлуқ эди? Ҳезалак-ларга ўхшаб куляпти. Тиши арасимон бўлса-я...

Уф, шундай қўрқиб ўтирибман-а. Бойўғли экан. Учиб кетди ярамас.

Атроф зимистон. Юрагим тақа-пука!!.

«А-а-а!..» Нега бақиряниман? Тўғри, бақириш ке-рак. Сўқмоқнинг қоқ ўртасида бир кўзли одамютар турибди. Қўзикинг ёнишини қаранг. «А-а-а!..»

Шошманг-чи, тиллақўнғизлар тўпланиб олганни дейман? Ҳа-я. Тфу!..

Атроф зимистон. Юрагим пачава!!!

Ўғилболачасига тан оладиган бўлсам, қоронгуликни болаликдан жиним сўймайди. Лекин, бошга тушгандан кейин...

Гап шундаки, раҳбарликка тайинландим-у, ғалвалардан асабим тараанглашиб, юрагим гижимлайдиган бўпқолди. Врачга борган эдим, у кечалари сокин жойларда саир қилиб турипни маслаҳат берди. Мана, даволаниши бошлаб юбордим.

1978

ШОМУРОД ҲАСИБФУРУШНИНГ ФУТБОЛГА БОРГАНИ

Ализ Несинга таъзим ила...

Бир тоғора ҳасибни кўтариб Шайҳонтовурга чиқсан, кўчада одам танқис, ҳамма ўзини футболга урворибди. Харидорнинг кетидан қувиб менам стадионга кирдим. Кирдим-у, юрагим орқага тортди. Ёлирай! Ҳеч каснинг бошита тушгулик қилмасин-у, агар шунча одам тўйингга бостириб келса борми, узоги билан икки минутда хонавайрон бўлмасанг, мана мен кафил.

Оломоннинг авзойи бузуқлигини кўриб, ҳасибни очишга юрагим бетламади. Хайриятки, бир барзангининг ёнида бўш жой қолган экан, тогорани ўртага қўйиб ўша ерга ўтиридим. Биздан нима кетди, шу футболиниям бир кўрсак кўрибмиз-да, дедим.

Майдонга қарасам, ярми сариқ, ярми қизил майка кийган бевош ўспириналар қирқта сигир боқса бўладиган ажриқзорни бемалол тепалаб юришибди. Ҳой, кўзингга қара, дейдиган одам йўқ. Тўсатдан жаҳлим қўзиди: «Ҳў, ҳалойик! Бу зааркунандалар ҳаммаёқни тепалаворди-ку! Савобгарчиликка биргалашиб ҳайдасак бўлмайдими?» деб бақирдим. Ёнимдаги барзангни «сизга қайси бири ёқмаяпти ўзи, акахон», деб пичинг қилувди, «барини ҳайдаш иерак — сариқларниам, қизилларниам», дедим. Шунда олдинги қаторда ўтирган бир дингқулоқ шартта менга ўгирилиб «сариқларга яна тил тегизсанг, кўзингни ўйволаман», деди. Касалмандлигини хисобга олиб, у билан гап талашиб ўтирамадим, ўзи боядан бери шу одамга жуда раҳмим кептурувди. Бечоранинг тутқаноги бор шекилли, тўп сариқларга тегса, тиззасини ўйнатиб, елкасини учиради. Қизилларга тегса, калласи «қалтир-қалтир», «қалтир-қалтир» титрай бошлайди денг.

Ё таъба, шу ўйинкинг нимасини томонга қилишаркин? Тўпи бор ўйинчи югурса-ку бир нав, тўпи йўқлар нимага ҳакиллаб юришибди, шунга ҳайронман. Майсанни тепалашганиям майли, кўпчиликни ичига шим киймай чиқишганиям майли, ҳеч бўлмаса, ўзидан каттани ҳурмат қилишини билмайди-я, бу хумпарлар. Қарангки, қора кийимли бир мўйсафид тили осилтудек бўлиб ҳали ўёққа чопади, ҳали буёққа чопади, қани энди ноинсоф ўспириналар унга тўп беришга. Ҳатто, «мен бу томондаман, укажонлар», демоқчидек ҳуштак чалсаям парво қилишмайди денг. Буни кўриб яна зардам қайнади. Қўлимни оғзимга карнай қилиб: «Ҳў, тарбия кўрмаганлар! Отанг тенги одамга ҳурмат шуми?» деб дўқ урдим. Ёнимдаги барзангни ниманидир кавишаб туриб, «вей ака, алжирамасдан жим ўтиринг энди», деб кўзини олайтириди. Аҳвол шу-да, ҳақиқатни гапирсанг, дарров жиннинг чиқаришади.

Тузи пастроқ гап айтиб барзангини сал мустар қилмоқчи бўлтурувдим, каллам қўққисдан фойдалирок томонга ишлаб кетди. «Ие, тўхта-чи, Шомуродвой», дедим, «бу ишкамба мабодо бизни фирмага қарашли

ҳасибни чайнамаяптимикан», деб ўйладим. Тогорага ёпилган сочиқ анча паstлаб қолганини кўрдим-у, шубҳам баттардан кучайди. У қарса-қурс чапак чалиб, «ур-ур, «Пахтакор!», «ур-ур, «Пахтакор!» деб ҳайқиришга тушгандан кейин ҳасибни егани аниқ сезилди-қолди. Ҳа, ҳасиб жуда кучли нарса. Бараангига қўшилиб, ҳасиб емаганларам бақира бошлашди. Шуниси қизиқки, улар қанча қаттиқ бақиришса, сариқ майкали ўйинчилар майсанни шунча кўп тепалашди.

Текин ейилган ҳасибларни ҳисоб-китоб қилволиш учун тогорани бу томонга олиб барзангига яқинроқ сурилган пайтимда қизил майкали ўйинчилардан биттаси тўсатдан тўпни илиб қочди. Зинғиллаганича бориб, дарвозага шунақсанги варанглатиб тепдики, ҳатто оёғидаги ботинкасиям учиб кетди. Тўп дарвозанинг бу бурчагига, ботинка у бурчагига кирди. Стадион ўти ўчган самовардек жимиб қолди. Олдимдаги дингқулоқ «Вой-е-ей!» деб кўкрагини чангллаганича, шилқ этиб тиззамга йиқилди. Орқадаги боланинг лимонадини олиб, бетига сув пуркаганимни биламан, ҳалиги дингқулоқ бирдан уввос солиб, ўрнидан туриб кетди-ю, «кўзни единг, итвачча», деб бўкиришга тушди. Қарангки, шошилишда лимонадга қўшиб оғзимдаги носнинам пуркаворибман. Ҳайриятки, дўхтирлар бор экан, уни машинага босиб касалхонага опкетишди. Юрагинг пачава бўлгандан кейин, тўп уришни биладиган томонга ишқибозлик қилсанг ўласанми, деб ўйладим.

Ақлли одамнинг садагаси кетсанг араийди. Тўп киритилгандан кейин қора кийимли мўйсафид ниҳоят ўспириналарни муросага келтириб, сариқларни бу томонга, қизилларни у томонга ажратиб ташлади. Тўғрида, қайсиdir донишманд майдонни илгаритдан теппантенг бўлиб берган экан, бирорни томонида пишириб қўйибдими? Агар мақсад тўп киритиш бўлса, ўзингни тарафингдаям тап-тайёр дарвоза турибди, бошқаларникига уришинг шартми?

Мўйсафид шўрлик шунча уринди-ю, куйиб-пишгани бари бир чилпакка чиқди. Ҳуштак чалиниши биланоқ, безори ўспириналар ҳасибдаги пиёз билан қиймадек яна бир-бирига аралашиб кетишиди.

Бир пайт баданимнинг қитиги келгандек бўлди. Мундоқ қарасам, барзангি қўшнимнинг кўзи ўйинда-ю, қўли оёғимда ўрмалаб юрибди, тимирскиланиб ҳиманидир қидирялти. Индямасам, қўлинин чўнтағимга

суқадиган чамаси бор. «Ҳў, акаси, ҳасиб бу томонда», дедим. Эндиғина айини бўйнига қўймоқчи бўлиб турвидим, тўс-тўпалон тагин авжга чиқди. Сариқ майкали ўйинчилар бу вақтда нариги дарвозани ўраб олишган экан. Улардан биттаси тўпни юқоридан қиялатиб тенганди эди, бехосдан бошқасининг калласига тегиб, дарвозага кириб кетса бўладими. Стадионда қиёмат бошланди, қўрқиб тоғарамни қўлимга ушлаб олдим.

Шериклари тўп урган ўйинчининг ёнига келиб, калланг ёрилмадими дегандек бир-бир кўнгил сўраб кетишди. Боши лат еган ўёқда-ю, буёқдаги ишқибоzlар унга ачинганидан «ув-в!» деб юборишли. Кейин ўйинчининг калласи бутунлигини кўриб суюниб кетишди шекилли, бир-бирини янги келин-куёвдек «чўлп-чўлп» ўна бошлашди. Барзанги қўшним мени қучоқлаб даст кўтарган пайтда, кўргиликни қарангки, тогорам қўлимдан бехос чиқиб кетди. Одамларни устидан бошма-бош сирғаниб бориб пастроқда бир даранглади-ю, шу-шу қайтиб дараги бўлмади. Ҳе, ўша футболингни кароматидан ўргилай, деб йиғламсираганимча ташқарига юрдим. Дарвозадан чиқаётган чогимда томошабинларнинг ҳайқириги орасидан қадрдон тогорамнинг товуғиям эшитилгандек бўлди. Ишқибоzlарнинг «Ур-ур, «Пахтакор!» дейишига мослаб «даранг-даранг», «даранг-даранг» қиласи-я жонивор.

Хуллас, ўшандан бўён ҳасиб сотгани стадионга бормайдиган бўлдим, аммо-лекин мистогорам нодонлик қилиб «Пахтакор»нинг ишқибоzlарига қўшилиб кетди. Ҳа, тогорамнинг шўри курсин-а, «Пахтакор» олий лигага чиққунча даранглайвериб илма-тешик бўпкет масайди.

1986

БАЙРАМ ИНТЕРВЬЮСИ

Жамоатчи ҳажвчимиз байрам арафасида улфатчилик фанлари доктори Майшат Майшатович билан сұхбатда бўлди. Кўпчиликка отнинг қашқасидек танилиб қолган Майшат Майшатович янги йилни кутиб олиш тартиби ҳақида ўз тоифасидаги шахсларга қаратагапириб шундай деди:

— Қадрли шиша дошлар, азия ҳамтовақларим! Ма-

на, янги йил ҳали пробкаси очилмаган «Портвейн»дек қаршимизда маҳтал турибди. Нақадар гаройиб байрам бу. Унинг ўзига хослик томони шундаки, бу куни эркак зоти ёппасига ичади. Ичишни ўрганган аёллар эса орага суқилишиб, даврамизни янада кентгайтирадилар. «Яратганнинг олдида шоху гадо баробар», деганларидек, ичилгандан сўнг ёши, жинси, касби, амалидан қатъи назар, ҳамма бир хилда алжирай бошлайди. Сиполик, ройишлилик, расмий гап-сўзларга барҳам берилиб, сухбат чапани тус олади. Натижада, даврадагилар ўртасида мазмуни унча чуқур бўлмаган баҳслар бошланиб, колектив равиша жанжаллашиш туйгулалири камол топади. Менимча, биргалашиб ичишнинг нафосати, оламнинг гулистонлиги ана шунда.

Лекин бундай ажойиб давраларда қатнашиш, базми жамшиднинг бошдан-оёқ иштирокчиси бўлиш сиз ўйлаганчалик осон иш эмас, биродари азизлар. Киши бунга жиддий равиша ҳар томонлама тайёргарлик кўрган бўлиши керак. Ўзимнинг кўп йиллик бой тажрибамга таяниб, худди шу масалада сизларга айрим маслаҳатлар бериб ўтмоқчиман.

Хуллас, ичишни ўттиз биринчи декабрнинг ilk тоғидан, яъни каллаи сахардан бошлаган маъқул. Эрталабки бу машғулот унчалар ачимаган пиво ёрдамида ўtkазилади. Хўрак учун қалампирланган қурут, канчёнка ёки шўрданак ҳозирлаб қўйишни унутманг. Пивога туз сепиб ичиш қатъян маън қилинади:

Уч-тўрт шиша пиво отиб олингандан кейин, кишининг кўза томирларида ультра қизилранг аломатлари пайдо бўлиб, мия тўқималарида енгил сархушлик сезилади. Демак, олам гулистон! Энди тамаки маҳсулотларини тутун ҳолида эрмак қилиб, пича дам олишимиа мумкин.

Соат ўн бирларга бориб, машғулотнинг иккинчи босқичига ўтамиз. Бу пайтда пиволарни четга улоқтириб, шампандан баҳра олиш фурсати етган бўлади. Қолқоқни ракета қилиб учирганимиздан сўнг, ноёб ичимликни каттароқ идишга тўлдирамиз-да, уни бир кўтаришда уриб қўямиз. Қарабисиaki, олам янаем гулистон!

Машғулотнинг учинчи қисми одатда тушликдан кейин бошланади. Мазкур босқичда биз у ёки бу номдаги ўзимизбоп вино билан мулоқотда бўламиз. Винони ҳар ярим соатда юз эллик граммдан оширгмаган ҳолда

ағдарма қилиш тавсия этилади. Учинчи босқичнинг охирларига бориб, машғулот ўтказувчининг қорин қисмида бурама оғриқ пайдо бўлиши табиий, чунки вино, пиво ва шампан ошқозонда учрашиб, аёвсия реакцияга киришади. Айрим тажрибасиз ичувчилар бундан заррача саросимага тушмасликлари керак.

Захматли ва ҳуаурбахш машғулотимизният тўртинчи босқичи кечки овқат арафасида бошланиб, киши ўзини идора қилолмай қолгунга қадар давом эттирилади. Эндиликда наебат ароққа келтганини ўзингиз ҳам сезиб тургандирсиз, ааз шишадошларим. Бу босқичда киши ўзини бутунлай эркин хис қиласди. Даврада ҳам вазият бошқача: бирор-бирорни менсимай қўйган, ҳамма гапиришни истайди, аммо уни ёцитадиган одам йўқ, бирор ўлиб кетган момосини эслаб йигласа, бошқаси гердайганча ашуланни важанг қиласди. Қисқача айтганда, олам ниҳоятда гулистон!

Мана энди чинакам байрам бошланди, десак ҳам бўлаверади. Сиз билан биз эса уни мароқли ўтказишга аллақачон тайёрмиз. Чунки, эрта сахардан бошланган тинимсиз машқлар натижасида танамизни обдан чиниқтириб, ўзимиани қадаҳбоязлик жантига пухта шайлаб олганмиз. Энди бизни енгиш анча мушкул. Ҳатто «Коњъяк» аталмиш марказ олийлари ҳам бизни осонликча йиқитолмайди.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишим лозим: машғулотнинг дастлабки уч босқичи уйдан чиқилмаган ҳолда олиб борилади. Чунки кўча-кўйда заруратсиз сангиш ҳушёрхонага тупиш хавфини кескин оширади. Бу кўнгилсиз тадбир аса сиз билан бизнинг байрам программамизга киритилмаган. Тўртинчи — ҳал қилувчи босқич шишадошлар даврасида қиёмига етказилади.

Сўзимни якунлар эканман, сиз қадрдонларга мурожаат қилиб айтаманки, базм машғулотларини юшқоқлик билан олиб бориб, улфатчиликни камина-дек устамоннинг қимматли йўл-йўриқларига қатъий риоя қилган ҳолда юқори савияда ўтказайлик...

Бундай вақтда бор овозда барабарла қичқиргинг кела-ди: «Бугун дилларда галаён! Бўлди! Етар! Шишаю пробкалар зўравонлигига энди чек қўййлик! Ичимликларга озодлик! Олам бутунлай гулистон бўлсин!»

ТАШВОЙТАГ

Икки кунлик хонаки меҳмондорчиликлардан сўнг дўстим мени район марказига сайдга олиб чиқди. Богдаги чойхона пешайвонида чанқовбосди қилиб ўтирганимизда пакана, тепакал кини соққадек гилдираб келиб, биз билан қуюқ кўришди. Ўттизинчи йилларда русум бўлган жулдур панкасини сўри четига қўйиб, узатилган чойни шонниб-шошиб хўриллатишга тушди. Бу орада мен билан чала-пула танишиб олишга улгурди.

— Қоратепадаиман денг? Оғайнilar кўп у ёқда, телефонлашиб турамиз. Молиндаги Дарраевинг қайнанаси бир тандирфурушга тегиб кетганини айтишувди. Қалай энди келин-куёвлар?

Дарраевинг сўққабош қайнанаси бизнинг маҳаллада туради. Ишга ўтиб кетаётганимда унинг ҳовлисидан нотаниш чол чиқиб келаётганини кўргандек бўлувдим. «Ҳа, яхши яшашянти», деб қўяқолдим.

— Кампирларки шунаقا қиптурса, Шаҳлога ўхшаганлардан ўйкаlamасак ҳам бўлар, Шукурвой, — дея дўстимга юзланди тепакал.

— Қайси Шаҳло? Нима қинти?

— Универмагдаги новча қиз бор-ку. Бугун тунда эрини ёмон калтаклабди-да. Ўртоқ Қонқоновнинг хотинига қуда томондан чатишлиги қутуртирганим дейман? Бўлмаса ўщандай мўмин эрини нега шунаقا азоблайди?

— Эрини танимас эканман, — деди Шукурвой.

— Танийсан, эслолмаяпсан, — бўш пиёлапи узатаётуб ишонч билан бош силкиди тепакал. — Ҳолдор кўсанинг жияни-да...

— Э, Ҳолдор тоганинг жияними?

— Шу Ҳолдор кўсагаям қийин бўлди. Ўзи одамга бир фалокат ёпишса, қаторлашиб келади. Сариқ бўлиб ётган келини, дорилар ҳомилага таъсир қилиб, тўртинчи числомда чала тугиб қўювди, ўн иккинчи числомда куёви мотоциклдан йиқилиб, оёгини пачоқлади. Бундан бир соат бурун ўзининг молхонаси ёниб кетганмиш. Яхшиям новвоси занжирни узиб қочибди, бўлмаса учюа килолик кабобни кўрардинг.

— Районларингда ўт ўчирувчилар борми ўзи? — дея гапга аралашдим мен.

— Қўнғироқ қилишса, телефон ишламабди, — ўрнида жавоб қайтарди тепакал. — Ҳозир келаётib та-гига етсам, бир трактор ўн учинчи километрдаги сим-ёғочни уриб, кабелни узворган экан. Трактор қайси ташкилотга қарашлилигини ҳозирча аниқлолмадик. Территория «Большевик» колхозиники, менимча трактор ҳам...

Тепакал нон бурдасини қаймоққа булаb лунжига тиққач, қўшимча қилди:

— Ҳатто Истроилдек митти давлатдаям телефон ка-беллари тўлиқ ер остида экан...

. Кейин ганини чирпиратиб келиб, ўзимиздаги яҳудий-ларга тақади.

— Ҳайим сартарошнинг бешинчидаги ўқийдиган шах-матчи ўғли район мусобақасида биринчи ўринни олибди. Райисполком раисининг кап-кatta неварасини қато-расига уч марта мот қилворибди. Ўйнашмагин арбоб билан деганларидек, санстанциядагилар кеча Ҳайим-нинг сартарошхонасини печатлаб кетишиди...

Чойхона ичкарисидан осма соатнинг даранглаши эшитилди.

— Ие, вақт бўпқолди, шекилли, — дея шошилинч ўрнидан қўзгалди тепакал. — Ҳўп, насиб қилса туш-дан кейин бир гурунглашармиз.

У папкани қўлтиққа уриб, пешайвон пиллапояси сари юрди. Пастга тушгач, милиция формасидаги йигитни йўлакда тўхтатиб, нимадир ҳақда гаплаша бошлади.

— Ким бу? — деб сўрадим мен.

— Тайёрлов идорасининг бухгалтери Тошвой ака, — деди Шукур. — Билмаган, қизиқмаган нарсаси йўқ. Лақабиям ТошвойТАГ.

Шукур гапни тугатиб-тугатмай, ТошвойТАГ паст-дан овоз қилди:

— Шукурвой, мана, участковойдан билиб олдик. Ҳалиги симёғочни ҳақиқатанам «Большевик»нинг трактори пачоқлаган экан...

ЎзТАГ тезкорлик, синчковлик, айниқса холисликда ҳали анча орқадалигини фаҳмладим.

1980

ОДАМГАРЧИЛИК

- Мумкинми кирсам? Ассалому алайкум, Шоғози Норозиевич. Идоранинг ёнидан ўтиб кетаётиб, сизни табрикламаганим бирдан эсимга тушиб қолди-ю...
- Қанақа табрик?
- Омонлик бўлса, Шоғози Норозиевич, эртага янги йилни кутиб оламиз.
- Менга қара, Мардивой, бошимни кўп айлантирмай, шартта асосий масалага кўчиб қўя қол. Биламан, бирон дардинг бўлмаса, олдимга келиб ўтирмасдинг.
- Хуллас... дардим оғир, Шоғози Норозиевич.
- Хўш?
- Анчадан бери уйимиздаги жовонда битта арман конъяги ичилмасдан турибди денг...
- Ие, қизиқ-ку. Қани, давомини гапир-чи, Мардивой.
- Ўша юлдузжамолнинг мазасини тотолмай, бир ойдан бери юрак-багрим қон бўп кетди, Шоғози Норозиевич! Евуз хотиним жовонни қулфлаб ташлаган!
- Ута бардошли одам экансан, Мардивой. Хўш, сен нотавонга нима учун хотининг бу қадар жафолар қилипти?
- У ярамас десангиз ўша конъякни қандайдир слесарга атаб опкелганиши...
- Э-э, гап бўёқда дегин? Бундан чиқдики, хотининг ўша слесарь билан...
- Нималар деяпсиз, Шоғози Норозиевич!
- Унда, гап нимада ўзи?
- Ҳамма гап шундаки, бир ойдан бўён квартирамиздаги батареялар яхши ишламаяпти, кейинги кунларда бутунлай совиди-қолди. Чамаси, хотиним батареяларни тузаттириб, устани конъяк билан хурсанд қилмоқчи. Эссизгина арман конъяги, уни ўзим биронта улфат билан майдаласам бўлмасмиди, а?
- Ҳм... умуман... одамгарчилик юасидан бу ишга шахсан ўзим аралашмасам бўлмайди шекилли. Ахир, эски танишлармиз... Хотининг жуда эзворибди сени...
- Олижаноб одам эканлигингизни билардим, Шоғози Норозиевич. Раҳмат сизга!
- Сен... уйга бориб... ҳм... сал тайёргарлик кўриб тур. Тушликка яқинроқ етиб бораман мен. Ташиш тортма, уйингни ҳаммом қилворамиз. Майли, байрам олдидан бир чақчақлашиб ўтиришайлик. Фақат, хотининг

нингга айтиб қўй, Мардивой, ҳам... жудаям ортиқча уришиб ўтирасин...

Мардивой ЖЭКнинг сантехниклар бригадаси бошлиғига яна бир бор миннатдорчилик билдиаркан, кўзидаги мугамбирликин сездирамаслик учун нигохини аста ерга қадади.

1978

ПЎПИСАНИНГ ОГИРЛИГИ ҚАНЧА?

Август ойининг бошлари эди. Директоримиз мени ҳузурига чақириб, қўлимга қандайдир хатни тутқаздида, шу жойнинг ўзидаёқ унинг мазмуни билан танишиб чиқишимни буюрди.

«Хурматли олимлар, — деб бошланган эди хат, — сизларнинг ижамий-техникиш институтингизда асабий зарбанинг инсонга жисмоний таъсирини ўрганиш устида катта тажриба ишлари олиб борилаёттанини газетадан ўқиган эдик. Бизага бир масалада ёрдам беришларингизни колхозимиз управлениеси аъзолари номидан ўтишиб сўрайдурмиз. Яъни, масалан, бир побоп одамни ишдан ҳайдадик деб фараз қилайлик. Ана шу жазо жисмоний томондан унга неча килограмм вазминликда таъсир қилиши мумкин?»

— Ҳатто қишлоқдаги ўртоқларнинг ишимиш билан қизиқишшайтгани бизни бенаф деб атаетган баъзи ташкилотлар олдида юзимизни ёруг қиласди, — деди директоримиз. — Қу соҳада тажриба ишлари ўтказиб, хатга аниқ жавоб ёзиб юборишни шахсан сизга топшираман.

Бир ойлик изланишлардан сўнг, ниҳоят қатъий хулосага келиб, колхозга жавоб хати ёздим: «Ишдан ҳайдаш кипига ўрта ҳисобда 75 килограмм юк кўтарттириш билан баробардир. Лекин, шунни эслатиб ўтиш лозимки, юк микдори ўша шахснинг ёши, жисмоний тузилиши, асабининг бўш ёки қаттиқлигига қараб кўпроқ ёинки озроқ томонга ўзгариши мумкин».

16 сентябрь куни колхоздан яна хат келди: «43 ёшга кирган, ўта сурбет, бўйи бир метр 67 сантиметр, оғирлиги 80 килограммлик одамга «ҳайфсан» берсак, унга қанча юк босган бўламиш?»

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, оддий

«ҳайфсан» юқорида тасвирлаб берилган нусхадаги кишларни 30—35 килограмм оғирликда эзаркан. Колхозга шу мазмунда хат жўнатдим.

Колхоздан келган иавбатдаги мактуб конвертга 2 октябрь куни солинган бўлиб, унда «оғоҳлантириш»нинг аввалги сафар қайд этиб ўтилган шахсга нисбатан жисмоний таъсири ҳакида маълумот беришимииз талаб қилинган эди.

Яна тажрибалар ўтказишга тўғри келди. «Оғоҳлантириш» деган нарса кишини 15 килограмм юкни кўтариб юришга мажбур қилишини аниқладим-у, бундан ўзим ҳам ҳайратга тушдим. Чунки, ҳисоблаб кўрсам, ишга келганимга ҳали уч йил бўлмай туриб, олти марта «оғоҳлантириш» олибман. Бир ўзимга 165 килограмм жазо беришибди-я!

Колхозга янги хатни жўнатиш билан бирга, берилаётган маслаҳатлар учун муассасамиага тўланадиган пулни банкка ўз вақтида ўтказиб туриш лозимлигини ҳам эслатиб қўйдим.

5 ноибрь куни колхоз раиси шаҳарлараро телефон орқали менга қўнгироқ қилди. Салом-алиқдан сўнг мақсадга ўтиб деди:

«— Хўш, яхши йигит, қирқ уч ёшли сурбет одамга мажлисда қаттиқ пўписа қилсан, гарданига қанча юк ортган бўламан?»

«— Аниқ айтиш учун олдин тажриба ўтказиш керак, — дедим мен. — Агар таҳминан оладиган бўлсак, етти-саккиз килограммдан кам чиқмас-ов».

«— Сиздақанги олимлардан ўргилиб қўйдим! — зарда аралаш пўнгиллади раис. — Бир ярамас иш кўрсатиб турса-ю, сизларга қолса унга пўписа ҳам қилмаслигимиз керак экан-да? Бунақада колхозда тартиб ўрнатиб бўларканми?!»

«— Тушунмадим», — дея гўлдирадим мен.

«— Нимасини тушунмайсан, акаси, — вагиллаган тонуш келди трубкадан. — Омборчимиз колхоз арпасини тия қилмоқчи бўп турганда ҳалқ контролининг қўлига тушди. Уни, ҳеч бўлмаса, тергаб қўёлмасак, биз бу ерда нима қилиб ўтирибмиз?»

«— Арпангизни кимдир тия қилса, менга нима!» — бирдан каминанинг ҳам қони қизий бошлади.

«— Битта пўписани саккиз килога чиқариб қўйиб, яна «менга нима» дейди-я, — жириллай кетди раис ҳам. — Омборчимиз ёзда сариқ касали билан оғри-

ган. Бу касалликқа қалингандарга бир йылгача тұрт килодан ортиқ юк құтартығиб бўлмайди. Тўрт килолик дўқни қаердан топаман унга? Үргилдим ўша экспериментингдан!»

Трубкадан «дут-дут» деган товуш эпитетиди... Колхоз билан илғор фан ўртасидаги алоқа яна узилиб қолди...

Хе, аттанг-га, аттанг-га, қишлоқдагилар бизни тўгри тушунишмади, шундай ажойиб кашфиётимизни қадрлай олишмади. Лекин, энг муҳими — кимлардир ишимиш билан қизиқиб кўришди-ку, шуниси бас. Ди-ректоримиз айтгандаридек, бу нарса бизни бенафликда айблайтган баъзи ташкилотлар олдида яхши дастак бўлади.

Тажрибаларимиз давом этмоқда.

1979

ЧАШМАДРОМ

Саратонда паноҳ иялаб, боғнинг салқин жойидаги мажрух курсига бориб ўтиридим. Бир тикансоқол менга синовчан боқиб, теваратимда иккى-уч доира ясагач: «Хўш, акаси, бирга учамиами?» деб сўради.

Атрофга алангладим, яқин-ўртада ҳайнинчак кўринмади, фақат нарироқдати ёғоч дўконча олдида бир гала одам уймаланиб турибди.

— Чашманавтмисан ахир? — яна савол берди у оғзидағи напиросининг думини чайнаб.

Наҳотки мени биронта фазогирга ўхшатишаётган бўлса, деб ўйлаб, ўнгайсизланганимча «Йўғ-е!» дедим.

— Унақа бўлса, чашмадромни банд қилма, — деб ўқрайди тиканаксоқол. — Шу йўлакдан тўхтамай бориб, чапга бурилсанг, лимонадфурушнинг олдидан чиқасан. Қани, жил.

Туриб, бошқа томонга қараб юрдим. Ёғоч дўкон ортидан ўтиб бораётсам, яшиклар қалаб ташланган жойда кишилар тўп-тўп бўлиб ўтиришибди, ўрталарида эса «Чашма» винолари. Илгарироқ бошлаганларнинг баъзилари ажриққа чўаилиб, аллақачон учиб ётибди.

1980

ЧАКАЛАКЗОР АФСОНАСИ

Чакалакзор султони фил эртак китобни ярақлаб ўтириб, қадимги ҳукмдорлар саройида ўқтин-ўқтин мушоиралар ўтказиб турилгани, шеърхонлик баҳсида ғолиб чиққан шоирлар тақдирлаб борилгани ҳақидаги жойига беихтиёр кўзи тушиб колди.

«Наҳотки, менга тобе бўлган жониворлар ичидаги шеър ёзишни уddyалайдиганлар топилмаса? — дея ўзига ўзи савол берди султон. — Мабодо шоирлар бўлса-ю, мен мушоира ўтказиб турмасам, унда ҳукмдорлигим қаёқда колди?»

Бақироқ жарчилар бутун чакалакзорни кезиб, султоннинг мушоира ўтказиш тўғрисидаги фармонини эълон қилиб келгач, орадан кўп ўтмай саройга шоир сигмай кетди. Бунча меҳмонни зиёфат қилиш жуда қимматга тушишидан ташвишланган фил: «Ҳар тоифадаги ҳайвондан биттадан энг зўр шоир қолсин-у, бошқалари кетаверсин!» деб амр қилди. Лекин «мен ўзагалардан настроқ ёзаман», дейдигап биронта шоир топилмади, ҳаммалари қимирламай туравердилар. Охири қуръа ташлашга тўғри келди. Қуръада омади чопган шоирларни ичкарига таклиф этиб, қолганларини тарқатиб юбордилар.

Қуюқ зиёфат тортилиб, ҳамма баҳоли қудрат овқатланиб, бўлгач, султон ҳар кимнинг обрўйига қараб навбат беришни дилига тугиб, ёнверига аста кўз ташлади.

— Адашмасам, сен бошқалардан анча баднафсроқсан, — деди у ниҳоят Ўрига қараб. — Мушоирани ўзинг бошлай қол!

Бўри Филга сиполик билан таъзим қилгач, тишларини иржайтириб шеър ўқишга тутиди:

— Қўй жуда ҳам кўп маъраса,
Тилгинасин тийиш керак.
Тилгинасин тийиш учун
Уни шартта ейиш керак.

Теварак-атрофдагилар: «Э, қойил!», «Яхши ёзилибди!» — дея жаврай кетишли. Бўри жойига бориб ўтиргач, навбат Айиққа берилди.

Айиқ бўкириб ўқий бошлади:

— Асалари ухлаганда, бў-бў,
Асалини ўтирлайман, бў-бў.

Асалимга бирор тегса, бў-бў,
Суробини тўгрилайман, бў-бў-ў!

«Чаккимас!», «Тузук ҳар ҳолда!», «Асалингни ким оларди!», деган товушлар эшитилди.

Уртада Сиртлон пайдо бўлди. У мўйловини қимирилатиб, бир оз чайналиб тургач, мингирилаб ўқий кетди:

— Мушоира бўлган жойда, жўралар.
Тўпланиб шеър ўқиш яхши,
Менимча.
Чакалакда ёлғига юриб, жўралар.
Кучисизларни бўгиш яхши,
Менимча.

Сиртлоннинг шаънига ҳам пойма-пой мақтовлар айтилгач, Тулки жойидан туриб, югуриб борганича Филнинг оёғини ўпди. Кейин кўзларини юмиб олиб, ёддан ўқишга тушди:

— Батъян ахмоқ ҳайвонлар бор.
Кавшар кўнгли тортганини.
Мен-чи, тоқат қилиб юриб.
Еймак шоҳдан ортганини.

Филнинг мамнун жилмайиб қўйганини кўриб, атрофда ўтирганлар бир-бирларига гап бермай, Тулкини мақтай кетдилар.

Зиёфат пайтида ҳаммадан чаққонроқ ҳаракат қилиб, қорнини аллақаҷон қацпайтириб олган Шоқол кўзларини сузиб сultonга таъзим бажо келтирди. Сўнг унинг чийилдоқ товуши бутун хонани тутиб кетди:

— Мен Шоқолман, билиб қўйинг.
Менга ҳазил кетмайди.
Ҳазил қиласа ҳатто ошиам,
Уйига сог етмайди,
Менга ҳазил кетмайди!

«Хе, қуруқ бўлмай ўл!», «Дўқингдан ўргилдим!» деб ўзаро шивирлапниб қўйишиди атрофдагилар.

Навбат ёш Қуёнга келди. У қаерда ўтирганини унутиб қўйгандек пахдам одимлаганча ўртага чиқиб, ёзган шеърини баралла ўқишга киришиди:

— Атрофимда йиртқичлар кўп,
Гоҳ ҳаифсираб ухламайман.
Лекин, менин тинч қўйинг, деб
Йиртқичларга йигламайман.

Фил «Ҳм!», деб хартумини пешонасига тиради. Ҳамма бирдан индамай қолди.

— «Ииртқичлар» дейиш билан кимларга шама қиляпсан ўзинг? — Султонга маънодор қараб қўйиб, Қуённи сўроққа тутди Тулки. — Янглишмасам, сен фақат Бўрини назарда тутаётган бўлмасанг керак?

— Ким қандай тушунса тушунаверсин, — дадил жавоб берди Қуён.

— Тилингни суғуриб олмайин тагин! — дея ўтирган жойидан гижиниб хитоб қилди Бўри.

Шоқолнинг кўалари совук чақнади:

— Бунақа ҳазил кетмайди бизаг!

Филнинг буйруги билан ясовуллар Қуённи ушлаб, дерагадан ташқарига улоқтиридилар. Ўни бундан кейин ўтказиладиган мушоираларга қатнаштирмайдиган бўлишди.

Чакалакзор султони мушоиранинг бош ҳаками сифатида энг зўр теърни Тулки ёзган деб топди ва уни мукофотлаш тўғрисида фармон берди...

1981

ПОЙГАҚДАГИЛАР

Туфливой билан Туфлий бир хилватнишин уйнинг остонасида учрапиб қолдилар.

— Ҳалиям йўлкаларни тақиллатиб юрибсанми, пошнангдан аканг? — суқланиб гап отди Туфливой.

— Бор-е! — дея нозланиб бурнини чўччайтирди Туфлий. — Аъзойи баданингдан ачиган пайпоқнинг хиди келянти. Нарироқ тур.

— Ҳў, намунча осмонлайсан? Сен хромвачча бўлсанг, биз кўчада қолибмизми? Ҳўжайниним катта бир идоранинг ишини гилдиратиб туриди.

Ҳўжайнининг бекамнинг олдида сарик чақа. Бизнинг идорада йўлакларгача гилам тўшалган.

— Биз ҳатто машинанинг ичидаим гиламни эзиб ўтирамиз. Тунов куни десанг таги пастроқ бир Ботинка лой илаштирганича чиқиб келса бўладими? Ачитиброқ гапирай десанг...

— Э, нимасини айтасан, — пистончасини ярқирашиб сузилди Туфлий, — бунақа бефаҳмлар навалом.

Минг шукрки, уларнинг кўпи магазиндаёқ буришиб ўлади.

— Ҳа, биз ношукрчилик қилмасак ҳам бўлади, — деди Туфливой. — Ҳар ҳолда сал-пал обрўйимиз бор. Тунов куни хўжайин билан бир зиёфатга боришимизга тўғри кепқолди. Қайтаётганимда унинг ўринбосари мени артиб қўйди.

— Фу, шуям обрўми? Агар истаса, ёека! хўжайинингга мени ўптиради. Қолаверса, зиёфатга борди-и-к, деб мактанишингни қара. Нима, сениям тўрга етаклаб чиқишиб, олдингга кабоб қўйиپдими?

— Энди, очигини айтсан, акаси, ҳар ким ўз ўрнини билиши керак. Икковимизнинг ҳолимиз ҳам ўзингга маълум...

Шу пайт кўча дарвоза очилиб, сўлақмондай бир йигит ҳовлига кириб келди-да, ишком остидаги сўрига тириб, викор билан сигарет тутатди.

— Ана шофёр ҳам келди, — деб жилмайди Туфлий.

— Буям ўзимиадан, — деди Туфливой ачинган овозда. — Бу шўрликкяям қийин...

1980

ЎШАНИНГ ЭРИМИКАН?

Анов сўлақмон неги мени четга имлаяпти? Аваойи бузук. Наҳот, бу ўшанинг эри бўлса?

Мен уни кўрмаётгандек танишим билан бемалол гаплашиб турибман. Узокроқ гаплашим керак, токи унинг тоқати тоқ бўлиб, қайтиб кетсин.

Ана, яна имлади. Шубҳага ўрин йўқ, бу унинг ари. Кўз қирида аста чамалаб кўрдим, қуриб кетгурнинг мунити нақ бозғондек келади. Ўша исқот билан қаншаримга қараб тортса борми!..

Хуллас, вазият нозик. Ўзимни дадилроқ тутиб, сухбатни иложи борича чўзганим маъқул. Охири кутишдан зерикади-ёв.

Е раббим, яна имлаяпти-ку. Энди нима қилдим? Неча марта ўзимга ўзим айтаман — хотинлар масаласида эҳтиёт бўлгин, деб. Шундай дейман-у, қулай пайт келди дегунча ўзимни тиёлмай қоламан. Мана оқибати.

Тағин имлади-я, сурбет. Уф! Бунинг нияти буауқ.

Балки, хотини панароқда тургандир. Яхшиликча бўйнимга олмасам, балки иккаламизни юзлаштирас, ёқамдан тутиб кўпчиликнинг ўртасида шарманда қиласа-я. Ё раббим!

Ана, яна имлаяпти. Қе, нима бўлса бўлар. Қилар ишни қилгандан кейин, энди тақдирга тан беришим керак.

— Мени чақиряптиларми? — орадаги масофани узоқроқ тутишга ҳаракат қилиб, тиржайганимча сўрадим ундан.

Кутилмаганда у ҳам мулойим илжайиб, аста шипшиди:

— Туроб Суробович сиаздан бир нарса сўраган эканлар. Шунга келувдим.

Мен енгил нафас олиб, сиполик билан аста томоқ қирдим. Бундан ярим соатча оддин гўсхўрроққа ўхшаб кўринган бир аёлдан мўмайгина уриб қолган эдим. Бу сўлақмонни ўшанинг эримикан деб ўйлабман...

Умуман, магазинда ишлаш тобора қийинлашиб кетяпти.

1978

УСТА ГУЛМАТНИНГ ЖУМБОФИ

Шоирликдан илкис қўнглум совуб, байни назм мушук, ман ит бўлибдурман. Мундоғ кескинлик кўрсатурға тўрт сабаб топдим.

Сабаб рақам бир: белимдан қувват, турқимдан истара чекингоч, ҳатто ноқсовогимга алоҳинда қош учирив юргон аҳли нозанин дафъатан юзизликка ўтиб, пуч савлатимни бир имога олмайдургон бўлди. Бегоналар ордона қолсун, кенжা хотунчам ҳам гоҳ соқолимни паҳмоқ, гоҳ қорнимни дўмпоқ деб қарғанадур.

Сабаб рақам икки: дўст-аҳбобдин ҳануз оқибат кутуб, хумбошлигимча қолмакни ўзимга эп кўрмадим. Зоро ман мудом имонга эргашдим, алар эҳсонга тирмашдилар. Аларга шакар тутдим, алардин заҳар ютдим.

Сабаб рақам уч: оллои каримнинг табаррук исмини маҳфий шўъбадин чўзилғон яширин маошга пуллаб, очиқ кўрлар жамоасини милтиқбоз зўрлар думасига чандиб бергон дин пешволарини мазангламақдин ҳам

толиқдим. Жамоа кўзини очмак истадим, кўр бўлмагоним учун жамоа мандин ҳамдард топмади.

Сабаб рақам тўрт: ва ниҳоят салтанат ила олиши моққа барҳам еткаруб, ҳокиму арбобларга омонлиқ бердим. Фахмладимки, бир тождорни ағдарсам, таҳти иккинчи олғир фойдасига бўшатғоним қолур.

Алқисса, шоирлик ила орони очиқ қилгоч, хаёл уммонига гавнос ўлуб, маҳоватимга лойиқ қасб қидирдим. Уммон тубига етиб билдимки, банда учун энг қутлуг саодат — ҳар нимарсадин сир-асрор ахтариб, оламни равшан англамоқ эркан. Шу асно ўзимни илмға урдим.

Алломаликка илк қадамни Беруний сумалак тошини чақиб кўрмакдин, ибн Сино қоврилғон бўйракни идроклаб чайнамақдин, Мирзо Улугбек Ашратхона шифтингдаги жинчироқларнинг жойлапув тартибини жадвалга туширмакдин бошлиғон бўлса, ажаб эрмас. Буюк аждодларимдин фарқим — факирнинг илк назари қабоқарига тушуб, кўнглумда ул маҳлуқни болари ила чоғиштиromoқ ҳаваси уйғонди. Авомга маълум ва мақбулким, болари бош суққон туйнукнинг хотимаси текин асал йиғиндисига бориб тақалгай. Нале ман қабоқарилар масканига жиддий хужум уюштириб, хужрамнинг ён деворини вайронлаб кўрсанда, гуваллар оросиндан лоақал чирик турпак топмадим. Бул заҳматли чоғинтирув ниҳоясинда дилимда башораттаб-лаб бир сўргө зоҳир ўлуб: «Боларига нисбат айласак, қабоқарининг боши уч чандон, кети беш чандон катта бўлгони ҳолда, нечук бизга етадурғон даромад ҳечдур?» дедим. Сўғин оллодин ваҳий келиб, каромат ёғдирдим: «Жонзор нечоғлик бесўнақайдур — наф шунча камдур», деб. Эмди Юсуф Хос Ҳожибек жумбоқдин ечим, ечимдин фалсафа излаб, қатъий хулоса қилдим ва ёшларга мундог насиҳат битдим: «Танлагон ёринг қанчаки хипча эрса, рўзиғорга шунча барака киритгай. Хотуннинг қўполи бунинг аксидур».

Шу йўсун, бу чалкаш дунёда шоир бўлмакдин чойхона чойнагини ўғирлаб кун кўрмак мақбул деб, ўзни батамом илмга кишанладим. Авлиёлик ҳислатимдин иярғон нодир фикрларни абадийлаштирув йўлинда қирқ дафтарни нобуд этиб, рисолалар ёэммоқдин ҳануз тийилмагонимга не ҳайрат? Чунончи, олам жумбоқлари бисёр эркан, мутафаккир таажҷуби ҳам бениҳоядир.

Узоқ кетмай, куни кеча рўй берган ғалат ишдин

келай. Кўрсам, бир мусофири дала йўлини қазиб, дўппи кўмаётир. Сўрдим: «Бу не аҳмоқлик?» Ул безот деди: «Тугма сехргардурман, битта дўппи экзам, бир ракаат номозни туширгунимга довур тўртта сувсар қалпоқ униб чиқадур». Ҳосилни тенг тақсимлаш юзасиндан дархол шартнома тузилиб, беқасам чапонлар етиштирмак умидида ман якtagимни экдим. Мусофири одобини намойишлаб айтдики: «Ёшингиа улуғ эркан, имом бўлинг», деб. Қиблани меҳроб этиб, олдинга ўтдим. Намозни битирғоч, ортга ўгурулиб «ассалому алайкум», десам, мусофири гижонда? Аллақачон ҳосилни ўриб, қочиб қолибдур. Жумбоқдин ечим, ечимдан фалсафа наалаб, қатъий холоса қилдим ва ёшларга мундоғ насиҳат битдим: «Шерикчиликка ҳатто калиш экма — фойдани келгинди кўрадур».

Бу кун пешинда янги бир чагалнинг гувоҳи ўлиб, тағин яқо ушладим. Тўйдан қайтаётиб қарасам, гузарда оломон тирбанд. Айноқ жинни кўчани тўсиб олиб, «буёққа фақат жиннилар юрсин», деб турибдур. Бирор ўзини телбаликка солиб «қумгонда арслон қовуриб едим», деса бошқаси «айрипилонга әшак қўшиб, тўғри Қашғарга учдим», деди, лек афсус, бирон-бир фойда чиқмади. Бир кимарса эса унга тўқнош бориб, чўнтағидин танга олиб кўрсатди ва нимадир деб шивирлагон бўлди. Шунда Айноқ жинни бехос қаҳ-қаҳ отиб, қутилмагонда унга йўл бўшатди. Данакдек қулогим супра бўлгунча яшаб, бу янглиғ улкан жумбоқни кўрмаган эрдимки, ондин на ечим, на фалсафа, на холоса, на ибрат топа билдим.

Балким айтгандур:

— Кеча энг яхши дўстни мана мунақа темирчаларга алмашладим.

Ёки:

— Мани, шу нарса мани жинни қилди.

Ёки:

— Ма, окоси. Бу сабилга хоҳласанг сабзини сотиб олурсан, хоҳласанг қозини.

Агар кимда олимликка даъво бордур, унбу чигални ўринлатиб ечсун, биз томошо қилайлук.

1988

М Е Р О С Х Ў Р

Гапингиздан ҳалиям хурсандчиликнинг иси кеп турибди. Билсам-бильмасам, эски йилни паловхўрлик билан кузаатиб, янгисини мушақбозлиқ билан кутиб олган кўринасиз. Мен бўлсам...

Кечакариндош-уруглар бизникида жамланиб, эндинга дастурхоннинг расаматини келтириб турган эдикки, бирдан эшик тақиилаб қолди.

— Қорбобо келди! — дея чапак урди ўғлим.

Мен ўрнимдан қўзгалмоқчи бўлиб турувдим, эшик очилиб, пальтосига тўрт хил тутма қадаган, телпагининг бир қулоғини пастга осилтирган бақалоқ йигит тентираклаганича хонага қириб келди.

— Ҳадемай қиради... ўша... янги йил, — деб алжирашни бошлади у. — Табриклайман ёпиасига... Урре-ей!

Бу хайқириқни ҳеч ким қўллаб-қувватламаган бўлса-да, бақалоқ сирайм хижолат чекмай сўзини давом эттириди:

— Ким бу ерда... ҳалиги... шоир?

Ҳамма тенгдан менга қаради. Ўрнимдан туриб, мастига яқинроқ бордим.

— Ҳўш, хизмат, оғайни?

У аламзада қиёфада менга бошдан-оёқ разм солди.

— Ишни чалкаштириб юрган ўзлари экан-да? — деди у кўзлари сузилиб. — Уста Гулмат масаласида келувдим.

— Қанақа масалада?

— Гапни чўзмайлик, — сизларният тирикчиликдан қолдириб ўтирамай, дегандек меҳмонларга узрона бокиб қўйиб, яна менга юзланди бақалоқ. — Шеърнинг хар қаторига қанчадан тўлашпади ўзи?

— Бир-икки сўм атрофида, — дедим энсам қотиб. — Нимайди?

— Бор-е, кетса мендан кетибди-да! — тантилик билан қўл силтаб қўйди у. — Ўртача бир ярим сўмдан десам, нима мени отам уармиди?

У остона бўсағасидаги шолчага чордона қуриб ўтириди-да, чўнтағидан гижимланган газеталарни чиқариб, ўртага ёйди, кейин «Уста Гулмат ижодидан» номли сарлавҳа остида берилган ғазаллар сатрини сашашга қиришди.

— Ҳозиргача роппа-роса олтмиш қатор босипиб-

ди, — деди у. — Хў ў-ш... Бир сўмдан — олтмиш сўм, яна ярим сўмдан — ўттиа сўм. Жами тўқсон сўлкавой. Тўғрими?

— Яхшиликча жўна! — дедим ниҳоят тоқатим ток бўлиб, — Бўлмаса, милиция чақираман.

— Чақир ўша милициянгни, аниқлаб берсин ким ҳақлигини, — у ўрнидан туриб, кўлидаги газеталарни силкитганича менга пеш қилди. — Мана, далиллар панжамда турибди!

Лўқиллай бошлаган пешанамни силаб туриб, аста сўрадим:

— Ўзи сенга нима керак?

— Бер бувамнинг пулини! — хириллади у.

— Қанақа пул?

Бақалоқ кўлидаги газеталардан бирини ёйиб, ундағи газалларга сук билан тикилди.

— Уста Қулмат деган бир бувамиз ўтган экан. Дадам унинг анча-мунча саводи борлигини тасдиқлади. Энди билсак, бувам раҳматли шеърлар ёзаркан.

— «Ёзаркан» дегин? — истехзоли кулиб қўйдим мен.

— Хўш, «ёзган» десам, кўлингдан нима келади? — сурбетлик билан гапини ўнглаб олди у. — Хуллас, Қулмат деган номни Гулматга айлантириб, бувамга тегадиган қалампулини битта ўзинг ўмаряпсан. Неварасигаям бер-да, ноинсоф.

Қариндошларим бир-бирлари билан маънодор кўя уриштириб олишгач, менга шубҳа аралаш қараб туришганини сеаиб, беихтиёр қизариб кетдим.

— Калланг ишлайдими ўзи? — қизиша бошладим мен. — Ахир у газаллар меники. Гулмат деган номни ўзим тўқиганиман.

— Тўқиганинг тўгри, чунки Қулмат деб ёёсанг, сиринг шартта очилиб кетарди, — тиржайганича гапни давом эттирди у. — Бер бувамнинг пулини!

— Берақолинг, дадаси, — ҳақиқатанам шеърларни ўзим ёзишинга азалдан ишонқирамай юрадиган хотиним бу ғалвадан тезроқ қутилиш, колаверса, имкон туғилганда, бир йўла «айбимни» бўйнимга қўйишга ошиқди. — Нима, шунданам баттармисиз?

Хотинимни эндингина бўраламоқчи бўлиб турганимда, амаким гап қистириб қолди.

— Майли, бервор пулини. Бошқа жойлардаям галириб юрмасин.

— Ҳалиям инсоф билан ярмини сўрайяпти, — ўртага суқилди холам.

— Ҳой, нима деяпсизлар ўзи? — қариндошларимга куюниб илтижо қилдим. — Ахир мен...

— Бер бувамнинг пулини! — сўзимни бўлди бақалоқ.

Туйқус унинг ёқасидан олдим.

— Йўқол деялман сенга! Агар кетмасанг...

— Бер бувамнинг пулини! — ўжарлик билан так-рорлади у.

— Ҳали шунақами? Ундан бўлса...

— Ҳай-ҳай-ҳай! — доимо ўзини босиқ тутадиган, баҳс ва можароларга энг сўнгги дақиқалардагина аралашишини ёқтирадиган тоғам ниҳоят тилга кирди. У ўрнидан туриб келиб, бақалоқни чангалимдан ажратиб оларкан: «Ҳаммасига ақлим етиб турибди, жиян», деб менга маънодор боқиб қўйди, сўнг: «Юравер, ўзимиз келишимиз», деб бақалоқни ташқарига етаклади.

Енгил тин олдим. «Ҳайрият-ей, биргина тогам мени тўғри тушунди», деда ўйладим ўзимча.

Бир оз ўтгач тоғам ичкарига ёлғиз қайтиб кирди, менга таскин берган бўлиб елкамга оҳиста қўл ташлади.

— Биламан, сенгаям кийин — жўжабирдай жонсан, — деди у. Сўнг қулогимга шивирлади. — Ташвииш тортма, жиян, йигитни ўзим рози қилвордим. Қўлингга пул тушганда хисоблашармиз.

Бир неча дақиқа анграйганимча туриб қолдим. Сўнг эс-хушумни йигволдиму, тез бориб деразани очдим.

— Ҳў, шопума, — гандираклаб бораёттган бақалоқни чақирдим мен. — Пулни ташлаб кет дейман!

Бақалоқ хиёл ўгирилиб, бошмалдогини бармоқлари орасидан кўрсатди-да, зум ўтмай тун қаърига сингиб кетди. Бу менга шунақаям алам қилдики, дераза токчасидаги «қорқиз» нинг белидан қаттиқ чангаллаб туриб, жазава аралаш қичқириб юбордим:

— Бер тогамнинг пулини!!!

1982

Қ У В И III

Донахон тўғри гузар тарафга қочди. Балки, мен ўзим уни гузарга қараб қувлагандирман. Лекин, муҳими бу эмас...

У автобус паркининг қўшқанотли дарвозасидан зўрга сиғиб ўтиб кетди. Мен равотнинг темир устунлари орасига қисилиб қолдим. Наҳот автобусдан каттароқ бўлсам, деган фикр ўша пайтда калламга келмабди.

Бир пайт қарасам, қиз тушмагур бошқарманинг томида турибди. Бир қанот қоқишида мен ҳам томга қўндим. Шунда у сакраб мўрининг устига чиқди-ю, қудуқقا ташланган пақирдек лин этиб кўздан гойиб бўлди. Ортидан мўрига кирдим. Печканинг кул олина-диган пастки эшигидан чиқаётган пайтимда, наҳот сичқондек митти бўлсам, деб ўйламабман ҳам.

Ана мўъжизаю, ана ҳангома. Қарангки, бошқарманинг мўрисидан кириб, ажойибхона директорининг пеккасидан чиқибман. Директор икки бошли илон билан сухбатлапиб ўтирган экан, мени кўриб музранг бўпқолди.

— Печкадан чиқкан қиз қани? — сўрадим улардан.

— Нималар деб алжираяпсан? — дўриллади директор.

Илон тўрттала кўзини бақрайтирганича менга еб қўйгудек тикилди.

— Нусхангдан ўргилдим сени!

— Йўқол бу ердан! — бирин-кетин шангиллади унинг иккала боши.

Ташқарига чиқиб, ўзимни ўлкашунослик музейида кўрдим. Гарангсиб турган пайтимда кимдир аста ҳиринглагандек бўлди. Ўгрилиб қарасам, шаддод сев-гилим аквариумда сузиб юрибди.

— Энди қўлдан чиқариб бўлман! — қичқирдим се-виниб ва ўзимни дадил тутиб, аквариумга калла ташла-дим...

Уни тутиб олардим-у, радионинг овози каллаи сахарда уйготиб юборди.

1978

МАҚОЛАСИЗ САРЛАВҲА

Ўқувчилигимда мактабимиздаги «Қалампир» деворий газетасига редакторлик қиласардим. Бу сатирик газетадаги сергалва фаолиятим даврида тоҳ имзосиз, тоҳ сарлавҳасиз мақолаларни кўп учратганман. Баъзилар шошқалоқлик туфайли сарлавҳа қўйишни эсдан чиқаришар, баъзилар ўзлари ачитқироқ сарлавҳа топмай, бу юмушни редакторнинг зиммасига юклаб қўя қолишарди. Балки бошқа редакторлар ҳам сарлавҳасиз мақолаларга дуч келишгандир. Лекин, мендан бошқа ҳеч кимга мақоласиз сарлавҳани кўриш ҳали насиб этмаган бўлса керак.

Бир куни редколлегия аъзолари маслаҳатни бир жойга қўйиб, мактабимиада озодалик бўйича рейд ўтказдик. Синфлар ва фан кабинетларидаги аҳвол билан бирма-бир танишиб чиқдик. Фактлар жамлаб бўлингач, мақола ёзинини редколлегия аъзолари менга топшириди.

Мактаб кутубхонасига кириб олиб, столга ўтиришим биланоқ сарлавҳа ҳам лоп этиб каллага кела қолди. Олдимдаги қогоznинг юқори қисмига йирик-йирик ҳарфлар билан «Кирлик — сурлик» деб ёзиб қўйдим.

Шундан кейин шахсан ўзим кўрган ва редколлегия аъзолари ёзиб берган фактларни калламда ҳижжалаб олдим-да, оғизмда қалампирнинг таъмини хис қилганимча афтимни тириштириб, мақола ёзишга киришдим. Иккинчи бетга ўтганимда навбат 7-«в»га келди-ю, бирдан жазавам тутди:

«Айниқса, 7-«в»нинг аҳволи хароб. Аnavини кўриб қўйингки, ҳатто навбатчи тайинланмабди. Навбатчи ким, деб сўрасам, Али Валини, Вали Аҳмадни, Аҳмад Раҳматни, Раҳмат Нигорни, Нигор деворни кўрсатди. Шу туфайли кимдир доскага чизиб кетган чўчқанинг суратини математика ўқитувчиси ўртоқ Ҳисобиддинов шахсан ўзлари ўчиришга мажбур бўлдилар. Агар зоология дарси бўлса, балки бу расмни доскада қолдириш ўринли бўларди. Аммо чўчқанинг математикага ҳеч қанақа алоқаси йўқлигини бияхши биламиш.

Бундан ташқари деразадаги тувакларга сув ку-йилмаган, гулларни эса чаңг босган...»

Мақолани тугатишум билан оғзимдаги таҳир таъм ҳам ўз-ӯзидан йўқолди-қолди. Енгил нафас олиб, стол-

ни эндигина чирманда қилиб черта боплаган эдим, хонага ўзбек тили ўқитувчимиз Салай ака кириб келди.

— Ассалому алайкум! — ўрнимдан туриб салом бердим мен.

— Ўтиравер, ўтиравер, — дея жилмайди Салай ака. Сўнг ёнимга келиб, «ҳм-м» дея пича каловланиб турдида, столдаги қогозга зидан кўз ташлади, мен худди беихтиёр қилгандек мақоланивг устига қўлимни кўйиб олдим.

— Бу нима? — сўради у ёнимдаги столга ўтираётуб.

— Рейд қилувдик, — дедим мен. — Юкори синфлардаги тозаликни кўрдик.

— Ҳм-м, — дея яна бир оз пайсалланиб турди Салай ака. — Хўш, саккизинчи «б»да ишлар қалай экан?

Салай ака 8-«б»нинг синф раҳбари. Табиийки, шамол турса, ҳамма биринчи галда ўзининг дўпписини ўйлади.

— Ишлар чатоқ, — дедим мен яшириб ўтирмай. Сўнг камчиликларни бирма-бир санаб бердим.

— Ҳм-м, умуман рейд ўтказиб, жуда тўғри қилиб-сизлар, — елкамга уриб қўйди Салай ака. — Лекин... Биласанми, бу синфнинг раҳбарлигини олганимга бир ҳафтача бўлди. Ҳақиқатан ҳам интизом жуда бўшашиб кетган экан. Мана, тузатяпмиз. Аввалгидан анча дуруст ҳозир. Иш яхши томонга қараб кетаётган бир пайтда сен бирдан «Қалампир»да уриб турсанг... Менимча бундан кейин яна синфнинг руҳи тушиб кетади. Хуллас, пича шопмай турсак демоқчи эдим. Тағин, ўзинг биласан.

Ҳамма ҳурмат қиласидиган Салай аканинг менга бир иши тушибди-ю, йўқ дейманми? Унинг кўзи олдида 8-«б» ҳақидаги жумлалар устига шартта чизик тордим.

Бир оздан сўнг хонада физика ўқитувчиси Жалил Жамилович пайдо бўлиб, ўзи раҳбар бўлган синф рейд аъзоларида қандай таассурот қолдирганини суриштирди. Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни ганиришга тўғри келди.

— Жуда тиришқоқсан-да, — мени кутилмагандан мақтай кетди Жалил Жамилович. — Ҳамма нарсага улгурасан, бир ёқда деворий газета, бир ёқди дарслар. Агар янам қаттиқроқ ҳаракат қилсанг, физикадан чорагингга «беш» чиқиши ҳам мумкин. Ҳа, сенга ёрдам берамиз.

— Раҳмат, Жалил Жамилович, — дедим севиниб.

Шу пайт эшик очилиб, ёш тарих ўқитувчиси

Деҳқонов хона ичига мўралади да, бандлигимни кўриб, яна аста эшикни ёпиб қўйди.

Жалил Жамилович ташқарига чиқиб кетаётиб, гўё бир нарса қўққисдан ёдига тушгандек тўхтади да, «Балки, бу сафарча синфимиани авф этарсан? Сал бепарво қолибмиз шекилли, бугуноқ ҳаммасини ўнглаймиз», дега кўзимга тикилди. Яна битта чизиқ тортдим.

Аҳвол шу тарзда давом этди. Ўир пайт қарасам, мақолага бошдан оёқ чизиқ тортиб чиққанимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Фақат қоғознинг энг тепасидаги жимжимадор сатрларгина ҳеч бир зиён-заҳматсиз яққол кўзга ташланиб туради: «Кирлик — сурлик».

Ана сизга мақоласиз сарлавҳа!

...Ҳақиқий газета-журналларда ишлайдиган жабрдийдаларга битта саволим бор: сизлардаям шунақа машмашалар бўлтурадими?

1975

ЕШ АДАБИЁТШУНОСНИНГ МИРЗАҚАНД НАЙНОВ БИЛАН СУҲБАТИ

— Кечирасиз, Мирзақанд ака, охирги марта қачон мутолаа қилгансиз?

— Ҳеч кимга ҳеч нарса қилмаганман. Бўйнимга қўёлмайсан!

— Ҳаяжонланманг. Айтмоқчиманки, нега китоб қўлтиқлаб юрибсиз?

— Битта «Чашма» опкел деб ўғлимни дўконга юборсам, шуни кўтариб кепти. Бу исқотниям номи «Чашма» экан. Ўғлимиш сал анқовроқ чиқди, икки карра икки — беш, дейди. Одам бўлиши қийин.

— Ҳа, бу китоблар кўпчиликка таниш. Сизга яна нималар ёқади?

— «Ўзбекистон», «Олмазор...»

— «Ўзбекистон» яхши қасида. Лекин «Олмазор»... Менимча «Олчазор» демоқчисиша. Чехов. Тўғрими?

— Тўғри, чехларни пивосиниям отганимиз. Айниқса, саратонда силлиқ кетади.

— «Саратон»дан бошқа яна қайси китобларни ўқигансиз? Масалан... «Ёшлик девони», «Диёнат»....

— Дивон дегин? Дивонга унча хушим йўқ, одамга

ўхшаб ерда ўтириб ичган яхши. Диёнат масаласига келсак, авваламбор милисаларда диёнат қолмади, ука. Биронни божа, биронни почча деб зўрга пул тўплаб кайф қиласан, улар пириллатиб обориб бошингдан сув қуишиди. Баъзи вактда киногаям олишиади.

— Ў-ў-ў! Демак роль ҳам ўйнагансиз? Ўзингиз кино кўриб турасиами? Мана бугун клубда «Лимонадний Джо» кетяпти.

— Лимонад? Болаларни киноси-ку. Бизга ўхшаганларга «Калина красная» туаук. Бунақасини зўр ёзувчилар ёзади.

— Номдор адибларни озми-кўп ўрганганингиз сезилиб турибди. Ёшлардан кимларни биласиз?

— Биттасиниям танимайман, улар алоҳида ичишади.

— Умрингизда бирон-бир ёзувчи билан учрашганимисиз?

— Учрашганманя. Битта шоир бола билан тегишли жойда икки соатча бирга ётганмиз. Кечирасиз, англашилмовчилик бўпти, деб уни тезда қўйворишди. Ўшанда ундан «доно бўлсанг, айт-чи, щамолнинг ранги қанақа», деб сўрасам, у безрайиб туриб «ҳар ҳолда бурни қизил бўлмаса керак», деганиди.

— Китоб савдосидаги чалкашликлар туфайли кўпгина асарлар магазинларда туриб қоляпти. Бу ҳақда нима дейсиз?

— Буни йўли осон. Битта китобга битта оқидан ёки иккита қизилидан қўшиб сотилса, магазин қуришга ҳожат қолмайди. Ҳар қанча китоб бўлса, кўчанинг ўзида таламон қилворамиз.

— Театр репертуарлариниям кузатиб турарсиз?

— Тратуар куаатилмайди, ука... тратуарда ётилади.

— Ҳеч бўлмаса, «Келинлар қўзғолони»ни кўргандирсиз?

— Ҳозирча хотинни қўзғолони етиб турибди. Гоҳида синглисиям кўсов ушлаб ёнига кирволади. Қарабсанки, ўртада фронт чизиги, бу томонда мен, у томонда опа-сингиллар.

— «Опа-сингиллар»нинг нимаси кўпроқ эсингиада қолган?

— Эсимда қолгани шуки, буниси чап биқиндан, униси ўнг биқиндан жизиллатади. Елвизакни ўзи!

— Дарвоқе, «Елвизак»нинг муаллифиям эллик ёшга тўлди. Яқин-орада юбилей тўйи бўлса керак.

— Тўйга ўзинг боравур, ука. Ёзувчи халқини яхши биламан, бир-бираига йўқ оқибатни менга қилишармиди? Жуда борса, қўлимга китоб уплатиб, закускага газета узатишади... Бас энди, мени тирикчиликдан қолдирма, ука.

1987

ЭХ, ЛАЪНАТИ ОМБОР...

Хаҳ, хў-ў-ў... Э, жиянларим-а, урушни биз кўрдик, сенлар кўрмагин.

Тўгри, шахсан мен урушига боролмадим. Анави Болта пучук ўшандага колхозимиизга раис эди, шу йўлимни тўсида-да. Воянкоматга бориб, сенга аскар зарур бўлса, менга омборчи керак, деб турвонди.

Бо-о, мендан жуда зўр аскар чиққан бўларди, жиянлар. Мисол керак бўлса, айтайн: уруш боллангандан кейин, воянкоматдагилар бизни йигволиб, Ёзёвонни чўлида роса машқ қилдиришди. Бир куни тарафматараф туриб, ёлғондан «уруш-уруш» ўйнадик. Ҳопим даллол томондагилар бизга бостириб келадиган бўлишиди. Бешотарга пахтавонни босдим-у, кафтимга туфлаб, акўпда пайт пойлаб ётавердим — мўлтони Ҳопим даллол билан эскитдан озгина ҳисоб-китобим бор эди.

Бир пайт қиёмат бошланди-қўйди: осмондан бўмба ёғилиб, «порс-шурс» портлаб берди. Тўрттала болам кўзимни олдига келиб қатор турвонди, денглар. Командиримиз «қўрқманглар, оғайнилар, бу бўмбаларнинг зэрари йўқ», деганини биламан, биттаси менга яқинроқ жойга тушиб, варанглаб ёрилиб берса бўладими. Бошимни чотимга тиқиб, «бува-а-а» деб чунонам бақирдимки, атрофимдагилар бирданига «ур а-а» деганларича акўпдан кўтарилишди. Эс-хушимни йигиб олиб, уларга эргашдим.

Охири икки тарафдагилар аралашиб кетиб, бўлди тўполон, бўлди тўполон! Қана энди бу олатасирда Ҳошим даллонни топиб бўлса.

Ёлғондакам уруш баъзур тўхтатилиб, гижимланган ёқаларни эндингина тартибга солиб турувдикки, бизни томондаги командур «биринчи бўлиб бақирган ким», деб сўраб қолди. Шерикларим мени кўреатишиди. Бошлиқ илжайганича олдимга келиб, «маладес, Каримшер,

урушдаям мана шунақа боявой бўлсанг, қамида епрейтур бўлиб қайтасан», деди.

Энди ўша кунлар эсимга тушса, аттанг қиласман: агар Болта пучук ўртага тушмагандан, нашистни роса жигини эзиб, аллақачон епрейтур бўп кетмасмидим? Ана, Соли мисгардек одам ҳам гердайиб юрибди-да орденларини жаранглатиб. Биронта мажлис бўлса, биздан баландроққа чиқиб ўтиради. Урушда зенитчи бўлганман, деб мактаб болаларга кўпириб гапирганичи? Колхозга ёрдамга келган тўртқанот самолётлар дўкончаси устидан пастлаброқ ўтиб қолса, қўлидати печканинг карнайини дўлайиб, осмонга еб қўйгудек тикилади. Буям мақтанишнинг бир тури бўлса керак.

Нима деяпсан, жиян? Рапиқ сартарошми? Тўгри, уям урушга борган, локигин ўша ёқдаям сартарошлиқ қилган. Ишонмасанг, Муса мўйловдан сўра. Бир куни у соқолини қирдираётган экан, замбаракининг ўқи тепасидан шангиллаганича ўтиб қолибди. Кейин мундоқ қараса, ёнида сартарош ҳам йўқмиш, мўйловининг бир томони ҳам. Бориб, командурга ара қилса, «бурнинг омон қолганига суюмайсанми, ношукур», деб Мусавийнинг ўзини сўкиб берибди.

Пасткўчадаги Олим полвон лашашанглик қилиб, ҳатто асирикдаям бўлган. Пашист коровулни ўлдириб қочганини инобатга олишиб, кейинчалик медаль беришган. «Ўзи қанақасига қўлга тушувдинг, э бандай гофил», деб сўрасам, «ўқим тугаб қолувди», дейди. Ана зиқналикнинг оқибати. Ўқинг тугаган экан, ёнингдаги шеригингта учта сўм қистириб, «шунга озгина патрон бер», десанг бўлмасмиди?

Хе, аттанг-а, урушга ўзим боролмадим. Болта пучук омборни пеш қилиб турволди... Менсиз иш битиролмасди-да... Энди мажлисларнинг тўриси Рапиқ сартарошларники бўп кетди. Ҳали байрам келса, бир қучоқдан мукофот ҳам олишади...

Э, жиянларим-а, уруниям қуриб кетсин, ўша... омбориям. Шу лаънати омборни деб тенгдошларим орасида анча яккаланиб қолгандекман-а.

1983

КЎРГАЗМАЛИ ТАШВИҚОТ

— Хой дадаси, Ғани қирчанғи хотинига атлас олиб келибди. Сиз мени ўйламайсиз ҳам.

— Вой хотин-ей, Ғани қирчангинг извошли, мен бир оддий аравакаш бўлсанм.

— Нима қипти? Тилла ковуш сўраётганим йўқ-ку. Битта атласга мардикорнинг ҳам кучи етади ҳозир.

— Бундан уч ойгина олдин атлас кўйлак тикирдинг-ку...

— У тўрттепки эди. Шу қунларда унақасини чўрилар ҳам киймай қўйишиди. Ҳамманинг эгнида саккизтепки. Нима, мен силқидиманми?

— Ундан ҳам баттарсан!

— Ҳали шунақами? Ҳўш, ўзингиз кимсиз? Сиз ўша Мели ямоқчининг...

Шу ерга келганда лента узилиб кетди.

— Ҳа, ўтмишда аёлларимиз шунақа қолоқ ва молпараст бўлишган, — деди хотин-қизлар совети раисаси магнитофон тугмасини босиб. — Улар оғир меҳнатда зайлган эрларни баттар қийноққа солишарди.

Залда ўтирган аёллар ўнғайсиzlаниб, баравар бош этипди. Шу боис раисанинг ўзи ҳам қизариб кетганини кўришмади.

1978

ТЎФОН ТАКАЕВНИНГ ҚОШИҚБОЗИ

Гражданин судья! Ҳурматли суд ҳайъати! Акалар! Бўйнимга оламан, ўзимдаям сал-пал айб бор: баъзан кўнгли бўшлиқ қилдим, баъзан нафсим андак ҳакалак отди. Аммо айбнинг энг каттаси — мени қаллобга чиқариб, уялмай-нетмай даъвогарлик қип турган мана шу одамларнинг ўзида. Ҳозирги расво аҳволга тушиб қолишимга мени мана шу ярамаслар мажбур қилишди.

Негадир мен бу ерда асосий гунохкорни кўрмаяпман. Илтимос қиласман, гражданин судья, ҳақиқат қарор топишни учун телестудия режиссёри Сувонкораевни ҳам ёнимга ўтқазиб қўйишингиз керак бўлади. Ҳамма маш-машаларнинг асосий сабабчиси ана ўша.

Сомсафурушлик қилиб, тинчгина яшаб юрувдим.

Бир куни тандирни барвақт қоқлаб, шефдан ўз тегишимни олдим-у, кайфият важант бўлиб уйга жўнадим. Одатдагидек телестудиянинг ёнидан ўтиб бораётсан, занжинусха бир одам ичкаридан холпиллаганича чиқиб келиб, шартта йўлимни тўсди, «бўшмисан, окаси», деб сўради ҳансираф. «Мақсад?» дедим. «Арзимаган хизмат бор, соққаси нақд», деди у, кейин жавобимни кутиб ўтирамай, шартта қўлимдан ушлаб, ичкарига судради.

Гап нимада эканлигини ичкарига киргач тушундим. Режиссер Ҫувонқораев машхур хонанда Тўғон Такаев ҳакида «Тилла тишли булбул» деган фильм-концертни суратга олаётган экан. Ҳамма нарса тахт бўлганда, музикачилардан биттаси — қошиқбоз дегани пиллапоядан сирғалиб кетиб, қўли қаттиқ лат ебди. У бугун-арта қўлини қимирлата олмаслиги маълум бўлгандан кейин, режиссер бирдан потирлаб қолиб, мени топиб келган жойи экан.

— Тайёр пулни олишга қорним огримайди-ю, лекин тўғрисини айтишим керак, ака, — дедим мен Сувонқораевга. — Ошпазлик қилган пайтларимда қўлимдан юзталаб қошиқ ўтган бўлсаям, уларни умримда бир-бирига уриб кўрмаганиман.

Шунда Сувонқораев менга куюниб уқтиришга тушди:

— Э-э, бирор сенга қошиқни ўхшатиб шақиллатасан деяптими? Ҳамма ашулани аллақачон лентага ёзиб олганимиз. Суратга олиш вақтида музикачилар шунчаки асбобларни чалгандек бўлиб туришади. Хонанда ҳам оғзини хўжа кўрсинга қимирлатади, холос, — деди.

Кейин у елкамга қоқиб, «дадил бўл, қошиқларни завқ-шавқ билан қимирлатиб турсанг бас», деб далда берди.

Хуллас, мени пардоэхонага опкиришиб, бетимга бир балоларни суртишди, яп-янги кийим кийдиришиб, бўйнимга галстук ўрашди...

Во-о, гражданин судья, телевизорда ўша концерт кўрсатилгандан кейин уйимда нималар бўлганини кўрганингизда эди. Дастрлаб маҳалла-кўйга ош бердим, қариндош-уругларни кутиш бир ҳафтага чўзилди. Ишхонадагиларга алоҳида зиёфат ўюнтиридим. Районимиз обшепитининг бошлиғи шахсан ўзи келиб, мени табриклаб кетди. Илгарилари бизга ўхшаганларга бурун учидан қараб, сенлаб гапирадиган хўжайин бу сафар бўйнимдан қучиб туриб, «санъат ҳам ёғлиқина соҳа,

лекин сиз ўзимизга кўпроқ кераксиз», деб маънодор кўз қисиб қўйди. Орадан кўп ўтмай, дурустгина ошхонага шеф бўп қолдим.

Туппа-тузук одамлар атайлаб ўзлари келиб, мени тўйларига олиб кетадиган бўлишиди. «Тантанали кечамизни очиш учун сўз ҳаммангизга яхши таниш бўлган ёш санъаткор Қосим-қопиқца берилади», дейилиши билан қийқириқлар бутун маҳаллани ларзага солишини айтмайсизми. Бора-бора гап деганига дўппи кийдирриб қўядиган бўп кетдик.

Кетворган-кетворган қизлар кўча-кўйда мени кўриб қолишиса, «ана, Тўғон Такаевнинг қошиқбози келянти» деб шивирлашганича бир-бирларини қитиқлаб қўйишади, денг. Хўш, бунақада хотини қўйвормай бўладими? Ҳалиям бутунлай инсофдан чиқиб кетмай, уч мартагина уйландим, холос. Алиментларни вақтида тўлаб келяпман.

Обрўйим ошгани сайин илтимос қилувчилар ҳам кўпайиб кетди. Ҳудди ана шу пайтлардан бошлаб, юқорида айтиб ўтганимдек, нафсим тобора ҳакалак отиб, оғзимга сиғмайдиган луқмларгаям панжа уришни ўргандим. Бирор ўглимни ўқишга киргизиб қўй, деса, бошқаси навбатсиа машина тўғрилаб бер, дейди. Қвартирага зориққанларнинг-ку сои-саноги йўқ. Аввалига сал-пал иймангандек бўлсан ҳам, кейинчалик шароитга анча мослашиб, берган «чўтал»ларини сираям иккимасдан олавердим, акалар.

Ахир мен шўрлик нима қиласай, олмаганим билан бу зўравонлар бари бир мажбурлаб чўнтағимга солишаверади. Узоққа бориб ўтирамай, мендан уч минг сўлкавойни даъво қилаётган анави универмаг омборчисини олайлик. Бу полвон ургудек бўлиб пулни чўнтағимга тикдики, фалон министр билан гапланиб, институтни битирган ўғлимни ўша ерга ишга жойлайсан, деб. Ўзинг ўшанча пулни қаердан олгансан, деб ундан сўраб-суриштирадиганлар ҳам тошилиб қолар ҳали?

Хуллас, енгил-елпи гуноҳларимни, майли, ўғилблачасига бўйнимга олай. Аммо-лекин, асосий айбдор четда қолиб кетмасин-да. Еш эканлитигимдан фойдаланиб, мендек содда бир сомсапазни эгри йўлга бошлаган режиссер Сувонқораев тегишли жазосини тортиши керак, гражданин судья.

Охириги илтимосим шуки, акалар, ҳукм чиқараётганда ҳаётда гўрлигимни, бироннинг ҳожатини чиқараман

деб ўаим билмаган ҳолда нотўғри йўлга кириб қолганимни ҳисобга олинглар...

Ах, пишмаган калла, телевизорда қошиқни шақиллатгунча, сомсаҳонада чўмични тақиллатиб юраверсам ўлармидим!

1984

АШУР БИЛАН МАДИЁР

Уларни умримда бир мартагина кўрганман, қиёфа-лари эса қизил ярим ой жамиятининг жаҳонга машҳур тамғасидек хотирамга жиппа муҳрланиб қолган...

Ўшанда завод дарвазасидан кириб борибоқ Мадиёр билан бурунма-бурун тўқнашдик.

— Э-э, келсинлар энди. Ман Мардиёрман, — дея бердайиб кўл узатди у. — Ҳа, хўп, хизмат?

— Ҳовлига артизон туширмоқчи эдим, пайвандчи керак бўпжолди.

— Суворками? — гарчи тўдайиб боқса-да, унинг муомаласидан алланечук илиқлик уфурди. — Энг меровий суворкачи — мани ошнам Ашур. Қани, юрсинлар энди, уни бир таништирай.

Индамай унга эргашдим.

— Қўрқмай зовутга ишга кирган бир-ринчи лўли — ман ўзим, — йўл-йўлакай бармогини кўксига тираб димоғланди у. — Мардиёр қаро десалар энди мани олам танийдур. Ўзининг лўли ошнаси ҳақида шунақсанги ҳангомаларни айтиб бердики, менимча бунақа гапларни маза қилиб эшлиш мумкин-у, ўхшатиб ёзиш қийин. Қолаверса, уларнинг кўпи ҳалигиндай... Майли, қуюшқонга сигадиганлардан баъзиларини Ашурнинг тилидан ҳикоя қилишига уриниб кўрай.

1. ҚАССОБГА АЛОҚАДОР ҲАШАРОТ

Бир куни Мадиёр негадир ишга чиқмади. Уни за-водга мен бошлаб келганман, оталигиям ўзимда. Ҳаво-тирланиб уйига борсам, мени тунд қиёфада қарши олди, жағи гумбара бўлиб шишиб кетибди. Нима бўлганини суриштирдим.

— Анабу... бор-ку баттол... ана ўша тишладу ма-ни, — дея чучмал жавоб қилди у. — Э, Мардиёрнинг пешонаси курсин!

— Нима тишлади?

— Ҳа энди, анабу-чи... деворнинг ковагига бўладу...

— Илонми?

— Не-е! — куюниб эътирооз билдириди у. — Илон де-ма, Ашур, илон дема!

— Калтакесакми?

— Не-е-е! — баттардан жаҳлланди Мадиёр. — Кал-диркессакдан бошқасе! Думига бигизи бор!

Бирдан капалагим учди.

— Чаёнми?

— Не, дедимми — не! — афтини буриштириб қўл силтади у. — Чаён қачон учибурки, буни олам билмай, битта сен кўрибсан?!

— Суф сенга! Бузоқбоши демайсанми?

— Нари тур, аҳмок! Санда калла енгил. Бўзоқваш одамни тишламайдилар.

— Ҳа, бўлмаса нима ўзи? — сўрадим хитланиб.

Мадиёрнинг бундан буткул хуноби ошди. Сен хум-бошга қандай тушунтирсам экан дегандек асабийлашиб панжа ўйнатди, охири йигламсирагудек ахволда кўзимга тикилиб: «Ўз-зи дириллаб учадур. Қассобга алоқаси бор», деди.

— Қовоғарими?

Мадиёрнинг кўзлари туйқус чақнаб кетди, оғир дарддан фориғ бўлгандек бирдан енгил тортиб, бўйнимга осилди: «Ўргулай сандан, ошнажон. Ҳудди ўша айтганингний ўзгинасе!» деб севина-севина мени ўпишга тутинди.

2. ЖОНКУЯР «СЕКУНДАНТ»

Тушликда бирор билан шахмат ўйнаб қолсам Мадиёр менга тортиб, алмак-жалмак йўл-йўриқлар кўрсатишга тушади.

Бир куни ахволим танглашиб, бўғилиб турганимда, Мадиёр аста шивирлаб қолди:

— Ҳангине олиб чиқ, ҳангине.

— Э, бор-е!

— Мардиёр айтса, хўп де, Ашур. Санга бошқа дўст ўйқ.

— Жўм тургин. Кўрмаяпсанми, отни олиб чиқсан, тўра билан уради.

Шунда Мадиёр «офицер» имга бармоқ теккизиб, менга уқтиради:

— Аввал урсин, кейин сен уни сержонт билан сол!

— Бу-чи? — дедим рақиб фараини кўрсатиб.

Мадиёргинг туйқус шашти пасайиб, хомуш мингирилади:

— Э-э, гап буёққа экан-ку. Обдастаси пойлаб турибди демайсанме, ношуд.

Мен қаҳ-қаҳ отиб юбордим-у, ютқизиқниам эсдан чиқардим.

3. МОТОРИ ЙЎҚОЛГАН САМОЛЕТ

Бир зарурат билан Тошкентга учадиган бўлдим. Мадиёр эргашиб қолди, ўйқ дёёлмадим.

Эрта азонда Фаргонадан «Ан-12» самолётига ўтиридик. Қанотга яқин ердан жой теккан экан, Мадиёр моторнинг бир текисда гуриллаб ишилашига завқ билан анча тикилиб борди, сўнг хўрсиниб қўйиб менга юзланди:

— Хидонинг қудратига «ҳай-ҳай» де, Ашур. Бир паррак шунча темирни Мардиёр-пардиёрга қўшиб осмонга кўтарса!

Тошкентдан қайтишда «Як-40» самолётига чиқдик. Пича учганимиздан кейин Мадиёр пардани суриб, ойнакдан ташқарига мўралади. Мўралади-ю, бехос чўчиб тушди. Сўнг кўзлари ола-кула бўлганича ўрнидан туриб, чапак уриб хайқира бошлади:

— Ва-ҳей! Мотор кетде, мотор! Э турмайсанме, ахмоқ ҳалойиқ! Қанотга мотор ўйқ! Ва-ҳей!

Йўловчилар орасида гала-говур кўтарилиб, тўшолон бошланди. «Як» типидаги самолётларда паррак бўлмаслиги, турбина эса салон биқинига жипслаб ўрнатилиганини шу тобда бу овсарга ким тушиунира оларди.

Ичкаридан чиқиб келган учувчи: «Нималар деб алжираяпсия?» дея Мадиёрнинг қўлидан тутди. Мадиёр янада тutoқиб: «Саволни ман берай. Қанотга паррак кане?» деб ундан баланд келди.

— Ўпкангизни босинг! Бу самолёт турбинали!

— Манга турба-мурбани гапирма! — деб ўшқирди Мадиёр. — Йўлкирага патта дединг, тўладем, жонинг истираҳўпка дединг, тўладем. Энди сан моторни яхшиликча жойига қўй, аперис!

4. ОҚИБАТЛИ ДЎСТ

Мадиёр ўғил кўрди. Билсам, отини Ашур қўйибди.

— Локигин токи сен тириксан, уни «ўв, бачо» деб чақирамеа, — дея чимрилиб боқди у.

— Мактабга борганда, ўртоқлари бари бир Ашур дейишаверади.

Мадиёр бу гапимни эшишиб, меҳрибонлик билан елкамдан қучди:

— Мен айтдим — гап тамом! Қачонки сан ўласан, кейин ўглим Ашур бўлиб мактабга бораду.

5. БАЛКИ ҲАЗИЛДИР...

— Пулни неча ёшда танигансан? — деб сўрадим бир куни Мадиёрдан.

— Жуддо-о мургаклигимда, — дея қовоқ уйиб жавоб қилди у. — Ман тугилдим, онам бандачилик бўлде. Сўгин кўрсанг, ҳар хел хотинга ўн беш тийиндан тўлаб амиб юрдем...

1983

КЕМАГА ТУШГАННИНГ ЖОНИ БИР

- Кетишигга бир тепаман, ачантнинг уйига бориб тушасан.
- Сизга нима ёмонлик қилдим, амаки?
- Оғзингдан сут ҳиди кеп турибди-ю, прокурорлардек сипохлигингта куяйми.
- Нима қил дейсиз?
- Тўпалон кўтар. Ҳеч бўлмаса, хуштак чал.
- Чалардим-у, кеча тишим тушган-да.
- Бўлмаса, бақир!
- Нима деб бақираман?
- Хў ўртада ўралашиб юрган қора кийимли ишбузукини кўряпсанми? Ана ўша ҳумпарнинг шанига қуракда турмайдиган бир-иккита гап айт. Яхшиси, ма-на бундай дегин. Қани, қулогингни тут-чи...
- Вой, ву-у-уй, бунақа дейиш уят бўлади-ку!
- Ланж бола экансан! Қўлингдан ҳеч нарса келмас экан, нима қиласан орамизга суқилиб? Ҳозир кетингга бир тепаман...
- Намунча ёпишиб олдингиз, амаки? Нима, «Пах-такор» ютқазаётган бўлса, айб мендами?!

1978

ҲАЛОКАТДАН АСРОВЧИЛАР

(Бир мажлис ҳужжатидан)

Тўққиз аймоқ мақбараси ўт ола бошлагани муносабати билан бугун тунда атроф-муҳит ва ёдгорликларни муҳофаза этиш бўйича тузилган Суперштабнинг шошилинч йигилиши чақирилди.

Йигилишини Суперштаб раиси Мўмин Итоатович очиб, мўътабар идоранинг масъул ходими сифатида ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида катта юксалишларга эришилаётгани, жумладан, шу йилнинг ўтган кварталида мажбуриятини бажармаган биронта тармок қолмагани ҳақида бафуржга тўхталиб ўтди. Сўнг айрим шахсларнинг лоқайдлиги натижасида баъзан хато ҳам учраб туришидан афсусланиб, бунга мисол тарикасида кўхна Тўққиз аймоқ мақбарасида ёнғин

чиққани, айни дақиқаларда аланга тобора авжланиб бораётганини илова қилди.

Тарих фанлари номзоди ўртоқ Үсархўжаев ўз сўзида Тўққиз аймоқ мақбараси жаҳондаги энг қадимий ёдгорликлардан эканини билдириб, уни Миср, Рим ва Доруссаломдаги афсонавий иншоотларга таққослади. Унинг айтишича, эрамиздан анча аввал тикланган бу мақбара Ўрта Осиёдаги бир қанча вайронгарчилик урушларида эл-юрт меҳри туфайли омон қолган. Искандар Зулқарнайнинг (ёш олим ўз нутқи давомида Искандарни қандайдир Александр билан бот-бот адаштириб турди) босқинчилек юришлари чогида халқ дарёдан канал қазиб келиб, пастқам жойга қурилган мақбарани сувга бостириб юборган. Маакур усул кейинчалик араблар истилоси даврида ҳам қўл келди.

Орадан кўп йиллар ўтиб, икки марта сувдан куруқ чиққан Тўққиз аймоқ бошида янги хавф пайдо бўлди — энди ёвуз Чингизхон талончилари ёпирилиб кела бошлади. Душман кент жангчиларини ҳолдан тойдириш мақсадида дарёни бўғиб қўйгани сабабли, вазият қалтислигига қарамай бўлак чора ўйлаб топилиб, мақбара ҳашар йўли билан ташиб келтирилган қумга кўмиб ташланди.

— Бу билан шуни айтмоқчиманки, — деди нотик сўзининг охирида, — сара гранитдан қурилган мустақам мақбара сувда ивиб кетмагани, қум остида уқаланиб тушмагани каби ўтда ҳам куйиб кул бўлмайди. Бинобарин, ваҳима кўтаришимиз учун ҳеч қандай асос йўқ.

Шундан кейин академик Буруновский сўз олди. Ўртоқ Буруновский ёш олимнинг охирги гапларини тўлиқ кўллаб-қувватлаб, бу борадаги шахсий фикрини рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаб берди.

— Хар қандай том ўзининг физик хусусиятига кўра ўтга бекиёс даражада бардошлидир, — деб уқтириди ўртоқ Буруновский, — зеро бу туркумдаги жисмлар таркибида ёнувчи модданинг ўзи йўқ. Айниқса гранит ўта чидамли бўлиб, ҳатто пўлат қуюв қозонида ҳам эримайди.

Таникли профессор Мансабалиев, археология соҳасидаги йирик мутахассис Эгилман, машҳур архитектор Хўпбўларов, «Харомҳаришстрой» трестининг курувчи инженери Пултопаров, шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Сансалоров ўртоқлар ўз на-

батида академик Буруновскийнинг илмий асосдаги мулодазаларига қўшилиб, ортиқча безоъталанишга ҳожат йўқ деган холосага келдилар. Чунончи тарихда тошдан қурилган турли қаср, ибодатхона ва мадрасаларда ёнгин содир бўлиш ҳоллари кузатилган, солномачилар бу объектлар айтарли зарар кўрмаганини ёзиб қолдиришган.

Физика фанлари доктори ўртоқ Отбошев академик Буруновскийга ҳамфир бўлиш билан бирга, қизиб турган тошнинг сув сепилишдан парчаланиб кетиши мумкинлигини, шу боис ёнгинни ўчиришда ишқорли кўпикдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда ёш журналист Биркесаров сўз сўради. У ўз нутқида бир қадар пессимистликка берилиб, мақбаранинг марказий гумбази ичидаги бетакрор нақшлар кучли ҳарорат таъсирида чатнаб тушиб, зарҳал битикларнинг бутунлай эриб кетиш ҳавфи борлигини ташвишланиб гапирди.

— Мабодо булар нобуд бўлса, яна асл ҳолига келтишимиз амримаҳол, — деди у. — Наҳоланки, Шермат қўрбоши билан «тўртичилар» ўртасида бўлган жангда қаттиқ шикастланган кунгирадор сўипини ҳануза қайта тиклай олмаяпмиз.

— Буларни гапиришдан эди фойда йўқ, — деди ўт ўчирувчилар раҳбари ўртоқ Нарвонов. — Нақплар тақдирини мақбарада туристларга хизмат кўрсатувчи ёғоч дўкончалар растаси қурилмасдан илгари ўйлаш керак эди. Ҳали бунисиям ҳолва, мақбара остидаги ертўлага қўшни автокорхонанинг ёнилги омбори жойлаштирилгани бошимизни кўпроқ қотиряпти.

Ўртоқ Нарвонов сўзининг якунида ўт ўчирувчилар иш бошлиши учун Суперштаб аъзолари тезроқ бирон қарорга келишлари лозимлигини эслатиб, улардан аниқ кўрсатма талаб қилди.

Шундан сўнг музокара қизиб кетди. Эрталабга яқин кутилмаганда баҳсни тўхтатишига тўғри келди — аланга ертўладаги ёнилғиларга етиб бориб, Тўққиза аймоқнинг кули кўнка совурилгани хақида телефоно-граммада олинди.

Бир неча минут давом этган нонуштали танаффусдан кейин Суперштабнинг эътиборли аъзолари яна ду малоқ стол атрофига тўпланишиди. Улар кун тартибидағи иккинчи масала — қуриб-қақшаб бораётган Орол

дengizinini asrab қолиши muammosini muхokama этишга
киришдилар...

1987

СҮЛИМ ХИЁБОНДА

Хиёбондаги скамейкада ёлғиз ўзи ўтирибди. Кўриб турибман, сўлим гулларга термилиб баҳра олаётгани йўқ. Хаёли бошқа нарсада.

Сигаретни четга отдим-да, бориб унинг ёнига ялпайдим. У кўзларини жовдиратиб менга бир қараб қўйди. Сездимки, гирт ўшандақалардан.

Ростини айтсам, унга қараб туриб, негадир ачиниб кетдим, ҳали ёшгина экан.

Ёнига келиб ўтиришга ўтирдим-у, биринчи бўлиб гап отишга юрагим бетламай, қаловланиб туриб қолдим. Дикқатим ошиб, яна сигарет тутатдим. Шунда у мен томонга мойилон бўлиб, кўзларимга синчковлик билан тикилди. Сўнг, чиройли жилмайиб, шаъмадор бир сўз қотди:

— Пешма-пеш чекиб қолдингиз... Янгишмасам, бирон нарсага хумор бўляпсиз, шекилли?

Ёш бўлсанг ҳам кўп ишни кўрганга ўхшайсан, деб қўйдим ичимда. Айни пайтда, тузогимга ўзи бош тиққандан кўнглим ёришиб кетди.

— Хумор бўлганда қандоқ! — дедим бир оз суюлиб. — Биргалашиб хумор ёзадиганни тополмай додгамиз холос.

Шунда у мен томонга яқинроқ сурилди-да, кутилмаганда гапни дангалидан бошлади:

— Биз иккитамиз, — нариги скамейкада ўтирган шеригини кўя қирида кўрсатди у. — Балки сиз ҳам бирорта дўстингизни...

— Умримда хеч кимга дўст бўлмаганман, — дея очигини айтиб қўяқолдим мен. — Лекин, мени икки киши деб ҳисоблашларинг мумкин.

— Йўғ-е! — ишонцирамай, менга бошдан-оёқ назар солди у. — Сизни қийнаб қўймайлик тагин?

— Зарари йўқ, — дея қўл силтадим ўзимни салобатлироқ тутишга ҳаракат қилиб ва ёнимдан бир сўм чиқариб, йигитчанинг қўлига тутқаздим. — «Су-

хой»нинг катта шишилигидан ол. Келгунингча, биз шеригинг билан стакан топиб турамиз.

1978

«ХЕММА МАЛИНА»

Шахматуллонинг вос-вос касали қучайиб борди, гоҳ Ёқутой отиннинг, гоҳ Сирож махсимнинг ёқасига осилиб, «қачон хотин оберасанлар», дея кунига бени маҳалдан етти маҳалгача тиқилинч қиласидиган одат чиқарди.

Яқингинада уч гувоҳу бир мулла иштирокида никоҳ ўқитиб, эр-хотин бўлиб олган бу икки ҳаваскор диндорнинг совчиликка бормаган эшиги, қарғиш эшитиб қайтмаган хонадони қолмади.

—Хе, хотинсирамай талогинг кесилгур, — деб қарғанаарди Сирож махсим. — Бунақа ёшда биз эшак қувалашдан бошқани билмасдик.

— Узимниям бошим қотди, — дея уф тортиб қўярди Ёқутой отин. — Ҳатто, Қатон лўлиям сақичдек қизимни ўша исфиронкасиз жиннига берамами деб, мени мазахлади.

— Қариндош бўлиб олсанк, эскичадан саводни сал мустаҳкамлармидик деб Ғойиб қорига қизидан гап очсан, «Қачондан бери махсим бўпқолдинг, Сирож шапана? Динни дўконга айлантириб, шариатни бебурд қилганинг учун ҳали бу дунёдаям, у дунёдаям азоб тортасан. Ёқут бузуқнинг невараси Шахмат дувонани авлиёга йўйиб мол орттиргунча тезак есанг бўлмайдими!» деди. Ҳасад қиляпти баччагар...

Кутилмаганда келин ўз оёғи билан келди. Олдинги хотинини талоқ қилгандан кейин уйидан лоақал битта рўмолча ололмай чиқкан Сирож махсим сўрида отсиз қўқон арава янглиғ дўнқайиб ётар, камнири тандир кавлаётгандай ортига ўтиб олиб, унинг чоки сўкилган яккаю-ягона иштонини йўрмай билан банд эди. Шу пайт ўн икки чўнтакли шимга докануска кўйлак кийган рангпар қиз найча товонини «шиқир-шиқир» қилганича ҳовлида пайдо бўлди. Сирож махсим беихтиёр ўрнидан қўзғалмоқчи бўлганида кетига игна санчилиб, «думбани единг-ку, мочагар», дея инграфб юборди. Ёқутой отин шоша-пиша эрининг хотига бопи тиқиб, тишида ипни уади.

— Э, айгирни ҳидлайтурган байталга ўхшамай ўл, — деб пўнгиллаб қўйди аламзада эр.

— Вой! — қизга синчилаброқ боқиб, бир сапчиб тушди Ёқутой отин. — Нима қилиб юрибди анави?

Бу орада қиз сўрига яқинлашиб, бир қўлини елкасидаги сумка боғичига чирмаб, иккинчисини биқинига тираганича таманноланиб тўхтади.

— Менга кўз тегди. Ўзимни кўрсатмоқчиман. Қаёқда... ҳалиги авлиё?

— Шахматулло пиримни айтяпсизми? — дабдабали оҳангда сўради Ёқутой отин. — У киши...

Қаердалигини пирнинг ўзи маълум қилиб қўяқолди. Ҳужрадан унинг: «Гар-шў-ў-к! Гаршўқ деяпман!!!» деган ҳангиллоқ товуши эшитилди.

Кампир тура солиб сўри остидаги тувакни олди, пизиллаганча пирнинг қошига йўналди. Зум ўтмай ичкаридан шовуллоқ овоз кела бошлади.

Ёқутой отия устидан ҳовур кўтарилиб турган тувакни кўтарганича қайтиб чиқаркан, қизга кираверинг дегандек имо қилди. Кейин тувакни чайқаб келтириб яна сўри остига қўйди-да, эрига сирли кўз қадади.

— Танидингизми? Бултур қамоқقا тушган порахўр прокуроринг қизи шу. Шаҳарда бузилиб кетиб, ўқишдан ҳайдалганимисан.

— Лабидаги бўёқни қараб қўй, — афтини буриштириди Сирож махсум. — Маймунни орқа томонидан кўрганимисан?

Қиз остоначдан ўтибоқ лолу ҳайрон тўхтаб қолди. Жагини лайлакчасига кўтариб, қўлларини кўкрагига чоғишириб олган Шахматулло пардаси туширилган деразага тикилганича хона ўртасида мачитнинг устунидек қотиб туради. Ҳатто эшик ёпилгандан кейин ҳам киприк қоқиб қўймади.

— Муҳаммад янгишди. Охирги пайғамбарман деб... Баёйни ярим кечада офтоб чиққандек мен түғилдим.

— Браво! — илжайганича чапак урди қиз. — Изумително!

— Ўзбекча гапир, ифлос! — ҳамон нилий пардага тикилганича сокин, аммо қатъий оҳангда дўриллади пир. — Кимсан? Исминг нима?

— Ҳемма Малина, — хинҷча карашмаланди қиз.

— Хотин сўраб, фалакка туну кун сажда қилдим, алқазо илтижойим мустажо бўлди. Қим юборди сени?

— Анави-да... ҳаҳ...

- Мусоми, Исоми?
— Э-э, нима фарқи бор?
— Бор! — ўша шаклу шамойилда туриб зардаланди пир. — Гарчи энди улар билан унвоним тенг бўлсаям, ҳар ҳолда билиб қўйишим керак.
— Исо! — дей гижинглади, ўйлаб қўйган режаси ўз-ўзидан амалга ошабошлиганини сезиб қувонган Малина. — Хўш, келин ёқдими?
— «Хўш» демасдан гапир, мегажин! — ҳануз унга боқмасдан дагдага қилди пир. — Олдингда янги пайғамбар турибди! Шахматулло алайхуссалом! Оёғими ни ўпмоқчи бўлсанг, эмаклаб кел.
«Ўвв!» деб қўйди ўзича Малина. Сўнг эшикнинг занжирини солиб, елкасидаги сумкани четга отди, бурнини масҳараомуз жийирганича эмаклаб бориб Шахматуллонинг попукдор боғичли иштони яқинида тўхтади.
— Оёқ ювилганми ўзи? Қаеридан ўпай?
— Ўпавер! — деди пир. — Ҳамма жойим Қуддуси шарифдек табаррук.
Малина унинг тиззасига аста лаб босди, сонидан кучоқлади...
Бир дақиқадан сўнг ҳужрадан пирнинг «Ҳайҳот!» деган ҳайқириги эшитилди. Ёқутой отин мушукдек писиб бориб, деразадан қулоқ солди. Эшикни итариб кўриб, ичкаридан занжир илинганини пайқагач, «Воидод, мусулмонлар!» деб бошини чангллади.
— Туринг, маҳаллани чақиринг! — дей сўрига яқинлаша бошлади у. — Боламни бузялти анави қанжиқ.
Сирож махсум уни жеркиб ташлади:
— Ҳап! Оғзингни юм! Ўзинг-ку ана шу молфаҳмга хотин тополмай кўчама-кўча рамазон айтиб юрувдинг. Олло карам кўрсатиб, бир кажравни жўнатган экан, девонаи Баҳоваддинга етти танга кўтармайсанми!
Ўша «Ҳайҳот!» деган ҳайқириқдан сўнг кечки пайт ҳам, ярим тунда ҳам, зартаси зарталаб ҳам ҳужрадан тик этган овоз эшитилмади. Фақат тушликна яқин Шахматулло ярадор одамдек эшик кесакисига тирмашиб баъзур ташқарига чиқди. Чиқди-ю, қалтираётган тиззалари баттар букилиб, деворга суюнганича ўтириб қолди.
Туни билан мижжа қоқмай чиқсан чол-кампир уни икки қўлтиғидан тираб келиб, сўрига ётқизишди.
— Кўзингни оч, қорижоним, сенга нима бўлди? — дей Ёқутой отин кўзига ёш олди.

— Ҳе... боринг! — жаҳл қилиб ингиллади Шахматулло.

Ёқутой отин рўмолининг учидаги кўзини артиб, секин ўрнидан қўзгалди.

— Ҳозир... Тухум пишириб келаман, қорижоним.

Кампир кетгач, Сирож махсум «бемор»га биқин солиб шивирлади:

— Ўзимиз қолдик, пирим. Эркакча гапираверсинлар.

— Кирибоқ оёгимга тирмасида, — ҳансирағ гап бошлади Шахматулло, — пайғамбарсиз деди. Тўғри топди мегажин!.. Болдирикни ялади, тиззамдан, сонимдан ўпди... Кейин... уф... билибми-бilmайми иштонбогимга осилган эди... уф-ф...

— Ие, иштонбогнинг попуги қани?

— ӽаша иблисда... уф... чиройли экан, деб қирқиб олди. Ана, кириб кўрининг, кўйлагининг бурмасига тақиб ўтирибди.

— Ё раббано.

— Бугуноқ чиллаёсун қилинг. Аҳволим огир.

Сирож махсум ўгай неварасининг иягига енгил шапалатиб эркалатган бўлди:

— «Хотин, хотин», деб Рустами достондек наъра тортдингиз. Ҳолингиз шу экан-у. Ҳалиям ўзимизга балли десак бўларкан.

Шахматулло тилини сангиллатиб беҳолгина йўталгач, пешнасида тер йилтиллаб, сўзга оғиз жуфтлади:

— Шайтони лайн экан... уф... Сигирниям меъёрида согадурлар. Жонимгача сугуриб олди. Кофирича қилиқлар қилди...

Бир чойнак чой, мис косада жазиллаб турган қовурдоқ кўтариб Ёқутой отин келди. Дастурхон тузалгунга қадар Шахматулло инқиллаганича ховли этагига бориб, таҳорат ушатиб қайтди. Сўнг ёнбошлаб олиб, тамаддиланишга тутинди. Чол-кампир кечаси гапни пишишиб олишган эди. Сирож махсум мўйлобини қимирлатиб имо қилгач, Ёқутой отин қироат билан гап бошлиди:

— Энди-и жамоат жамлигига тўйни маслаҳатлашадиган бўлсак...

Шахматуллонинг кекиртагида нимадир «ҳиқ» этди, чайнаган луқмаси томогига тирадиб қолди. Шошилинч равишда чой хўплаб, луқманни ютиб олгач, бувисига ўқрайиб: «Қанақа тўй?» деб сўради.

— Бир банданинг покдамон қизини ҳидлаб қўйдингиз, пири, — кесатди Сирож махсум.

— Покдамонимни! — Шахматуллонинг зардаси қайнади. — Ғирт жинни-ку! Тасбеҳимни маржон қилиб бўйнига илди. Шифтга осилган сумакни олиб, ичига тамаки тиқиб чекди. Бунисиям майли... ўғил туғиб бераман, дейди. Отини Мешка қўярмиш. Бекорларни айтибсан, Рабрабидин аршиаълохон тўра қўямиз, дедим. Йўқ, Мешка, дейди. Йўқотинглар буни. Бўлмаса факру фанога чекиниб, саҳрони ҳуббул-ватан қиласман.

— Бошни қонун сиртмогига тиқмасинилар, ҳов, — ташиб берди Сирож махсум. — Устингиздан милисага арз қилиб борса... Кейин тергов-қистов деганларидай...

Буни эшитиб Шахматулло пича сукут сақлаб қолди. Сўнг танасида аста-секин қалтироқ бошланиб, кўзи гилдирашига тушди. Охири гердайганича чордона қуриб, қўлларини яна нўкрагига чоғиштириди, жунунлиги бошқатдан қўзиди.

— Милиса дегани оллонинг назаридан қолган оддий хуштакбоздир. Терговчининг Мункар-Накир эмаслигини қўлида қирқ ботмонли гурзи йўқлигидан ҳам билмоқ мумкин. Мен-чи? Мен Шахматулло алайҳус-саломман! Қани, оёғимга қараб эмакла!

Ёқутой отин дарҳол алюмин қошиқни олиб қовурдикдан бўшаган мис косага жон-жаҳди билан уришга тутинди. Даранг-дурунг овоз асабига акс таъсири кўрсатиб, Шахматулло бирдан ўзига келди, қайтадан ёнбошлимоқчи бўлиб турганда, ичкаридан келиннинг гижжакдек товуши ингради. «Шахма а-тчик! Шахма-а-тчик! Те-е-эда бўёққа киринг, соғиниб қолдим».

— Ҳа, белингдан ақанг! — беихтиёр чапанилаб жавоб қилди Шахматулло. Кейин чол-кампирга боқиб илжайди. — Қоронги хонада қўрқяпти қизалоқ. Юракдан бор-да.

Шундай дея, энди салмоқланиб одимлаганича хужрага қараб юрди.

Тўй ҳам тўрт киши тарвуз сўйиб егандек имижимида ўтди. Шундан кейин келиннинг қилиги кундан-кун совуқлашиб борди. Гоҳ магнитофон қўйиб, эрини салла-чопонда «танца» туширса, гоҳ замонавий кийинтириб кинога стаклади. Шахматулло пири бўйнида саланглаган галстук, бошида кўндаланг шляпа билан алламаҳалда маст-аласт қайтиб келади. Эртасига боши оғриб, мижозларга айнаб-алжирашга тушади.

Буларният четга сурин турдайлик, икки ҳафталиик келинга туғилган кунини нишонлаш эп бўйтими? Пойтакдаги кенг уй ёш-яланга тўлиб, байрамдаги морўжнахонага ўхшаб қолди. Пирнинг уч ойлик даромади қулогини ушлаб кетди.

Сирож маҳсимният эски пивохўрлиги қўзиб, қимизга қўшилган айрондек ёшларга аралашиб олганини айтмайсизми. Охири кайфи ошиб, карнайгулларнинг орасига юмалаб қолтан экан, Шахматулло коронгуда тентира克拉б келиб, қиблага типпа-тиқ юзлаганича устига чоптириб юборибди.

Бир куни чол-кампир сўрида шуларни эслаб, ҳасратлашиб ўтирган эди, келин ичкаридан чақчайганича чиқиб келиб, Ёқутой отинга заҳрини сочди:

— Ҳў, пистак кампир, яна фисқу фасодми?

Бундан жаҳали чиққан Сирож маҳсим гижинганича: «Менга қара, вей, Ҳемма!..» дея ўдагайлашни бошлаган зидики, келин: «Соқолингни тишла-е!» деб бурнини жийирди.

— Ношукурлар! — дея қўлларини биқинига тиради сўнг. — Шахматчикни ғажиб ётибсанлар. Индамасам, мениям ямлайсанлар. Мана! Шимилдириқ сенларга! Даромадни бундан буёғига ўзим хисоб-китоб қиламан.

— Бекоргинани айтибсан! — ўрнидан туриб кетди Ёқутой отин. — Боламга тувак тутган жойинг борми?

Сирож маҳсим ҳам сўридан тушиб, қарчигайдек кўкрак керди.

— Уни илму ирфонга мен судраганман. Қолаверса, бувисига уйландим.

— Қўрқманглар, — бепарво жавоб қилди Малина, — сиаларгаям чой-чақа тегиб турди.

— Нима?! — Сирож маҳсимнинг кўзлари олади. Кейин кампирининг тирсагидан тутиб, ҳужра тарафга судради. — Юр, хотин. Бу анжирфурушдан яхшилик чиқмайди. Ўғлингга айт, вақтида талоқ қилсин.

Улар ҳужрага киришлари биланоқ ичкарида гала-говур бошланди. Даставвал Ёқутой отиннинг нолласи янгради:

— Пешонант курсин, болам. Қелиб-келиб, кунинг шу карвонсаройга қолдими?

— Тезда жавобини беринг, пирим, — энди Сирож маҳсим куюнинига тушди. — Биз уни келин десан, кас-сириликка ўрнашиб олган шпиён экан.

- Бунга сенмас, пулинг керак. Бор шудингдан айрилиб, охири хароб бўласан.
- Ҳеч бўлмаса, арра қилайлик демайди. Ноинсоф!
- Ваҳималар тўхтатилсан, — босик оҳангда овоз қилди Шахматулло. — Биз келишиб қўйганмиа. Пул тўплаб, жингули деган мосин оламиа. Уни хотиним ҳайдайди, мен ёнига ўтириб жума намоага бораман.
- Ақлингни еб қўйибсан!
- Калла жойидами, пирим?
- Бас!!! — бирдан айюҳаннос торти Шахматулло. — Жим бўлинглар!

«Яна қўзиди, — дея чимирилганича ўйлаб қўйди Малина, -- ҳозир эски дийдиёсини бошлидиги».

Дарҳақиқат шундай бўлди. Шахматуллонинг тонуши дабдабали тус олиб, энди жаранглаб эшитилди:

— Калла жойидами деган ким? Тилингга куйдирги чиқмасдан бурун жавоб бер. Қаршингда янги пайғамбар турибди — Шахматулло алайҳуссалом! Тиз чўк! Калима келтир! Анқайма иккалант! Эмаклаб келиб оёқни яла! Иштонобоққа осилмасдан яла!

Ҳемма Малина сўрига чалқанча ағанади. Оёқларини велосипед ҳайдаётгандек ҳавода ўйнатиб, қийқириб-қийқириб кула бошлади.

1987

БАҚАЛАРНИНГ НИЯТИ БУЗУҚ

- Ўйинг куйгур ҳашаротлар деҳқоннинг ризқини ёмонам қийиб келяпти-да, раис ака. Биз уларга импортний захар беряпмиз, у ношукурлар емайди денг. Айниқса, қўсак қурти...
- Тўгри. Бу масала шахсан мени ҳар йили қаттиқ ташвишга солади.
- Агар қушлар бўлмаса, ташвишингиз янайм ортиб кетарди. Олимларнинг гапи рост бўлса, битта қуш юзлаб ҳашаротни асфаласопилинга жўнаторкан.
- Биламан, азamat паррандалар бизга катта ёрдам беришади.
- Ҳе, аттант, яқин орада шу ёрдамдан ҳам айрилиб қоламиша шекилли.
- Сабаб?
- Сабаби шуки, қишлоғимизда паррандалар учун

тирикчилик қилиш огирашиб кетяпти. Үзингиздан қолар гап йўқ, қушлар асосан қишлоқдаги увоқ-ушоқлар билан кун кўришади. Баъзан кўнгил очгани далаларга чиқишиб, йўл-йўлакай ҳалиги ҳашаротлардан ҳам тотиб кўришади. Афсуски, кейинги пайтларда уларнинг кўпчилиги бошқа қишлоқларга кўчиб кетипшиб, ўша жойлардаги колхозларга ёрдам беришяпти. Ҳа, қушларимиз жудаям камайиб кетди!

— Нега камаяркан?

— Менимча, бу... бақаларнинг тобора кўпайиб бораётганидан бўлса керак. Бақалар шундай мараз махлуқки, улар қишлоқдаги сарқитларга қушларни тент шерик ҳам қилишмайди. Қишлоқдан овқатланишини билишади, лекин уларнинг дәлага чиқиб ҳашарот овлаганини ҳали ҳеч ким кўрмаган.

— Текинхўрлар! Уларнинг тухумини қуритиш керак!

— Тўғри гапирияпсиз, раис ака. Мен ўша муттаҳамларнинг тухуми қаердалигини яхши биламан. Маҳалладаги эски ҳовуз бақалар инкубаториясига айланиб қолган.

— Буни яхши айтдинг, Шодивой. Бир ҳашар қила-миз-у, әртагаёқ ўша ҳовуэни кўмиб ташлаймиз.

...Эзмалана-эзмалана охири ниятига етган Шодивой, мамнунлик билан томок қириб қўйди. Маҳалладаги ўша эски ҳовуа у яшайдиган уйнинг орқа пойдеворини жудаям захлатиб юборганди.

1977

РОБИНЗОН КРУЗО КИМ?

Илгарилари мен ҳам худди сиага ўхшаб машҳур сайёҳ Робинзон Крузо ҳақидаги саргузашитлар факат одамлар ўртасидагина «миш-миш»ларга айланиб кетган деб юрадим. Қунлардан бир куни сой бўйида гурунглашиб ўтирган жонзорларнинг сухбатини тасодифан эшитиб қолдим-у, бу Фикримдан қайтишга мажбур бўлдим.

Мен жингала бўлиб ўсган қарчинлар ортидан улар томон аста яқинлашиб борган пайтимда калтадум бир Оланар даврадагиларни ўз оғзиға қаратволиб, тинмай ириллаётган эди.

— Елканли ёғоч кема довул пайтида баҳайбат харсангга урилиб, тош теккан итялоқдек чил-парчин бўлиб кетибди, — дея ваҳимали қиёфада сўзлар эди Олапар. — Шунда ҳалиги Рафинэйн деган лайча ўзини шартта сувга отибди-да, узоқдаги оролдан ис олиб, жонжаҳди билан ўша томонга қараб моҳлай бошлабди.

— Шошма, шошма, — Олапарга кўзини лўқ қилиб тикилди Қурбақа, — сен мабодо бизнинг жасур саёҳатчимиш Ралинзон Қур-р-рузо ҳақида гапирмаяпсанми? Агар сен ўша ҳақида акиллаётган бўлсанг, билиб қўйишинг керакки, у лайча эмас, мард ва довюрак бақа эди. Ёлғон гапираётганингни исботлашим ҳам мумкин. Денгизда довул бўлаётган вақ... вақ... вақтда ит узоқдаги оролдан ис олган тақдирда ҳам у ёқса сузаб бора олиши ақлга сигмайдиган нарса. Бу иш фақат бақаларнинг кўлидан келади.

— Виш-ш-ш! Юм оғзингни! — кўкрак кериб вақиллаётган Қурбақага жаҳл билан бўйин чўади Гурза илон. — Нега сен Раббинсон Грузамизни бақаларга обориб тақаяпсан? Агар ўша сайёҳ ҳақиқатанам бақа бўлганда, қирғоққа чиқиши биланоқ оролдаги биринчи дуч келган маҳлуққа яхшигина ионушта бўларди. Чакалакда ёлгиз яшашдан фақат биз илонларгина кўрқмаймиз.

— Кўнглингга олмагин-у, лекин сен ҳам опқочияпсан, — Гурза илонга қараб масхараомуз тиржайди Каламуни. — Тишинг тошдан бўлгур ўша азamat Рамазон Кирза деган кема каламуши эканлигини ҳамма яхши билади. У денгизчиларнинг кирза ботинкаларини гажиб юргани учун унга шунақа лақаб қўйишиган. Хўши, агар у каламуш бўлмаса, оролга ўрнапиб олгандан кейин, ерни кавлаб ўзига ин қуармиди? Каллали ишлатиб кўр-чи, Гурза.

Шунда соҳилдаги жингалак устида турган Тўтиқуш бир сакраб пастки шохга кўнди.

— Йўқ нарсани талашиб нима қиласизлар, — дея қиқирлади у, — ҳали ҳозир бақалардан ҳам, илонлардан ҳам ҳеч қанақа номдор сайёҳ чиққан эмас. Сизлар тилга олаётган—ақлли Тўтиқуш эди. Шунинг учун ҳамма уни Робинсон Мирзо деб чақирган. У одамлардек гапиришни билгани ва хат-саводли бўлгани учун кейинчалик ўзи ҳақида аўр китоб ёзган. Ўйлаб кўринглар-а, биродарлар, ит ёки каламуш ҳеч маҳал китоб

ёза оладими? Мабодо ёзганда ҳам уни фақат ит ва каламушларгина ўқиши мумкин...

Жонзотларнинг баҳсини тинглаб туриб, беихтиёр кулгим қистади. Аслида, бунинг ҳеч қанақа кулгили жойи йўқ. Кўпчилик учун севимли бўлган қаҳрамонлар ҳақида баҳс кетганда, ҳатто сиз билан биз — капката одамлар ҳам иложи борича уларни ўзимизга яқин олиб тапиришга ҳаракат қиласмила.

1976

ХИЗМАТЧИЛИК-ДА, ХИЗМАТЧИЛИК

1. ИШТАҲАНГИЗ КАРНАЙ БЎЛСИН

- Кечирасиз, бу котлетми, ё...
- Бифштекс.
- Тушунарли. Нима, у тухумсизми?
- Тухум бор эди. Уни ҳозиргина...
- Тушунарли. Гарнири нўхатдан деңг?
- Ярми макарон эди. Униям ҳозиргина...
- Тушунарли. Нўхатни емабсиз, тузи пастми дейман?
- Нўхатни мана энди еймиз.. Менимча, тузи жойида.
- Қиймачалпак-чи? Хўш, нега уни санчқига илмаяпсиз? Биламан, биламан, у гирт чандир.
- Менга қаранг, сизга нима керак ўзи?
- Кечирасиз, мен...
- Етар-е! Қанақа ёғда қовурилганини билмоқчи бўлсангиз, ана қолганини ўзингиз еб кўрақолинг.
- Ҳой, шошманг. Шошмасангиз-чи, мен... овқатнинг сифатини билмоқчиман, холос. Ҳалқ контролиданман!

2. ФАВҚУЛОДДА МАЖЛИС

- Ўртоқлар, бугунги йигилишиимиэга шахсан ҳурматли Али-хуштакнинг ўзлари ташриф буюрганлар. Сўз қадрдонимиз Али-хуштакка!
- Биродарлар! ТАСС ахборотчилари Яқин Шарқ

ва Африка мугузидаги воқеаларни кенг шарҳлаб туришибди. Халқаро бозордаги вазият анча жиiddий.

Ўзимииздаги ишларга келсак, вазият янайм қалтисроқ. Мундоқ қараганда, ҳаммангиз ўз ўрнингизда аявалгидек фаоллик кўрсатиб турибсиз. Лекин, тушум тобора камайиб кетипти. Бу ҳол айрим ўртоқларнинг гирромчилик қилаётганидан далолат беради. Сизларни бу ерда тўплашдан мақсад, ўз нафсидан бошқани ўйламай қўйган айрим ўртоқларни огоҳлантириб қўйишдир. Мен ҳозир «бор, барака» қилиб, уларнинг номини тилга олиб ўтирамайман. Кимлар ҳақида гап кетаётганини ўзларинг фаҳмлаб турган бўлишларинг керак...

Бозорком раиси шундай дея ўтирганларга зимдан маънодор кўё югуртириб қўйди. Чайқовчилар тенгдан чўнтак кавлай бошладилар.

1976

ЭҲ, ШЎРЛИК ЭРКАҚЛАР!

1. ТАЪҚИБ ҚИЛИШ

Сезяпман, у менга ҳамон ўгринча тикилиб турибди. Ростини айтганда, аёлнинг нигоҳини етти қават деворнинг ортидан хис қила оладиганларнинг биттаси — мен. Автобус келадиган томонга қараб-қараб қўяман-у, у турган тарафга юзланишдан ўзимни тияман. Бироқ, аниқ ҳис қиласайманки, у менинг ўнг тарафимдагиларнинг саккизинчиси. Жигарранг костюмли тепакал кишининг елкаси оша ҳануза менга термилиб турибди. Улама киприкларини елпуғичдек тебратиб, сурмага ботирилган қошлиарини чимириб қўяётганини худди телевизорда кўраётгандек аниқ тасаввур қилмаётган бўлсам, нон урсин. Шунақа таъқиблардан бирам безиб кетдимки...

Хайрият, лип этиб такси келиб қолди. Тўхтатдим. Ақлим этиб турибди, у ҳам ҳайнаҳой шу тарафга интиляпти. «Ҳайда, молодеж!» деб бақирдим шофёрга. Машина тойчоқдек олдинга сапчиди. Мана энди «кафе»га кирволиб, ҳамма одамлардек ўзимни эркин ҳис қилишим, босиб-босиб муадек пиво симириш имумкин. Ахир, бугун маош олганман.

У қанчалар писмиқлик билан ортимдан тушган бўлмасин, мен бари бир хотинимни боплаб чалғитиб кетдим.

2. БИР ХОНАЛИК УЙДА

- Бўлди энди, хотинжон, чироқни ўчириб ётинг.
- Озгина сабр қилинг, дадаси.
- Бунча қайсарсан? Ёт дегандан кейин...
- Яна беш минутгина...
- Ахир, ярим кеча бўп қолди. Ётсанг-чи.
- Ҳозир деяпман-ку. Пича сабр қип туринг.
- Ўчир чироқни! Ҳе, дардисар!
- Нима?!
- Ҳа, дардисарсан! Ялмогизсан!!!

Кунда шу аҳвол. Хотинимга конспект ёзиш зарур, менга эса — сурат чиқариш. Фотографлик ҳам қуриб кетсин.

1976

АНТИҚА АРИЗАЛАР

1. ГАУБИЦА

«Қани, ёз!» дея буйруқ берди раис. Котиб қогоз устига энгашиб, қулогини динг қилди.

— Район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғига «Пахтакор» колхози правлениесидан ариза. Давлат планларини мўмайроқ қилиб бажарип, одамларнинг вақти-чоғлигини янаям яхшилаш учун хўжалигимиага тубандагиларни тезроқ етказиб беришингизни сўраймиз: биринчи — ўттизта шихмола, иккинчи — 25 тонна селитра, учинчи — сочма ўқ отадиган бешта замбарак...

— Қанақа замбараклигини аниқ кўрсатиб ўтсакмикан? — ёзишдан тўхталиб раисга ўгирилди котиб.

Раис манглайдаги чандиқни сийпалаб, бироз ўйланаб қолди. Сўнг қўлини қогозга бигиз қилиб деди:

— «Гаубица» деб ёз.

— Замбарак-ку яхши нарса-ку-я, — яна эзамаланди котиб, — лекин, у дажжолни судраб юриш... Далалардаги йўллар жуда тор-да.

— Тузукроқ маслаҳат бермоқчимисан?

— Менимча, уч-түртта махсум пулемёт беришса, етиб ортар дейман. Ҳам қулай, ҳам арzon, уни сиз билан биз ҳам отаверамиз.

— Қисқа ўйлајпсан, — ўз фикрини қайсаrlик билан ҳимоя қилди раис. — Пулемётда бештасини отасан, ўнтасини отасан, бошқалари қочиб қолишади. Қарабсанки, бирпасдан кейин қайтиб келишиб, яна ўша машмашани бошлашади. Замбарак бу бошқа гап. Тұпига қаратиб туриб, ёппасига залповой оғон, десант, масалани ҳал қиласы-қўяди.

Раис учун баҳор жуда серташвиш келди. Айниқса, дончиликдаги ахнол оғир эди. Майдонларга сепилган арпа уругларини чумчуқлар галаси шип-шийдон қилиб кетаётгани бу очофатларга қарши юқорида айтib ўтилган дараҗада кескин чоралар қўллашни талаб қилаётганди.

2. ҚЎЛИ ОЧИҚ ОДАМ

Аризамнинг мазмуни шундан иборатки, магазинга кириб, туркман гиламларига суқланганимча анграйиб қолибман. Бир пайт қорин солган бир чўтири одал ёнимга келиб, мени турткилаб қолди. «Пулинг борми?» деб сўради у дабдурустдан. «Бор», дедим. «Ҳани, бу ёққа чўз-чи», деди у қўлларини бир-бирига ишқалаб. «Нима оламиэ?» деб сўрадим мен. «Ҳа муғомбир-еў, бу ерга нима учун кирганимни билмайди деб ўйлайсан-да, а?» дей ялтоланди у. «Хўш, баҳоси қанча... экан?» деб сўрадим мен сирни бой бермай. «Қирқ тўккиза франк», деди у. Қўли очиқ одаммаш, унга нақ эллик сўм санаб бериб, «қайтими ўзингга», дедим. У «шу ерда кимирламай тургин», деб иккинчи қаватга чиқиб кетди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қўққисдан яна ёнимда пайдо бўлди. Чамаси, нариги томондаги зинадан тушган бўлса керак. Нималигини билмайману, ўша нарса сотилаётган жойда оломон тирбанд эмиш.

«Сотувчининг ёрдамчиси билан тил биритирип керак», деди у пешонасини тириштириб. Сўнг «яна беш франк қўшимасант бўлмайди», деб хиравлик қилди.

У мендан беш сўмни олиб яна тенага чиқиб кетди. Ярим соат кутдим — йўқ, бир соат кутдим — йўқ, охири тоқатим тоқ бўлиб, тенага чиқдим, аммо уни то-

полмадим. Бунинг устига иккинчи қаватда на дуруст-роқ мол бор, на тирбанд оломон...

Умрим бино бўлиб бунаقا устамон қаллобни бирин-чи марта кўришим, ўртоқ милиционер.

1978

«ШОВВОЗ СПОРТЧИ»ЛАР ҲАЁТИДАН

1. АВТОБУСДА

Боксчиман. Бир урсам шайтонлаб қоласиа. Лекин урмайман. Бизда қўпол муомалали гражданларни уриб эмас, тушунтириш йўли билан тарбиялашади. Қолаверса, ўзидан ожизларга «бурамақанд» бериш спорчичининг обрўйини пастлатади, холос. Менинг эса ҳозирча обрўйим баланд.

Бойқораевни биларсиз? «Меҳнат резервлари» чемпиони бўлди. Телевизорда кўрдингизми ўйинини? Зўр, а?

Мен ўша зўравонни бир пайтлар шунақаям савалаганманки... Бойқиши қайтиб рингга чиқмаса керак деб ўйловдим. Йўқ, боланинг асаби метин экан.

Уидан кейин Зуфаровни дўппосладим. Шамаевни эса биринчи раунддаёқ... Хех-хе-хе.

Энди кимлигимни билиб олгандирсиз? Ҳа, мен ўша машҳу-у-ур... Умуман, кейин таниб оларсиз.

Хуллас, яхши иш бўлмади. Беш тийинни деб мендек одамни кўпчилик ўртасида хижолат қилиб ўтирибсиз-а, контролёр ака.

2. ХАЛОСКОР

Кўлиқуббоннинг суви уйимиз пойдеворини ялаб турарди. Болалигимда юришдан олдин сузишни ўрганганман.

Армияда ҳам дengiz десантига тушиб қолдим дeng. Елкамда автомат бўлишига қарамай, кемадан сувга шартта калла ташлардим-у, қиргоқча қайиқдагилардан олдинроқ етиб борардим.

Институтимизда битта бассейн йўқ-да. Бассейн бўлса, мен физкультурадан «уч» олармидим. Аксинча,

ўша мақтанчоқ Ашир самбистга спорт нималигини кўрсатиб қўярдим.

Нега ўзича валдираб қолди деб ҳайрон бўлманг. Гапнинг тагида гап бор. Фараз қилайликки, сиз... сувга чўкиб кетяпсиз. Турган гап, бундай пайтда жон ҳолатда қичқирасиз: «Ёрдам берингла-а-ар!!!» Бир ўйлаб кўринг-чи, ким ёрдам бериши мумкин сизга? Штангачи Боки-бульдозерми? Бе-е-е. Фил бошқа нарса, балиқ бошқа нарса. Сизга биргина ўзим асқотаман, ўзим! Сиз эса...

Бунча қийнайсиз мени, Лолахон?

3. ШАХСИЙ МАНФААТ

Маҳалламиз футбол командасининг аввалги дарвазабони ўтакетган латтачайнар эди. Кунора мени икки сўлқавойга туширади. Охири уни ҳайдатиб юбориб, ўрнини ўзим эгалладим.

Нега куласиз? Тўғри, ҳар ҳолда бош бухгалтер деган номим бор. Қўни-қўшнилар менга биринчи бўлиб салом беришади.

Лекин, нима бўлгандаям, бирордан уяладиган жойим йўқ. Мана, иккинчи йил кетяптики, дарвозамдан тўп ўtkазиб юборганимни эслолмайман. Йўқ, кечирасиз, ўтган йили битта гол уришувди менга.

Зўрлигимга ишонмаяпсиз, а? Келинг, яххиси гаров ўйнаймиз. Ӯн бир метрдан беш марта, борингки, олти марта тўп тепинг. Лоақал битта гол урсангиз, мара сизники. Уриб бўпсиз!

...Очигини айтганда, тепилган тўпларнинг ҳаммасини ушлаб қолишга мажбурман. Чунки, дарвозамизга ҳануззагча тўр топа олганимиз йўқ. Дарвозанинг ортида эса, мен яшайдиган уйнинг деразаси бор.

1977

АЁЛЛАР ВА ХАЁЛЛАР

1. ЭХТИРОС КАМРОҚ БЎЛСИН

- Бунча хилват экан бу ер?
 - Ҳа! Бундай хилват жойлар савоб иш учун яратилмаган!
 - Вой, нима қиляпсиз? Қўлингизни олинг. Эрим билиб қолса...
 - Тупурдим ўша эрингизга. Ошқовоқ нима-ю, у нима.
 - Ҳамма эркаклар ҳам ошқовоқ. Фақат, пўсти ҳар хил.
 - Баҳомни ошириб юбордингиз. Раҳмат! Мен аҳмоқ сизни тушларимда кўриб юрибман. Кечта тушимда ҳатто ўпиб олдим. Мана бундай қилиб...
 - Бўлди! Бас!— столни шапиллатиб қичқирди режиссер.— Репетиция тамом!
- У гринхона сари бораётган артист йигитнинг ортидан хўмрайиб қараб қўйгач, «енгилтак аёл» ролида ўйнаётган актисага ўғрилиб, дўнгиллади:
- Бугун сал кечиксам керак. Қиачамизни боғчадан олиб, тўғри уйна.

2. КЎНИКИБ ҲАМ КЕТАРСИЗ

- Ўзи нима гап? Нега йиглаясиз, синглим?
- Анави уятсиз чол...
- Ҳўш, ҳўш?
- Одамларнинг кўзи олдида...
- Ҳўш?
- Манави еримни...
- Ҳуллас... туф!— оғзидағи носни пуркаб, бамайлихотир гап бошлади чол,— ойимтилланинг ўша жойини сийпалаб кўрдим. Сийпалашга ҳаққим бор.
- Ҳм-м, биласизми... Сирасини айтганда, биазда шунақангি ишлар бўлтуради, синглим. Анави аёллар ҳам дастлабки пайтларда сизага ўхшаб қимтиниб юришарди. Мана энди кўриб турибсизки... Қисқаси, шароитга тезроқ кўнишишга ҳаракат қилинг.

Директорнинг бу гапидан кейин гўшт комбинатининг қоровули тантанавор қиёфада соқол силаб қўйди.

1978



КООПЕРАТИВ ШЕЪР

Қадрли ўртоқлар! Кооперативни ўйлаб төнганинг отасига минг раҳмат. Мана энди ҳар бир киши — эркакми, аёлми — хоҳлаган нарсасини хоҳлаган жойда бемалол очиб сотиши мумкин. Харидорларни ихтиёри ўзида — хоҳ чамалаб олсин, хоҳ ўлчаб кўрсии.

Кооперативчиларнинг куни тугди-ю, менгаям худо берди. Илгарилари ёзган шеърларим район газетасида хор-зор бўлиб, жафокаш халқقا юздан бир қисми зўрга етиб бораради. Ойига 80—90 тийин гонорар ишлардим. Район чойхонасида кооператив шеърхона ташкил қилдиму тангаларим сўмга айланиб, чойни қарзга ичмайдиган бўлдим.

Ишни чойхонадаги «Қизил бурчак»ка шапалоқдек эълон ёпиширишдан бошладим: «Тўйларга шеърий таклифнома ёзиш корхонаси» деб. Дастлабки ойларда даромадим сомсаҳўрликка базўр етиб турди, кейинчалик кооператив ошхонада овқатланишга ўтдим. Бу ошхонага гоҳ ҳавас қиласман, гоҳ ҳасад. Мижоз доим тирбанд. Кўнглинг тусаган нарса зумда муҳайё. Агар «опкел ўша хумпарни» деворсанг, дўппосламоқчи бўлган одамингни патнисда келтириб берипади. Аста-секин коопертив шеърхонамниям довруги ошиб, Қизил бурчак» ариуя бўлди-қолди. Баъзан икки сменада шеър ёзишга тўғри келди. Жуда қийналиб кетдим, ўртоқлар. Қийини шундаки, таклифномадаги кооператив шеър мувашشاҳ усулида яратилади, яъни қоғозга келин-куёвнинг исми вертикал битилиб, боп ҳарфлар ортидан горизонтал шеър тўқилади. Бу лаънати усул аввал дераза ўрнатиб, сўнг уйни шунга мослаб қуришдек гап. Мисол тариқасида охирги таклифномани бир кўздан кечиралилк. Келиннинг исми Оразу, куёвники Азиз. Аввал Оразухонга басталанган мувашшаҳни ўқиб берайин:

Отам мени қаёқларга ҳайдади?
Рўмолчамда кўз ёшларим майдадир.
Зулмлардан тўлар охир паймонам
Ўидок-бундок деяверса қайнонам.

Энди Азизвойга аталганини эшитинг:

Ахмоқ эдим, дўстлар, уйлаумай юрдим,
«Зоро» деган кинони юа марта кўрдим.
И тушундим — эсим қаёқда экан?
Зўр кино аслида бу ёқда экан.

Кўриб турибсизки, кооператив шеър битиш кооперативчи шоирдан алоҳида истеъдод талаб қилади. Майли, ҳозирча буни шартли равишда кооператив талант деб атайлик.

Кунлар ўтаверди. Бора-бора кооператив шеърларга аҳолининг талаби кучайиб, кооператив шеърхонада янгидан-янги кооператив йўналишлар пайдо бўлди. Ниҳоҳ тўйидан ташқари фотиҳа тўйи, суннат тўйи, бешик тўйи, ҳовли тўйи, кумуш тўй, олтин тўй, бриллиант тўй, сумалакбазм, ҳашар, куёвчақириқ, келинкўрди, мавлуд, мушқулкушпод, чилёсингларгаям шеърий таклифномалар битила бошланди. Колхоздагилар трактор шаркининг деворий газетасига шеър зказ қилишса, матлуботчилар Савдо ходимлари кунини шарафлаб берипшимни сўрашади. Яқинда ҳатто райисполкомдан ҳам буюртма тушибди. Қандайдир ҳайкал очилиши муносабати билан йигин бўлармиш. Фурсаддан фойдаланиб, кооператив шеърхона учун алоҳида дўконча ундириб олдим. Лекин кооператив шеър ҳам бу сафар текинга кетди. Шеърим ўша тантанада ўқилдими-йўқми билмайман-у, ҳарқалай замонавий қилиб ёзувдим:

Қурийверсин Орол, бултансин Байкал,
Биз учун зарури — мажлис ва ҳайкал!

Ҳеч қачон ўзимни буюк шоир демаганман, аммо бир нарсага имоним комилки, ҳайкални Байкалга қоғия қилиш шу пайтгача Эркин Воҳидовниям, Абдулла Ориповниям калласига келмаган. Ҳатто Миразиз Аъзамдек одам додга қолди.

Азиз биродарлар! Оташин сўё шайдолари! Ижод оламидаги янги йўналиш — кооператив шеърнинг алоҳида эътиборга лойиқ томонлари кўп. Бирон-бир адабиётшунос олим буни кенг миқёсда тадқиқ этишга киришса (балки бу билан кооператив танқидга асос солинар), биз кафильмизки, фақат савобга ботади. Чунончи, кооператив шеър назм ихлосмандларини назм харидорларига айлантириб, беупвон қаламкашни коо-

шеративчи қаламбоз даражасига кўтаради. Айни пайтда конкрет шеърга нисбатан даллолсиз кўтара савдо йўлга қўйилиб, сатрга қараб тўланадиган давлат ставкалари муомаладан сиқиб чиқарилади.

Ҳа, давлат ставкалари ҳеч қачон кооператив нарх билан рақобат қилолмайди, чунки кооперативда ҳар бир харидорнинг талабига қараб иш кўрилади, яъни Сулаймон теракнинг олдига пиёда боради. Лекин, биз кооперативчилар ҳам анойи эмасмиз, харидор ўзининг дидини пеш қиласи, биз ўша дидга манфаатимизни мослаймиз. Масалан, харидор шеърнинг сатрига тўлайман деса, бўгинни майдалаб, мисрани синдиrvорамиз. Килолаб оламан деса қалин қоғоз ишлатамиз. Мабодо метрлаб оламан деса, машинканинг интервалини кенгроқ қўямиз.

Шоир ва шоиршунос ўртоқлар! Кооператив шеърнинг яна бир катта афзаллиги бор. Бундай шеърлар турмушнинг энг тор туйнукларига ҳам суқулиб кириб, имкон топилса, хотин-халажларнинг ички ишига аралашибашгача бориб етади. Бундай оммабоп шеърларга худонинг биронта бандаси бефарқ қаролмайди. Сўзимга далил тариқасида айтишим мумкинки, бир куни ҳатто Хайрихўжа деган таникли мулла хузуримга келиб, Салим исмли бебош йигитни масҳаралатиб шеър ёэдирди. Ўша шофёр бола маҳаллада куппа-кундудзи шапка кийиб юргани етмагандек, фитр рўза беришдан ҳам бои тортган экан. Боплаб битта шеър тўқиб бердим:

Афти шайтон, ўай шонир,
Чарм шапка Салим копир.

Нархини ўн сўм қўйдим, туллак Хайрихўжа савдо-ни бир сўмдан бошлади. Кўп тортишганимиздан кейин охири қўлимга уч сўм тутқазиб, етти сўлкавойлик дуо қилди. Кооперативнинг мана шунисига борманда. Молга истаган нархингни қўйиб, кетганига сотасан. Гонорар олиш учун почтагаям ҳалниллаб бориб юрмайсан: бизда шеър, сизда пул; пул сиздан, шеър биздан. Шуни ўйлаганимда, куни газетаю нашриётларга қолган тошкентлик шоирларга ачиниб кетаман.

Мен бир-икки марта Тошкентдаям бўлганман, ўртоқлар. Шоир демагани тиқилиб ётиби. Ҳаммаси амирнинг сарбоайдек қеккайиб юради. Гоҳида қишлоқилик қилиб Машрабдан гап очасан-у, шу кўйи Нা-

мангонда қопкетасан. Улар Фолкнер, Драйзэр, Маркес, Шиллер деганларича бирпасда океандан тушиб кетишади. Сен Машраб факирга эргашиб жуда нари борсанг Балх-гача борасан.

Лекин, Тошкентдаги шоирларнинг ҳамма бойлиги оғзида, чўнтағида ҳеч вақо йўқ. Трамвайга чиқсанг, ярми шоир. Трамвай паркларининг кенгайишига қараб шоирлар ҳам кўпайиб боряпти, аммо уларга бериладиган қалам ҳақининг баҳоси эски михга ўхшаб қоқилган жойида ҳалиям қоқилганича турибди. Шу боисданам шоирлардан ахвол сўрасанг, тумтайиб туриб «михдек», дейди.

Бироқ, инсоф билан айтганда, шоирларнинг ўзларидаям айб кўп. Улар ёзган баъзи шеърларни ўқиб кўриб қалампули бериш ўёқда турсин, ўзларига жарима солгинг кепқолади. Масалан Мұхаммад Солиҳнинг «Учайдиган қўзичок» деган шеърини ўқиганмисиз? Бир оз шубҳали, бир оз баҳсли шеър:

Учар у подадан анче нарида,
Булутларга яқин учар қўзичок...

Шоир укамизга андак таъналарим бор. Биринчидан, бехудадан-бехуда куюнавермаслик лозим, ҳайвонлар бари бир шеърни тушуммайди. Уларда нозик туйғу йўқ, уларда дағал нафс бор. Агар устига озгина кепак сениб берилса, нафақат шеърни, ҳатто, шоирниям ямлаб ташлашади. Иккинчидан, ҳайвонларни йўлдан оздиришга уриниш шеърий ташвиқотнинг вазифасига кирмайди. Бир вақтлар бунақа нарсалар диверсия ҳисобланарди. Ахир тасаввур қилиб кўринг-га, ўртоқлар, мўминтой ҳайвонлар тасодифан бу шеърни тушуниб қолгудек бўлса, халқ хўжалигининг ахволи нима кечади? Мен-ку, хонадонимдаги бўрдоқи қўйларни боғлаб қўйишга улгурарман, колхоз-совхоздаги подалар-чи? Подалар шоирнинг интизомисиз қўзичогидан ўрнак олиб, ўрдакпадар бўй кетиши бир муаммо. Янада қалтисроқ муаммо шуки, энди уларга фазогир подачи керак. Ўзбекка бўлса, етмишта мукофот ваъда қилганингдаям томорқасини ташлаб осмонга чиқмайди.

Аммо бунисиям ҳолва, энг катта чигаллик ҳали бўёқда турибди. Яъни хонаки ҳайвонлар учгудек бўлса, табиийки ёввойилари қараб туришмайди. Бир пайт кўрибсиэки, қўлтиғингиздаги гўштни мўлжаллаганича

тепадан тулкивой учиб келяпти. Боққа кирсанг, дарахт шохларида гуж-гуж бегемот. Уйга борсанг, томинг тўла тўнғиз...

Йўқ, ўртоқлар, бунақа бузгунчиликка бефарқ қараб бўлмайди. Агарда Муҳаммад Солиҳ чорвачиликни тинч қўймаса, ундаги бошқа нуқсонларни ҳам очвонишига мажбур бўламиш. Ҳамма биладики, бир вақтлар у феодалликни улуглашга астойдил киришиб, «Шайбонийнома»ни ёзган. Зарурат туғилса, буни албатта бўйнига қўямиз. Бу соҳада тажрибамиз катта.

Яна биттаси бор. Шавкат Раҳмон. У бир шеърида «Гўё сен ширакайф турк сultonидай» деб ёзибди. Шеър реалликдан батамом узоқ, чамаси уйда кефир ичиб ўтириб тўқилган. Ҳозирги кунда нима кўп, дружиначи кўп. Шавкат Раҳмон мард бўлса, районимизга келиб кўчага бир ширакайф чиқиб кўрсинг-чи. Турк сultonининг аҳволини ўшандада томоша қиласиз.

Шоирларнинг чалкашлиги бир нав, аммо ноширларга нима бўлди? Масалан, Мирао Кенжанинг китоби муқовасига «Лирик шеърлар» деб ёзилган. Ичини очиб ўқисанг, ҳаммаёқ сатира. Мана, география ўқитувчиси хақидаги шеъридан бир парча:

Муаллимнинг боши тақир, биалар қув ва шўх,
•Бу саҳрои Кабир» дердик унинг бошини...

Энди, рухсатингиз билан, Хуршид Давронга ўтсак. Болакайда талай камчиликлар сезилса-да, ютуқлариям йўқ эмас. Бу ютуқ айниқса асл мақсадни усталик билан ниқоблай олишида яққолроқ кўринади. У бир шеърида шундай дейди:

Рауф Парфи деган бир дарё —
Ялтирайди — усти нақ шиша...

Биз зукко шеърхонлар дарҳол пайқаб оламизки, Рауф Парфи ҳам, ялтироқ дарё ҳам бу ерда шунчаки эпизодик тарзда берилган. Ўқувчини эса, шоир кутганидек, асосан шиша қизиқтиради.

Ҳа, Тошкентда шеър сероб, шоир кўп. Буларнинг ичида шахсан танийдиганим Усмон Азим. Бир куни қараб турсам, сартарошхонага бахшинамо қиёфада кириб кетди-ю, бирпастда причёскасини Маяковскийча қилиб қайтиб чиқди. У билан сухбатлашиб қолсанг,

гаини кўпинча тил масаласига буради — у тил унақа, бу тил бунақа... Шуям нахима бўптими? Бола пақир билмайдики, буёқда ҳал бўлмаётган катта-катта муаммолар турибди. Мисол учун олсак, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бозорда нос йўқ. Ваҳоланки, Усмон Азим айтаётган ўша тилга мен таъкидлаётган носнинг бевосита алоқаси бор, нос тилнинг тагига ташланади. Бундан ташқари, қандайдир нохуш бир тилда жавраётган одамдан қутилиш учун унга андак нос чектириб қўйиш кифоя. Кейин хоҳлаган тилида ғўлдирайверсин.

Ўртоқлар! Кейинги пайтда бир-бирига тескари гаплар кўпайиб кетяпти. Шоирлар газетадан туриб «болани кўпайтир», деса, улардан каттароқлар «йўқ, камайтири», дейди. Камайтирай десанг, маҳаллада эркакдек бош кўтариб юролмайсан. Тезроқ кўпайтирай десанг, бу газета ўқиб туриб битирадиган ишмас.

Буёғи бир гап бўлар, яхшиси ўзимизнинг кооператив масаласига қайтайлик. Эришган ютуқларимни эшишиб, келгуси режаларимга қишиқаётган бўлсангиз ажабмас. Режаларим катта, ўртоқлар. Жумладан, яқин келажакда яна битта бўлим очиб, кооператив шеърий анонимка ёзишни йўлга қўймоқчиман. Бош омон бўлса, дўконим қасрга, корхонам фирмага айланади. Тўрни ўргимчакдек чўзиб, кооператив шеърларим билан қабристонларгача кириб бораман. Ҳатто симёочдан йиқилаётган монтёр шеърий усуlda додлайдиган бўлади.

Азизларим! Сўзимнинг охирида пойтахтдаги катта-кичик шоирларга мурожаат қилиб айтаманки, келинг, майда-чуйда даромадларга чек қўйиб, жиддий тирикчиликка киришайлик. Шунда мақсадимиз ҳам, шиоримиз ҳам битта бўлади — ҳаммаёқни кооператив шеърларга тўлдириб, кооператив шляпаларни касодга учратами!

1988

КООПЕРАТИВ ІШЕРХОННИНГ КИРИМ-ЧИҚИМ ДАФТАРИДАН

ҚОРА ҚҰЧҚОР, ҚОРА ҚҰЧҚОР!..

Ҳалпиллаганича Сано қассоб келди. Оммани қассоб-хонага сафарбар этувчи жанговар шеър түқиб, катта матоҳга ёзиб беришимни сўради. Үнинг сирланчиқ пулларини «кирим»га ўтказиб, ўн икки қатор калимани «чиқим»га битдим.

Адолатнинг белгисидир пичоқ ва болта.
Емталаб кўй тили, ана, тийилди шартта.
Энди, дўстлар, шим олгунча пулни совуриб,
Мижик чайнанг, кавшанг жигар-бўйрак қовуриб.
Чин ўртокқа муносиби биқсан ва сондир,
Ғанимларни итдек кийнанг едириб чандир.
Дориликка ютса кунда ўн қарич ичак,
Пораҳўрлар томогига чиқмагай пучак.
Сутға ўпка солиб урса ёшлар атайин,
Қорин қўйиб, бирон жойга бўлар хўжайин...
Хуллас гўшт-ёғ, пўстдумбасиз ҳаёт йўқ хисоб,
Олемнинг тўрт устуни бор, биттаси — қассоб.

ЎТДИЮ КЕТДИ

Нажим магазинчи совун сотиб турганида пардози ҳай-ҳай, нози бай-бай паризот унга ярқ этиб қараб ўтибди. Шўрлик шу юрак чангллаганича қирқ кун касалхонада ётиб чиққач, каминага илҳомҳақи тўлаб, хуморбостига бир шеър ёадирди.

Ярмаркадан ўтди бир жонон,
Гард қўнимаган қиами, навжувон?
Англомадам — ноз не балолик —
Метрлики ёки килолик?
Тафтиш килсанг чиқмас камомат!
Чизмами ё тугмами қомат?
Ҳақиқийми, қуймами оёқ?
Кўйлаги чин атласми, бўёқ?
Шарфи сунъий ипми, соф пахта?
Балдори пок олтинми, сохта?
Миллатин ҳам чўтламоқ нозик,
Гирт ўзбекми, уйгурми, тожик?

МУВАШШАҲ

Таниқли аёл Санталат-читтак ўзининг никоҳ тўйига таклифнома буюрди. Адашмасам, бешинчи марта эрга тегяпти. Мувавишаҳни феълига мослаб ясадим.

Секундда бир севиш мумкин,
Аксинча ё совуш мумкин.
Неужели зарур — ола-а —
Турмуш-турмуш, бола-мола?
Анқайса сал, қиласр тентак
Любой ҳизни любой эркак.
Аммо менинг эсим баланд —
Тўрт мактабни кўрган талаат!

МУЛОЙИМ АЖДАР

Катта қистовлар билан оближроқўмдан пенсияга йўқотилган Писмиқ Оларовнинг хайрлашув кечасига пинҳона буюртма тушди. Буюртмачининг сўкинишларини қисқартириб ва маданийлаштириб беришга муваффақ бўлдим.

Рахбарларнинг бармоғидан бурилмадииг,
О, бачагар, урилмадинг-сурilmадинг.
Боғанингви кўрсичқондек еб ётасан,
Хали кўпли гижижклийсан ва сотасан.

ОМАДСИЗЛАР

Футбол лотереяларини стадионга сочиб чиққан Порсо мантифуруш «Пахтакор» командаси шаънига икки сўмлик гап-сўза ёэдирди.

На «Шинник» ни ютдинг сен,
На «Жигули» ютдим мен...

СЕҲРЛИ ҚАЛПОҚ

Шляпалар магазинининг директори билан мўмай шартнома туздим. Тўқиб берган таърифи шеърим энди каттакон бир магазин ойнасини безаб турибди.

— Жун шляпа, латдор шляпа,

Ет тамгали зотдор шляна.
Еагиси бор, қуагисидан бор,
Гўрков кийса — турки амалдор.
Топилса бас каллага лойик,
Ақл унча шартмас, ҳалойиқ.
Ол!
Кий!
Ғўдай!
Сайра беармон!
Бир-бирингга беравер фармон!

НОТАНИШ ДАҲО

Қандайдир Улкан Ҳамак деган қаламчининг
Москвада катта китоби босилибди. Шу баҳонада берила-
диган зиёфатга мен орқали таклифнома ўюштирилди.

Зиёфатга марҳабо,
Танқидчи дўстлар.
Нарзингизга тушмасдан
Тўрт бўлди кўалар.
Москвадаи чиқди-я
Мен ёған тўплам!
...Энди зора танилсан
Районимда ҳам.

ДАВР ОВОЗИ

Шеърхона хисобидан 78 тийинлик лағмон, 5 тийин-
лик қулча, 12 тийинлик компотни текин истеъмол қил-
дим. Бунинг эвазига Нортой-ваҳиманинг ошхонаси де-
ворида ачитки шиор-фельетон пайдо бўлди.

Ошкорвалик даврида бир
Айтай гапнинг тўғрисин:
Қайта қуриш душманидир
Пасткаш қошиқ ўғриси.

БАХТИЁРЛИК АЛЁРИ

Ғулом отарчи шеърхонамга кириб келиб, дўппимга
бехос бештакилик қистирди. Шодиёна руҳда радиобоп
қўшиқ ёзib берасиз, деб тиралиб олди. Қўшиқни эзив
қўйдим.

Қўсак қуртиқ заҳар пурқаб қирсак бахтиёр,
Теримда мард пионерлар бўлсалар дастёр.

Қишга омон чиқиб олсак, түйга мен тайёр,
Биз голиблар авлодимиз, қўрқма, Мастонгут.
Давру даврон сурайлик бу эркин колхозда,
Саёдатга борсак план юз бўлган кеада,
Сайр этардик Орол бўйин қоплаган тузда,
Биз голиблар авлодимиз, қўрқма, Мастонгул.

МИРЗАҚАНДНИНГ ДҮППИСИ

Бир ҳафтадирки, Мирзақанд пиён тозидек исказиб, дўпписини ахтаради. Хотиви «топмагунингча қорангни кўрмайин», деб уни уйдан қувибди. Девонага раҳмим келиб, симёғочларга ёпишириш учун кредитга юз нусха эълон ёзиб бердим.

Бордир Чуст ва Қўқон дўппи,
Бухори, Марғилон дўипи.
Топған киши қайтиб берсин,
Меники бемакон дўппи.
Бор йирқироқ ишак дўппи,
Саёа ёки тувак дўппи.
Меникининг астари йўқ
Таппагу бежияк дўппи.
Бор нозикдор мислик дўппи,
Хушбўй, товус тусли дўппи.
Меникининг гули ўчган,
«Баянширеъ» исли дўппи.
Бордир сатин, баҳмал дўппи,
Шолча дўппи, сандал дўппи.
Меники гоҳ қозонювич,
Гоҳ йўқолиб жанжал дўппи.

ЕППА ҚАРМОҚ ТАШЛАЙЛИК!

Борлик заҳарли дори ва тутунлардан булганиб, ерда қуён, осмонда ўрдак, сувда балиқ танқисланди. Даромадсиз қолган балиқчилар жамияти ёшларни ўз сафига қизиқтирувчи «агитка» заказ қилди.

Балиқчилик — бўйдоқлар иши!..
Сув парисин
тутволса ногоҳ,
Қила олмас қонуний никоҳ
Ўйланган киши.

ҲАҚ ЙҮЛ

Сулай-суюқ ниҳоят рўзгор қуриб, яқинда фарзанд
ҳам кўрибди. Ўғилчасининг бешик тўйигя атаб ёзиб
берган нарсам бў туур:

Сўйдим, куйдим, куйдирдим
Турли қаламкошларни.
Кўрдим сохта кулги-ю.
Қалбаки кўзёшларни.
Сўнг билдимки,
кўп нарса —
Ўткинчи, бир дақиқий...
Фақатгина хотиним
Туккан ўғил ҳақиқий.

ИШҚДАГИ ИТЛИК

Машҳур бичикчи Жанна хонимнинг урғочи бульдо-
ги оғир ётган эмиш. У суюкли итининг ички изтиробла-
рини ифодаловчи шеъримни олиб, қўлимга эркаклар
ички кийимини тутқазиб кетди.

Вов, вов,
Эрим бедаво!
Мени ташлаб бевафо,
Лайча билан юрганимиш,
Суяқ олиб берганимиш...
Ув-в-в!!!

ШИЛҚИМ ШОФЁР СЕВГИСИ

Ғопир шопир гирвонлик бир қизни суйиб қолибди.
Ўпкаси тўлиб ёзиб келган «Мұхаббатнома»сининг
уёқ-буёғини сал тўғрилаб бериб, янги томорқамга уч
машина шағал тўқдирашиб олдим.

Қалб гуркирар, ололмас ҳеч тин.
Тушундингми кўзлар сигналини?
Бензин каби қонлар жо-бажо,
Моторнинг ҳам ишлаши бежо.
Ёқиб кўнгил чироқларини
Доим хаёл сени излайди.
Чарчоқ сеамай, катта тезликда
Бу каминанг тунлар бўзлайди.
Илон, жоним, ичган онтимга,
Отказ қилима, синааб кўр аввал.
Содик қолмас бўлсан аҳдимда,
Ношим ёрсин шу карданий мол.

Подшибникдан тўкилиб қолган
Соққалардек кўзим ёшлама.
Менга қалбинг капотин ёпиб,
Эски дардни қайта бошлама.
Ичишиниям ташлайман сен деб.
Радиатор зангласин майли.
Шиддатимдан топсанг гар нуқсон,
«Волга» билан кувлашай, лайли.
Гар ранжитсам сени ногаҳон,
Бўйним рулдек эшилсин, дилбар.
Багрим олдимдаги ойнаждек
Тош отилиб текшилсин, дилбар.
Доим сенинг уйингга етгач,
Ишдан чиқар коробка передач.
Адо бўлдим, сўнди кайфият,
Кетолмасман бермасанг зарид.
Поршич каби ўйнатма мени,
Рахм айла, эй баҳтиим юлдузи.
Кўп сўйласам ранжима, чунки
Ишдан чиқсан оғига тормози.
Савол берма менга, жонгинам,
Неша қиага ичгансиз деб онт.
Тўйдан кейин қалбими ўаниг
Кильвалорсан қепитал ремонт.

ОТАУҒИЛ

Жанжалгузардаги Зойир қоранинг ўғли Үтбосар эркин кураш бўйича район ўқувчиларини ютиб, катталар терма командасига аъзо бўлибди. «Ёш куч» жамияти закази билан шу табрикномани битдим.

«Посёлка»лик ё гўл, ё кўса,
«Коммуна»лик кўркоқ, ё рашикчи.
Жанжалгузар ахлининг эса
Ярми ошхўр, ярми курашчи.
Маҳалдаштга тортдинг, Үтбосар,
Балки сенинг омединг шунда.
Олмасант ҳам аттестат агар,
Жойинг тайин дорилфунунда.
Хайдашмайди пахтага зўрлаб,
Саклар сени терма команда.
Қолаверсин «беш»чини тўплаб
Колхоздаги ферма-команда.

БАТТАР БЎЛ, ОЛОМОН!

Чайқовчиларнинг махфий президенти Исо исриқфурууш фош этилгач, унинг суддаги охириги сўзини «талабларга биноан» назмга солдим.

Бозордаги оломон
Тутиндию муштлешга,
Охир мени мелиса
Мажбур бўлди ушлашга.
Ношукур, гўр бандалар,
Ачинаман мен снага.
Қолар энди кунингия
Облпотребсоюзга.

ОЗОДЛИК МУБОРАК!

Райкомнинг қоровули, бобони ва завхози Эшвой югурдакнинг жаназасига бағишлиланган насиya маҳсулот.

Бир умрга эрталаб
Жудо бўлди, ҳушидан.
Биринчи бор кетмоқда
Жавоб олмай ишидан.

СЎЛИМ БУҒДОЙЗОРДА

«Клара Цеткина» колхозидан келган Мўсо аравакаш бир ҳаяжонли воқеани гапириб бериб, ўзига саккиз манотлик дуо ёёдириб кетди.

Бўлиқ буғдой — дарпарда.
Ой мўрию, осмон том.
Ошиқлар шу «кулба»да
Шивирлашар вақти шом.
Йигит телба ҳисоби...
Юз тутар қиз бўсага...
Тегсин бунинг савоби
Бўгдой эккан Мўсага.

АНҚОВ ШИМ ҲАҚИДА ДОСТОН

Ҳаким-илвирс сой бўйида Абил шилқимнинг шими ётганини кўрибди. Жигига тегиш учун менга шеър буюрди.

Соҳилда, қумлоқ жойда
Кўрдим ёйиқ турганий.
Билмас — эгаси қайда,
Нима қилиб ирганин.

ТАНИШТИРУВ

Абил шилқим мард экан. Кирдикорларини айтиб, ўзини фош этувчи шеър ёздирди. Тавба қилмоқчими зангар?

Виждан судни зиниги очиқ,
Таниширай ўзимни расман:
Дабабали унвоним — «Ошиқ»,
Лавозимим — бор-йуги «Жазман».

РЎЗФОРЧИЛИК

Хотиннинг галваларидан жигари тўкилган Мирзақанд кредитга яна бир машқ қоралатди.

Ўзинг бут қил,
Э, худо,
Эркакларнинг камини...
Эркакка сўнг қўйиб бер
Хотинларнинг гамини.

«Гулдир-гуп» совҳоизда дон тайёрлаш плани бажарилиши шарафига беш қоп сомонга алмаштириб олинган шеър мана бундоқ:

Бемаҳал қичқирма,
Шаллаки хўроуз.
Ижара бериб тур
Жимликни бир оз.

Мақтайнин, бўйнига
Миниб илҳомни —
Менга ион, сенга дон
Берган дехқонни!

ОГОҲЛАНТИРИШ!

Фийбатчи ва «ков-ков»чи Ака-Ахлатнинг дастидан куйган бир банда нихоят тоқати тоқ бўлганини унга билдириб қўйишни сўради. Андишалироқ қилиб шуни ёздим.

Қасд қилгунча ёт бошга
Деб «Ушлайман думингни»;
Хушёр бўя ўз дўппингга,
Пок сақла ўз шимингни...


МАЛОМАТ

Собиқ севгилимни мастиликда зслаб, ўа хисобимдан зардалироқ сатрлар тўқидим.

Нашриётлар залида
Тектиб юрибман эди.
Бўлинқчи эдим ахир
Молиянинг агенти.

Балки раҳбар бўлардим,
Нафсим эди жа ўтқир...
Шоир қилдинг иудириб,
Эрга тегмай ер юттур!

Мудир ва буғолтирип: ПОЛОСОНИЙ.



ОЛТИАРИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

* * *

Фарғона вилоятида тилга тушган тўртта асосий нуқта бор: Қўқон кўҳна маданиятию обидалари билан, Маргилон «гонконгча» бозору савдогарлари билан, Шоҳимардан ўхшашсиз сулувлиги-ю, аҳолисининг ярми қассоблиги билан, Олтиариқ эса ўта хушёр қўриқланадиган маҳсус депаралардаги посбонларини ҳам ғафлатда қолдириб, беҳудуд мамлакатимизнинг энг кутилмаган нуқталарида пайдо бўлувчи бодринг ва турплари билан эътибор қозонган.

Мен Олтиариқда тугилганман. Умримнинг кўп қисми ана шу бесаранжом нуқтада кечган бўлса-да, жойдошлиларимга ҳануз тўлиқ тушуниб етолмайман — синчилаб тикилган киши уларнинг юзидан биратўла олти хил маъни уқиши мумкин. Шулардан энг яққол кўзга чалинадиган мунг ва қувноқлик қоришмасидир.

Хуллас, ўзим кўриб-билганларим ва эшигнларим ҳақида баҳоли қудрат баён қиласерай, мунг қаерда, қувонч қаерда — зеҳн солиб ажратиб олаверинг.

* * *

Гурунгимизнинг бошидаёқ фахр билан айтиб қўймоғим керакки, Олтиаригимизда ажабтонур хулқ-атворли кишилари билан машхур бўлган иккита қишилоқ бор. Буларни шу қадар севиб, шу қадар эъз-лаймиз — ўз номлари четда қолиб, бирини Шакарқишилоққа, иккинчисини Ширинқишилоққа айлантириб юборганимиз.

Ўз наебатида ҳар икки эркатой қишилоқ бир-бирига шунчалар боғланиб кетганки, Ширинқишилоқ то-вугининг тухумлаши учун Шакарқишилоқдаги хўроzinинг юракдан чиқариб қичқириши кифоя. Агар Шакарқишилоқдаги банди ўзича ўйин туша бошласа, демак Ширинқишилоқдаги сартарош устарасини оҳангта солиб қайраялти...

* * *

Шакарқишлоқ чегарасини кесиб ўтувчи сершағал йўлнинг четига: «СТОП! ОЕҚ АРТИБ ҚИРИЛСИН!» деб ёзиб қўйилган.

* * *

Ширинқишлоқдаги колхоз молхонаси ичига «КОМ-МУНИЗМНИ ШУ ЕРДА ҚУРАМИЗ!» деган шиор осилган.

* * *

Ойнаи жаҳон янги русум бўлган чоғларда шақарқишлоқликлар антеннани уй ичига ўрнатиб, телевизорни томдаги баланд ёғочта осиб қўйишган экан.

* * *

Ҳатто оташкуракни қизининг сепига асрарши ёқтирадиган ширинқишлоқликлар сандиққа сигмайди деб яқингачаям енгил автомашина олишмас ади.

* * *

Шакарқишлоқлик янги келинчак қайсиdir тунда албатта томга чиқиб, ювган рўмолини ойнинг илмогига ёйиб қуритишга уриниб кўради.

* * *

Ширинқишлоқлик янги куёв келинга совга харид қилгани кетиб, тиқинда сабзи ололмаганидан нолиганича дўпписини йўқотиб қайтади.

* * *

Очигини айтганда, бу икки жонажон қишлоқнинг ўртаси ёки атрофида яшовчилар ҳам жуда «фаришта» бўлпкетганлари йўқ. Олтиариқдаги истаган маҳаллага кириб боринг, бирон ҳангомага пешонани урмасдан чиқиб бўпсиз.

Масалан, Полосондаги энг номдор йигитлардан бири бўлган Назар-пиёни (ёш вафот этиб кетди, унинг дали-гулилигини жуда ёқтирадим) кечаси район марказида маст тентираб юриб, универмагнинг ёнига келиб қолибди. Аёллар кийимини намойиш қилиш учун улкан дераза ортига қўйилган «солол қиз»ни кўриб: «Хў,

акаси жонидан, поччамиз командировқадами дейман?» деб шилқимлик қила бошлабди.

Ногаҳон эшитилган қадам товушидан сал ҳушёр тортиб ортга ўғирилса, милтиқ таққан бир оқсоқол түғри унга қараб келаётганиши. Бу магазин қоровули эканини хаёлига ҳам келтирмаган Назар-пиён илжайганича унга луқма ташлабди:

— Ов қалай бўлди, бобой? Ўрдакни закуска қилворибдилар-да?

* * *

Фарғонада бизнинг Олтиариқдан ташқари Учариқ, Беъшариқ, Қумариқ, Оқариқ, Сойариқ, Жинариқ, Белариқ сингари жойлар кўл. Шу боис олтиариқликлар бирон мусофири кўришса: «Келинг, акахон, марғилонликмилар?» деб сўрашади. «Йўқ», деган жавобни эшитишса, бирдан ҳафсалалари пир булиб: «Унда қайси ариқдансиз?» дейишади.

* * *

Инқилобнинг дастлабки йилларида Мозортагидаги мачитни мактабга айлантиришибди. Райондан кўзойнакли масъул бир ходим келиб, йигилиш ўтказибди.

— Фақат ўзимиз савод чиқариб қолмай, аёлларимизни ҳам ўқитишими керак,— дебди у.— Қани, хотинини ўқитаман деганлар қўл кўтарсин-чи.

Жамоа раиси-ю, пастда ўтирганлардан яна бир киши қўл кўтарибди.

— Биттагина ана бу ўртоқ замон талабини тўғри тушуняпти,— дебди қўл кўтарган киши, яъни Шервой дувонани мақтай кетибди масъул ходим.— Ҳамма шу марксист ўртоқдан ўрлак олсин.

Шунда Шервой дувона ўрнидан туриб, талтайганича дебди:

— Ўғилболанинг гапи битта, хўжайин ака. Шўро менга хотин олиб берса, уни ўқишга юбормаган номард.

* * *

Араб қиморвоз қўшни вилоятда бўлган катта бир «ийгин»да қўли келиб қолиб, уч кечада ҳаммани қоқлаб чиқибди. Шунда ўша ерлик қиморвозларнинг учари «тугунингдаги пулга синглимни тикаман», деб юборибди. Бунақа пайтда «йўқ» дейиш ғурурсизликка

йўйилар экан. Яна ошиқ отиш бошланиб, бу гал ҳам меҳмоннинг қўли баланд келибди.

Эрталаб Араб қиморвоз ютқазганинг уйига бориб синглисини кўрса, ёши анча ўтиб қолган, юзи бужур, беҳад хунук қари қиз эмиш. Кўнгли аил кетибди. «Бунингни пишириб ейманми», деса, заифанинг дили жароҳатланади. Охири чора ўйлаб топиб, қари қизга: «Менга тегишга сени ким мажбур қилди?», деб сўраса, у, «ўзим хоҳладим», дебди. Буни эшитган Араб қиморвоз: «Одам қуриб кетгандек келиб-келиб худо урган ароқхўр, хотинбоя бир аблахни танладингми? Бор-е, сендеқ нодон хотинни уч талоқ қўйдим!» деб жўнаб қолибди.

* * *

Абжал қийшиқ деган кипи бўларкан. Ўта жирраки бу одам лақабини айтиб чақирғанлар билан гиштнинг устида етти йил ёқалашар экан. Эшикни қийшиқроқ қуриб қўйибсан, дегани учун ҳатто колхоз раисининг кўзига нос тупуриб урган дейишади.

Бир куни бемаҳалда толқўчадан ўтаётib, рўпарасидан иқиб қолган эшакни ажина деб ўйлабди-ю, орқага пойга қўйибди. Бориб, биринчи дуч келган дарвозани тақиилатибди. Ичкаридан: «Ким у?» деган овоя эшитилибди.

— Оч эшикни! — дея жон-жаҳди билан қичқирибди у. — Абжалим!

Ўй эгаси уйқусираф яна пўнгиллабди:

— Қанақа Абжал?

Юраги така-пука бўлиб турган Абжал: «Қўрқма, шу ерликман! Абжал қийшиқман!» деб нидо қилибди.

* * *

Ҳоким отани 30-йилларда партияга қабул қилмоқчи бўлишибди. Колхозга райкомдан вакил бўлиб келган киши синаш учун: «Қани айт-чи, тавариш Сталиндан олдин хукуматимизни ким бошқарган?» деб савол берибди. Ёш сувчи эса тиржайиб туриб: «Шуниям билмай ўлибманми, тавариш Мадаминбек бошқарган-да», дебди.

* * *

Қийинчилик йиллари Соли қўрқоқ: «Войдод, одам бўлсанг келавер», деб ярим тунда уй ичидан овоз қила бошлабди. Ҳовлида уйланган акаси ва ота-онаси бирга туришар экан, ҳаммаси ёприлиб «кенжатой»нинг ҳужрасига киришибди. Воқеани суриштириса, Соли қўрқоқ кўрпадан чиқмай тушунтира кетибди:

— Мўридан «туп» этиб бир ажина тушди. «Жим турмасанг, оғзингни маймоқ қиласман», деди. Нейин зарур нарсани олиб, эшикдан чиқиб кетди.

— Ҳе, ўпка! — деб жеркиб берибди акаси. — Ажина билан ўгрининг фарқини билмайсанми?

— Нега билмас эканман, — дебди Соли қўрқоқ. — Қарасам, салла ўраб, яктақ кийган бўлсаям, иштонисиз турибди. Ажина бўлмай нима?

— Ҳеч бўлмаса, ташқарига чиқиб, бизни вактида уйғотсанг ўлармидинг? — дея отаси ҳам тергашга тушибди.

Соли қўрқоқнинг эса баттардан хуноби ошибди:

— Қайси аҳволда ташқига чиқаман, ота? Ӯша ажина шартта иштонимни ечдириб, ўзи кийиб кетди-ку!

* * * *

Оренбургга бодринг олиб борган бир қўшним русчани билмагани учун бозорда довдираб турса, маҳалладоши Теша Қурбон шапкани бостириб ёнидан ўтиб қолибди. Севиниб кетиб шартта унга ёпишибди, аҳвони тушунтирибди.

Теша Қурбон ҳволанганича келиб, ҳаридорларга аввал битта бармогини кўрсатиб, «бир кило», дебди, сўнг учта бармогини кўрсатиб «уч рўбиг» дебди. Ҳаридорлар гап мазмунини фаҳмлаб олгач, бозор қизиб кетибди.

— Ҳе, қишлоқи, — дея шапкасининг айвонини босиб ўртдошига танбех берибди Теша Қурбон. — Үрисчани ўрганмай туриб, Оренбургга келаверасанми?

* * * *

Мактаб ёпилиб, пахта териб юрган пайтимиизда бир куни Ҳомит деган синфдошим билан даладан қочдик. Бир этакдан қовунни ҳам олганмиз.

Қўшни бригада ерига етиб бориб қарасак, йўл берк, зовур тозалаётган экскаватор хода-кўприкчани ҳам олиб ташлабди. Экскаваторчига биттадан қовун ваъда қилганимиздан сўнг у бизни «темир ковуш»га ўтиргизиб ўзи томонга олиб ўтди.

Синф раҳбаримиз бизни изма-иза қувиб келаётган экан, зовурга йўлиқиб, тўхталиб қолди.

— Ўт буёқقا икковинг! — деб дағдага қилди у.

Қочишга шайланганимизни кўргандан кейин экскаваторчига бақирди:

— Мениям ўша ёққа ўтказиб қўй, педагогман мен.

— Япон императори бўлганингда нима! — деб қайсарланди экскаваторчи. — Худди менга қовун бериб қўйгандек дўқ қиласан-а.

Синф раҳбаримиз бир қизариб, бир бўзариб, экскаваторчига еб қўйгудек тикилди. Унинг бепарво турганидан қаттиқ ранжиб, бизга қичқирди:

— Мени хижолат қилманглар, болалар. Шу пасткашга қовунларингдан битта беринглар, зовурдан ўтиб олай.

* * *

Ўчакишгандек, Шойим бақироқнинг эшаги ҳам кўп ҳанграйдиган хилидан чиқди. Хотини «тунни қачон йўқотасиа» деб кунора жанжал қилавергач, охири безор бўлибди. Боазор куни сахар мардонга ўрнидан туриб, мол бозорига жўнабди. Эшак жонивор айрилиқни ҳис қилганми ёки бирон шарнадан қаттиқ чўчиғанми, эгасини устидан отиб, ортга қочибди. Таниш ҳовлини топиб келиб, дарвозани тумшуғида тинмай итара кетибди.

Ток устидаги сўрида ҳалиям ухлаб ётган хотин дарвозани кимдир «гижир-гижир» итараётганидан уйғониб, ўрнидан турибди. Ўйқусираганича келиб, занжирни сийпалаб ахтараркан, дебди:

— Овозинг ўчгурни йўқотиб келдингиами ишқилиб? Мана энди икковимиз жанжаллашмасдан ти-и-нч яшаймиз.

* * *

Шакарқишлоқдан Ширинқишлоққа келин тушди. Юз очди куни куёвни келиннинг ёнига киритишиди.

— Бувимнинг айтишича, иззатимни жойига қўйи-
шингиа керак, — деди келин. — Максимни ўзингиза ечиб
қўяркансиаз.

— Жон деб ечардим-у, иложим йўқ-да, — деб сү-
зилди куёв. — Дадам хотин зотига сирингни берма де-
ганлар.

* * *

Коллективлаштириш эндинга бошланган давр. По-
солонликлардан бир гурухи умумхўжаликка аъзо бўл-
гани келишган.

Холвой: Қалхўага кирғанларнинг хотини ўртада
бўлармисми?

Раис: Йўқ! Бу — правакассия!

Холвой: Унақа бўлса, бизниям ёзинг.

Мамазокир: Менга қаранг, раис ака, умумхўжа-
ликда хотин масаласидаям сеники-меники йўқлиги
тўғрими?

Раис: Нотўгри!

Мамазокир: Ҳа, бўпти, аъзо бўламан.

Дарвиш-бурун: Бизниям дафтарга михлаб қўй, ука.
Майли, қариганимиизда ёш-ялангга аралашиб, бир сул-
тон яшаш қиласилик... Ҳа, айтгандай, калхўадагилар-
нинг заифасиям халқни бўларкан-да, а?

Раис: Кап-катта одам шу бемаъни гапга ишониб
юрибсизми?

Дарвиш-бурун: Э, шунақами? Унда... унда номимиз-
ни дафтардан суғир, калхўэинг бизга тўғри келмади.

* * *

Бир қария Қоравой қўрбошидан: «Ўрислар билан
нимага урушаверасан, болам?» деб сўраса, у араб тул-
порини гижинглатиб жавоб қилибди:

— Шўро давлати аштлик мардикордан ҳам кам-
бағал. Олтиариқни алоҳида мамлакат қильволсак, ту-
рупни тўғридан-тўғри Амриқога сотоверамиз.

— Бу амриқолик олифталаринг турп ейишарминин
ӯзи? — дей яна тихирланибди қария.

Қоравой қўрбоши бу кутимаган саводдан хиёл
зсанкираб тургач, тўсатдан қиличининг сопини чангаль-
лаб, тантанавор оҳангда сўз қотибди:

— Яхшиликча ейишмаса, зўрлаб едирман, отахон!

* * *

Бир ўтиришда пашшалар гужгон ўйнаб, меҳмонларни безовта қила бошлади. Ўй сохиби Абдубанноб ака қўлига сочиқ олиб елпий бошлатган эди, чирманда-чи Рўзимат ака унга танбеҳ берган бўлди:

— Оштовоқда тинчгина тирикчилик қилаётган пашшаларни қувлаб нима қиласиз, энди отазимиздати овқатга ёпишишпсинми?

* * *

Ўша Рўзимат акадан: «Акангиэ бўйдор, нега сиз паканасиз?» деб сўрасам, у: «Ҳамма айб отамда, бизга бўйни тўғри тақсимламаган», дея жавоб қилганди.

* * *

Эллигинчи йиллар...

— Эскича китобларимни кофирлар ёқиб кетишди, қори бува. Бу туришда эрта-индин ўзимниям...

— Булар ўртоқ Исталиннинг арабийда босилган китоблари демабсида-да, махсум.

— Ие, қори бува, ўзимизнинг Жалол сўфи инкиви-диннинг шапкасида кептурса, алдаб бўларканми?

* * *

Шакарқишлоқликлардан бирори кўчага чиқиб турса, эшагини йўрттирганича ширинқишлоқлик ўтиб қолибди.

— Ҳўй, ширин одам,— дея қаҳ-қаҳ уруб гап отибди «шакар одам»,— эгарни эшакка тескари босиссан-ку!

Йўловчи эса пинагини бузмасдан, «эгар ҳам шиппакка ўхшаган нарса-да, ошна», деб ўтиб кетибди.

Шакарқишлоқлик қараса, шиппагини пойма-пой кийиб олган экан.

* * *

Ҳокимназар тоға жуда кенгбагир одам бўлса-да, тенгдошлари гоҳо ҳазилни унинг жигига тегадиган дарражада ошириб юборишаради...

Бир куни қандайдир киши уни уйидан чақириб, йўл четида турган эшакарарава томонта ишора қилди:

— Сизга тандир олиб келдим, мулла ака.

Ҳокимназар тоға безовталаниб, аввал кўччанинг у тарафига, кейин бу тарафига аланглади. «Менга керак

эмас... бунақа нарса», деб шартта орқасига бурилди.

— Тўй қилмоқчи экансиз, мулла ака, кечагина тандир қидириб юрган экансиз,— дея унинг енгидан ушлаб тўхтатди тандирфурӯш.— Танишларингиз айтишувди... у кишига анча-мунча нарса ёқмайди деб. Кўриниши ғадир-будурроқ бўлсаям, тандиримнинг лойи жуда пишиқ.

— Менга бунақа нарса керакмас дедим-ку.

— Ҳа энди молни бир кўринг.

— Аравангни тезроқ жилдирсанг-чи?

— Янгамни чақиринг. Тандирнинг қадрига хотинлар етади.

— Э, бу ердан йўқот... анави нарсани. Ҳе, ўша сенга гап ўргатгани...

Дараҳт панасида биқиниб турган дўстлар шунда хоҳолаб кулганларича йўлга чиқиб келиши. Ҳокимназар тоганинг лақаби тандир эди.

* * *

Граммофон янги чиққан маҳалда Қаюм бува биттасини сотиб олиб, Нажим бувага «Ушшоқ»ни қўйиб берибди. Нажим бува бир лаппакнинг айланишига тикилиб, бир карнайшинг ичига бўйланиб, дўстига дебди:

— Шуям одамгарчиликми? Ашула айттиришдан олдин Мулла Тўйчини буёқча чақириб чой-пой қуйиб берсанг, хотининг талоқ бўладими?!

* * *

Мадиёр лўли ташқида чой шопириб ўтиrsa, ўғлини бир ўқитувчи етаклаб келиб қолибди.

— Мадиёр ака, — деб гап бошлабди у. — биламиз, анча тартибли одамсиз. Ўглингиз сизга ўҳшамабди.

Бир пайт уйдан бека чиқиб, газабини соча кетибди:

— Бошингда жунинг бўлса, ўзингга, ҳой! Сан гапирганда оғаингга қара. Ман иккита эрга тегмаганман.

— Хап бўл! — дея хотинини жеркибди Мадиёр ака, сўнг ўқитувчига мулойимланиб дебди. — Бу болачоқни манабу холанг икковимиз ясад бердик. Бир қарагин, домулло, бурни худди мандан бўлган, локигин жиннилиги мандан бўлмади.

Ўқитувчининг тоқати тоқланиб: «Гапни майдала-манг, болани нима қиласиз, болани?» деб сўраса, Ма-

диёр ака: «Ҳа, энди ўқитасан-да, домулло. Бурни мандан бўлганини бўйнимга олдим-ку», дебди.

* * *

Мактаб бола әдик. Мухторали исмли биздан тикроқ ўспирип қўлбola тўппонча ясади: бир томони эгиб букланиб, ёғоч қўндоққа маҳкамланган пўлат трубача; трубачанинг тубига кўрғошин қуилиб, темир аррача-да дум томонидан тешик очилган.

Қуролни синамоқ бўлдик. Тошйўлга яқин жойдаги зовурда уч-тўртта олмабош сузиб юрган экан, эмаклаб яқин бордик. Мухторали дўнг ортига ёнбошлаб трубачага порох солиб, устидан қоғоз ниқтади, кейин сочма тўкиб, яна қоғоз билан маҳкамлади. Ниҳоят қурол нишонга тўғрилангач, мерганинг ишораси билан болалардан бири трубачадаги тешикка сигарет теккизи.

Даҳшатли варантлашга чинқириқ ҳам қўшилиб кетди, атрофимизни тутун қоплади. Ҳушимиизни йигиб қарасак, тўппончанинг трубаси ёрилиб кетибди. Мерганимиз куйган юзига панжа босганича, ғужанак бўлиб ётибди.

Иттифоқо, тошйўлдан «тез ёрдам» машинаси ўтиб қолди, «ҳай-ҳай»лаб югуриб, уни тўхтатдик. Мухторалини замбилга солиб, машинага тиқишаётганда, унинг: «Болалар, галимни эшитинглар!» деган хитоби янгради. Васият айтмоқчи бўляпти деб сесканиб кетдик. У ҳануза юзини чанглаб ётаркан: «Ўқим олмабопга теккан бўлса, уни пишириб, мени кўргани боринглар», деди.

* * *

Мирзараҳмат ака айтади:

— Бегамгина оғайнимиз бор, кичикроқ идорага бошлиқ бўлди-ю, шу кўйи семираверди. Семиргани сайин баттар ялқовланиб, охири беш оғиз гап айтгунича орадан тўрт марта хуррак отиб оладиган даражага етди.

Тунов куни марказий чорраҳадан ўтиб бораётсам, йўлнинг бир тарафида машина тирбанд, сингалбозлик, олдинда ҳалиги оғайнимизнинг «Жигули»си. Кейин билсам, светофорнинг қизил чирогида машинасини тўхтатибди-ю, то яшили ёнгунича ухлаб қолибди.

* * *

Машариф кўкнори йўл ёқасидаги майсаозорда куз офтобига исиниб ётган экан, пилоткани қошга қўндириб, бир аскар йигит ўтиб қолибди.

Хаёлида юз марта пошто бўлиб, юз марта тахтдан ағдарилган, мунтазам кайф оғушида ётиб, фашизмга қарши урушнинг қачон бошланиб, қачон тугаганидан ҳам бехабар қолган бу ажиг бандада: «Хў, укам, чучварадўппини кийволиб, қаёқдан келяптилар энди?» деб сўраса, аскар: «Гитлерга гўр ковлаб, лаҳадга тиқиб келинман», дея жавоб қайтарибди.

Буни әшитиб, кекса кўкнори бирдан тувақиб кетибди:

— Абдураҳмон гўрковдек одам турганда, сен гўдак нега ўлик кўмишга вралашиб юрибсан?

* * *

Тасмахон деган жувон тўртинчи марта зрга тегаётуб, тўсатдан «келинлиги» қўзибди-ю, дадасининг бўйнига осилиб: «Вой дод, мени кимларга бериб юборяпсиз? Мени қаёқларга опкетишапти?» дея ҳўнграган бўлибди.

— Кўп куюнма, қизим, — дебди дадаси, — уйини топиб келолмайдиган гўсўрлардан эмассан-ку.

* * *

Бир неча йил «Совет Ўзбекистони» газетасининг Фарғона бўйича муҳбири бўлиб ишлаган Аивар Эшонов бир даврада гапдан-гап чиқиб, «Олтиариқ Ўзбекистоннинг Грузияси» деди (эҳтимол олтиариқликларни мамлакатнинг энг чекка бозорларида ҳам учратиш мумкинлигини назарда тутгандир).

Орадан анча вақт ўтиб, буни устозим Эркин Водидовга айтганимда, у киши жилмайланларича дарров қўшимча қилдилар:

— Бундан чиқди, Грузия СССРнинг Олтиариғи экан-да?

* * *

Араб қиморяоз бандалик қилгач, шериклари гўритига ҳайкал ўрнатмоқчи бўлишибди. Ҳайкалтарошга пул

тўплаб беришиб: «Жуда машхур зот даврадан кечди, энди ҳайкалини ясаб берсантиз», дейишибди. «Катта шоир ёки артист бўлса керак-да?» — деб сўрабди ҳайкалтарош.

Шунда қиморвоалардан бири фахрли қиёфа, мунгли овозда шундай жавоб қилибди:

— Улардан ҳам аўроқ эди рахматли. Шоирниям миқ этмай ютарди, артистниям...

* * *

Кўпчиликка маълумки, кўкнор ичувчилар совуқ сувга бармоқ теккизишдан ҳам ўлгудай қўрқишиади.

Бир куни Машариф кўкноридан «дунёдаги энг ботир одам ким», деб сўрашса, «шунча яшаб, Фузайл Қоридек довюракни кўрмаганман, кунига беш маҳал жонини тикиб, анҳорда таҳорат қиласи», дебди.

* * *

Шакарқишлоқлик бир қариндошимиз японларнинг тараққиётда эришган ютуқлари ҳақидаги «маъруза»ми ни бўлиб, аътиroz билдириди:

— Қўй, газеталарга ишониб, ёпонларнингни ишираверма. Дунёда бундан ноchorроқ мамлакат бўлмаса кепрак — қўшним ўша ёкка саёҳатга боргандада беданақовоқ айтиб юборсам, шуниям тополмай келди.

* * *

Ширинқишлоқлик Ҳоким бувадан сўрашибди:

— Э, гўсҳур бўлмай кетинг, нега хачирингизни эшакка алмаштиргингиз?

— Аросат ёмон нарса, — дебди Ҳоким бува, — одам дегани ҳолига қараб ё отда юриши керак, ё эшакда.

* * *

Шодивой ака Арманистонга кетаётган қўшнисига битта телпак айтиб юборса, у паришонхотирлик қилиб, ичи юнгли, таши ҳам тивитдор, қўнжи кенг очиладиган қишилик туфли олиб келибди.

— Ё мардони гойиб! — дея ҳайратланганича, Шодивой совганинг уёқ-буёғини вайлантириб кўра бошлаб-

ди. — Қаранглар-а, арманиларнинг теллаги худди ботинкага ўхшаркан.

* * *

Буни Шафоат аммамдан эшитганман.

Тегирмончи буванинг Намангондан тушган келини кўчага сувга чиқса, узоқда атлас чорсига нарса тушиб олган тоғаси келаётганмиш. Ҳовлига пирпиракдек кириб, қайнонасини огоҳлантирибди:

— Мехмон келутти! Вой, меҳмон келутти!

Келин кўрпя-тўшак солиш учун шошиб ичкарига кириб кетгач, нарироқда ивирсиб юрган тегирмончи бува кампираидан: «Келининг бунча ҳакиллади? Нималар деяпти ўзи?» деб сўрабди.

— Кўчага сувга чиқувди, — дея чолига «тушунтира бошлабди» кампир. — Анави бужур ошнангиза Меҳмон кал олабўжилаб қараганими, «Меҳмон кал ўтди», деб қочиб келди. Боёқиш хунук одамдан қўрқади шекилли.

* * *

Олтиариқликдан сўрашибди:

— Энг фаросатли ҳайвон нима?

— Ит.

— Нега?

— Бодринггэ тегмайди.

Олтиариқликдан яна сўрашибди:

— Энг фаросатсиз ҳайвон нима?

— Ит.

— Нега?

— Бодринг емайди.

* * *

Тўхта қўрбоши қирқ-эллик йигитини зргаштириб Полосонга кириб келаётган экан, Нор банди хира кўзла-рини пилпиллатганича йўлга кўндаланг чиқиб: «Хў, аканг айлангурулар, кимга тарафдорсизлар — қизилларгами, мастиравойларгами, саветларгами?» деб алжирабди. Тўхта қўрбоши ёнидагиларга кўз қисиб қўйиб: «Мен «тўртинчи»ман», дебди.

— Ҳе, аттанг, камчилик экансиялар, — дея афсусна-мо бош чайқабди Нор банди. — Ёшроқ бўлсам, сизлар минан... бешинчи бўлиб кетворардим.

* * *

Синфдошимиз Абдулла бир куни қўшни синфдаги бола билан жанжаллашиб қолиб, уни роса дўппослади.

Кўп ўтмай калтакланган бола отасини етаклаб, синфимизга кириб келди. У киши дурадгор эди, «яна ўғлимни урадиган бўлсанг, қулогингни чопиб ташлайман», деб белбоғидаги тешани олиб, «аўравон «нинг боши устида ўйнатди. Абдулла эса бошини олиб қочиш ўрнига, қунишганича шоша-пиша дўпписини ечди.

Дўпписи яп-янги эди-да...

* * *

Харсанг ота кампиридан кейин ўн йилча тул юргач, ўғилларига ҳархаша қила-қила, охири қирчиллаганроқ бева хотинга уйланибди. Орадан бир ой ҳам ўтмай, хотини тугун-бўғинни йигишириб, йўлга отланибди.

— Мен энди нима қиласман? — дея зорланибди чол.

Шунда аёл Харсанг отанинг қўлига пул тутқазиб: «Ташвиш тортманг, мана шу пулга битта кир ювиш машинаси олсангиз, ўрним бўшагани билинмай қолади», дебди.

* * *

Иброй шапкўр зарурат туфайли ярим кечада ташқарига чиқибди-ю, остона яқинида чўэзилиб ётган итга қоқиниб кетибди. Ит «инг...» деб қўйиб, яна жим ётаверибди.

— Кечаги гаплар кор қилмаганими? — дея хафагарчилик изхор этибди Иброй шапкўр.— Бирор кун ичмай келсанг ўласанми, ўғлим?!

* * *

Тожи буқоқ қари қирчангисида сайр қиптуришни яхши кўраркан. Сайр ниҳоясида жиловни одатдагидек сой томонга бурар, дагал ҳуштак чалиб, қирчангисини сув ичишга даъват этар, настга қараашга бўйнидаги буқоғи халақит бергани боис эгарда кеккайганича бетоқат ўтирас, ўткинчилардан: «Хов, биродар, отим сувдан бошини кўтардими?» деб сўраб қўяркан.

* * *

Абдубаниноб ака бир ошнасининг уйига борса, у қовоқ-тумшуғи осилиб ўтирганмиш. Сабабини суриштирибди.

— Уришқоқ дакан хўрошим бехосдан ўлиб қолди, — дебди ошнаси мунгланиб.

Абдубаниноб ака «ҳозир келаман», дея чиқиб кетибди-ю, бирпасдан кейин йигирматача одамни эргаштириб қайтибди.

Уй эгасининг энсаси қотиб, «булар ким», деб сўраса, Абдубаниноб ака «биттаси ювгич, биттаси гўрков, биттаси мулла, қолгани жанозачилар», дермиш.

* * *

Бозорвой бува ёшлигида икки гапга уч сўкишни қўшиб ишлатадиган хилидан бўлгани учун «қандогиз» деган лақаб орттирган экан. Ҳозир қариб, тили ширинашиб қолган эса-да, ҳануэ довюрак, шиддаткор, сергайрат...

Колхозда табелчилик қилган давримда, у бригадамида иплар, кўп ҳангомаларни, жумладан қуйидаги воқеани ҳамунинг ўзи оғзидан эшитганман.

Ота-онаси бир қизга «оқ кийиб», фотиҳа тўйига ҳозирлик кўришаётган вақтда бўлажак келиннинг қариндоши Бозорвойни йўлда тўхтатиб, насиҳат қилибди:

— Эшитишимча, оғзингиз пешароқ эмиш, укам. Энди сал энақага келинг, тили ёмон эркакка хотин чидамайди.

Шунда Бозорвой зўр бериб ўзини оқлашга тушибди:

— Тўғри, бўш қўйилса, бу онангни эмгур тил одами пашшанинг чтидан ўтказиб, бурганинг липпасидан чиқаради, лекин бизда бунақа хунаса одат йўқ. Ўзи мени сизга қайси энагар ёмонлади?

* * *

Бешинчи синфда ўқир эдик...

Қишлоғимиздаги бир «танти бойвачча»нинг тўйида ичимлик ёғилиб кетди. Тўпалонда бизнинг кўлнимизга ҳам битта «Баянширеј» тушиб қолди. Қоронгида ярим ютумдан тегдими-тегмадими, йигирматача бола «чугур-

чугур» билан шуни «арра» қилдик.

Бир вақт синдошимиз Аҳмад гандираклаб келиб, кимгadir шапалоқ тортиб юборди, «бўғиб ташлайман ҳамманги, мактабингга ўт кўяман», деб бақиришга тушди. Мас бўлибмиш шекилли, деб мен ҳам тентираклаб бориб Аҳмаднинг елкасидан қучдим, яна бирор нариги қўлтиғига кирди, алдаб-сулдаб, уни уйига судраб кетдик.

Уйига етай деганимизда йўл четида гаплашиб ўтирган кишилардан бири ўрнидан туриб, йўлимиини тўсади. Қарасак, Аҳмаднинг отаси.

— Аҳмад, бу сенмисан? — деб сўради у қўлларини биқинига тираб. — Қани, буёққа кел-чи, хумпар!

Шу пайтгача ўлигини бизга ташлаб келаётган Аҳмад отасининг товушини эшитиши билан қўлимииздан чиқиб, ариқдан кийикдек сакраб ўтди-ю, девордан ошиб, кўздан ғойиб бўлди.

Эсизгина «кайф»!

* * *

Пахта мустақиллиги учун кураш бошланган даврларда Назар тогани Пилодаги колхозга раис қилишибди. Ӯша йил серёғин келиб, пахталарни ўт босибди. Райондан юборилган вакил аҳвол билан танишиб чиққач, мажлис чақириб, узоқ ваъзхонликдан сўнг куюниб бундай дебди:

— Ҳаммаёни ўт босиб кетган, ғўзалар тамом бўпти. Бунинг учун раисни ишдан ҳайдаш керак эди, лекин ҳукумат олдидаги хизматларини ҳисобга олиб, унга виговор берамиш, ўртоқлар.

— Назар тога бир оз анграйиб тургач, ёнидаги омборчидан сўрабди:

— Виговор нима, билмайсанми?

— Агар адашмасам, — деб дудуқланибди омборчи, — виговор бу... ёввойи ўтни қуриладиган янги дорининг номи бўлса керак.

* * *

Гопир караганда¹ урушдан қайтиб келган дастлабки пайтларда ўзбекча гапни камдан-кам ишлатаркан.

¹ Коранда — бу сўз Олтиариқда кўпроқ олифта маъносими англа-тади.

Бир куни Файзиободда турадиган холаси уни кўрганини келиб, салом-аликдан сўнг кўзи ёшланиб дебди:

— Утган йили поччангни ҳам эгасига топширдик.

Фонир каранда «чепуха» дея қўл силтаган экан, бу русчада «худо раҳмат қилсин»ни англатса керак деб ўйлаган кампир унинг гапини тедиқлаб аста бош қимирлатиби:

— Ҳа, бошқа нима иложимиз бор, болам, биз ҳам «чепуха», деб ўтирибмиз.

* * *

Эллигинчи йилларда Урайим новча колхоз тракторчилари ўртасидаги мусобақада голиб чиқиб, «ИЖ—49» мотоцикл билан мукофотланиби. Бундан руҳланиб кетганми, келгуси йилда ҳам унга тенг келадитан касбдоши топилмабди. Голибни тақдирлашга яна мотоцикл қўйилган экан, «биринчи ўринни олдимми — буниям менга берасизлар», деб жанжал қўтариби.

— Тушунсанг-чи, ука,— дебди раис,— ҳукуматимида қонун бор. Битта одамнинг номига биттадан ортиқ транспортни расмийлаштириб бўлмайди.

Шунда Урайим новча шаштидан тушиб дебди:

— Оббо, буям кўпхотинлика киаркан да?

* * *

Хотини ясан-тусан билан уйдан чиқаётганини кўрган Эназар: «Ўзларига йўл бўлсин?» деб сўраса, хотини: «Клубимизга «Эгриси»¹ кепти, овсиним иккамиз кўргани кетяпми», дея жавоб бериби.

Буни эпитетиб, Эназарнинг зардаси қайнабди.

— Тўғриси турганда, эгрисини кўриб нима қиласан, хумбон! — дебди.

* * *

Ҳокимназар тога тўйда «етилиб» ўтирганда, ёнидаги киши луқма ташлабди:

— Суткасига қанчага оборяпсиз?

— Бир литрча кетиб туриби. Ўзларидан сўрасак?

— Яримтага етай деганда, аганаб қоляпман-да.

Ҳокимназар тоганинг бирдан қовоги уйилиби, шеригига писандсиз боқиб дўриллабди:

— Унақа бўлса, бор, тенгинг билан гаплаш!

¹ «Эгриси» — Грузиядаги эстрада ансамбларидан бирининг номи.

* * *

— Олтиаригимиизда қанча қишлоқ бўлса экан-а? — деб сўрабди ширинқишлоқлик.

— Жуда кўп,— дебди шакарқишлоқлик.— Мана, биттаси бизнинг Шакарқишлоқ. Бундан ташқари, Ширинқишлоқка ўхшаган талай майда-чўйдалар бор.

* * *

Полосондаги бир тўйга шакарқишлоқлик пиёда, ширинқишлоқлик велосипедда келибди. Дастурхон ёзилиб, маишат бошланибди. Тўрда қўр тўкиб ўтирган шакарқишлоқлик ичимликни қўлга олаётисб, «пастдагиларга ҳам беринглар», дея ширинқишлоқликка тап юмалатибди. Ширинқишлоқлик эса узатилган пиёлани олмай, тўрсайганича дебди:

— Ароқни пиёда келганлар ичсин, биз рулдамиз.

* * *

Детектив китобларни кидириб ўқийдиган бир синдошимиз жамиятшуносликдан кирадиган ўқитувчидан сўради:

— Мамлакатимиани ҳар томонлама жуда кучли деймиз. Рост бўлса, нега бизда Америкадагига ўхшаган катта ўғрилар йўқ?

— Ҳамма юртнинг ўзига хос томонини билиш керак,— деди ўқитувчимииз.— Америкада катта ўғрилар бўлсаем, жуда озчилик. Бизда ҳад-ҳисобсиз майда ўғрилар бор. Масалан, синф дафтарига қараб йўқлама қилиб чиққунимча, доска токчасида турган бўр гойиб бўлибди.

* * *

Эшвой полвон Эргаш понсаднинг афв этилган йигитларидан эди.

Олтмишинчи йилларда Бувайдадаги Понсад деган қишлоқдан отлиқ йўлга чиққан савдогар киши Олтиарикقا бемаҳалда кириб келиб, тунаб ўтмоқчи бўлибди. Бориб, таваккалдан бир эшикни қоқибди. Бу Эшвой полвоннинг ҳовлиси экан. Табиатан қўйол бўлган полвон эшикни очиб: «Кимсан ўзинг? Қаёқдан кепқолдинг?» деб дўрилласа, мусофири: «Мен... Понсадданман», дея дудмалланибди.

Этвояй полвон атрофга олазарак қараб олгач, паст товушда дебди:

— Понсадга бориб айт, мени тинч қўйсин. Энди аввалги Қувватим қолмаган.

* * *

Яқинларда ҳам қишлоғимиздаги тўйларда майдоннинг ўртасига тўнкалар қаланиб, гулхан ёқилар, одамлар атрофда давра қуришиб, базм қилишарди. Гулханга мой қуйиб турувчи киши олдиндан тайинлаб қўйиларди. Ана шу вазифани кўпинча Эрмат ака бажарар эди.

Бир тўйда давра четидаги сўрига беш-олтита пулдор тўпланиб олиб, ўзларини кўэ-кўёз қила бошлишди. Эрмат аканинг ёши улардан улуғ бўлишига қарамай, гулхан сусайиброқ қолган паллада: «Ёғдан қуй, кал», деб қичқиришар ва қийиқириб кулишарди. Бир гал қадаҳларни уриштиришиб, «Ёғдан қуй, кал», дея бақиришганда, Эрмат ака косани керосинга тўлдириб бориб, уларнинг қўлидаги ароқнинг устига оа-оздан қуйиб чиқди.

— Тўлдириброқ қуяйми, ё шуёғиям етадими? — деди у.

* * *

Тўртинчи синфдалигимда ўнинчидаги ўқийдиган бир қиани ёқтириб қолдим. Бир куни қогозга: «Кечкурун кўчада учрашсак бўладими? Гапим бор», деб ёзиб, танаффусда секин қўлига қистирдим.

Кейинги танаффусда у ҳам дўмбоқ қилиб буқланган қогозни зарда билан чўнтағимга тикиб кетди. Ҳаяжонланганимча панага ўтиб ўқиб кўрсам: «Нима, синглимга хат ташийдиган малайнингманми?» деб ёзибди.

Суриштириб билсан, «севгилим»нинг биринчи «Б»да ўқийдиган синглиси бор экан.

* * *

Олтиариқликлардан: «Раҳбарнинг яхши-ёмонини қандай фарқлаш мумкин?» деб сўрашса, «бодрингга бўлган муносабатидан», деб айтишади.

* * *

Олтиариқда Бешоғайни деган миришкор узумчилар маҳалласи бор. Ўша ерлик йигит Тошкентда узум сотиб турса, харидорлардан бири: «Буни қаердан опкелдинг?» деб сўрабди.

— Бешоғайнидан.

— Ўв, бола, мен узум қаерда етиштирилганини сўраяпман,— дебди харидор.— Ҳимлардан олганинг билан ишим нима?

* * *

Болта фолчи жуда қувноқ одам. Бир куни у ўтлоқдаги ола бузогини қайтариб келишга шайланиб турса, лаловроқ йигит ҳовлига кириб келиб: «Қўчқорим йўқолиб қолди, фол очиб топиб беринг», дебди.

Болта ака сўрига ўтириб, кўзини юмганича нималарнидир пичирлабди, пиёладаги сувга кичик увада ташлаб, сузинини дикқат билан кузатибди, сўнг йигита юзланиб уқдирибди:

— Ҳозир таҳорат қилволиб, тўғри каналнинг бўйидаги ўтлоққа бор, у ерда бир ола бузоқ учрайди, шуни олдингга солиб ҳайдаб кел. Бузоқни сехрлаб сўроқ қиласман, қўчқорингни кўрган бўлса — айтади, кўрмаган бўлса — айтмайди!

* * *

Серфайз гузаримизни Наби қассоб билан Ғулом-қартанинг ғалваларисиз тасаввур қилиш қийин. Иккаласининг қўйнида ҳам қишин-ёзин эллик иккитали қарта, кунига бир тўқнашишмаса, уйқуда босриқиб чиқишаркан.

Гоҳ Наби қассоб йўлдан ўтаётган ўқувчи болаларни йиғиб, матруза бошлайди:

— Ғулом акаларингни бугун беш марта қўлини кўтаргиздим. Охирги қўлда қаторасига бешу нолданга ютиб, ортиқча шарманда қилвордим. Бу янгиликни бошқа синфдаги ўртоқларингга ҳам айтиб қўйинглар, хўлми?

Гоҳ Ғулом-қарта гўшт олишга келиб, қассобни топлмай турган харидорларга мотамсаро қиёфада сўзлашга тушади:

— Қассобни пойлаб ўтирмай, бугунча ошга тухум

босиб еяверинглар. Асли, айб менда, қартада уни жуда хунук қолдирувдим. Шўрлик энди қайси юз билан кўчага чиқади?

* * *

Машариф кўкнори газетага бурун юргизиб чиққач, ёнбошлаб кайф гашини сураётган шериларига ахборот бериди:

— Америкаликлар ойга қўнишибди. Шунча овора-гарчилик билан чиқиб, теиза қайтвoriшгани қиаиқ.

Шунда Наим-камалак ётган жойидан овоз қилибди:

— Кўкнор ўсмайдиган жойда бирор узоқ турармиди, калласи пишмаган.

* * *

Янги тузилган колхозга ёэилтан Зокир полвоннинг хўқизини олишаётиб, унга уқтиришибди:

— Шу хўқизингда ер ҳайдаймиә, пахта сотиб, пулига трактор оламиз. Тракторда ер ҳайдаймиә, пахта сотиб, пулига ўнта трактор оламиз... Тушунарлимими?

— Тушундим, — дебди Зокир полвон. — Колхоз тузиш... товуққа тухум бостиришнинг ўзгинаси экан.

* . * *

Олтиариқдаги қишлоқлардан бирида Қўрқоқмаҳалла деган жой бўлган экан. Ҳозирда инқилоб намоёндаларидан бирининг номи билан аталади.

Бир куни маҳалла аҳли юқорига хат ёзиб, Парангботир деган кишига қаҳрамонлик унвони берилишини талаб қилишибди. Хатда жумладан шундай дейилган экан: «Бўрон пайтида радионинг сими узилиб тушди. Шунда маҳалламиәда яшовчи Парангботир (аввалги исми Паранг-агитчи) райондан монтёр келишини кутиб ўтирмай, уч метрлик симёғочга тап-тортмасдан чиқиб, симни улаб ташлади!»

* * *

Бу ҳангома қирқинчи йиллардан ёдгорлик.

Замона зайди билан молбоқар Ҳўжаматнинг укаси рапкомга масъул ишга ўтибди-ю, колхознинг ўта чаласавод (демак, ўта лаганбардор) раиси уни бирдан ферма мудирилигига кўтарибди.

Шудгор мавсумида оближроқўм вакили келиб, Ҳўжаматга одатдаги ўткинчи пўписалардан қилибди:

— Фермадаги гўнгларни бригадаларга тақсимлаб беринг, ҳайдовдан олдин ерга солишин. Назорат қилиб туришни шахсан сизга толшираман. Қайси бригадир бирор грамм, қайтариб айтаман — бирор грамм гўнгни ироф қилса, менга маълумот юбориб туринг. Мабодо бунақа ҳалқ душманларини яширсанги, ўзингизни жазолаймиз.

Шундан кейин Хўжаматга худо берибди. Отда дала-ма-дала кезиб, қайси бригада ўрамидаги йўл ёки уватда ярим ҳовуч гўнг тўкилиб қолган бўлса ҳам, эгар қошибдаги хуржундан осматарозини олиб, мисқоллаб тортиб кўраркан ҳамда ҳалқ душмани бўлган фалончининг бригадасида 1215 грамм, бузғунчи зааркунандалар сафдоши писмадончининг бригадасида 153 грамм сара гўнг шудгордан ташқарида сочилиб ётибди, деб акт тузишга киришаркан...

Мана шу боис «Ахмоқ аҳмоққа амал беради, кейин эл граммлаб гўнг теради», деган мақол биргина Олтиарикда ишлатилади, уни фақат олтиарихлик тушучади.

* * *

Теша Қурбон одамохун, беозор киши бўлиб, улфатчиликка ортиқча ружу қўйганлардан эди. Ҳовли-ҳарамга мутлақо қарамасди... Умрининг охирларида «инсофга келиб» эккан кўчатлари ҳозир белига қулоч етмайдиган бўлиб қолди. Болалигимиизда эса каттакон томорқаси даштдек тап-тақир туарар, қитмириликда тенгсиз қўшнилар писандани бехад қойиллатиб, унга «Мичурин» деган дабдабали лақаб қўйишганди...

* * *

Турдали бува колхозга раислигига кекса бир аравакаш бўлар экан. Унинг ҳаддан зиёд юнгдор одамлигини ҳалқ оғзаки лофига мослаган ҳолда шучдай таърифлар эди.

— Кўкрагига мардикор солсанг, жунини бир ҳафта ўради. Мўйлови — паравознинг тутуни. Соқолини сўрасанг — ўлишини пайпокчи кампирлар пойлаб ётган...

* * *

— Бу ерни нега Олтиариқ дейишади?

— Биласиз, меҳмон, катта Фарғона канали қирқ беш кунда кавланган. Бизнинг райондагилар эса ўзларига ажратилган бўлакни ўттиз тўққиз кунда битиришиб, қолган олти кунда, яна олтита ариқ қазиб ташлашган!

— Ундан олдинги номи-чи? Нима эди?

— Қадимги номиям — Олтиариқ. Шуниси қизиқ-па, меҳмон, шунисига ҳайронмиз-да.

* * *

Ўз-ўзини танқид Олтиариқда анча яхши йўлга қўйилган. Мана, битта мисол...

Биз томонда шундай русум бор — куёв ўз қаллиғига никоҳ узууги тақиши учун уларни баланд ўриндиқга ётқизишаб, устидан кўрпа ёпишади. Ўзук тақиши «можароси» қизиган чоғда аёллардан бир-иккитаси кўрпанинг боши тарафини хиёл кўтариб, «буёққа қаранглар», дейишади-да, ичкаридагиларга ойнак тутишади.

Содик бужур уйланганда, кўрпа ичида терлаб-пичиб келинга эндиғина уаук тақдан чоғда «буёққа қаранглар», деган товушни эшишиб, ташқарига мўрабабди. Мўралабди-ю, «Ие! Ё товба!» дея яна тезда бурканиб олибди. Келин: «Ха, нима гап?» дея аста сўраса, Содик бужур: «Қарасам, уёқдаям биага бошмабош бўлиб иккитаси ётибди. Келинчакни нишолдага булаб егинг келади, аммо лекин куёвнинг турхати — нақ ажинанинг ўзи», дебди.

* * *

Мамат тога Москвадан Берлингача бориб, урушдан тирик қайтган. Чамаси, жўнашда вокзалдаёқ «нафаси кетиб қолган» бўлса керак...

Станция ғала-ғовурга тўлган. Хотини вагон яқинида Мамат тоганинг елкасига бош қўйиб: «Урушда ўлиб кетсангиз, нима қиласман? Боллар нима бўлади?» деб йиғлай бошлабди.

— Жудаям соддасан-да, хотин — дея хотиржам қиёфада файласуфона қош керибди эр. — Ҳукуматда калла бор, хитоб-китоб бор. Ўлишга кетаётган одамга

қайси гўсҳур мана бунаقا яп-янги шим, пишиқ этик беради?

* * *

Шодивой акага тўйда тузуккина ичкизгач, бир учига тўмтоқ супурги боғланган узун канопни белбогига аста чирмаштиришиб, кўчага кузатишди. Қишлоқ кўчалари қоронги, Шодивой aka пича юргач, каноп таранглашиб, супурги унинг кетидан эргашди. Шилдир-шилдир овоздан сесканди шекилли, нарироқда тўхталиб, оёгини «тап» этказиб ерга урди ва «чиш, хароми!» деб қичқирди.

— Орқамдан ит келяпти деб ўйлаяпти,— дея ҳиринглаб қўйди кимдир.

Анча вақт атайлаб қулоқ солиб турдик. Шодивой аканинг оёқ тапиллатиши, «чиш, хароми» деб қичқириши ҳар ярим минутда узоқ-узоқлардан ҳам эшитилиб турди.

* * *

Анча йил шаҳарда яшаб қайтган олтиариқлик йигит эсига қаттиқ ўрнашиб қолган оддий бир воқеани айтиб берган эди...

— Шаҳарда етти йилча кавак-кандикда кун кўриб юрганимдан кейин охирি катақдан каттароқ квартира беришди. Мехмонга келган дадам кечаси балконнинг ойнасидан икки осмонўпар бино оралиғига тикилиб ётиб: «Ана, юлдуз учди!» деб қичқириб юборди.

Юқори қаватдан кимдир сигарет улоқтирганини ҷол шўрлик қаёқдан билсин!

* * *

Совхоз бош агрономи Маматожи акадан:

«Қишлоқдаги стадионни қачон битказасиалар?» деб сўрасам, у: «Пахтанинг нархи шундай турса, қишлоқда тўп тепишга қурби етадиган одам қолармикан?» деган эди.

* * *

Олтинчи синфда ўқир эди...

Тарихдан дарс берувчи синф раҳбаримизнинг эски велосипеди бўлиб, олдинги ғилдираги отарчи раққосадек «жилпиллаб» юарди. Синфдошимиз Абдураҳим унга: «Чорагимга «тўрт» чиқарсангиз, уйимизда янги

ғилдирак бор, шуни сизга бервараман», деди. Ўқитувчимиз: «Э, битта «тўрт» сендан айлансин», деб кулиб қўйди.

Бир-икки кундан сўнг чоракка баҳо чиқариш бошланди. Абдураҳимга навбат келганда, ҳар сафаргидек ғўлдираб тураверди. Ўқитувчимиз: «Хулқинг тузуклигини изаарда тутиб ҳозирча «уч» қўямиз, «тўрт»ни келаси чоракда оларсан», деса, Абдураҳим қовоқ уйиб пўнгиллади:

— Унга довур ғилдиракни дадам бирортасига берворса-чи?!

* * *

Буни ўглим Баҳодир ҳикоя қилиб берган эди.

Уларнинг синф раҳбари табелга бирйўла иккита чоракка баҳо тўлдириб, ота-оналарга қўл қўйдириб келишлари учун ўқувчиларга тарқатибди. Сувонов фамилияли бола эртаси куни мактабга келаётиб, табелини ариқчага тушириб юборибди. Уни кўргач, ёзувлар шуваланиб кетганидан ранжий бошлаган ўқитувчи бирдан кулимсирабди-да, «Ие, ўзи буёғиям «сув-сув» эканку», дебди.

Сувоновнинг отаси ўз фамилиясини қисқартириб, табелга «Сув», «Сув», деб имзо чеккан экан.

* * *

Шакарқишлоққа сел келибди. Милиция машинала-ри «ув-в, ув-в» қилиб юриб одамларни қўяғабди, йигилганларни принципи тракторларда пешма-пешадирга жўнатишаверибди.

Кишилар қишлоққа эртаси кечки пайт қайтишибди. Эндигина қозон-товоққа қўл уришаётганда тоғ тарафда яна чақмоқ чақиб, момақалдироқ бошланибди. Бу орада қаерданdir «ув-в, хаув-в», деган овоз кетмакет янграб қолибди. Тағин сирена товуши тараляпти деб ўйлаган оломон озиқ-овқатини тугиб, гузарга йигилаверибди...

Кейин билишса, магазин қоровулининг занжирдаги ити оч қолиб кетиб увиллаётган экан.

* * *

Ширинқишлоқлик киши бўрдоқи новвосини сотмоқчи бўлибди. Бозордан бир кун олдин юк машинаси минадиган қўшниси билан келишиб қўйибди.

Иккови эртаси саҳарда йўлга чиқишибди. Кўкондати молбозорига етиб боришгач, кабинадан тушишибди-ю, тўсатдан бир-бири билан ёқалашиб кетишибди.

Шошилинч йўлга чиқаётиб, новвосни машинага юклашни унутишган экан.

* * *

Ширинқишлоқлик анатомия ўқитувчисига: «Нега одамнинг оёғи иккита?» деб савол беришибди.

— Табиат уни шимга мослаб исаган, — дебди ўқитувчи.

* * *

Жулдурчопон Норбанги бир куни Қоравой қўрбошини тергаган бўлибди.

— Йигитларингда эс-пес борми ўзи? Отига тақа қоқтирволиб, ҳаммаёқни шарака-шуруққа тўлдиргани етмагандек, бекордан-бекорга милтиқ отворишади. Кайфим учса, неча сўлкавой зэрар кўришимни билансми, ҳов?!

— Худога шукр қиласангизэ-чи,— деб кулибди Қоравой қўрбоши, — замбарак отишса нима қилардингиз?

Энди Норбангининг жазаваси тутибди:

— Э, нафасинг Сибирияда қотур! Айтиб қўяй, замбарак ишлатадиган бўлсанг, кейин бангилардан ўпкалаб юрма. Эркакча гап шу — Олтиариқда ё замбарак туради, ё чилим!

* * *

Сайдхўжанинг мушуги жўжа ўғирлайдиган одат чиқаргандан сўнгҳ қўшниларнинг қарғишидан безиган дадаси бизга қароқчини тез гумдон қилишини топшириди. Мушукни адаштириб келиш ниятида қопчага солиб, йўлга тушдик.

Нефтчилар шаҳарчасидан ўтиб бораётганимизда йўл четида гурунглашиб ўтирган рус кампирлардан бири юкимиз билан қизиқиб қолди. Биз тўгрисини айтдик. Ўзбекчани жуда яхши биладиган бу кампирлар кутил-

маганда «менга бер, менга бер», дейишиб, мушукни та-лашиб қолиши. Охири биттаси устун келиб, биэдан сотиб олди.

Шундан сўнг Сайдхўжа теа-тез дарсдан қоладиган «касалликка» чалинди. У мактабга келмаган куни маҳаллада албатта битта мушук йўқолар эди.

* * *

— Ҳовлига, уриниб-суриниб, мўрча қурдингиз, — дедим Маҳмуджонга, — энди пул харжлаб ҳаммомга ке-лишга бало борми?

Маҳмуджон бош қашлаб деди:

— Мўрчани-ку битирволдим, лекин ёнига чойхона билан сартарошхона қуриш эсдан чиқибди-да.

* * *

Маҳалладагилар уни Зингир бува дейипарди. Болалар ундан «нега исмингиз бунақа», деб сўрашса, «қишлоқда биринчи бўлиб «Зингер» деган тикув машинаси олиб келганман, ўшандан бўён отам қўйган исм четда қолиб, Зингир бувага айланганман», дерди.

— Машина ҳалиям борми?

— Ўғирлатганман. Кейин билсан, бошқа жойлик Марайим деган киши уриб кетган экан. Э, у даврларда тикув машинасини иккита ҳўқизга алмаштири-са бўларди.

— Ўша одамни кўрганда, ҳалиям гажиб қўйгингиа келар? — дедя яна саволга тутарди болалар.

— Йўқ, қайтага раҳмим келади унга, — деб жавоб қиласарди Зингир бува. — Туппа-тузук одам «Марайим ўғри» деган ном ортириди, бари бир «Зингер» бўлол-мади.

* * :*

Турсунбой тоға тошқўрғонлик бир ошнасини шундай таърифлаган эди:

— Ҳаддан ташқари зийрак одам эди раҳматли. Мен прокурорликка кўтарилиган давримда у қайсиdir тап-килотда қоровул эди. Бир куни ўғрилар у қўриқлаёт-ган омборни шип-шийдон қилишиб бўлиб, соқчи ўлик-ми-тирикми, шунча ишни бажаргунимизча миқ этма-ди, дейишиб секин қоровулхонага киришса, хурракада «Баёт бепинчи»нинг авжини олаётганимиз. Ўғрилар унинг ағнидаги янги пўстинни, оёғидаги хиром этикни,

пахтали шимини ечиб олишибди. Охири тагидаги биққи кўрлани секин суғиришаётганда, уйғотиб кетибди.

— Кейин-чи, кейин нима бўпти?

— Кейин ўгрилардан биттаси «ғинг десанг, жанозасиз кетасан», деб оғазига шартта пайтава тиққан экан, туш ҳам шунаقا бемаъни бўладими, деб ўйлабди-ю, яна ухлаб қолибди...

* * *

Фаргона радиосида ишлаб юрганимда чорвачиликдан репортаж уюптириш учун әрталаб Олтиариқдаги колхозлардан бирига бордим. Бахтимга ферма мудири колхоз идорасида партком секретари билан гаплашиб ўтирган экан. Учрашибоқ, мақсадни айтдим.

— Сал нокулай вақтда келибсиз, — деди партком, — кечқурунги селда юзтacha қўйимиз оқиб кетди.

— Ҳаммасига ўринбосарим ўртоқ Такатулин айбдор, — деди негадир бепарво илжайиб сўз қотди мудир. — Қўйларни сой томонга бошлаган ўша. Аҳмоқлиги ўзиниям бошига етди.

— Унга... нима қипти? — хаяжонланиб сўрадим мен.

— Ўртоқ Такатуллинни айтияпсизми? — яна мийигида кулди мудир. — Қим билади дейсиз. Ўлигиям, тиригиям топилмади.

Унинг марҳумга нисбатан ҳурматсизлигидан ижирганиб кетдим. Сўнг билсан, гап подани етакловчи қари така ҳақида бораётган экан.

* * *

Гражданлар уруши даври экан. Мозортагидаги хужрага тўпланиб олган шайхфеъл кўқнорилар кайф устида қўшиқни важанг қилишибди:

Белига ўқдоми боялаволиб,
Хиром этигини ёглаволиб,
Тоғдан тушади Шермамат.

Сўйганини кучоқлашга,
Сўймаганини пичоқлашга
Тоғдан тушади Шермамат.

**Нон топмаса, оч ухлашга,
Жон топмаса, қон йиглашга
Тодган тушади Шерматамат...**

Ёшрок — табиийки, нисбатан ботирроқ «Почта» кўқнори қўшиқни бўлиб: «Эш, шуям ашула бўлди-ю, қўй ўша Кўршерматингни!» дея эндигина чирана бошлаган экан, ҳужранинг эшиги гийқиллаб очилиб, бир кўзига қора тасма тортган қалпоқли киши ичкарига олайиб мўралабди. «Почта» кўқнори «Вой дод!» деб ўзини орқага ташлаган пайтда, шериклари ҳам «оҳ-воҳ» билан бехуш йиқилишибди.

Сал ўтгач, олдинма-кетин ўзларига келиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрай бошладбилилар:

— Тирикмисан? Соғ қолганингга бир пуд майиз опкелиб, ис чиқарасан энди.
— Наганини кўрдингми, нағанини?
— Ие, менга тўғрилайди-ю, кўрмайманми?
— Қиличининг сопи кўзни қамаштириди-я!
— Тиллодан-да!
— Анави чиранчоқнинг жаддига ўлиб кетардиг-а!
Хов, «Почта», бу сафардан кейин оғзингта қараб та-
пиргин. Ҳаммамизни пилмитга қўйдирмади — Шерма-
матга раҳмат де...

Шу чоқ эшик янга гийқиллаб очилиб, «ҳа-пуф,
ҳа-пуф»лаб нафас олганича ҳужрага Бўрдоқвой лақаб-
ли кўқнори кириб келибди. Ҳамма бирин-сирин ёқасига туфлаб олгач: «Вей, Бўрдоқвой, ташқарида Шерматбек
кўринмадими, кетибдими?» деб шоша-пиша сўрабди
гурунгбони.

— Ҳа-пуф... Қанақа Шерматбек?
— Шерматбек қўрбоши-да, молфаҳм!
— Уни кўрмадим, — деб жаъоб қилибди Бўрдоқвој
қўлидаги тугунчани дастурхонга қўяркан.— Лейкигин
Аширкўр подачини кўрдим. Мозорбувага кўтариб
кўйган чалпакни опкелсам, шерикларингиз ғалати
қилиқ қилиб мени қўрқитвориши, деди-ю, шу ту-
гунчани қўлимга бериб кетди.

* * *

Эллик ёшга бормай тул қолган Мадамин ака гу-
зардаги чойхонада «наяки»ни тутатганича хаёл сурис
ўтирган экан, «юринг, шаҳарга олиб бориб, футбол
кўрсатиб келаман», дедим.

— Бе, хўроз уруштириш бўлса, бошқа гап эди, —
дэя лоқайд қўл силтади у.

Уни қизиқтиromoқчи бўлиб: «Стадионда лотерея
йўналади, уч-тўртта олсангиз, машина чиқиб қолса
ажабмас», десам: «Ўша аси пастлар ютуққа хотин
кўйса, ҳамма лотерясини ўзим сотовлардим», деди.

* * *

Биз тарафда «Юмалоқ полвоннинг қудратини
дастурхонда кўринг» деган мутойиба юради.

Умарали ака бу янги номга эга бўлиш арафасида
уч-тўрт улфати билан Ўшга саёдатга борибди. Сайл
қилиб юриб, кураш қизиб турган жойдан чиқиб қоли-
шибди. Ҳазилкапи жўралардан бири — Олим ака деган
омборчи киши бош ҳаками четга имлаб: «Олтиариқдан
Юмалоқ полвонни олиб келганмиз, умрида кураги ер
искамаган, шунга тараф топинг», дебди. Бош ҳакам:
«Сизлар бемалол дам олиб туринглар, тараф топилса,
радиўлдан айтамиз!» деб уларни яқингинадаги чойхо-
нага кузатиб кўйибди.

Улфатлар чанқоқ бостириб туришганда симёғочда-
ги каттакон оқ карнайдан: «Ўртоқлар, бўйдан кейинги
беллашувда ҳамشاҳаримиз Назарқул дўмбоқ олтиариқ-
лик ҳали енгилмаган курашчи Юмалоқ полвон билан
куч синашади», деган тантанавор эълон янграбди.

Одатдаги ёввойи иштаҳа билан гўшқуйдини тўпича
тушириб ўтирган Умарали ака гап нимадалигини анг-
лаб улгуrolмай, шериклари уни қўлтиқлаб майдонга
олиб киришибди. Тушунгач, даврадан қочиб чиқмоқчи
бўлибди-ю, кейин номус кучи тишни тишга босибди.
Тиззага саланглаган корни устидан чорси боғлашибди.
Назарқул дўмбоқ унинг ёнига келиб, ҳадиксираб ти-
килган кўйи қуюқ кўришибди.

Ниҳоят, беллашув бошланибди. Ракиб билан белбог
эшишаётган дамдаёқ қовургалари қирсиллаётганини
ҳис этган Умарали ака жонҳолатда бир силтаниб на-
фасини сал бўшатиб олиби-да, аста шивирлабди:

— Хў, акаси, жигар тўқадиган одатим бор, ёшлиқда
ғўр кетмагин. Улфатларимни қўшиб уч кун меҳмон
қилсанг, майли, шаҳрингда юзингни бир ёруг қиласай.

Чинакам полвонга шон турганда жон бир пул, «уч
кунмас, бир ҳафта бокаман, ака», деб пичирлабди На-
зарқул дўмбоқ ҳам...

Юмалоқ полвонни бир ҳафта соядан сояга юмалатиб

юриб боқишибди ҳамки, бўқдим демасмиш. Охири «қудратингизга тан бердик», дейишиб, меабонлар унга астойдил ихлос қўйишибди.

* * *

Рўзимат чирмандачи бир тўйда маҳаллани базмга чорлаш учун томга чиқиб чирмандча чалди. Бироздан сўнг пастга тушмоқчи бўлганида кимдир шотини олиб қўйганини кўриб, тўхталиб қолди. Сўнг ўйланиб ўтирасдан, уй биқинига жисслаб қурилган тўйтандирнинг устига сакради. Тандир ўприлиб тушди. Зувалахонадан нириллаб чиқсан новвой ахволни кўриб, уни бўралашга тутинди.

— Ўзингда фаросат борми, ошна,— деб кутилмаганда Рўзимат чирмандачи ҳам дағдаға қилди.— Тандирни келиб-келиб йўлимга қурасанми?

* * *

Шакарқишлоқдаги колхоз инженери ширинқишлоқлик касбошига дебди:

— Бир нарсага ҳайрон юрибман, ошнавой. Нимагадир ҳамма тракторимизнинг олдинги гилдираги орқадагига қараганда анча тез айланади-да.

— Бу нуқсон бизнинг тракторлардаям бор,— деб бош қашибди ширинқишлоқлик инженер.— Шуни айтиб заводга хат ёзсан, олдинги гилдираклар орқадагидан кичик, деган мужмал жавоб келди.

* * *

Уруш вақтида ширинқишлоқлик билан шакарқишлоқлик окопда ёндош туриб қолишибди.

— Душман қаёқдан келаркан ўзи, эшитмадингми? — деб сўрабди ширинқишлоқлик.— Агар ўнгдан келса, ўзинг олишасан, мен чапақайман.

— Ишқилиб орқадан келмаса бўлди, — дебди шакарқишлоқлик.— Милтиқни елкадан ошириб отишни билмайман.

* * *

Бутун синфими билан дала шийпонида ётиб пахта терардик. Бир куни тунда бирон полиздан тарвуз ўғирлаб келишининг маслаҳатини қиптурган эдик, шийпон қоровули: «Хў, болачоқлар, қийтиқ ернинг этагидаги хашак гаранини кўрганмисизлар? Ушанинг ичига

қирқмалар босиб ташланган, барини ташиб келиб, қовун сайли қилмаймиэм?» деб қолди. Очиги, номоа-хон чолдан бунақа гапни кутмаган эдик. Лекин ҳай-ронлигимиэни билдириб ўтирмаи унга эргашдик.

Қовунхўрлар лашкари зимистонда шарнасиз ҳара-кат қилиб, ҳамма аскар шийпонга бир этакдан ўлжа кўтариб қайтди. Аммо кўкракни шира, қоринини дўмби-ра қилиш ҳеч кимга наасб этмади. Қоровул чол далага гарамлаб қўйган ошқовоқларини шийпонга қандай та-шишиб олишини билмай юрган экан.

* * *

Шафоат аммамнинг «хўжайнини»ни (Қосимжон төғани) биа опофада деб чақирардик. У ниҳоятда одамохун, қувноқ, бироқ астойдил жаҳлланса то ўзи шаштидан тушмагунча биров бас кела олмайдиган киши эди. Хулқим «талабга жавоб бермагани» учун қишлоқдаги мактабдан мени кузатиб қўйишга, 9-синфда Фарғона шаҳрида ўқиб, уларникида яшаганиман.

Бир куни ўртанча опам мени йўқлаб келиб қолди. қўлида эндигина чилласи чиқсан чақалоги ҳам бор. Чাқалоқ ҳаддан зиёд митқи, шунга қарамай ўти йиғлоқи, товуши ўткир эди. Опам бундан хижолат бўлиб, «бешикда ётишга ўрганиб қолган, йўргакка кўниколмай йиғлаяпти», деб баҳона қилди. Шунда опофадам сўқимдек келадиган тўнгич ўғлининг қирқ бешинчи қолипли туфлисига ишора қилиб: «Ана, Машраббойнинг ботинкасига белаб тебратавер», деди.

* * *

Усмон девона деган төғамиз бўларди, жинни дейишга кишининг тили бормасди — ўзини имкон қадар по-киза тутар, рўзгор ишларини қойиллатиб уддалар, даврада ўтириб меъёрида овқатланар, қиттақ эрмак қилганингизни фахмлаб қолса, анча вақт қаттиқ аразлаб юрарди. Девона аталашининг боиси — пул деган нарсанинг нималигини билмас, аёл зотига бутунлай бе-фарқ, уни уйлаш ҳақида гапиришса, бирдан безиллаб жанжал кўтарар, телба куч билан бир қўл урса, ер чопиш, ўтии ёришда дам олмасдан тўрт кишининг ишини қилиб ташларди.

Шу төғам Риштондаги Маҳбуба холамникуга бориб, уч-тўрт кун меҳмон бўлибди. Қайтаётганда холам

йўлкирага пул берса, «аллақачон тўлаб қўйганман», деб олмабди.

— Кимга тўлагансиз? — деб таажжубланибди холам,

— Олтиариқдан чиқаётганимда Обиджон битта катта пул берувди, — дебди тогам. — Риштонгача ағдармада¹ да келиб, пулни берсам, ўрис шопир бир нарса деб гужирлаб битта кичкина пул узатди. Мен ўзингда тура-турсин, қайтишимда бепул опкетарсан, деб тушиб кетаверганман.

* * *

Аҳмад қассоб қўйни эндинга сўйиб-саранжомлаб турганда, бир ўғри мушук пойлаб келиб, буйракни олиб қочибди.

— Ҳе, лодон-а, — дея мушукка ачиниб қолибди қассоб, — ўғирлаганинг билан бари бир кабоб қилиб ейишни эплолмайсан.

* * *

Уруш бошланган дастлабки ҳафтадаёқ Мозортагидағи кўкнорилар маслаҳатини бир жойга қўйишиб, Наим-камалакни аскарликка жўнатадиган бўлишибди.

— Пошис деганини ўша ёқнинг ўзида иаига қайтар, Наим полвон, — деб уқтиришибди улар. — У баттollар танкаси билан маҳалламиага кепқолса, кўкнори-нояларни пайхон қилворади-я.

* * *

Қишлоқда Қапчугай қирига сув омбори қурилармиш деган мини-миниш тарқалди. Мўътабар хола буни эшишиб, ўзига ўзи гавираётгандек жавранди:

— Омбор етишмасдан колхознинг бугдойлари яланга ётибди. Сув ер ютгурни қулфлаб сақлашга бало борми?

* * *

Қишлоғимиз ижроқўумининг Эминжон тога деган раисини кўпчилик ҳоайр ҳам содда, бегидир кипи сифатида эслайди.

Мактабни эндинга битирган кунларимда у билан кўчада тўқнашиб қолдим — моторли велосипеди бузилиб, тутоқиб турган экан. Тузатиб берган эдим, «уста

¹ Самосвал.

экансан, бундан кейин ҳам керак бўласан», деб қиплоқ совети қошидаги кутубхонага мени ишга олди. Фельдшерлик пункти кутубхонага биқиндош бўлиб, мудири Холмат ака билан тушликда бирга ҳордиқ чиқариб, бирга овқатланар эдик.

Бир куни Эминжон тоғанинг «сирли шкафи»га калит топиб, буни тантанали тарзда Холмат акага айтдим. Туй бошлишга раисдан рухсат олгани келувчилар кептирган ноа-неъматлар шу шкафда сақланарди. Раиснинг йўқлигига пайт пойлаб Холмат ака иккаламиз шкафни беаёв талон қилдик — яхна гўшт дейсиами, писта-бодом дейсиами, мева-чева дейсиами, бари пайҳон бўлди.

Тушлик маҳали раис моторни тариллатганича давла тарафдан келиб қолди, орқа эшикдан ташқарига чиқиб, қия очиқ дераадан ичкарини кузата бошладик. Эминжон тога хонада ўзини сал совутиб олгач, шкафга қараб юрди. Ахволни кўргач, лоҳасланганича жойига келиб ўтириди, пича ўйланиб турди, сўнг бор товушда, қичқирди:

— Еқуб! Еқуб деяпман!!!

Ижроқўмнинг ҳарбий ҳисобот бўлимида ишловчи, кўпинча идорада нималарнидир ёзиб-чизиб ўтирадиган босиққина Еқуб ака хонага шошилмасдан кириб келди.

— Лаббай...

— Хе, лаббайнингдан ўргилдим. Қиласар ишни қипқўйиб... Хе нафсингга ўт туштурсур!

— Ие, нима қипман?

— Билиб туриб сўрайсан-а,— дея столни муштлади раис.— Нафсингни қара-ю!

Еқуб аканинг ҳам зардаси қайнади:

— Бунча нафсимга ёпишасиз? Нафсимга нима бўпти?

— Нафсингга емадингми... давлатнинг ойлигини? Единг, лекин солик тўплашга чиқмаяпсан, ёрдам берманяпсан. Нима, сени шу идорада анани шкафга ўхшаб туришга олганмизми? Шкафмисан? Хе, нафсингдан ўргилдим. Бундан кейин сен ўзингнинг ишингни қил, шкаф ўзининг жойида турсин. Гапнинг магзини чақдингми?

...Холмат ака иккаламиз тўйдан келадиган зиёфатни пойлашни қўймадик, раис Еқуб акани тергашдан ти-йилмади ва охири уни ишдан ҳайдаб юборди.

* * *

Орадан кўп йиллар ўтиб кетди, аммо «Бурунбой ака»нинг хонадонига кириб қолсам, ҳалиям уер-буерда чўян обдасталар ағанаб ётганига кўзим тушади...

«Бурунбой ака» ўғлини уйлантироқда эди. Бир пайт у ичкаридан шарикайф чиқиб келиб, қозон атрофидага ўралашиб юрган биз ўспириналарга бир тутам пул тутқазди: «Тезда магазинга бориб икки яшик обдаста олкелинглар, беришмаса менинг номимни айтинглар». деди. Кўп ўтмай қопқоги жисслаб михланган икки яшик чўян обдастани судраб-итариб тўйхонага кириб келдик. Буни кўриб, «Бурунбой ака»нинг бирдан ранги ўчди, оғзидан боди кириб, шоди чиқа бошлади...

Ушанда анча ёш эдик, ичувчилар салкам бир литртлик новча винони «обдаста» деб аташларини биз қаёқдан билибмиш.

* * *

Шакарқишлоқликлар билан ширинқишлоқликлар футболда беллашмоқчи бўлишибди. Рақибларнинг кути ҳақида аниқ маълумот йўқлиги учун иккала томон тренери ҳам кучайтирилган химоя вариантини танлаб, командаларни иккитадан химоячи, тўққиатадан дарюзабон билан майдонга туширишибди.

...Айтишларича, судья ўрнатиб кетган тўп ҳалиям майдон марказида турган эмиш.

* * *

Ширинқишлоқлик бемор шакарқишлоқлик табибдая сўрабди:

— Кейинги пайтда соқолимнинг уни зирқираб оғрийдиган бўпқолди. Давоси борми?

— Бор,— деди табиб.— Соқолни қирдириб косага соласиз-да, бир кеча намакобга бўктирасиз. Шундайям оғриса, қуритиб ўт қўйинг, дард кўрмагандек бўпкетадилар.

* * *

Шакарқишлоқликлар «қулоғини шунча бурасак ҳам «Америка овози»ни олмаяпти», деб оддий радиокарнайни устахонага кўтариб келишади.

* * *

Ширинқишлоқдаги колхоз товуқхонаси деворий газетасида «Правда», «Известия» каби марказий нашрларнинг камчиликлари тез-тез «уреб» турилади.

* * *

Турсунали аканинг кенжә қизи жуда эркатой бўлиб, ота-онаси папалаб юпатишга хуморланиб, сабаб топилса-топилмаса йиглашга тутинаркан.

Бир куни у: «Қурчогим қани? Қурчогимни топиб беринглар», деб йиглашни бошлиган экан, Турсунали ака: «Ана, қурчоғинг орқангда турибди, олиб ўйнай-вер», дебди. Қизи қурчоқقا бир қараб қўйибди-ю, кейин типирчилиб йиглашда давом этибди:

— Унда... унда... пайпогим йўқ. Пайпогимни топиб беринглар!

* * *

Ҳали мактабга бориб-бормаган етти-саккис бола Саримсоқ буванинг полизига ўғирликка кирдик. Биттадан ҳандалакни олиб, човра туйнуғидан қайтиб чиқабошлиганимизда: «Хе шамолга тескари қиласенларни! Тўхта!» деган ҳайқириқ эшитилди. Чекинишини янада тезлатдик. Туйнуқдан энг охирида эмаклаб ўтаётган Юрсинбой «Вой бувижон!» деб қичкирди-ю, кетини чанталлаганича ҳаммадан олдинга ўтиб, тўғри уйига қараб қочди. Қолганлар мачит ҳовлисига кириб ҳандалакхўрлик қилдик. Кимдир қўзичогига илиниб, уруғ ва пўчоқларни йигиштириб олиб кетди.

Ажриққа ёнбошлишиб пича қорни силаб ётгач, энди ҳовузда чўмилсакми-чўмилмасакми, деб турганимизда одатдагидек жилд янги сўкишларни ишлатганича ҳовли эшигидан Саримсоқ бува кириб келди.

— Биттанг ҳам жойингдан қимирлама, заси тегирмонда айланганлар,— деда бизга тошотар камонини дўлайди у.

Бу камонда беданани миқ этказмай уради, биз нима бўпмиз. Ҳаммамиз шалвираганча туриб қолдик. Аммо пўчоқлар қўзичоққа жўнатилиб, ашёвий далиллар вақтида йўқ қилингани туфайли ҳандалак ўғирлаганимизни бўйинга олмадик.

— Мени алдаб бўпсанлар,— деди Саримсоқ бува,—

Камондан отган тошим биттангнинг думбангга теккан,
уни бари бир топаман.

Буйруқса биноан ҳаммамиз иштонни тиззага туширилди, текширув бошланди. Охирги болага келганда: «Құлға түшінінг-ку, мұзда туғылған!» деге унинг этагидан туттанған зди, құрқиб кеттеган ошнамиз: «Думбамга илгари пучак чиққан, ўшанинг ўрни бу», деб йиглаб юборди.

— Құзим яхши ўтмаяпти,— деб «белги»га синчик-лаб тикилди Саримсоқ бува.— Ростданам шу пучак хунасанынг ўрними, қаранглар-чи.

Энди күпчилик бўлиб, бир кишининг кетини томоша қила бошладик.

* * *

Қирғизистондаги руда конида ишлаб юрган вақтимда эски синфдошларимдан бири мени йўқлаб келди. Ахвол сўраган зди, «иш оғир, төғ жуда совук, яшаш шароитимиз чатоқ», деб тўғрисини айтиб қўяқолдим.

— Келган экансан, энди чида, ҳаммаси ўтиб кетди,— деди ошнам.

Ҳасратлашишдан фойда йўқлигини сезиб гапни бошқа ёққа бурдим:

— Бодринг олиб келмабсан-да, жуда согиниб кетдим.

— Ие,— деди ошнам,— ҳали бу ерда бодринг экишмайдими? Унақа бўлса, тезда ишни йиғишири, шуям ҳаётми?

* * *

Қомиз хўроэбоз билан Шомил хўроэбоз эскитдан ашаддий рақиблар.

Бир куни гузарда навбатдаги «чўқиширув»га ҳозирланишибди, маҳалла томошага чиқибди.

— Қаватими, чавати? — деб сўрабди Шомил хўроабоз.

«Қавати»да ютқазганинг катагидаги борлик парранда ғолибники бўлади, «чавати»да эса мағлуб хўроэшурва бўлиш учун рақибнинг кўлига ўтади.

— Қавати,— дебди Қомил хўроэбоз.

Бу сафар Шомил хўроэбозининг омади чопибди. Ко-милвойнинг катаги доимо паррандага жиқ тўла бўлишини кўриб юрган ғолиб бир неча ўспиринни эргаштириб унинг хонадонига кирибди. Қараса, катакда битта-

тина хашаки товуқ шумшайиб ўтирган эмиш, парлари тулаган, на думи бор, на қанот патлари. Бунинг устига чап оёги чўлоқ, ўнг кўзи кўр экан.

Ранги бўзариб кетган Шомил хўроизбоа синчилаб қараса, товуқнинг бўйнига туморга ўхшатиб буқланган қоғоз боғланганмиш. Уни жаҳл билан юлиб олиб ўқиб кўрса, «Пешонаси шўр тонуқ бўлмасам, келиб-келиб куним Шомил сўтакка қолармиди», деб ёзилган экан.

* * *

Назар ака ичимликлар оламининг билимдони эди. Гоҳ катта пиёлага лим қўйилган ароқни бир кўтаришда гўлқ этказмай ютишдан гаров ўйнаса, гоҳ шишанинг мухрли қопқогини бузмасдан очиб, заводдагидек қилиб қайта беркитиб қўйишдан шарт бойлашарди. Баъзан эса ичимлиги хозиргина қадаҳларга қоқлаб қўйилган шипани олиб, косакулга дўқ уради:

— Охиригача қўймай нега исроф қилаяпсан, ўттиз томчи арақ арақмасми?

— Ўттиз томчи? — дея ҳайратланарди косагул.— Агар шундай ўн томчи томизиб берсангиз ҳам «яримта» қарадорман.

Энг силкиб қўйилган шишадин ҳам Назар ака ўттизтадан ошириб албатта томизиб берарди.

Унинг яна бир кўабўямачилиги бор эди. Бир шиша ичимлики уч кишига бўлиш керак бўлса, стаканларни орқасига териб, ҳаммасига теппа-тенг тақсимлай оларди. Кейинчалик бу сирини ошкор этиб, шундай деган эди:

— Арифметикани Назар-пиёнчалик ҳам билмайсанми, пайпоқбонлар. Яримталик шишада йигирма етита «билқ-билқ» бўлади. Учта етаканга тўққизтадан билқиллатсанг, теппа-тенг бўлишади-қолади.

* * *

Назар акага ножӯяроқ ҳазил қилсангиз, бирдан тумтайиб, дашином берган бўларди:

— Менга бунака оғир гапирма. Биласан-ку, кечасию кундузи кўнглим «яримта»...

Паульс армияси қуршовга олиниб, қизил аскарлар «оғиз-бурун ўпишиб» юрган кунлар экан. Рота командири фашистлар ташлаб қочган окоп оралаб бораёт-

са, бир блиндаждан нотаниш овоада туринг тарала-ётганмиш. Кириб, ротадаги ўзбек аскарлардан тўртбештаси темир бочкадан суюқлик қуийб ичишаётганини кўрибди.

— Нима бу? — деб сўрабди командир.

Русчани тузукроқ биладиган Мирзаакбар ака: «Спирт, ўртоқ командир», дебди лола-лола бўлиб.

— Қаердан ўмардинглар?! — деб дўқ урибди командир.

Шунда Мирзаакбар ака: «Бу немисники, ўртоқ командир. Келиб, ўа ихтиёри билан асир тушди», дея ўзи на шерикларини оқлашга тиришибди.

* * *

Бўтавой ака колхозга ёзилмоқчи бўлиб борган экан, райижроқўмдан келган вакил унга диққат билан тикилиб туриб: «Босмачиликда қатнашганмисан?» деб сўрабди. «Босмачилик қилганимиз, хўжайин, ўзим таслим бўлганим учун кечириб юборишган», дебди Бўтавой ака. Шунда вакил: «Йўқол, сотқин! Сенга ўхшаганинни отвориш керак эди», деб ҳайдаб солибди.

Ташқарига чиққаچ, шериклари: «Э, каллаварам, босмачи бўлмаганиман деворсанг ўлармидинг», дейишса, Бўтавой ака: «Ие, олдинги қўрбошимизнинг ўзи сўраб турса, қандай алдайман?» дермиш.

* * *

Тўравой бува ҳалол, ҳақиқатгўй, айни пайтда чўрткесар, муомаласи терс киши эди. Болалик хотирамда энг мустаҳкам сақланиб қолган хислати шуки, у камдан-кам одамни сизлар эди.

Бошқалардан эшитишимча, бригадирлик, вақтида у колхозчилар ишләётган жойга бориб, «ҳорманглар» десам сиалаганга ўтади деб ҳавфсираб: «Ҳорма ҳамманг!» дер экан.

* * *

Сарвенисо бувим айтар эдилар:

— Одам ёшлигидаги қандай бўлса, қараганидаим ўзгармас экан. Мана, Файзибой акам хозиргача меҳнатдан қочмайди, укам Қодирвой ҳалиям пўримликни ёқтиради.

Улар ўспиринлик вақтида Дўстмат бува бирон иш бошласаёқ, Қодирвой «ҳозир намоз ўқиб олай», деркану шу кўйи бутун оғирлик Файзибойнинг гарданига тушаркан.

Бир куни отаси ўн марта иш буюрса ҳам, Қодирвой ҳар гал намозни пеш қиласверибди. Бундан Дўстмат буванинг жаҳли чиқиб: «Намоз дегани кунига неча маҳал ўқилади ўзи?» деб сўраса, Қодирвой: «Бекорчилик бўлса, беш марта холос», дебди.

* * *

Турғунбой ака Марғилонга бодринг олиб борса, гўдайган бир киши келиб: «Килолаб олишини ёмон кўраман, доналаб сот», дебди.

— Мен килобай сотай,— дебди Турғунбой ака,— сиз санаб опкетаверасиз.

* * *

Буни совхоз директори Хабибулло акадан зиштганман.

Маҳаллага газ тушаётганда, ашё танқислик қипқолиб Қоровул тоғаникига инкичкароқ қувур тортиб киришибди. Бундан ранжиган Қоровул тоға қишлоқ совети раиси Мамадали акага арз қилибди. Раис ундоқ деса — бўлмабди, бундоқ деса — бўлмабди, «бизгам йўғон трубани тортишсин», деб туриб олибди. Охири лўнда қилиб уқдиришга тўғри келибди:

— Тушунсангиз-чи, ахир! Игнанинг тешигидек жойдан,— дебди Мамадали ака ва мушт тугилган билагини биланглатиб кўрсатибди,— нақ мана бунча газ ўтади!

* * *

Сайёр киномеханикка шогирд тушиб юрган давримда (ўзим ҳали мактабда ўқир эдим) лўлилар маҳалласига биринчи марта кино олиб бордик. Ҳаммаси аппаратга юланиб ўтириб олишган, томоша бу тарафда бўлади. леб экранни кўрсатдик.

— Ишонманглар, ўзбак алдаб қочаде,— дед маҳалладошларига мурожаат қилди бир лўли.— Шаҳарга борганда ман кўрган, ана бу дурбинга қараб ўтирасан, «чирқ» этаду, қандай турганингни қафозга ўшандай қотириб бераду...

* * *

Иш тополмай қийналган шаҳарлик бир йигит, Олтиариқса келиб колхоздан ижарага ер олибди. Тарвуз эккан экан, ёзга чиқиб қарасаки, ҳаммаёқни ошқовок босиб ётганмиш.

— Сен билан тарвузга шартнома тузганмиз,— дебди агроном.— Ошқовоғингни пишириб е.

— Менга ўргатманг,— деб гердайибди шаҳарлик йигит,— қайси аҳмоқ хомича ейди!

* * *

Армияда бир воқеани грузин дўстларимга айтиб берганимда, қотиб-қотиб қулишган эди.

Тўққизинчи синфда кечки мактабда ўқиганман. Бир куни бизга адабиётдан яги ўқитувчи кириб, «фамилиям Нодирадзе, миллатим озарбайжон», деди. Бизга фамилияси зриш туюлганини сезиб, «аслида Нодировман, лекин Грузияда туғилганим учун Нодирадае бўлпқолганман», деб изоҳ берди.

Шунда бир ўқувчи: «Шимпанзе ҳам «метрика»ни Грузияда олган эан-да, деб луқма ташлади.

* * *

Жўрак тарафда яшайдиган Раҳматулло деган йигит эрталабдаёқ «четушка»ни очиб, эндигина бир пиёла стиб турган акан, кўча эшикдан тоғаси кириб келаверибди. У шоша-пиппа шишанинг оғзиға пўк тиқиб, костюмининг ички чўнтағига яширибди.

Пича ўёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришгач, тоғаси шолчага белбоғини ёйиб, намоз ўқишга ҳозирланибди.

— Нима, ичишни ташладингизми? — деб сўрабди Раҳматулло.

— Шаробкинг ўзи эмас, кайфи харом,— дед жавоб қилибди тоғаси.— Худога вақтида ибодат қиптурсак, майда-чуйда гуноҳ ювилиб кетаверади. Қани, ёнимга кел-чи, жиян, намоз ўқишни билмаган одам билганинг ёнида згилиб-чўқкалаб турсамя, ярим савобни оларкан.

Раҳматулло тоғасининг юзидан ўтолмай ёнига бо-

риб, нима қилса, шуни тақрорлаб тураверибди. Бир галги эгилишда қўйнидаги шиша «дўп» этиб шолчага тушибди. Худди шу паллада тоғаси унга юз буриб, «Ассаламу алайкум во раҳматуллоҳ», деб қолибди.

Раҳматулло арақли идишни қайтадан қўйнига тиқаркан, тоғасига қараб: «Тўғрисини айтсан, менга қирқ марта салом берганингиздаям, ярим шиша «чешушка» бари бир иккаламизга етмайди», дебди.

* * *

Дунёда бирор булбулнинг, бирор какликнинг, яна бошқаси бедананинг сайрашига ишқибоз. Полосонлик Норбанги эса итнинг вовуллашини ҳаддан зиёд хуп кўраркан. Қарияларнинг эслалича, у каттакон кўплакни темир қафасга солиб, баланд тол шохига арқонда тортиб иларкан-да, қўрққанидан тинмай вовуляётган итнинг товушига маҳлиё бўлиб: «Оҳ-оҳ-оҳ, ҳа, овозингдан аканг!» дея сояда ҳузурланиб ётаркан.

* * *

Болаликдаги ошналаримдан бири ҳофиз фермада ассеимиатор.

Бир куни райондан келишиб, фермада аттестация ўтказишибди. Имтиҳондан йиқилгач, ишдан ҳайдаб юборишларидан чўчиб, тўғри менинг олдимга чопибди.

— Ҳиз қанақа савол беришди сенга? — деб сўрадим ундан.

— Институтни битирганларниям қийнаб қўядиган оғир савол беришди,— дея пешонасини тириштирди ошнам.— Эстон сигирлари қайси республикада етиширилади, деб сўраши-я!

* * *

Шакарқишлоқнинг ўқувчилари география ўқитувчисидан: «Нега қишлоғимиизда биттаям денгиз йўқ?» деб сўрашибди.

— Чунки биздан кема қурадиган усталар етишиб чиқмаган,— дебди ўқитувчи.

* * *

Ширинқишлоқдаги мактабда эса шундай савол-жавоб бўлиб ўтган экан:

— Домла, Америкадан қишлоғимиизга сим тортил-

ган бўлса-ю, унга хўт¹ берилса, бизга қанчада ётиб келади?

— Бу хўтнинг сортига боғлиқ.

* * *

Шакарқишлоқнинг магазинида якшанба кунлари қўй-эчки ҳам сотилар эмиш.

* * *

Ширинқишлоқдаги муҳташам бино пештоқига «Ўз-ўзига хизмат қилиш медпункти» деб ёзиб қўйилган дейишади.

* * *

Ўнинчи синфда район марказидаги кечки мактабга қатнаб ўқиб, кундузи пахта заводида трактор минар ёдим. Олим мўйлов деган неварали киши эса ҳам тракторчи, ҳам иккала тракторга механик хисобланиб, барি бир мен билан тенг маош оларди.

Бир куни Қобил бойваччанинг чойхонасида тушлик қилиб ўтирсам, Олим ака куюкканича ёнимга келди.

— Паҳталар чириб кетяпти, ҳов, — деди у қўлинин шоп қилиб. — Қуритиш цехига ташиб улгурмаяпман. Сен икки соатдан бери йўқсан.

— Тракторим бузилиб ётибди, — дедим.

— Нима бўлди?

— Қаёқдан билай, бирданига ўчиб қолди.

— Ие, нега билмайсан? — деб ўшқирди у. — Праванг борми ўзи?

Мен унинг кўзига пича тикилиб туриб: «Правам бўлса, механиклик амалини сизга бериб қўярмидим», десам, у дафъатан шаптидан тушиб: «Қаерда ўзи тракторинг, уни механик аканг тузатади-да», деб ҳаволанганича енг шимарди.

* * *

Қўшни шаҳардаги қайсидир ресторанда, талабгор жуда кўп бўлган учун, факат бир ярим соатгача ўтиришга рухсат берилар экан.

Буни ашитган Назар-пиён: «Агар истасам, официантка ўзи илтимос қилиб, мени икки соат олиб ўтиради», деса, «шаҳарнинг ҳокими бўлсанг ҳам, бир ярим соатдан бир минут ўтказмай ковушингни тўғрилаша-

¹ Ток

ди», деб кулишибди. Назар-пиён улгуржироқ нарсага гаров ўйнагач, эртаси тўрт киши бўлиб шаҳарга отла-нишибди.

Айтилган ресторонга кириб, улфатчиликни роса ўринлатишибди. Бир ярим соат бўлишига икки-уч минут қолганда официант аёл келиб, ҳисоб-китобни бошлабди, 78 сўм 70 тийинлик чўт қоқибди. Шунда Назар-пиён қўйинидан каттакон халта чиқариб, «хаккингиани санаб олинг», дебди. Халтада ҳаммаси бир тийинлик тангадан иборат юз сўм пул бор экан. Аввалиги официант бунаقا пулни олмайман, деб анча тихирлик қилибди, директор келиб аралашгач, можаро хўранданинг фойдасига ҳал бўлибди.

— Тезроқ, опохон, бизнинг зарур ишимиз бор,— деб тиқилинчни кучайтиармиш Назар-пиён.

— Санаб бўлганимча пича шоппмай туринг энди,— деб илтимос қиласмиш официант.

Нихоят керакли пулни олиб, саноқни тугатибди. Энди Назар-пиён қайтими тўғри-нотўғрилигини билиш учун қолган тангаларни биттадан ҳисоблашга киришибди...

Шундай қилиб, уларнинг ресторондаги ўтиришлари икки соат тўрт минутга чўзилибди.

* * *

Колхозда граждан мудофааси штабининг бошлиги эдим. Бир куни сиёсий сабоққа йигилдик. Эзма маъру-зачининг сафсалалари жонга тегиб, баъзилар ўзаро гужирлашиб ўтиришганда, муаллим кексароқ табелчи-га: «Нега гаплашиб ўтирибсиз, олим бўпкетдингиами?» деб колди. «Ҳеч бўлмаса айтинг-чи, эзилувчи синф деганда, нимаки тушунасиз?» деб гап қўшиди яна.

— Эзилувчими?! — деб жағ сийпалаб қўйди табел-чи.— Эзилувчи синф деганда... хотинларни тушунамиз.

* * *

Қапчуғайлик киши бозорда полосонликнинг устидан ара қилди:

— Ҳў, мелиса йигит. Қаранг, манави қирриқ мени бошқа тилда сўқди.

- Нима деб сўқди?
- Жуда ёмон сўқди... менимча.
- Нима деди, ахир?!

— Фижиниб туриб, «Абдубоймат» деганга ўхшаш гапни ишлатди.

* * *

Шу тахлитдаги яна бир воқеани бригадирим Мўсо ака айтиб берувди...

Бир куни унинг бригадасига райондаги хўжайинлардан биттаси келиб, анча пайкал кезибди. Четки бўлакдаги гўзалар сувсиаликдан қонжираб ётганини кўргач, фигояи ошиб, сувчига: «Гўзаларни нима қипкўйдинг?» деб бақирибди. Сувчи индамай туравериди. Бундан хўжайиш баттар жаҳланиб: «Сволоч!» дебди-ю, жўнаб қолибди.

Сал ўтмай колхоз раиси етиб келиб, хўжайин нималар деганини суриштирибди.

— Гўзаларни ортиқча чанқатиб қўйганимиздан жуда хафа бўлди, — дебди сувчи.

— Кейин-чи? — деб тоқатсизланибди раис.

— Кейин... ортиқча уришмади, — дея жавоб қилибди сувчи. — Сув олиб ич, деб маслаҳат бериб кетди холос.

* * *

Одамзотнинг феъли қизиқ. У ёки бу янги нарсага узоқ вақт безиллаб қараб юради, кейин кўника бошлайди, охири мазахўрак бўлади.

Эллигинчи йиллар охирлаб бораётган пайтлар эди чамаси. Дадам мени район марказига бошлаб бориб, туфли олиб берди, кейин йўл-йўлакай қандайдир идорада (райижроком бўлса керак) ишлайдиган амалдор ошнасининг олдига кирди. Оқ кители бу киши дадам ва мен билан қуюқ кўришгач, хузурида ўтирган пўримроқ чол билан сухбатни давом эттирди.

— Йўқ, болам, — деди чол, — ўғлимни тинч кўйинглар, кейин унга бирор қизини бермай қўяди.

— Буёгидан ташвиш тортманг, — деб далда берди оқ кителли киши, — хотинниям ўзимиз топиб берамиш.

— Ўғлимни ўйламасанглар, мени ўйланглар. Маҳаллада қандай бош кўтариб юраман?

— Халқни деб, давлатни деб колхоз тузишда ярадор бўлганингиз эсдан чиқибди-да? Қорин тўйиб, энди ҳукумат керак бўлмай қолдими? Шу гап келиб-келиб сиаздан чиқяптими?

Чол: «Ҳукуматимизга шунчалик керак бўлса, ни-

маям дердик», деб ўрнидан турди, чиқиб кетаётib пешонасини тириштирганича қўшиб қўйди: «Барি бир обрўйим расво бўлди-да».

Рахбар унга таскин бериб: «Райондаги энг таниқли кишиларнинг ўғилларини ҳам шу ишга жалб қилдик. Так что, битта сизнинг обрўйингиз расво бўлгани йўқ», деди.

Кейин дадам сўраб-суроштиргач, маълум бўлдики, гап район милициясини ёш кадрлар ҳисобига мустаҳкамлаш ҳақида бораётган экан.

* * *

Шакарқишлоқлик адабиёт ўқитувчиси ўқувчиларга фахрланиб уқтиради:

— Ўзбек тилидан бошқа тилларга жуда кўп сўзлар ўтган. Кеча шаҳарга борсам, янги ҳаммом ишга тушибди. Номи — «Сауна». Дарров пайқадимки, бу ўзимизнинг «совунли» деган гапдан келиб чиқкан...

* * *

Бўри инига яқин жойдаги чорвага зиён еткизмаганидек, ўгрилар ҳам ўзи яшаб турган ўрамда ҳеч нарсага кўз олайтиришмайди.

«Чўлоқ» ўғри умрида бирон марта қишлоғимиздағи чўпгаям тегмаган. Аммо унинг битта камчилиги бор эди, яъни қайси хонадонда тўй бўлса, тўёнага келган қўйлардан бирини томорқа тарафдан ўмариди чиқиб, эпик томондан гердайганича ҳайдаб келарди:

— Ҳў, камбағал, совғамиэни опқўй!

Бу энди иззатталаблик, холос.

* * *

Файзиобод тарафда бир-бирига ҳамсоя икки дурадгор яшар, бирори дадамнинг оғайниси эди.

Бир куни дадам уникига борса, дастаррасини куиб-нишиб эговлаб ўтирганмиш. — Намунча ярқиратвормасангиз? — деб сўрабди дадам.

— Анави уста қўшним кўп жигимга тегяпти, — деб жавоб қилибди оғайниси, — шуни ўлдиրмасам бўлмайди.

Дадам: «Ие, одам ўлдирадиган киши пичоқ қолиб аррани ўткирлайдими?» деса, оғайниси: «Буни қўшнимга бир кун ишлатгани бериб турсам бас, ҳасаддан ўзи ўлиб кетади», дермиш.

* * *

Назар ака билан Мирзақанд ака Қўқонда кайф қилиб тентираб юришиб, қаерданdir келган саёҳатчи-ларга аралашганича Худоёрхон қасрига кириб қоли-шибди. Назар ака Худоёрхон тахти қайси томондалиги-ни экскурсоноддан сўраб олгач, икки улфат ўша ёққа бурилишибди.

— Э, жуда бало бўлганда, бу Худоёрхони, — дебди Мирзақанд ака хонага кираётib. — Мана ман деган қизларни йигволиб, роса давр сурған-e.

— Шунаقا шилқимни ким подишю қилган ўзи?
Ургилдим ўша Худоёрхонингдан!

Назар ака яна нимадир демоқчи бўлган экан, хона-ни гулдиратгудек: «Нима дединг, тилинг кесилгур?!» деган товушдан сесканиб, тарашадек қотиб қолишибди. Қарашса, тахтда зийнатдор кийимларга бурканиб олган хон ўтирганмиш.

— Нега мени шилқим деб ҳақорат қилипсанлар? Ҳозир иккалангният дорга тортаман! — деб дўқ урибди у.

Биринчи бўлиб Мирзақанд аканинг кайфи ёзилибди. Таъзим қилганича тиз чўкиб: «Биз итларни кечи-ринг! Қолаверса, сизни сўккан мен эмас, анови чаласа-вод», дея шеригини кўрсатибди. Назар ака ҳам ўаига келиб, эмаклаб борганича хоннинг этагини упибди: «Бу пиёнистанинг гапига ишонманг, биринчи бўлиб сизни ўзи кавлади», деб йиглаб юборибди.

Шу пайт хонага қора кўзойнак таққан шапкали киши кириб келиб, хонга ўшқирибди:

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? Бир соатдан бери ахтараман сизни. Эрталаб айтувдим-ку, бугун съёмка ҳовлида бўлади деб...

* * *

Район газетасида ишлаб юрганимда, редакциямиз яқинидаги ҳовлилардан бирида ўта сулув келинчак пайдо бўлди. Пардалироқ қилиб айтганда, ҳаммамиз унга ҳавас билан қаардик.

Бир куни тушликка бораётсак, ўша келинчак ҳовли-дан чиқиб қолди — ёноги шилинган, юз-кўзлари мома-талоқ...

Келинчак орқароқда қолгач, Абдумалик ака дегани-миз афусуланиб бош тебратди.

— Оббо бесаводлар-ей, жуда бузиб таҳрир қили-шибди!



СОТТИ САТАНГ ҲАЁТИДАН ЧОЙХОНАДА

Буёққа ўтири, тражданин Абдукарим. Лажалиста. нондан ол. Ие, сеники қаймоқли патирми дейман? Иссиққина дейсанми? Нў, нў! Қани, ўшани ушатгичи бўлмаса.

Хў-ў-ш, ҳалиям далаларни гуллатиб юрибсанми? Тракторинг қалай, тракторинг? Фильтрни тез-тез янгилааб турсант бас, мотор эшакдай ишлайверади. Вот, асосий масала қаерда!

Техникани сувдек биламан: ўттиинчи йилларда МТСга директор бўлганман. У пайтларда колхозларга трактор берсак, оёғимизни тагига тужа сўйишарди. Биз туюни еб тамомлардикки, тошибақанамо тракторлар десанг битта картани шудгордан чиқаролмай хуноб қиласди.

Даже қирқинчи йиллардаги тракторларниям ҳафсаласи сустроқ эди. Ўзи техниканинг аҳволи нима-ю, улардан тўғри фойдаланмагансан деб мендек одамии ишдан уришди. Шуми собиқ кавалерисга оқибат дедим-у, юқорига қаратиб хат юмалантиридим. Анчайин урдисурдидан кейин колхозга раис бўлволдик.

Ақлли одамнинг душмани кўп бўлади: эллигинчи йилларда пайт пойлаб туриб яна тагимга сув қўйиши. Бош табелчиликка тушдим. Аммо шуниям кўришолмади, ичасан деб бўйнимга айб қўйиши-я. Энг прастўй баҳона, тўғрими? Агар ичмаганимда, чекасан ёки бошқа нарса қиласан деб ковушимни тўғрилашарди бари бир.

Хўп, хараашў, айбимиз ҳам бор деяйлик. Хўш, мен билан сени тергайдигянлар ўзлари ичишмайди деб ўйлайсанми? Үхў-ў-ў, ўзлари бундан баттар ишларниям қилишади. Масъул постларда ишлаганман, ҳаммаси тирноғимни устида. Ҳамма гап шундаки, ўша қалбаки покизаларни палахмонга солиб иргитиши учун хозирча етарли фактимиз йўқ.

Агар заметка қилиб юрган бўлсанг, кейинги пайтда

ўзимизга ўхшаган ватапарварлар четда қолиб, замон шоирники бўп кетибди — сатрига қараб пул ишлайпти. Тунов куни почтага кирсам, қўшнимнинг тўққизинчида ўқийдиган муштдеккина қиаи битта капитансияни узатди-ю, давлатнинг бир неча сум маблағини ўзаштириб кетди. Суриштириб кўрсам, бу зумраша ўнинчидаги ўқийдиган ўспириналрга атаб шеър ёзиб туаркан. Ана сенга тараққиёт!

Почтадан чиқдиму тўғри магазинга кириб учта қалам, ўнта дафтар олдим. Ҳеч шеър ёзиб қўрганимисан, гражданин Абдукарим? Ёзиш-ку чепуха, энг қийини уни публикация қилиш. Газетачилардан таниш орттирмасанг, ўлсаям босишмайди, вассалом. Вот, асосий масала қаерда.

Район газетасига кечанинг ўзида тўртта газал олиб кирдим. Бирини ўпоқ, бирини сўпоқ қилишибди. Қани энди шунақада поччанг газетада ишласа-ю, ёзганларингни оланг орқали узатиб тураверсанг.

Бошиングни ортиқча кампасир қилмай, яхшиси газалларимдан биттасини сенга ўқиб бераколай. Аланг-ламай, буёққа қулоқ сол:

Қора қопинг бурнингда туташибди-ку, вой дод.
Причўсканг ўзингга ярашибди-ку, вой дод.

Осимондаги турнаваэр жойида таққа тўхтаб,
Сув тагидан бақалар қарашибди-ку, вой дод.

Сотти Сагатович Суниатовни адо қилма,
Бошқа ошиқлар бирлашибди-ку, вой дод.

Ўзи лўнда, мазмуни жудаям чуқур, тўғрими? Газетадаги буйракратга шуям ёқмади. Янглишмасам, кейинги пайтларда у мени вапще кўролмай боряпти. Чунки ўзи бундан ўтказиб ёзомайди-да.

Шунақа ноҳақлик қилишаверса, бир кунмас-бир куни ёзишни шартта тўхтатиб қўйишм мумкин. Хўш, унда нима бўлади? Газетачиларингга қолса-ку, битта шоирнинг камайгани фойда. Лекин одамлар-чи? Шўринг қургур оддий одамларга мендек газалхонни ким топиб беради? Вот, асосий масала қаерда.

Нега бунақа бетоқат бўляпсан? Газалнинг мағзини чақолмадинг шекилли, гражданин Абдукарим? Хижо лат тортмай қўяқол, сен-ку тракторчисан, бунақанги

маънодор ғазални ҳатто биринчи класс шофёрларингам дарровда тушунавермайди.

Ҳа, айтгандай, ўзинг ҳам шофёр бўл кетмасайдинг. Машинада кўп пахта териб, мукофотга «Жигули» олганмишсан? Маладес, эшишиб хурсанд бўлдим. Биз отда чопиб юриб шундақа ажойиб замонни қуриб қўйдик, сенлар даврни суравер энди.

Машинанг шу атрофдами ўзи? Оёгини қўриб қўйсак қалай бўларкин? Ӯир этиб пивохонага борамизу, бир-иккитадан крушкани бўппатиб, баҳонада машинаниям ювган бўламиз. Рулдаман десант, майли, сени улишингният ўзим оламан. Энг муҳими — пиво тугаб қолмаган бўлса бас. Вот, асосий масала қаерда.

ҚЎЧАДА

Ўв, гражданин! Граж... Фассольвоймисан? Мўйлов муборак. Эўрга танидим. Хиёл қори дастлаб соқол қўйганида, ити таниёлмай илгидан олганди.

Вапше, менам сени ёшингда мўйлов қўйганман. МТСга директор эдим ўшанда. Ҳалиям қора экинга сувчидирсан? Ничево, ука, ҳаммасидан муҳими — тани сиҳатлик. Вот, асосий масала қаерда.

Қўлингдаги сўмкадан хулоса чиқариш мумкинки, магазинга қараб кетяпсан. Танлаган йўлинг тўғри, кутубхонаю дўконларга тез-тез бориб, халқаро аҳвол билан ички савдони кузатиб туриш керак. Мен дунёни кўпроқ телевизёр орқали пайпаслаб бораман. Яқинда бир аперис... то ест, атейис бола чиқиб, баъзи таникли авлиёлар ҳам тўрттадан хотин олган, дейди. Значит, улар анча ошириб юборишган. Мана, биз ҳатто колхозга раис бўлиб, икки марта чимилдиққа киришга аўрга ҳаддимиз сифди. Учинчисига оғиз очганимизни била-миз, фирмалик билетимиз «пир-р» этганича марказга учди. Анча-мунча дон сепиб кўрдик, қайтиб келмади.

Ўшанда кимга киннам кирганини топ-чи. Ўтган илини буғдойингни қайси чумоли ўгираганини топсанг топасанки, бу ипнинг учига етолмайсан.

Бўйти, ўзим айтақолай: ҳозир тепангда бармоқ сараклатиб турган Зайтун Фирдавсовна у маҳалларда орқамдан пизиллаб юради. Илжайма. Бугунги аҳволимга қарайсан-да? Ошиқлигимдаги туришимни кўрсанг — хиром этикдек тарсиллайман. Гиламга оёқ

артиб, қопдан ҳамён осган даврларим. Зайтун опангни сўрасанг, маданият уйида биринчи нўмирили ўйинчи Айниқса «Танавор»га йўргалаганда, поездни релсидан чиқарвонарди.

Холадим¹га етдим деганимда, севгим хазон бўлди. Пеппанамга шу таннознинг портрети чизилмаган экан, ука.

Ўша фожиага атаб бир шеър қоралаганман. Мен ўқиб берай, сен қўлингга рўмолча олиб эшитиб тур.

Кулок сол, эй Зайтун отли санам-мў-ў, санам.
Кўпни Куйдирдинг, ёндим менам-мў-ў, менам.

Бу олемда ўзим лойик эдим-ку васлингга,
Заканўйдек менбоп эдинг сенам-мў-ў, сенам.

Сотти Сагатович Суннатовга знаден табаррук здинг,
Бизни айрдилар... Нои, знам-мў-ў, знам!

Маладес, гражданин Фассол, дийданг қаттиқ экан, йиғламадинг. Юрагинг гиппа ушлаб қолишидан қўрқиб турувдим. Чунки, буни хотинимга ўқиб берганимда, қориб турган ҳамирига боши санчилганича кимиirlамай қолувди.

Тақдир экан, Сотти аканг Мажнунликка ярамагандан кейин Зайтун опанг ҳам Лайлиликни йиғиштириб, депутат бўпкетди. Баттол раҳбарлар шундай нарсани ишлатиб қаритиши. Менга текканда, уйда бўрсиқдек бўлиб кашта тикиб ўтиради. Вот, асосий масала қаерда.

Сени нега тўхтатдим ўзи?

Ха, айтгандай, агар магазинга кетаётган бўлсанг, кичик бир хизмат бор. Қоғоз тугаб қолиб, эрталабдан буёи ўзимни қаерга осишни билмай юрибман. Ке энди, дардимни олгин, ука. Ортган майда пулингга тўрттагина дафтар опкелиб берсанг, шеърхонлар келгусида сенга завўтнинг мўрисидек ҳайкал қўйишади. Қўрқма, ҳақингни еб кетмайман. Биронта ғазалим босилса, гонорардан узилиш бўпкетармиз...

Нима дединг? Медпўнкта кетяпман? Нозикроқ жойингга чиққоп чиққандир-да? Ие, баданиккага эшакем тошган бўлса, медпўнкта бало борми? Кечаси оғилхонага кириб, этагингда эшакка ем берсанг, тошмала-

¹ Фарғонада ЗАГСни холадим (хохладим) ҳам дейишади.

ринг уч кунда қайтади. Мабодо эшак топилмаса, майли унда дўхтирга бор.

Междурочим, Хиёл қорига учрашсанг ҳам бўлади. Дами ниҳоятда ўткир — «куф» деса кални тузатади, «суф» деса СПИДни.

Хой, шошмай тургин...

Э, бор-е, билганингдан қолма-е! Аслида-ку сенга ўхшаганиларга нутқимни хор қилмаслигим керак. Лекин анқов гражданларни кўрганда, «Э, хўп!» деб қўйиш шоир халқининг бурчи. Вот, асосий масала қаерда.

РЎЗФОРДА

Шундоқ қилиб, хотингинам, паловниям урвондик. Байраминтта путур етмасин деб тузи пастигини айтиб ўтирамдим.

Қанақа байрам деганинг нимаси? Биласан-ку, ҳар пайшанба-богор уйимиизда шеър базами...

Қаёққа, хов? Ҳе, теада ранггинг ўчмай ўлгур! Кимиrlама деяпман! Нима, битта ўзимга керақми ижодим? Сен паразитлар маърифатли бўлгин деб, кечаси билан қиличнинг тиғида юриб чиқаман. Дорбоздан фарқим шуки, у оёқдан тойиши мумкин, мен тилдан. Ўтир яхшилика! Қани, эшитмай кўр-чи!

...Ҳа, гап мундоқ бўйти, гражданин хотин. Майли, хоҳласанг парқувга ёнбошла. Аммо пинакка кетсанг, хафа қиламан. Қапгир қозондаю, шоир муҳлислар орасида истарали. Вот, асосий масала қаерда.

Бурноқ куни нега қорним гижимланди, биласянми? Үшанда Бўстон чўлоқ бир арбузни «ёр-ёр» билан кўтариб кепқолди. Гуэарда бўғиазлаб едик. Кечаси азобини тортгандан кейин билдимки, пўчогидан уругигача гиртдори экан. Мана сенга электропикация плюс химизация!

Ана шундан тажангланиб, передавўй гражданий руҳда ўткир нарса ёадим. Чойни хўриллатмасдан, қулоқни динкайтири.

Магазинга келибди арбуза, э маладес.
Сотибди уни Назар кўн кўз, э маладес.

Битта арбуза олиб сўйсан, гиж-гиж селитра,
Кўрқмай едик қип-қизил туз, э маладес.

Сотти Сагатович Суннатовга иситма чиқди,
Келақол, дўмбоқ дўхтири қиз, я малядес.

Эснама! Эснама деяпман! Ҳа, эсизгина шеър. Сенларга «Сўнгги ахборот» ҳам ҳайф. Энди билдимки, тўртта хотин олганлар тўғри қилган экан. Охири биттаси эслироқ чиқади-да.

Ҳалиям кечмас, мени шунақа хўрлайверсанг, бошига китоб қўйиб ухлайдиганини ахтариб шартта уйдан жилвораман. Қичкина шу қишлоқда янги Амирийни етиштирган худо, водий бўйича бирорта Нодираниям яратгандир.

Воҳ, пешонам қурсин! Адабиётни-ку эчки карамни билганчалик биласан, ҳеч бўлмаганда девонимни оққа кўчиришни эпласанг экан. Ўзингга маълум, почерким анча белардоз. Адабиёт газетасига шеър юборсам, уёқдан хат келди: «Чизиб жўнатган расмингизга тушунмадик», деб. Бошқа газетадагилар бўлса: «Бизга атаган нарсаларингизни рус алфавитида ёзинг», дейишибди. Худди оламда ўзбек алфавитиям бордек гапиришади. Охири битта машқимни Буҳалчанинг неварасига диктўпка қилиб, «Ёш куч»га қаратиб ҳайдадим. Кўп ўтмай: «Шеърингизни олдик, лекин ёслар ҳақида бўлмагани учун қолдирилди», деган жавоб келди. Хатни ўқиб, суюниб кетдим — юборган нарсам шеър эканлигини ниҳоят тан олишибди. Шеърим борлиги исботландими, демак шоирман. Вот, асосий масала қаерда.

Мана талабларингга биноан деб, ўша жўрнолга мос газал битиб қўйдим. Бунисиниям яйраб эшишт.

Бир камсамўлкни севдим, сукланиб турсам турай,
Уйланиб, яхши ўйлга шу қизни бургам бурай.

Оҳ дедим, сўнг воҳ дедим, фортичкадан бир боқ дедим,
Мактабнинг деразаларига мўралаб юрсам юрай.

Ишқ ўёлида танаккал қил, Сотти Сагатович Суннатов,
Шартта этикни чўткалаеб камсамўлга кирсам кирай.

Ву, паразит! Ву, паразит! Хуррак отяпсан-ку! Тумов-пучқоқлигингни пеш қилма. Нима, оддий бурун тортишни хурракдан ажратолмай қолдимми? Ижодкорлар айн моментда любой нарсани пайқайди. Ҳе, бамаза чопончантдан ўргилдим!

Бизга жуда увол. Шоир зоти борки, шўрликни сенга ўхшаган зимишонлар гумдан қиласди — гоҳ юракни кемирасан, гоҳ асабни. Мен дастингдан ҳалок бўламан, сен ажали билан кетди деб дезинформация тарқатасан. Улимдан-ку қўрқмайман, аммо келиб-келиб сен пошишакка қурбои бўлганим алам қиласди. Ҳаром ўлганга яраша, Амирий ошатган ошдан тиқилиб ўлсанг. Вот, асосий масала қаерда.

РЕДАКЦИЯДА

Ҳа, бетгачопар, ҳалиям абадий ходим бўлиб ўтирибсанми? Номни жуда топиб қўйишган-да, мингта шоир газетангда шеърини чиқаролмай ўлиб кетади, сен юз йил шундай тураверасан.

Сенда инсоф борми ўзи? Душанба куни ташлаб кетган шеърларимни сепанбадаёқ конвертга тикиб уйимга жўнатибсан-а. Жигилдонни ўйласам, олдингга келиб ўтирмасдим, шеърхон гражданларга куйиндим. Чунки санъат — ҳалқники. Вот, асосий масала қаерда.

Мана, ёзган хатингни қара, хўроэқанд ўрапшга арзимайди. Яна «Ўртоқ» деб бошлабсан. Сендақаларга ўртоқ бўлиш ўёқда турсин, аталахудойигаям бирга бормайман.

Гапни чўзмайлик, менга чесний айт, давлатимизга дўстмисан, ё ички контурмисан? Қайта қуриш ҳақидаги шеъримни мажақлаш учун осмондан парашўтсия ташлабсан-ку. Буни бошқатдан бир эшишиб қўргин, актуваллик бундан ортиқ бўладими?

Нокулайдир тўуплонда молга ўхшаб четда туриш,
Тургунликка қарши бирдан эълон қилсан керак уруш.

Афсус, ҳалиям вёлларда ошкоралик етишмайди,
Мазмуни тўқ савол берсак, яхши эмас гапни буриш.

Бордир Сотти Сагатович Суннатовнинг бир орауси,
Унм бўлса, товугининг катагини қайта қуриш.

Шундай пролетарский наам турганда қандайдир Рангин Ғамгии деган боланинг таъзияга ўхшаган шеърини босиб юрибсан. Ўша шоиринг топган ваҳима шуки, бир содда дехқон бутефоснинг таъқиқланганидан суюниб, япондан келтирилган бошқа заҳарининг идиши-

ни ногора қилиб чалаётганмиш. Шу ҳайрон қоладиган гапми? Ҳаммага маълум-ку — нима, капиталистлар бизга заҳар жўнатмай, асал жўнатармиди?

Э, ўчир попирисингни, олдингда одам ўтирибди. Ўзинг пўстакдан сал каттароқ районнинг рўмолчадек газетасида ишлайсан, бурнинг намунча булутда? Агар областда ишлаб қолсанг, станг пропускасини кўрсатиб гаплашаркан да?

Ўчдими попирисинг? Энди ҳушиングни жамла, сенга ёқмаган манави ғазалнинг маганини ўзим чақиб берай.

Самалўтлар учиринди турганда тайёр лайлак, э-воҳ!
Бозорда картишка кам, подприлавкадир ҷойнак, э-воҳ!

Қоронулдан министргача халқ мулкини талаб ётэр.
Охири аспал кўчаларният ташиб кетишса керак, э-воҳ!

Яна зўр гапларни айтардим, ажойиб жувон ўтиб қолди.
Сотти Сагатович Суннатовга бериаг кўзайниак, э-воҳ!

Бир қарашда — кичкина асар, лекин қамровнинг кенглигини қара: бўлар-бўлмас ихтиrolар килаётган олимларга кесатиқ, сабзавотчиликнинг бугунги аҳволи, савдодаги найрангларни чўчитмай фош этиш, ҳукumat раҳбарларини ташмочиликдек катта хаф мавжудлигидан огоҳлантириш ва ниҳоят гражданча пок севги таронаси.

Шундай нарсани тушунмай, «бу шеърни ўз-ўзига танқид руҳида қайта кўриб чиқишингиз керак», дебсан. Лоақал «илтимос қиласман» десанг, тилингга чечак чиқармиди? Бўйинга галстук таққандан кейин юмшоқсўз бўлишгаям чидагин да. Мана, бизда галстук йўқ, хоҳласак айниб сўкинамиз, хоҳласак шапалоқ тортварамиз.

Ха, бўпти, ўша ўз-ўзини танқидингдан келиб чиқиб, баъзи шеърларда битта-яримта камчилик ҳам бор дейлик. Аммо айни қаҳратон арафасида пелетон-газалимни брак қилишга қандай қўлинг борди?

Қиши кепқолди, фермаларни тузатиш керак, анқовлар.
Том билан ром бор-йўклигини кузатиш керак, анқовлар.

«Ватандан сутни яманг, ўртоқ сигирлар!» дебон
Буақ ғеворни шиор билан беzaтиш керак, анқовлар.

Сотти Сагатович Суннатов дер: сарёғ кутар шаҳарлик,
Узинг ема, уларга узатиш керак, анқовлар.

Яна афтиңгни тириштирасан-а. Ҳов, нега биронтанг Сотти Сагатовични тушунолмайсан? Айбим ўзимга хослигимми? Диндан путур кетишига сабаб шуки — Исадан бошқалар Исо, Мұхаммаддан бошқалар Мұхаммад бўлолмади. Агар индамасдан юраверсам, сенлар ҳам охири адабиётни касодга учратасан. Вот, асосий масала қаерда.

ТҮЙДА

Саломимиза совға бўлсин мана шу тўйга,
Уҳшатинглар қариндошдан келган қўйга.

Икки дунёда камлик кўрмайин деганлар, бу шеърга гулдиратиб қарсак урсин.

Рахмат, гражданлар! Сизлардан илҳом олиб, шу маҳаллада шоирликка кўтарилидим, ҳаммага севимли бўлдим. Албатта бундан хурсандман. Янаям грандийўзний ютуқларга аришишим мумкин эди, «нў» дейиш керакки, редакциялардаги «бўм-бўм»лар адабиётга сизчалик ақли етмайди. Вот, асосий масала қаерда.

Вақтнинг пириллаб ўтишини қаранг. МТСга директорлигимда Тўхтавой тушмагур кетмонсонидан йўғонроқ ўспирин эди. Колхозга раислик қилган давримда уни отбоқарликка олиб, меҳнатда тарбияладим, бош табелчигимда иш ҳақини қонуний ёзив турдим. Натижада бола-чақали бўлди. Мана, дўпни бир айлангунча, бугун ўртанча ўғлига хотин олиб беряпти.

Тўхтагой бўр хиавич эди, хода бўлди,
Елига ва бўйига ўсиб, ота бўлди.

Фарзаидлари қўпайиб борди, қиёс қилсан —
Бир қўчкору бир совлиқдан пода бўлди.

Қишлоққа маданият келиб, тўйда шеър ўқиши
Сотти Сагатович Сунинатовга мода бўлди.

Бунисигаям қарсак чалган гражданлар муродига етсин.

Келинг, дўстлар, куёвбола билан келинчакни яхшилаб томоша қилайлик. Ана, иккаласиям баҳтиёр. Чунки ҳозир далада айни бригадирларнинг кетини каначаққан давр бўлишига қарамай, бу икки ёш тўй

баҳонасида кетмон чопиғидан қутулиб, камида уч кун чимилдиқда жон сақлаб ётади. Буям бўлса замоннинг бағри кенглигидан, ўртоқлар.

Бу ёшларга айниқса мен жуда ҳавас қиласман. Бинобарин, ўзим рўшнолик кўрмай ўсдим, одамга ўхшаб културнийроқ рўзгор қуролмадим. Икки марта севиш масдан уйланганимни кўпчилик яхши билади. Учинчи сига чин муҳаббат қўйганимда, қўйнимдан ёrimни, чўнтағимдан билетимни суғуриб кетишиди. Энди билсам, бу шахсан Сталин бошлаган ифво экан, ҳозир ҳамма газета уни уриб ётибди.

Қора чакмонда кельб, тинчимиюлди правакация,
Ишимниям, ишқимниям расво қилди правакация.

Фабрикалар бўза, чит ўринига гийбат тўқиб,
Растаю пештахталарга тўлди правакация.

Сотти Сагатович Суннатов ҳоизирча саломатдур,
Ҳоизирча сал гумдон бўлди правакация.

Қарсак чалган гражданлар ўлгунча омон бўлсин.

Э, раҳмат. Энди билдимки, ичиб ёзилган шеърни ичиб эшитган яхини. Ўзи назмни чапани хўроздарга чиқарган, саҳардан бомдодгача тирикчиликка тирмашганинг бети қурсин.

Мана, Аспан вторни олсак, сақичу кўзмунчоқдан бошқани танимай дунёдан ўтди. Оғир ётган вақтида рўмолчага тўртта беҳи тугиб кўргани кирсам, кўзи осмонда, қўли картмонда. Аҳвол сўраганим сайин картмонни маҳкамроқ чанглайди денг. Зора гап қовушса деб шеърхонликка ўтдим. Ўша газални эшитинг.

Гўр жудаим совуқдир, кафандар юпқадир,
Гўёки қишида кийилган ёғи юбқадир.

Тупроқка кўмилиб ётасан ўзинг қалтираб,
Мункару Накир келар кўзлари ялтираб.

Оёғингдан дўзах томон судрашгани дам,
Сотти Сагатович Суннатовдан кутмагин ёрдам.

Шўрлик Аспан аттор картмонга илҳақ бўлиб, шундай касалбоп шеърни охиригача эшитолмай кетди...

Бас, болалар, бироринг ўлгани айтилганда қарсак чалинмайди. Бу — бир. Иккинчидан, тўйнинг

кечқурунги қисмига аралашиб юришларинг унчалик шарт эмас. Агар мени деб келган бўлсанглар, майли, болаларга ёғанимдан битта ўқиб берай, кейин яхшиликча тарқалинглар.

Кезбек тогининг чўққисида
Арчалар бор, арчалар.
Кенг ва озода боғчамида
Дарчалар бор, дарчалар.

«Ура!» деб қичқирган боланинг иштончаси кўпаяверсин.

Баракала, азаматлар! Илойим, мана шу куёв билан келингаям сиздақа чугурчуқлардан бир галаси насиб қилсин. Ҳаммаси сог-саломат улғайиб, бири МТСга директор, бошқаси раис ёки бош табелчи бўлиб етишин. Балки биронтасидан хатто шоир чиқар. Аммо муҳими бу эмас. Пажалуй, ишнинг катта-кичиги йўқ. Ишқилиб, ҳар ким касбини мендек севсин, мендек уддаласин. Вот, асосий масала қаерда.

АХЛАТХОНАДА

Салом бердик, қадрли гадой тўралар. «Район ахлатхонасига хуш келибсиз!» демоқчи эмасман. мақсадим — яхшиликча келишиб олиш, кўп эмас, қунига бир ярим сўм атрофидаги расходларимни кўтариб туришларингга тўғри келади. Вот, асосий масала қаерда.

Ҳа, пиёнистаман! Бир маҳаллар МТСга директор бўлган одам шу аҳволга тушиб қолдим. Аммо минг афсуски, гадойчилик қилиш ҳозирги касбимга тўғри келмайди — шоирман.

У томонга, бу томонга каранг-каранг,
Янги йилнинг соатлари даранг-даранг.

Ёш-яланглар бағгиларни чўчишишиб,
Осмонга мушак отишар варанг-варанг.

Сотти Сагатович Суннатовга улфат топинг.
Стаканни уриштирсан жаранг-жаранг.

Буни Янги йил куни шахсан ўзим ёзганман. Ҳойнаҳой Миразакандни танирсизлар? Ана ўша безделник бунга тувоҳ.

Мени тўғри тунунинглар, гадой тўралар! Ҳар қандай даромаддан солиқ олинади, сизлар ҳам умумдавлат қонунидан чиқиб кетманглар дейман. Нима? Соликни участкавойга чўзиб турибмиз, дейсизми? Нў-ў? Бу солиқ эмас, жаноблар, бу — чистый пора. Бу қонунпарварлик эмас, қонунбузарлик. Участкавойга орқа қилиб, мендан қутулмоқчи бўлганлар қаттиқ адашади — қўлимда қаламим бор, ҳаммангиэни беспошадний фош қиласман! Билмасам экан, сизлар на урушда инвалид бўлгансиз, на меҳнатда. Бирингиз мастилика поезд билан тўқнашиб, оёқдан ажрагансиз; иккинчингиз киссавурлика оломонтепкига қолиб, букир бўлгансиз; бошқангиз пивохонада қаншарга шиша еб, кўздан ажрагансиз. Категорический огохлантириб қўйай, мен ёзган пельтонни редактордан қайтариб олишга бир ярим сўм пора ниҳоятда камлик қиласди. Вот, асосий масала қаерда! Фаросатни ишлатиш керак, гадой тўралар!

Аё дўстлар, тополмадим серфаросат одамни,
Токи менга қуллуқ қиласа кўрганда шляпами.

Мендан кулар эркак-хотиг мадаяиятни қилишиб хор,
Ваҳоланки китељ кийдим, бўйнимда галстук бор.

Безор бўлиб маҳалладан олиб кетсан агарда бош.
Сотти Сагатович Суннатовни зслаб йигла, эй қаламқош.

Бунисиниям шахсан ўзим тўқиганман, жаноблар. Текин эшишишга уялмайсизларми, шу шеърнинг ўзи бир ярим сўмга араимайдими? Қолаверса, бештасизлар, бир ярим сўм ҳар биттангизга бор-йўги ўттиз тийиндан тушади. Шуям пулми, гадой жаноблар! Так что, пастлик қилиб ўтиранглар.

Агар кейинги съездни матбуотдан кузатган бўлсангиз, юртимиздаги ҳар қайси граждан бошқаларга ғамхўр, ҳамма билан ахил, муҳтоҷларга кўмакдош бўлиши зарурлиги уқдирилди. Бизга ўхшаган эски кавалерисларни қадрлаш кераклиги алоҳида таъкид ланди.

Эй ветеран, нега бунча қовогинг солингандир?
Балки инсоний ҳуқукинг тўсатдан тортиб олингандир?

Папоқ кийиб қон кечдинг, ҳамма оғирликларга чидаб,
Алам қилас, ўша ботир нега бугун ялингандир?

Съездда яяраган қарсаклар ҳукумат шаънига эрмас,
Сотти Сагатович Суннатовнинг сабрига қойил ҷалингандир!

Аҳвол шунаقا, гадой тўралар! Боин оғриб, яна элликта отгим келяпти. Бундан чиқдикки, тирикман. Бесфардонний дўхтирлар бўлса, эндиям ичсанг окончательний ўласан, деб бундан беш йил олдин мени қўрқитишга уринишган. Йўқ, биз ўлмаймиз, наоборот биз ҳали кўпнинг бошига етишимиз мумкин. Яна биронта Берия топилса бас! Вот, асосий масала қаерда!

1980—1988

МИРЗАҚАНД НАЙНОВНИНГ ҲАСРАТЛАРИ

ГЎЛАХЛИКДА

Хотинга ёлчимадим, ошна. Биласан, устимга шолча ёпинсам бекасамдек ярашадиган суксурпўрма. Йигитлардан эдим. Пандавоқилигимни қараки, келиб-келиб ана шу пучданакка илашибман. У билан ўнта кўрпа йиртиб, биттаям бола кўрмадим. Ҳеч бўймаса, қиз-пиз туғиб бергандаям, сен гарибларга атаб каттакон бир ош дамлардимки, уни товоққа боссак, устидан ит сакраб ўтолмасди.

Буниси етмаганидек, у падари қусурнинг жаҳли ўттиз қопу, нози қирқ лаган дегин. Ўтган пайшанбада итфеъллиги охири бошига етиб, эрим деса оғзи тўладиган мендек шоввоздан айрилиб қолди. Энди дардини дуторга айтиб ўтиргандир.

Ҳамма галва Эсон-эчкининг тўйидан бошланди. Арақ-винони шампаннинг устидан аралаш тортиб, пивани газак қилган эканман, бир пайт товонимдан иситма бошланиб, бошимдан ҳовур кўтарилиди. Гандираклаб бориб, каллани биринчи учраган пақирга суқибман. Үнга ортиб қолган қовурманинг сувини агдаришган экан, бурнимга ёғ тиқилиб мўйловим қулоққа ёпишиб қолди. Пақирдан бошни суғирганимни биламан, атрофдаги болалар додлаганларича тўрт тарафга тирқираб кетишиди. Шунда селсаветнинг котиби ёнимга келиб, «маҳаллий ҳукумат номидан буюраман, тўйдан дарров

корангни ўчир», деди. Тўйда хукумат нима қилади, деб унинг ёқасидан олган эдим, бир-иккита бўйни йўгон ҳай-ҳайлаб орага суқилди. Бўлмаса, ўттиз икки тишини рўмолчасига тушиб берардим.

Ўйга азонталаш етиб борибман. Раюотга суюнволиб хотинни бўралаб чақираман дегин, қани энди у хумпарвачча товуш берса. Шайтоним қўзиб, оёқдаги керзавой билан дарвозани футбол қилвордим. Агар гўрни шунақа тепаласанг, минг йиллик ўлиқ мозорни ташлаб қочади.

Хотиним шангиллаганича келиб дарвозани очди-ю, афти-ангормини кўриб, ўсма чапланган қоши велосипеднинг рулига ўхшаб қолди. Товушимдан таниб ўзига келгандан кейин ачитиб бир гап айтган эди, мен сасишиб сўкишга тушдим. Шунда у аламига чидомлмай, етти пуштимни безовта қиласидиган шилтароқ бир қочириқ қистирди. Ана энди аккаш енг шимарайин-у, сен томонаш қил. Обжувознинг шоли янчишини кўрганмисан?

Ўша тўпалондаёқ хотинни тўққиз талоқ қилиб, шартта уйдан чиқиб кетдим. Шу-шу яримхаластўман. Баҳтимизга ота-бувамииздан қолган чойхоналар бор экан, номардга муҳтоҷ бўлмай, буқадек лорсиллаб юрибмиз.

Қани, менга айт-чи, боплиғингдан юқорироқдаги хўжайнинларга ҳам буйруқ берворадиган каттаконинг бир кунда неча маҳал палои ейди? Пичогим гаровдаки, ўшанинг ҳам кунига икки маҳалдан опиролмайди. Чойхонада қайнаган қозон борки, ундан бир коса чўтал оламиз. Менга ўхшаган экстракласс кочегарлар магазинда «ёлка»лигу, бозорда таламон.

Яшаш деган мана бунақа бўпти, опина. Сенам юрибсан-да хотинга калиш ахтариб. Ҳў, кўзингни оч, галварс, беши кунлик дунёда ойликка ишлаб нима қиласан? Сен нотавонгаям районда биронта чойхона топилиб қолар. Қўйворсанг-чи, ўша бедаво хотинни.

ХАЙ, САНИМИ, СИЧҚОН!

Илонпадар хотин билан орани очиқ қилганимдан кейин Мўсақўзининг чойхонасида кочегарликка ўрнашволиб, туппа-тузук яшаб юрувдим. Санстанция деган ножинс идоранинг инспектури ишнинг белига

тепди. Дурустроқ ювипмагансан, деб мени бехос ишдан уриб ташлади-я.

Таъбимга тўғри келадиган бир-иккита жойдан иш суриштириб кўрдим. Сабзавот базасига борсам, ошқовоқ омборининг қоровуллиги бор, дейишди. Унақа жойда ишлаш итимга ор, мушугимга номус.

Охири, райисполкомдаги бир танишининг олдига бориб аҳволни тушунтирудим. Танишинт ким, дейсанми? Ўртоқ Хожиматов деган одам бор райисполкомда... Ие, уни биласанми ҳали? Гапинг тўғри, ҳозирча қоровуллик қилияпти.

Хуллас, бориб аҳволни тушунтирудим. У пиёладаги чойни хўриллатиб ўтириб, райондаги ҳар хил идораларга бирма-бир телефон қилишга тушди. Мен десанг унга қараб «олифтачилигингдан ўргилдим, гапингни икки пулга оладиган аҳмоқ ҳам бормикан», деб ичимдан тугиниб ўтирибман. Бир пайт у труккани «шақ» этказиб жойига қўйди-ю, «қўл остилиздагилардан биттаси сени ишга оладиган бўлди», деб қолди.

— Эски ўабек ҳаммомнинг бир бўлагида сичқонларга қарши курашадиган идора очилган, — деди у, — тўғри ўша жойга бориб, бошлиғига учрашасан.

Ҳаммомга бориб, сичқон ўлдирадиганларнинг бошлигини суриштирудим. Тепасига «хотинлар учун» деб ёзиб қўйилган эшикни кўрсатишиди. Оёғим тортиб-тортмай ичкарига кирсам, башанг кийинган истарасиз одам тамакини бурқситганича телевизор кўриб ўтирибди. Салом берган эдим, у худди ўртамиэда божачилик бордек менга ўқрайиб туриб: «Мирзақандмисан?» деб сўради. «Ҳа Мирақандман», дедим. «Сен ариза ёз, мен қўл қўяман», деб қоғоз-қалам узатди.

Отамизнинг дуосини олган экамиз, мана, бир юмаланиб масъул ходим бўлиб қолдик. Бунақа илжайма, давлатнинг ишига аралашган одам борки, ҳаммаси масъул. Қиладиган ишим — у идорага бориб полнинг тешигидан дори юмалатаман, бу колхозга бориб омбордаги кандикларни маргумушга тўлдираман, ишқилиб, қўлимдаги қоғозга печать уриб беришса бўлди.

Бундан ташқари, баъзан райондаги газета ёки радио орқали ташвиқот юргизиб, одамларни сичқонларга қарши қайраб турамиз. Тунов кун «Халқ мулкини текин еб ётган кемиравчиларга ёппа қирон келтирайлик!» детан шиор ёзиб, марказий қўчага илиб қўйган эдик, хўжайнилар уни дарров олдириб ташлашибди.

Уни қўй-буни қўй, қайси омборда нечта кандик борлигини ҳисоб-китоб қиласидиган ревизорнинг йўқлигига суюнамаи. Тўққизта тешикка дори уриб, қозозга тўқсонта деб ёзганингдаям сен ҳақсан. Ҳар куни биринки пақир маргумушни ортириб қоламаи. Иккита хонадонга кириб, тўртта кавакка дори юмалатиб қўйсам, энг пасткаши қўлимга бештакиликни тутқазади.

Ўйингда сичқон-пичқон йўқми, ишқилиб? Ҳай-хай-ҳай, капгирадаи бошқасини гажиб бўлишиди дегин? Тилингга куйдирги чиққанми, хумбоп, щуни менга олдинроқ айтсанг ўлармидинг? Агар ҳамёнингда шамол ўйнамаётган бўлса, магазиндан дарров битта «Зубровка» опчиқ-чи. Кейин сичқонларни менга қўйиб берасан.

ИСТЕЪФО

Ахвол сўраб нима қиласан? Қўриб турибсан-ку аҳволни. Икки хафтадан бери аранани қуруқقا чоптириб юрибман. Сичқон ўлдириш обрўйимга тўғри келмаслигини тушуниб, ўзим истеъфо бердим.

Гапимга ишонмаясан, шекилли? Сабаби бўлмаса. тентак теракдан тушмайди, демоқчисан-да? Ростини айтсам, бир нарсадан ғалва чиқиб қолди-ю, шуни баҳона қилиб, шартта ишни йиғиштиридим.

Билсанг керак, пиллахонанинг орқасидаги қунгирадор уйда гўринг гуллагур Парни партизанинг беваси туради. Садди хоним дейишади уни. Ӯғли пламироқ хотинга илашиб, шаҳарда қоп кетган.

Сичқонларга қарши қурашадиган идорага ишга кирганимдан бир-икки ҳафта кейин ана ўша бева мени туйқус кўчада тўсиб, ичкарига имлади. Уёқ-буёқса қараб қўйиб, орқасидан ҳовлига кирдим. Дардини суриштирсам, бечоранинг ертёласини сичқонлар чайқонбозор қилворишибди, дегин. Аямай, беш-ўн сўмлик маргумушни уриб ташладим.

Шу-шу, бир оёғим ўша хонадондан узилмай қолди. Мен маргумуш уришини қўймайман, у ўғриваччаларинг жовон гажишдан тийилмайди. Қандингни ур, деб қўяман сичқонларга қараб. Садди хонимдан бели синмаган чөрвонларни шилиб турганингдан кейин иш тошилганига шукур қиласан-да.

Шунаقا экан, ўша хоним битта мушук боқса асакаси кетадими, дейишинг мумкин. Ишонмасанг ишиб ўларсан, беванинг ҳафсаласи келса қўчкорни оладиган мушуги бор. Лекин, бўйнига лентир тасма бойлаб, кумуш ликончадан сут ичадиган ўша бароқ, сичқон тутиш у ёқда турсин, сен билан менга ўхшаганларни оёғида кўрсатади.

Бир куни ишдан келаётсан, Садди хонимнинг равоти ёнида дўхтир-мошина турибди. Хавотир олиб ичкарига кирдим. Кирсан, хонзодадан тараган ҳалиги мушук каравотда сулайиб ётибди. Анави оқтепалик дўхтиринг матомда-ю, Садди хоним хун-бийрон. Кипригимга тупук ёнишириб, уларга секин биқин солдим.

— Мушук маргумушдан ўлган сичқонни еб заҳарланибди, — деди дўхтир.

Садди хоним менга ёвқараш қилган пайтда гапнинг пайнави лойқаланишидан қўрқиб, ростакамига йиглаб юбордим.

Дўхтир кетганидан кейин, кайф устида муллачасига чўкка уриб, мушукка кинна ёйишга тушдим. Мен киннани тутатдиму, бароқваччам асфаласопилинга жўнади. Ўзинг ўйлаб кўргин-а, ўлик мушукка пуржинали каравотда ётишни ким қўйибди? У ҳаромининг думидан ушлаб туриб, деразадан паррак қилдим. Шунда Садди хоним «мургумушдан ўлдирганинг етмай, шўрликни энди ахлатга иргитасанми», деб акангни бўғизлагудек бўлди.

Мен шилдирбош десант бевага таскин бермоқчи бўпману, «ёлғиз қолдим деб куюнмасинлар, Садди бону, мана, бизам сўққабошмиз», деб юборибман. Ана энди сурнайбозликни кўр. «Сен саёқвачча нимага шама қиляисан», деб нақ башарамга сачрайди дегин. Хайриятки, билагидан ушлаганим йўқ. Бунақалар бир-пасда бўйнингга истатия илиб ташлайди.

Эртаси ишга борсам, хўжайнинг турқи туман. Садди хоним унга қўнгироқ қилиб, эринмай астар-аврамни ағдарибди. Изаатнинг борида аризани ёзиб, тўнни елкага ташладим. Энди ўт ўчирадиганларга ишга кирсамми, деб юрибман. Ухлаганингга қараб мояна тўлашади азаматлар.

Айтгандай, ўзинг қалайсан? Чўлга кетган камсамўл ўғлингдан мўмайроқ пул келгаңдирки, бурунни бир қарич кўтарибсан. Бунаقا нарсани ювмаган номард. Манани тангага бир сўлкавой қўшсанг, «Норт-

вейн»нинг онаси ўпмаганидан беришади. Сурлик қилмай борақол энди. Ўзим кирай десам, магазинчидан уч літр қарзим бор.

РЎЗГОРНИ ҚЎМСАШ

Э, бормисан, ошна? Паққос гузарга чиқмай қўйдинг-ку. Билсам-бильмасам, ё уйда ичишга ўргангансан, ё чапаки даромадинг касод.

«Хосилот»га тобинг қалай? Олифталикни қўйиб тур, важоҳатингдан сезяпманки, юз әлликта босгинг бор. Ма, ич! Текинники тешиб чиқармиди? Ёнбошлишвониб, бир дардимизни дўумбира қизайлик энди.

...Ишдан гапирмасанг-чи. Бош омон бўлса, иш тошиш дўппи алмаштиришга ўшаган бир нарса. Америкамидики, иш деб ўн йил очередда ётсанг.

Ҳамма гап дидингга тўғри келадиган ишни топишида. Тунов куни десанг бир ишни кўндаланг қилишди. Молбозорнинг ёнидаги омборни биларсан? Ўшанга юқ-пук ташиб турадиган одам керак бўп қопти. Эшитибоқ, тарвузим қўлтиғимдан тушди, бунақа ишлар учун, ана, эшак деган алоҳида маҳлук яратиб қўйилибди.

Кечанинг ўзида бирданига иккита иш рўпари келди. Аввалиги Убай қассоб йўлимни тўсиб, «менга ўринбосар бўлмайсанми», деб қолди. Унамадим. Биласан, у хумпарвачча ўзиям ичмайди, бироргаям қўймайди. Кейин Тўхта новвой учраб, «менга кўмир-пўмир ташиб турсанг-чи», дейди. Уига мўр-малаҳ бўлгандан кўра, эшакаравада хуштак чуриллатиб, болачоғлардан шиша тўплаганим дурустмасми?

Айтгандай, биронта арана топсанг-чи, валаки саланг. Мана, хўтиқ биздан, даромад — арра. Мадиёрмазанг ана шу шишаларнинг орқасидан от сўйиб тўй қилди-я.

АЗбаройи ишлаганингга яраша кундалик носпулиниг чиқиб турса... Лаббай? Масалан, сичқон ўлдириб юрган пайтларимда кафтим қичишмай туриб, қўлимга пул қистиришарди. Шунақа жойда беш-ўн йил босиб ишласанг, пул билан одамнинг оғзини ёрадиган бўласан.

Белим энди қўшбелбоғ қўрганда. Садди хониминг пайтавамга қурт тушириб ўтирибди-ку. Ожиза халқи ёппасига инсофез бўлишини билардиму, бунақаиги жодугар етти ухлаб, тушимга кирмаганди.

Мундоқ ўйлаб қаралса, қайтам ўзимизнинг маржалар кирчимол экан. Қўйворган хотиним десанг калтаклаган сарим семирарди. Тилидан кетмаса, ўшандай нарсани талоқ қиласмидим. Мўйловга оқ оралаганди, мўрчада якташ ювиш менга ҳавас бўптими?

Хў, хумнарвачча, шунча оғзингни пойладимки, хотининг билан яраштириб қўяй ҳам демайсан. Кўнгил учун бир ўртага тушсанг, қисилиб ўлармидинг? «Ҳосилот» ни майдаласам, лиққа-лиққа ютишга устасан-у, жонимга куйганингни кўрмадим. Ҳе, ўша сендақанги прахадной оипнадан ўргилиб қўйдим.

МУҲОКАМАДА — ШЎРВА МАСАЛАСИ

Ҳай-ҳай, соқолни қирдириб, ит ялаган мистовоқдек ярқираб кетибсан-ку. Бўйнингни бўйинтуруқдек қилиб, ҳалиям хотиндан носга пул сўраб юргандирсан? Қани, мундоқ биқинга келиб, эшигнларингни кўрганга ўхшатиб лофла-чи.

Мунча кўзинг гилдирайди? Елкага парпаша бекасам ташлаб, оёққа ағдарма кийганимдан хафсирама. Ўгирлаган бўлсам, нон урсин. Телбанинг ишини худо ўнглабди деганлар. Бизникиям шунаقا бўлди.

Ўзинг биласан, бир томондан қиш, бир томондан ётоқнинг тайини йўқ — қўлни қўйинда иситиб, бурунни булдуруққа тоблаб юрувдик. Бир куни болалардан колхозга бешул кино келганини эшитиб, қулупга қараб бораётсам, идоранинг олдида раис рўпара кеп қолди. Ахволимни сурштириб, товуқхонага пойлоқчилик қилмайсанми, деб сўради. Майли, дедим. Раис тоганг гапи ерда қолмаганидан хурсанд бўп кетиб, «кечқурун бизникиига кир, сарупони сал эпақага келтирайлик», деди. Мана, ясан-тусанни кўриб турибсан.

Хуллас, товуқхонадаман. Мен қоровул, Зайнаб кампир товуқбоқар, Саттор бужур иккаламиага бошлиқ.

Кўп жойда ишладим-у, бундақанги хира хўжайинни биринчи учратишм. Ўзимиз бор-йўги уч кишимиз. Шунга қарамай, кунора мажлис чақиради.

Душанба куни йигилиш қилиб, товуқхонада «Хурмат тахтаси» ташкил этсак, деб қолди. Қиз маъқулладик. Саттор бужур десанг ўша куниёқ деворга сарлавҳадор тахта қоқиб, унга ўзининг портрейтини каражаклаб қўйди. Ҳўш, деган савол тугилади — ҳамма

ишин у киши қиптилару. Зайнаб кампир иккаламиз тўйимизга рўмолча тўқибмиз-да?

Кечак яна мажлис бўлди. Зайнаб кампир тумов бўлиб, ишга келмагани учун пастда битта ўзим ўтирудим. «Ўртоқлар!» деб гап бошлидни Саттор бужур. Сўппайганимча унинг кўзига тикилдим. «Бугунги йигилишда ортиқча штатларни қисқартириш масаласини кўрамиз», деди у. Буни эшитиб, пўканимга пўкиллоқ кирди. Биламанки, Зайнаб кампирни ишдан олишмайди, куёви колхозда омборчи. Ўзи инсоф билан ишдан кетган бошликини ҳали ҳеч ким кўрмаган. «Уйинг куйиди-ку, Мирзақанд!» деб қўйдим ўзимча. Кейин билсан, хайрият, гап бошқа ёқда экан.

— Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, беш юзта товуғимизга бени юз элликта хўрз тўғри келяпти, — деб гапнинг пайнавини очди Саттор бужур. — Дош-дуналарни истроф қилмаслик учун хўроzlарнинг штатини аямай қисқартириш керак деган таклифим бор.

Мен алмак-жалмак чапак урганча: «Орамизда текинхўрларга ўрин йўқ!» деб бақирдим.

Ўзинг айтгин-а, шу арзимаган нарса учун мажлис чақириб, одами ишдан қолдирни яхшими? Гапни айлантириб ўтиrmай, бекорчиликда шўрва-пўрва ичib турайлик деб қўяверса, бизда жигилдон йўқмидики, дамини қайирсан.

Мана, бугунам битта бабоқни оёғини осмондан қилиб қозонга чўнтиридик. Шунақаям эзилиб нишибди жонивор, суюгини итга бергани қизғанасан.

Қўлинг бўшаганда шўрвахўрликка бориб турсангчи, хумпарвачча. Сенга айтиб қўяйин, Саттор бужур сурункасига оқидан ичади. Тағин пастлигинг қўзиб, вино қўлтиқлаб бормагин, хўжайиннинг олдида мени ҳижолатга қўясан-а. Ҳозирги одамлар кимлигингни ул-фатларингга қараб баҳолайдиган бўп кетишган.

ТЎРТ СЎМЛИК ТУЗОҚ

Ие, тирикмисан, ошна? Тез-тез гузарга чиқиб турсанг, молия солиқ солармиди сенга?

Кечак «Чашма»ни майдалаб ўтириб сени ўйловдим — ҳозир ёнимда бўлса, виномдан отволиб, етти пуштимни авлиёга йўярди деб. Ризқинг қўшилмаган экан, ўзим поклаб қўйдим.

Ҳалиям тонтиғлигинг қолмабди-я. Аввал саломатликни сўрасанг-чи. Дуч келди дегунча, участкавойга ўхшаб ишни суриштирасан-а.

Сенга айтувдим шекилли, уч киши тўпланволиб колхознинг товуқхонасини гуллатиб юрувдик — мен пойлоқчи, Зайнаб кампир товуқбоқар. Саттор бужур иккаламиэга бошлиқ...

Қараки, худойим шу амалниям кўп кўрди менга. Бозор қуни товуқхонада битта ўзим қолиб, хўжаҳордиқ қилиб ётсам, бир сўтак тухум сўраб кеп қолди. Тухум аммангнинг катагида бўлади, демоқчи бўлувдимки, у туллаквачча бир сўмликка учтакиликни мингаштириб, секин қўлимга қистирди. Ҳимматингдан аканг, дедиму, халтасини тухумга тўлатиб бердим. Пайти келса, пақирлаб пуллаганима, шундаям колхознинг пойдевори шўрламаган.

Тухумхўрлар десанг бири яримтага узатади, бошқаси кўпроққа. Бозор кўрганлари бизни овора қилиб ўтиrmай, ўша нарсани бир йўла ўзлари опкелишиб, ишни силлиққина битириб кетишади.

Ҳай, энди аввалги гапга қайтайлик. Ҳалиги қилиғи совуқ қўлимдан тухумни олиб, «охири тузоққа илиндинг-ку, харомхўр», деса бўладими. «Хўш, ўзинг кимсан, зоти паст, десам, «халқ кантрўлига қарашлиман», дейди. Кўрдимки иш пачава. «Тухумни қаердан ўғирладинг, хунаса, деб шартта ёқасини гижимладим. Шунда у «муттаҳамликни йигиштири, гувоҳ тепада турибди», деди. Бу хумпарвачча пәрвардигорга шама қиляпти-ёв, деб мундоқ юқорига қарасам, дарвоза ёнидаги қайрагочнинг устида бир чалатугма ҳўрпайиб ўтирибди. Қўлидаги дурбинли асбоб билан акангни шақирашукур расмга оляпти.

Эртаси қуни Саттор бужур мажлис чақириб, ишимни олатасир мухокама қилди. «Мирақанд ишдан кетсин дегучилар менга қўшилсин», деб шартта қўл кўтарди. Зайнаб кампир бетараф турди, мен қарши чиқдим. Учаламиж жанжаллашиб кетдик. Охири Саттор бужурнинг қулоқ тубига қаратиб тортишга тўғри кеп қолди. Уям мени бир-икки юмдалаган бўлди.

Ўзинг ўйлаб кўр-чи, хўжайнининг қашқасини чиқариб қўйиб, яна қанақасига у билан бирга ишлайсан? Бари бир йўқ нарсадан баҳона топиб, учирма қилворади. Бир жуфт жўжахўрозни қўйнимга урдиму, ишдан кетвордим.

Яратганга шукр, эсон-омон баҳорга чиқволдик. Бундан бу ёғиги битта тўнинг бўлса — ариқнинг бўйи мусофирихона, толнинг таги карвонсарой.

Ўзинг дурустмисан? Кўзинг тўнглаб қолганидан билсак бўладики, бошинг огриб турибди. Физ этиб Нишон буқоқникига кириб чиқмайсанми, ошна? Эшишимча, куёви тоғдан қимиз опкелганмиш. Тўгри кириб бориб, Каримбердининг тўйида Мирзақанд сенга ўзининг олдидаги винодан қуйиб узатган экан, ўшанинг ҳақига пича қимиз бераркансан, дегин. Бермаса, ўзини бу ёққа бошлаб чиқ. Қорнидан нақ ўша винони сугириб оламан-а.

ХОТАМТОЙЛИК

Кўзингга игнаучук чиққанми дейман, куппа-кундузи мендай ошнангни кўрмай ўтиб кетяпсан? Ё картмонингга пул тушиб, босар-тусарингни билмай қолдингми?

Яна бир-икки ҳафтадан кейин Мирзақандга салом берадиган бўпқоласан ҳамманг. Тўлан гўрков қариб, ишга ярамай қолганмиш. Маҳалла шу лавозимга мени кўтарадиганга ўхшаб турибди. Ишга ўрнашволсам, манаман деганинг ҳам бир кунмас бир кун мутайганингча қўлимдан ўтасан. Кимга кенг гўр керак бўлса, пажалиска, ҳозирдан кўнглимни овласин.

Анави Сотти сатанг мени кўрса, бурнини жийириб ўтади дегин. Биқинига битта қозикмихлаш қилсанг, ўн кун шопирма атала ичиб ётадиган ҳоли бор. Шапка-сига қувонади-да. Ана ўшаларинг қазоси етиб, қўлимга тушиб қолса, охирати куйди деявер. Оёғи андаккина қиблага мойилон қилинса, қиёматгача жаҳаннамдан чиқмайди.

Расамати билан гапирганда, бу одамларинг гўрков у ёқда турсин, худоданам қўрқмайдиган бўппетишди. Бизга ўхшаганларга хайр-садага қиптуриш ўрнига, ўзимизни шилишантси. Ҳатто, қарзини тўламайди-я, бу хумпарваччалар.

Масалан, Жамил тунгонини олайлик. Бир ойдан бери қарзини узмай мени хуноб қилади. Ҳар куни турумини тепалайман, у падари қусур уйида йўқ-да.

Бир куни у билан шаҳардан бирга келувдик. Мoshинкирага майдам йўқ, деб акангни қирқ тийинга

туширди. Умрида бутун пулни кўрганмикан узи? Ўглимдан бервраман деганича, ўша-ўша қорасини кўрсатмайди. Нима, пул заводим бормидики, учраган тунгонига патта олиб бераверсан.

Хозирам ўшаникidan келяпман. Уйига етгунча ўйлаб бордим — қирқ тийиннинг бир қисмини пивога харжлаб, бир қисмига қурут шимииман. деб. Дарвозани муштласам, тўққизинчি калишни судраб яна хотини чиқди. Ўзинг биласан, хотин зотидан пул сўрашдан кўра кўпакдан суюк тилаган яхши. Мўйловни шалвариб, секин орқага қайтдим.

Биз-ку хотамтойлик қилиб ҳаммага қара бериб юрибмиа. Хўш, бизга ким одамгарчилик қипти?

Кечада гузарга чиқсан, Шоди билан Мўсо битта обдастаниони танаворга ўйнатишяпти. Ассалому алайкум, биродарлар, десам, ўзларини карликка солишиди. Сўрашмай ўтсан ҳафа бўлишмасин деб, уларга қараб юрдим. Бурилганимни кўриб, Шоди нокас шишанинг тагидагини шартта пиёлага ағдарди-ю, бир кўтаришда илонютди қилди. Ҳали сенлардан ахвол сўрамоқчи бўлдимми, деб иккаласпиям ўсал қилганимча изимга қайтвордини. Қалай, тузлабманни?

Ие, намунча томонинг гижирлайди? Ёғланмаган замбаргалтакка ўхшайсан-а. Давосини айтайми? Саримсоқни қўй ётига қовуриб туриб, оқидан икки пиёла тортволсанг, тозалангандан мўридай бўлқоласан.

Уйингда думба ёғи бордир? Ундаи бўлса, зиқналик қилмай тезда магазинга кириб чиқ. Саримсоқ, майли биядан бўлсин. Энг олдин саломатликни ўйлагин, ошна.

ЯРАШИШ ОИШИ

Енимда ҳемириям йўқ дегин? Хотинга зарбинг бўлмагандан кейин, ахвол шу-да. У қаргадан тараганлар тез-тез талқонтуйди қиптурилса, азбаройи калтакдан қутилиш учун эрга пиво пули бериб. гузарга қувадиган бўлишади. Йўли бор-да, ошна.

Турмуш қуриб эркакликнинг даврини мана биз сурдик. Бурнимизга пашша қўнса хотинга буюрадик, ҳайда буни, деб.

Сен-ку бир чуваринди нарсасан. Арманиска конъякни тилла тишнинг орасидан сузадиган тўраваччаларинггам + пайти келса хўжайкасига ўсма сиқишиади.

Хачирга арава тиркаб керосинфурушлик қилган давримда бир бошлигимиз бўларди. Савлатига қарсанг, йўталиши етмиш сўм туради дейсан. Шуям хонзодасини кўрди дегунча сурнайга ўйнаган илондек эшилишга тушарди. Давлат одамгарчилик қилиб тагингга лўккавой бериб қўйғандан кейин, ёги етган жойгача қочмайсанми бунақа хотиндан, деб куюнардим ўзимча.

Ҳамма айни аркакка ағдарамизу, мундоқ қаралса, ҳозирги йигитларгаям қийин бўи кетди. Бу мактаб кўрган қизларинг астарликка яраса ўлай агар.

Тунов кун автобусда бир қашқарбалдоқ таққанинг ёнига ўтириб қолдим. Қулоғидаги ўша тилла ҳисобга олинмаса, ўзини чалпакка ўраб берсанг ит емайди. Шуям районга етгунча эрининг тўрига гишт ташиди. «Бу золимнинг дастидан адо бўлдим — ўзим кир ювиб, ўзим нон ёпаман», дейди. Буларга қўйиб берсанг, бир кунмас бир кун... Қулоғингни яқинроқ тутсанг-чи... Ҳа, деявер, шунақаям қилишади, хех-хех-хе..

Мана, бизнинг бошлиқни олайлик. Ўзи хотин кишию, ўнта эркакни тўқим солмай минади.

Қаерда ишлайсан, дейсанми? Айтганим йўқмиди сенга? Эшитгандирсан, районда қизларни ҳамшира қилиб чиқарадиган мактабхона очилган. Ана ўша жойга бобон бўл қолдим. Ҳайит паранг раҳматлининг тўнгич қизи — директоримиз. Бир пайтлар отаси билан қошиқ олишганман. Шуниям юз қилмай, кеча акангни кўпчиликнинг ичидагимламага босди.

Гулларга сув қуйиб юриб, оч қоринга битта «юмалоқ»ни уриб қўйибман. Оёқдан олди, хумпарвачча. Кирпидек гужанак бўлиб, ажриққа юмалаб қолдим. Бофнинг этагидан бир ҳужра беришган менга. Шунга қараб эмаклашгаям ҳафсалам келмади.

Бир пайт, йигитлар кўрса: «Отаси қанча сўраркин?» деб қоладиган иккита ҳамшира замбил кўтарганича мен тарафга келаверди. Қарасам, замбилда сигирдай бир қиза ёнбошлаб боряпти. Ізу қанақа ўйин, товуқчалар, деб сўраган эдим, лат еганларни касалхонага ташишини ўрганаяпмиз, дейишди. Ҳоли хароблар бу ёқда қолиб, замбилни бекорчизар банд қипти-ку, дедим. Ҳуллас, бир қучоқдан гул узволарсизлар, деб уларни ҳужрагача кира қилдим.

Ҳужрада битта уйқуни уриб, бошни сал эпақага келтириб турувдимки, директор чақирияпти деб қолишди. Борсам, «мактабнинг гули нега талон-тарож бўлар-

кан», деб пўписани пахса бўйи қилди. Битта «ҳайфсан» билан зўрга қутилиб чиқдим.

Машойихларнинг гапи тўгри, хотин зотидан яхшилик чиқмайди. Ўзимникини вақтида талоқ қўйиб, бир донишмандлик қилганман да.

Айтгандай, эрталаб Мадал бангига учраб «кампиринг билан гаплашсам, кўнгли борга ўхшайди, битта ярашиш оши қилгину. Ҳафиз қорини опкелиб никоҳлаб қўйяйин», деб қолди. Авраб-авраб, охири йўлга солдида мени. Қўрамиз, ярашса ярапди, нозини оширса унга патхалимчилик қиласидиган гўсхўр йўқ...

Э, таъба, ўзи-ку мени деб ўлиб юрибди, яна шарт қўйганига куяйми. Ярашадиган бўлса, аввал ичишни ташласин деганмиш.

...Шу десанг, ошина, бошим бўш истаконга ўхшаб қолди — бир ёқда хотин, бир ёқда шиша, бири биридан чиройли. Нима дейсан, унисини ўпсамми, бунисини?

1978

АСПАН АТТОРНИНГ АРИЗАЛАРИ ҚОП КИЙГАН ЎҚУВЧИ ЁКИ БИРИНЧИ АРИЗА

Девонаи Машраб номига қўйилган средновоён мактаб тириктурига собиқ қашшоғ Аспан-барабандан

АРИЙЗАНОМА

Ит эгасини, мушук божасини танимайдургон, ожизалар наган отиб, эркаклар бола йўргаклай бошлаган ур-тўпалон замонлар эди. Бўғоз эшак юрса қорни шилинадургон торгина кўчамиздан икки гала отлиқ қийчув билан бир-бирини тирақайлатиб ўтар, Раҳим қоровулнинг кароматига қараганда, улардан бирори шўро-чилар, бошқаси контурлар бўлиши керак эди. Томлардаги болакайларга қўшилволиб отлиқларни ҳай-ҳайлаб тургучи Саттор жинни эса «ваҳ-ваҳ, иккаласиям ўзимизнилар», деб чапак уради.

Бир куни Идрис қори сўфиликдан урилиб, маҳалладаги мачит янгича мактабга айланганини айтишгач,

ахийри Шўронинг қўли баланд келганини фаҳмладик. Ҳаш-паш деунча ҳаммаёқни кашшоф босиб кетди. Раҳматли дадам маниям мактабга судраб бориб, ғилай одамга рўпара қилди. Муаллим шу киши эканлар. У бир кўзида булатга, бир кўзида манга қараб туриб, устимда иштондан бўлак ҳеч вақо йўқлигидан анчайин ичикиб кетди. Ана ундан кейин, ҳукумат вакилининг ҳузурига ёш авлодни шу кепатада етаклаб келасанми, деб дадамта кўп даваралар қилди. Лотинча ёки ўрисча аралаштирган бўлса керак, ўшанда унинг баъзи гаплари тушунмадим.

Дадам жаҳл билан мани яна уйга судради. Тафсилотни эшитгач, жойинг жанинатда бўлгур волидамиз сабзидан бўшаган линча қопнинг таги ва икки четидан тўйинукчалар очиб, дарҳол ичига киришимни буюрди. Этаги ер супуриши, енги йўқлигини ҳисобга олмаганда, янги кўйлак жуссамга қолипдек ёпинишб, бағоят очилиб кетдим.

Ўқингла-ку йиги-сиги билан кириб олдим, аммо кашшофликка ўтишим анчайин мушкул кўчди. Қоравой қўрбоши деганинг қулоқ қилинган акаси қўйворган бир хотин тогамнинг келининг хола бўларкан. Нелиб-келиб, шу нарса таржимаи ҳолимга қоракуя туширди. Лоақал ўша келинпошшанинг нусхасини кўриб, биронта попукли рўмолчасига бурун артган бўлсайдим, бунчалик алам қилмасди.

Бир тасодиф боис, хайриятки, ишларим юришиб кетди. Биринчи Мой байрами куни кашшофлар сафга тиазилиб, байроқ қўттарганича маҳаллани айланиб чиқадурган бўлишди. Домламизнинг мўлжалига кўра кашшофлардан биттаси саф бошида барабан уриб бориши керак эди. Қарангки, шу ишни эплайдургон бола топилмади.

Мани тогам номдор карнайчи. Кўпинча тўй-тўйчиқларда унга эш-қўш бўлиб ногора чалиб юрадим. Ҳунарим шу тобда аскотди-ю, барабани шартта бўйнимга илиб «қайроқи»га ура кетдим: трратрак, трака-трак... Мундоғ қарасам, домламизнинг оғзи қулогида. Завқим келиб, оғангни «қашқарча»га бурвордим. Қани энди манга пул қистирадургон мард топилса.

Хуллас, шу жойнинг ўзида оқланиб, шу жойнинг ўзида кашшофликка қабул қилиндим. Ўша-ўша мани ҳамма Аспан-барабан деб чақирадурғон бўлди...

Ҳайтовур, гапни чўзмай, мақсадга ўта қолайин: равотнинг шундоққина ёнига битта ҳужрача қуришии кўпдан ният қилиб қўйган бўлсак ҳам, пойдеворга босадургон ашёмиа йўқлигидан хижолат чекиб, бу ишга қўл урмай юрган эдик. Сиз раҳбар бўлган мактабга ўнта гурзавойда куйдирилган гишт келтирилганини кеча ўз кўзим билан кўриб, багоят хурсанд бўлдим. Агар малол келмаса, қишлоқдан чиққан дастлабки ўтюрак қашлофлардан эканимни ҳисобга олиб, ўша ғиптлардан мингтагинасини совға тараида ҳовлимга ташитиб қўйсангиз. Бахонада ҳашарчи пиянерлар билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, илм эгаллашдаги катта тажрибаларим ҳақида уларга эринмай сўзлаб берган бўлардим.

Сиздан ёрдам кутиб: собиқ қашлоф
Аспан-барабан.

24 март.

ДАСТЛАБКИ ШАПКАЛИЛАР ЕКИ ИККИНЧИ АРИЗА

*«Қизил кетмон» калхўзининг камсамўллари
ва ўспиринлари котиби Жумавој укамизга
собиқ ёш актип Аспан-шапкадан*

АРИЙЗАНОМА

Тўлан-ташвиқотнинг гапига қараганда, калхўзимиз бублатекасида камсамўллар музегини очиб, дастлабки ёш актиплар иши тўғрасидаги сурату ҳужжатларни ойнадор жавончаларга териб ташлаган эмишсан. Айниқса, қишлоғимизнинг биринчи камсамўли Урайимзакўннинг каттакон портрейти хонанинг тўрисига илиб қўйилганини эшлитиб, багоят хурсанд бўлдим. Чунки гўринг обод бўлгур ўша азамат манга жонажон қўшни, товоқдош улфат эди. Қишлоқда биринчи бўлиб у, иккинчи бўлиб ман шапка кийганман.

Ўшанда оёқда чориқ, устимда ямоқ тўн, бошда ола шапка билан кўрқмасдан уйга кириб бордим. Дадам ахволимни кўриб, чайнаб қўйган ояқатини ютолмасдан сўррайиб қолди. Волидамиа қўлига оташкурак олиб, аккашни гузаргача қувиб чиқди. Шундан сўнг аламзада Идрис коригаям зермак топилиб қолди, афтимни

кўрди дегунча, муллалигини паққос унугтиб, чананича-
сига айниб сўка бошларди.

Шу зайл неча кун уйдан қувгин бўлиб юрдим,
шаънимга кўп надоматлар орттиридим, лекин културной
револутсея йўлида барига чидадим. Ўша йилларда Ура-
йим-закўндан кам жабр тортган бўлсам, мани қасам
уриб, соқолим тула бушин.

Ман бу гапим билан суратимни Урайим-закўннинг
портретига эш-қўшлаб осиб қўй демоқчи эмасман.
Локигин ўзингдан келиб, шундоқ қилган тақдирингда-
ям сандан бир мири кетмайди.

Воҳ! Чунонам оғир даврлар эди! Биз ёш актиплар
камсамўлларга эргашиб далама-дала кезиб юрадик,
кетмончиларга газет ўқиб берардик, уларни калхўэга
киришга ишқардик. Калтак еган пайтларимиз кўп
бўлган. Кечқурунлари ҳаммамиз ячейкага тўпланиб,
аввалига «Яша, Шўро»ни хиргойи қилардик, кейин
шахматни билганилар дона суришарди, қолганлар пул
тиқмасдан, тўғрамон ёки мева қоқига ошиқ отардик.

Бойваччалар кўпинча бизни йўлда пойлаб туришар-
ди, улар билан охирги тишимиз қолгунича ғажишардик.
Оқбилаклар ўзи йўлига, таассуфки китоб кўрмаган
батракваччалар ҳам улар тарафда туриб бизга мушт
отганда жиг-бийронимиша чиқарди. «Суф санларга, кал-
лаварамлар, — деб қичқирадик уларга, — контурлар-
га сотилганинг учун эртага ячейкага онкелиб шунаған-
ги боплайликки, токи оналарингни очиққа чиқарадур-
гон бўлинглар».

Ман пакана бўлсам ҳам жуда хунук уришардим.
Бир куни Ёдгорбой деганинг кепжа ўғлига такапўрма
қилиб калла қўйган эканман, кўзи тепага битиб, оғзи-
дан оқ кўпик келди. Шунда Урайим-закўн елкамга
уриб: «Қойилман Аспашчик, сани бемалал камсамўлга
қабул қилиш мумкин», деб юборди.

Ҳа, мани албатта камсамўлга олишарди, иш яхши
томонга юриб турган вақтда ман гўсхўр қандайдир
чайқовчига ўзим билматан ҳолда ёрдам бериб қўйиб
обрўйимни ошқовоқ қилдим. Лодон эканман, ўшанда
хуশёр иш кўриб, камсамўлга текис ўрнашиб олганим-
да, хозир бозорма-бозор бўғриқиб юрмай, камида
«Ўзбекбирлашув»нинг биронта идорачасини тебратиб
турган бўлардим...

Антабияграпияни тўхтатиб, асл муддаога ўтайин.
Шу десанг, Жумавой ука, равотинг ёнига битта ҳуж-

рача қуришга киришиб, пойдеворига минг дона куйдирилган гишт босиб қўйдим. Камхаржу ёлғизқўл бўлганим учун қурилиш шу жойга келганда таққа тўхтаб қолди. Агар малол келмаса, қишлоқдан чиққан дастлабки актиплардан эканимни ҳисобга олиб, камсамўлча шанбалик йўли билан манга беш мингтагина гувалак ётқизиб берсанглар. Баҳонада ҳашарчи камсамўлларга марҳум Урайим-закўн ҳақидаги хотираларимдан гапириб, уларнинг кўзини мошдек очиб қўйган бўлардим.

Сандан ёрдам кутиб: собиқ ёш актип

Аспан-шапка.

15 афrel.

ШУВИТЮЗ УЛФАТ ЕКИ УЧИНЧИ АРИЗА

Мағалламизининг обрўли оқсоқоли Сулаймон полвонга шу мағалланинг собиқ чойхоначиси Аспан-самовардан

АРИЙЗАНОМА

Гузардаги чойхона эсингдами? Беданаларни осмачироқса тоблаб, тонг оттирадирдик. Жанг кўрган «полвонча»ларнинг тўрқовогига садаф қадатиб, сувдонига дўдана осиб қўярдик.

Хай-ҳай-ҳай! Бедана уриштиришда санга тенг келадургон жирракини учратмаганман, ютсанг — ютганинг, иш чаппа кетаётганини пайқасанг, қилдан қийиқ топиб тўпалон чиқараардинг. Ертегирмондаги катта олатасирда бир номард кўзингга бигиз санчиб, истарангга путур етказганидан ҳали-ҳали ачиниб юрамаи. Хотининг ҳам ўшандан кейин сандан кўнгилсиза бўлиб кетиб қолувди. Бунинг устига манам учинчи хотинимни талоқ қўйиб, прастўй-халастўн юрадим. Чойхона бизга ҳам рўзгор, ҳам хотин бўй қолувди. Э, садағаси кетай, деб қўяман баъзида, ўша кунларам бир давр экан — кунда беданавозлик, кунда ошхўрлик...

Хай дариғ, кейинчалик ўртамизга ола ит оралади. Эркакчасига айтадургон бўлсам, ошначиликнинг бузилишига кўпроқ ўзим айборман. Сан ғаригга вафо қилмаган ўша юэсия хотинга уйланиб нима қиласардим

мен аҳмоқ? Ўзинг биласан, бу дардисар, ҳам аввал-гиларидаш беш баттар чиқди. Ҳалиям аҳвол шу — тиши тўкилсаям, тили тийилмайди. Тўрқовоққа сопқўйсанг, манаман деган «тезотар» ингни қочиради, хумпар. Шундан зап қутулиб кетгансан-да, ошна.

Омадинг бор экан, кам бўлмадинг. Фарғона канолини кавлашда қаёқданам назарга тушиб, кўп ўтмай, калхўзга бургадур бўпкетдинг. Пilonинг тўлавурди, сан семиравурдинг — ошхўрликда ёпилмаган қовургалинг бургадурликда ёпилди. Номингни газеталарда кўриб қолсан бағоят қувонардим, бир йўла суратингният қўшиб ёпиштиришмаганидан афсусланаардим. Кейин ўйлаб кўриб, суратга тушишдан ўзинг ийманган бўлсанг керак деб тахмин қилдим. Тўғри-да, бир кўзинг ожизлигини эл-юртга ошкор қилиб жинни бўпсанми?

Одамларга аралашиб маъқул иш қилган акансан, калхўз битта сигир етаклатиб сани пенсиёга узатди. Мана, охири тўйида беш пуд гуруч дамланадургон каттакон бир маҳаллага оқсоқол бўлиб ўтирибсан. Тутун чиққан жой борки, санга атаб алоҳида тугун тугиб қўйилади. Хайрият дейиш керак, маҳалладагилар инсофли, устингдан ёзадургон одам йўқ...

Эски қайсаrlигинг қўзиб, «хўш, мақсадинг нима ўзи», деб сўраб қолишинг мумкин. Мақсадимни эпди айтаман.

Шу десанг, равотнинг ёнига меҳмону мусофиirlарнинг ҳожатини чиқарадургон бир ҳужра куришни кўпдан ният қилиб юардим. Илло вақти-соати келиб, шу иншоотнинг пойdevорига минг дона куйдирилган гишт бостириб, беш мингта гувалак юмалаттириб қўйдим. Ёлизқўллик қурсин, буёғига анчайин қийналаб қолдим.

Дўстим Сулаймонжон, агар малол келмаса, уаунховуз атрофида беҳуда савлат тўкиб турган мираз-тераклардан бир нечтасини худо йўлига кестириб берсанг. Бу — биринчиси. Иккипчи ўриндаги илтимосим шуки, уста Абдуқаҳорни савоб ишга сафарбар этиб, ҳужранинг ёғоч-чўшини тиклатгач, эски қадрдонлик хурмати девор ҳашарига ўзинг бош-қош бўлмасанг, маҳаллада мани юз қилиб ҳовлимга қадам босадургон банда йўқ. Ҳаҳонада бу анжумандан фойдаланиб, ҳашарга келгаш ёш-ялангларга сан забардастнинг

калхӯа тузишдаги майда-чуйда хизматларингни бўяб-бўрттириб гапириб берган бўлардим.

Сандан ёрдам кутиб: собиқ жонажон улфатинг Аспан-самовар.

19 мой.

ШОВВОЗ ИЗВОШЧИ ЁКИ ТЎРТИНЧИ АРИЗА

Қишлоқ ижроқумининг раисаси ўртоқ Поччаваға шу маҳкаманинг собиқ ҳодими Аспан-извошдин

АРИЙЗАНОМА

Мугуаинг қайилгур Адовлип Гитлер қизил Масковга лашкар тортмасдан бурун ҳозир сан бошқариб турган ана шу маҳкамада салкам уч йил извош минганиман. Буни сан билмайсан, раҳматли отанг биларди буни. У киши ўша пайтларда идорамиз яқинидаги мисгарлик дўконида тирикчилик қиласарди. Гоҳида унга извошимни юәдириб, мўймай чойчақа берардим, шунда у «санга мандан қайтмаса, болаларимдан қайтсин», деб дуо қиласарди. Фаришталар омин детан экан, мана энди санга ишим тушди.

У вақтларда извош миниш ҳозир шопирлик қилишдан ўн чандон оғир, юз чандон масъулиятли эди. Энди ҳамма йўллар асфал, мошинага ёғни қуйиб, исқўрисини тўғри урсанг, айтган жойингга ғувиллатиб элтиб қўяди. Ман извош миниб итнинг кунини кўрмадим, мундогроқ бўлдим. Байталлар қари, ем-ҳашак танқис. Бунинг устига, Махрамбойваччадаш тортиб олингандан кейин яна ўттиз ташкилотнинг дарвозасини кўрган манжалаләзи извош кунда бир ишқал чиқариб туради дегин. Отбоқарам, извошчиям, слейсариям ўзим.

Бир куни десанг, қизим, райондан трактўрларнинг катта хўжайини кепқолди. Мошинасидан тушди-ю, келинаянгга бор, деб шопирини изига қайтарди. Бошида тўнгиатери шапка, қўлтигида лўлаболишдек папка, белида наганбоп тасма, оёғида кавалериска хиром. Раисимиз тиззалағудек аҳволда бориб қўш қўлини узатган эди, у бурун жийирганича кўрсаткич бармогини чўади. Бошқалар-ку, атрофда эмаклаб юришибди.

Ана шундай мартабали одам ҳам ман рўлавої бўлган извошга чиқиб ўтириди. Ёнида раисимиз. Улардан буйруқ олиб, байталлар бошини «Байнамина» калхўэига бурдим. Ўша даврдаги йўллар яёв юрганинг ям ичак-чавогини аралаштирадургон аҳволда эди. Қирчиндаги туяўркач йўлдан лўки-лўк бораётганимизда извош хунасанинг орқа гилдираги чиқиб кетса бўладими. Ана томонча-ю, мана томонча. Аввал меҳмон ағдарилиди, кейин хўжайиним. Ҳайриятки, раисимиз ўша куни ичмаган экан, хушёрлик қилиб, вақтида бошлиқнинг тагига кириб олди.

Қарасам иш чатоқ. Бошимни суннчиққа уриб қонатдиму, чала-ўлик одамдай миқ этмай ётавердим. Раис ўрнидан туриб, бурнидан лой қокди. Катта хўжайин гандираклаганича келиб, ерда ётган гилдиракни тепди, «ҳе болонингга фалоним», деб сасиб қўйди. Бир кўзимни қия очиб барини кўриб турган бўлсам ҳам, ўша сулайганича миқ этмадим. Шунақа қилмасам бўлмасди, замон нозик эди. Бошлиқлар истаса, янгироқ дўппи кийганинг қулоқ деб сургун қилоришарди...

У даврдаги гапларни гапиравурсанг, жабру жафо-нинг поёни йўқ. Ҳартугур мақсадга ўтайлик, қизим. Қариганда бошпанага зориқиб, равотнинг шундоққина ёнита тўққиз тўсинли бир ҳужрача қурган эдим. Пой-деворига минг дона куйдирилган гишт босиб, синчига тўрт арава ёғоч, деворларига беш мингта гувалак харжладим. Ёлгизқўллик қурсин, томни ёпишга келганда ҳамёним бужмайиб қолди. Агар малол келмаса, оғир замонларда ижроқўм юмушларига камарбаста турганимни ҳисобга олиб, томимни истандартнўй тунука билан ёпиб берсанг. Баҳонада том ёладургон усталарга ҳукуматимизнинг меҳнаткашларга қилаётган одамгарчиликлари ҳақида гапириб, уларни сиёсий томондан анчайин пухталаб қўйган бўлардим.

Сандан ёрдам кутиб: ижролқўмнинг собиқ
ходими Аспан-изавош.
28 иййун.

ҚИЗИЛҮРДАДА ЯРАЛАНГАН АСКАР ЕКИ БЕШИНЧИ АРИЗА

*Район өяянкаматининг каттакони патпалкүм-
ник Назарипга сабиқ прантовой саллот Аспан-
ярадордан*

АРИЙЗАНОМА

Издравия жилаю, таварриш камандир! Мани танимасалар таниб қўйсиллар — сабиқ прантовой саллот, ҳозир маҳаллада ўзига яраша обрў ортирган бир граждон ўзларига хат жўннатиб турибди.

Ман десангиз уруш бошланган дастлабки кунлардаёқ ижроқўмдаги ишимдан тезда бўшаб олиб, қачон армияга чақиришаркин деб жоним ҳалак кутиб юрдим. Ҳар куни пўштачининг ёқасини гижимлайманки, манга повуска борми, деб. Ахийри қаторга қўшишмаганидан, қаттиқ ўпкалаб, саёҳат қиласам бўғилиб ўладурган даражага етдим. Кейин билсан, уйдан чиқибман-у, орқамдан повуска келиб ман гўсхўрни доғда қолдирибди.

Саёҳат — ўза йўлига. Очдан ўлмаслик учун йўл-йўлакай мардикорчилик қилишгаям тўғри келди. Шу тариқа йиллар ўтганини билмай қолибман. Бир куни мани Марғилонда тутиб олишиб, сан дизертурсан дейишса бўладими? Ким дизертур, деб улардан баланд сапчиган бўлдим. Сан қўлимга антамат бер-чи, ман ўша пашистни нима қиласкинман, дедим. Қани кўрамиз-да, дейишиб аккашни урушга жўннатишиди.

Вагўнда кетяпману бирорвонинг қовунпоясига капатиккан душмонни ўйлаб зардам қайнайди денг. Отангдан колган ўрмонингда қўзиқоринингни йигиб юравермайсанми, зоти паст, деб куюнаман. Тўғри-да, тили бошқа юртда пошшо бўлганинѓаям, бари бир силқин-дилигингча қолаверасан.

Ман аламзада қачон пронтга бориб бўмбабоз самолёт минаркинман деб вагўннинг томида бетоқат борярганимда хачирдан тараган паравўзимиз Қизилўрда-да тақقا тўхтаганича туриб қолди. Бир темирйўлчи мастревойдан: «Што такўй, вей?» деб сўрадим. Мастрой илжайиб қўйиб, «твой уже апаздал», деб ўтиб кетди.

Қарангки, красиўй армия биз кетаётганимиздан бе-

хабар яна қаттиқ урушга кириб, Гирмоннинг пойтахтини қўққисдан олиб қўйибди. Душмонга осмондан бўмба ташлаш ман шўрликка насиб бўлмади.

Иккинчи томондан, саллотларимиз урушда ютганидан суюндим. Қопчиқдаги ёнгоқларимни вокзалдаги мусоғирларга араёнроқ тарқатворақолай деб вагуннинг томидан сакраганимни биламан, шошилишда истрелканинг устига тушиб, оёқни тарашаёриш қилдим. Ҳушимга келиб қарасам, атрофим тўла дўхтири.

Хулласи қалом, Адовлип Гитлернинг аҳмоқлиги туфайли соппа-сог оёғим уч жойидан дарз кетиб, иккинчи грубий инвалит бўлиб қолдим. Аммо бекор ётгим келмай, мана неча йилдирки, бозор учарларга жамоатчилик асосида аралашиб, совет меҳнаткашларининг ҳожатини чиқариб юрибман...

Майли, муддаога ўттайлик. Ман нотавон равотнинг шундоққина ёнига тўққиз тўсинли хужра солиб, томига истандартнўй тунука бөсган эдим. Ҳужранинг олд томони очиқ, атрофида дераза йўқлиги туфайли баанини гаражга ўхшаб қолди. Агар малол келмаса, ҳукуматнинг бус-бутунлиги йўлида чап оёғимни пачоқлаганимни ҳисобга олиб, ман ватанипарварга битта «Запарожиз» деган лўқкавой мосинани раҳматнома қилиб беришингизни сўрайман. Бахонада ана шу мосина билан бошқа районлардаги бозорларгаям етиб бориб, давлатимиzinинг пронтавойларта кўрсатаётган каттағамхўрликлари тўғрисида даллолу харидорларга гапириб берган бўлардим.

Сиздан ёрдам кутиб: собиқ пронтавой саллот
Аспаи-ярадор.
4 авгуc.

РАЙСОБЕСГА ПЎПИСА ЁКИ ОЛТИНЧИ АРИЗА

Райслабининг бошлиги Алайдин Салайдининг-га ҳукумат учун катта ҳизматлар қиپқўйган Аспан-ветерондан

АРИЙЗАНОМА

Ман ким — қишлоқда биринчи кашшоф, биринчи камсамўл бўлиб юриб, кейинчалик «Қизил чойхона»га мудирлик қилиб, ундан сўгин қишлоқ ижроқўмига

масъул ишга ўтиб, охири Гирмон уришидан фахрий чўлоқ бўлиб қайтган юртшарвар инсондурман.

Замон ўэгариб, домлалар қўлига гаврон олмайдургон бўлгандан кейин ҳам талай батракваччалар мактабга боришдан безиллаб юраверди, Шўрога зеҳни ўткир, китоб кўрган кадрлар зарурлигини қишлоқда биринчи бўлиб ман тушундим. Кўйлагим йўқлигини баҳона қилиб ўтирамай, этнимга ўз ихтиёрим билан қоп кийиб ўқишга қатнай бошладим, кашпоф бўлдим. Ана ундан сўгин бошқа болалар мандан ўрнак олишди.

Ман камсамўл бўлган пайтларимдаям давр бежо эди, иштонбогингни попуги қизгишроқ бўлса, сани болшибекка чиқарип уйинигга ўт қўядургонлар топиларди. Кўйнидаги иосқовоқни юрак дегучилар ўаича ёўдайиб юраверсин, тапни мандан эшит, ука: мана санларга културной ревалутся дедим-у қишлоқда биринчи бўлиб шашка кийдим. Энди бошга тушган кўргилардан сўрасанг, онам оқ қилмадиу мундоғроқ бўлди, Идрис қори каминапгни пималар деб сўкканини очиқ ёзадургон бўлсан, уятдан қозоз қизаради.

«Қизил чойхона»га мудирлик қилган вақтимда давлатга янада кўп фойдам тегди. Орқамиздан ола боқиб, пинҳон жағ силаб юрган контурлар ҳалиям топилиб туришига қарамай, ман Маркс бобойнинг журнолдан қирқилган суратини чойхонанинг тўрисига илиб қўйишдан қўрқмадим. Бундан ташқари ҳар хил газеталарни хонтахталарга ёйиб, ташланқот ишларини олдирдим.

Кейинчалик мани қишлоқ ижроқўмига масъул ишга ўтказиши. Ироқўм раиси иккаламиз извошга чиқиб олиб, кечани кечаш, кундузни кундуз демай калхўзма-калхўз изғиб юрадик. Пахтани ўтга бостирган ялқовлар билан ўша жойнинг ўзида ёқалашиб қолардик. Чунончи, бундайларга хайфсан бериш учун мажлис чақириб ўтиришга вақтимиз йўқ эди.

Тобора обрўйим ортиб бораётган бир найтда Гирмон пашистларининг лашкари каршай-сурнай билан устимизга ёпирилиб келаётганини эшитиб, уларни бағоят ёмон кўриб қолдим. Белни қирқ жойдан тугиб, ишимдан шартта жавоб олдим. Э пашист, санки ўзинг ёмонликни бошлабсан, энди мандан хафа бўлма, деб дабраволиска бўлиб урушга кетдим. Оёғим синсаням юрагим бутун қолиб, енгилмасдан қайтдим.

Сан нимани қўрибсан, ука? Омадинг бор экан, яхши

замонда тугилиб, баҳмал кўрпада қатта бўлдинг. Мактабдаям, институтдаям сани текин ўқитиб, тагингга пуржинали курси бериб қўйган экан, давлатимизга раҳмат дегин. Ана шундай одамшинаванда давлатни куришга жонини тикканлардан биттаси ман бўламан...

Муддаога ўтадургон бўлсак, кўриб турганингдек эл-юрга кўп Фидойилликлар қиласиган рустамзодаларданман. Йўқса, мани а бепилиска гараж қуришиб, бунинг устига гойибдан «Запарожиз» машинасини бериб қўйишмасди. Сан ана шуларни ҳисобга олиб, манга бериладургон пенсиёни ошириш чорасини кўр. Ҳозирча область аҳамиятига молик деб расмийлаштиранг ҳам майли, республиканиккни кейинроқ гаплашамиз.

Сандан ўн кун ичида жавоб олмасам, устингдан тепароққа ёзишга тўгри келади. Пухта ўйлаб ол, ука-

Сандан жавоб кутиб: ҳукумат учун
катта хизматлар қип қўйган Аспан-ветерон.

30 девкабур.
1977—1979.

МУНДАРИЖА

ДАРДИНГНИ СТАДИОНДА АЙТ

Маданий зўравонлик	6
Минг сўмлик пўстак	9
ХХ аср талончилиги	12
Дардингни стадионда айт	15
Нишон буқоқ ва ритмик гимнастика	17
Ошқовоқсиз сатира	19
Ресторанда танишганлар	21
Шумқадам	22
Қайдасан, милиция?	24
Тутуифуруш	25
Унинг кувончи — менинг севинчим	27
Ола-була шарф	28
Шумисини ташласаммикай?	31
Қийгираккинг шамоли	31
Совиган кўнгил	33
Тўнни тескари кийиш	34
Касофати темиртак	36
Шубҳа	40
Импортний йигит	41
Зиёдботирдан бошқаси топилади	43
Менга тил ўргатмоқчи бўлишгани	43
Қишлоқи	46
Ерликлар	47
Даволаниш	49
Шомурод ҳасиб фурушининг футболга боргани	49
Байрам интервьюси	52
ТошвойТАГ	55
Одамгарчилик	57
Пўписанинг оғирлиги қанча	58
Чашмадром	60
Чакалакаоз афсонаси	61
Пойтакдагилар	63
Ушанинг эримикай?	64
Уста Гулматпинг жумбоги	65
Меросхўр	68
Қувиш	71
Мақоласиз сарлавҳа	72
Еш адабиётшуносигиг Мирақаид найнов билан сұхбати	74
Эҳ, латънати омбор	76
Кўргазмали ташвиқот	78
Тўғон Танаевнинг қошиқбози	78
Ашур билан Мадиёр	81
Кемага тушганинг жони бир	85
Ҳалокатдан асрорчилар	85
Сўлим хиёбонда	88
«Ҳемма Малина»	89
Бақаларнинг ияти буаук	95
Робинзон Круэз ким?	96
Хизматчиликда, хизматчилик	98

Эх, шўрлик эркаклар!	99
Антика ариалар	100
•Шоввоз спортчи»лар ҳётидан	102
Аёллар ва хаёллар	104
АДАБИЙ ШЕРКАТ	
Кооператив шеър	106
Кооператив шеърхонанинг кирим-чиқим дафтаридан	112
Бу оламда ҳамма қизиқчи	
Олтиариқ ҳангомалари	122
КАНДИНГНИ УР, МИРЗАҚАНД!	
Сотти сатанг ҳётидан	169
Мирақанд найновнинг ҳасратлари	182
Ассан Атторнинг аризалари	194

**Адабий-бадний нашр
Литературно-художественное издание**

На узбекском языке

Анвар Абиджан

ЗЕМЛЯНЕ

Юмористические рассказы

**Мұхаррір АСАД ДИЛМУРОД
Мусаввир А. ГУЛОМОВ
Техн. мұхаррір Ж. НОДИРОВА
Мусаққиҳ С САЙДАЛИМОВ**

ИБ № 2897

Босмахонага берилди 25.12.89 Боскшга рухсат этилди 04.05.90. Р — 07760. Формати 84×108'/ 2-босма қолоғы «Обыкновенная» гарнитурда оффсет босма усулида босалади. Босма л. 6,5. Шартни бисмә листи 10.92. Нашр листи 10.04. Шартлы ир. отт. 11.78. Тиражи 30000. Бумарты 2404. Шартнома 124—88 бадоси 85 т.

**Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» изшриёти
Гоникент, 700113, В-маддада, Катортал кўчеси, 60**

**Ўзбекистон Комлартияси Марказий Комитети изшриётининг Мехнат
Кизил Бафроқ орденли босмахонаси, Тошкент «Правда» газетаси, 41**